

Истиқлол қаҳрамонлари

---

*Абдурауф*  
ФИТРАТ

---

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ»  
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

---

АБДУРАУФ  
ФИТРАТ

---

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

II ЖИЛД

ИЛМИЙ АСАРЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2000

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

## Таҳрир ҳайъати:

*Озод Шарафиддинов, Наим Каримов,  
Дилором Алимдѳва, Суннат Аҳмедов, Шуҳрат Ризаев.*

«Танланган асарлар»нинг II жилдига профессор Фитратнинг тилшунослик, адабиётшунослик, адабиёт тарихи соҳасидаги илмий тадқиқотларидан, адабий мавзулардаги мақола ва тақрирларидан намуналар киритилган. Уларнинг асосий қисми янгитдан нашрга тайёрланган, айрим мақолалар аввалги нашрлар билан солиштирилиб, тузатишлар қилдирилган ҳолда чоп этилмоқда.

Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:  
филология фанлари доктори,  
профессор Ҳамидулла Болтабоев.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,  
профессор Наим Каримов.

## НАВОЙНИНГ ФОРСИЙ ШОИРЛИҒИ ҲАМ УНИНГ ФОРСИЙ ДЕВОНИ ТУҒРИСИДА

Чиғатой адабиётининг энг улуғ намояндаси бўлган Навойнинг форс адабиётининг эътиборлиқ кишиларидан экани маълумдир. Давлатшоҳ<sup>1</sup>, Жомий, Сом Мирзо<sup>2</sup>, Ҳидоят<sup>3</sup>, Ҳусайн<sup>4</sup> каби форс тазкирачилари Навойнинг форс адабиётида кучли қалам эгаси бўлганини тасдиқ қиладилар. Бироқ, адабиёт ҳам санъат дунёсида энг теран бир қараш эгаси бўлган машҳур Бобир Мирзо мазкур форс тазкирачиларидан бир оз айрилиброқ туради: «Навойнинг форсий шеърлари туркий шеърларига кўра кучсиздир», дейди<sup>5</sup>.

Навойнинг форсий шеърларида унвони «Фоний»ми, «Фаной»ми деган бир масъала ҳам бор. Ҳидоят каби баъзи тазкирачилар унинг форси(й)чада «Фаной» аталганини хабар беради. «Бобирнома»нинг кўрсатишига кўра, «Фаной» эмас, «Фоний»дир. Бироқ, Навойнинг ўзи «Лисон ут-тайр» отли китобида:

Форсий назм ичра чун сурдим қалам,  
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.  
Файз етғач ул маонийдин манго,  
Топти билгу назм «Фоний»дин манго

деб ўзининг форси(й)чада «Фоний» унвонли эканини очиқ қилиб айтади. Ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн»ида ёзганига кўра: Навой ўн беш яшарлиқдан қирқ яшарлиққача форс адабиёти билан жуда кучли суратда машғул бўлган, замонида мавжуд форс девонларининг ҳаммасини бўлмаса ҳам кўбини кўрган. Ўзининг форси(й) шеърларини кўбрак Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ҳам ўзининг устоди бўлган Мавлоно Жомийнинг таъсирлари остида ёзган<sup>6</sup>. Унинг форси(й)ча девони олти минг байтдан ортуқдир. Мавлоно Жомийдан бошлаб, у замоннинг энг катта форс шоирлари ўз шеърларини кўрсатган, тузатиб беришини сўраганлар. Навой уларнинг шеърларини ҳақли бир суратда танқид ҳам тасҳиҳ<sup>7</sup> эткан. Навой замонининг форсий шоирлари билан адабий мунозаралар қилиб турган. Бу кун у мунозараларнинг унда-мунда тарқалиб турган бирикки намунаси форс адабиётида унинг қандай чуқур бир киши эканини эълон қилиб туради.

Навой энг улуғ форс шоирларининг энг машҳур, энг қийин асарларига форси(й)ча жавоблар, назиралар ёзган. Машҳур<sup>1</sup>Хисрав Деҳлавийнинг

Кўси шаҳ холийу бонги гулгулаш дарди сар аст,  
Ҳар ки қонеъ шуд, ба хушку тар, шаҳи баҳру бар аст.

деб бошланған бир қасидаси бор: оти «Баҳр ул-аброр» дир<sup>8</sup>. Жомийнинг унга бир назираси, ўхшатмаси бор, оти «Лужжат ул-асрор» бўлиб<sup>9</sup>, Хисравникига кўра кучсизракдир. Навоий ҳам буларга «Тухфат ул-афкор» отли 26 байтдан иборат; бир ўхшатма ёзган<sup>10</sup>:

Оташин лаъли ки тожи хусравонро зевар аст,  
Аҳгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

деб бошланған бу қасида Жомий, Давлатшоҳ каби танқидчиларнинг шаҳодатлариға кўра Хисравникидан қолишмайди.

Яна Хисрав Деҳлавийнинг «Миръот ус-сафо»<sup>11</sup> отли бир қасидасиға Жомийнинг «Жило ур-руҳ» отли бир ўхшатмаси бор<sup>12</sup>. Навоийнинг ҳам буларға:

Муаллилам ишқу пири ақле дон тифли са ба қаҳонаш,  
Пайи таъдиби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш<sup>13</sup>

деб бошланған гўзал бир назираси борлиғини ўзи хабар беради<sup>14</sup>. Булардан бошқа:

Зиҳи ба хомайи қудрат мусаввири ашё,  
Ҳазор нақши ажиб ҳар замон кўнад пайдо<sup>15</sup>.

деб бошланған «Руҳ ул-қудс» қасидаси<sup>16</sup>;

Ҳожибони шаб чу шодурвон савдо афкананд,  
Жилва дар хайли<sup>1</sup> бутони моҳсимо афкананд<sup>17</sup>.

деб бошланған «Айн ул-ҳаёт» қасидаси<sup>18</sup>;

Зиҳи аз шамъи рўйат чашми мардум гаштан урони  
Жаҳонро мардуми чашм омадӣ аз айни нисонӣ<sup>19</sup>

деб бошланған «Минҳож ун-нажот» қасидаси<sup>20</sup>;

Жаҳон ки марҳаилаи танги шоҳ роҳи фаност  
Дар ў масоз иқомат ки роҳи шоҳу гадост<sup>21</sup>.

деб бошланған «Қувват ул-қулуб» қасидаси<sup>22</sup> борлиғини яна ўзи хабар беради. Форс адабиёти билан таниш бўлганлар онда «тарсиъ» санъати<sup>23</sup> деган бир сўз ўйуни борлиғини, албатта, биладилар. Бу ўйун мана шундайдир: биринчи мисраъда неча сўз, қандай шакл-формаларда бўлса, иккинчи мисраъда ҳам шунча сўз худди шул формаларда келтирилади. Форс шоирларининг мундай сўз ўйунларида жуда усталаридан бири

ҳижрий 769 да вафот эткан Салмон Соважийдир<sup>24</sup>.  
Унинг «тарсиъ» санъатида бир қасидаси бор:

Сафойи сафвати рўйат бирехт оби баҳор,  
Ҳавойи жаннати кўйат ба бахт мушку танор<sup>25</sup>.

деб бошланади. Навоий Салмон Соважийнинг шу бай-  
тини ёқтирмайди. Бунда «тарсиъ» тугал эмас, дейди.  
Диққат қилсак, кўрамизким, Салмоннинг бу байтида  
иккинчи мисраъдаги ҳар бир сўз биринчи мисраъдаги  
ҳар бир сўз билан бир «форма»да бўлган: «сафо-ҳаво,  
сафват-жаннат, рўйат-кўйат...» каби. Бироқ, иккинчи  
мисраъдаги «мушк» сўзи билан биринчи мисраъдаги  
«об» сўзининг формалари бошқа-бошқадир. Демак, На-  
воийнинг эътирози тўғри. Бундан кейин Навоий шу  
«тарсиъ» ўйунида ёзгани қасиданинг бош байтини биз-  
га кўрсатади:

Чунон вазит ба бўстон насими фасли баҳор,  
К-аз он расид ба ёрон, шамими васли нигор<sup>26</sup>.

Бу эса, Салмоннинг ҳалиги бош байтидан, албатта,  
чиройлиқдир. «Фусули арбаа»<sup>27</sup> отли машҳур бир фор-  
си (й) манзумасининг ҳам борлигини ўзи «Муҳокамат ул-  
луғатайн»ида хабар берса-да, намунасини кўрсатмай-  
ди. Мавлоно Жомий ҳам «Баҳористон»да Навоийнинг  
форси (й)ча шеърларидан шу рубойларни ҳам кўрса-  
тади:

(Ҳожи ҳажга борганда Навоий унга бир мактуб  
ёзиб, шу рубойни ёзган):

Гар дар дайрам ба гуфтугўят бошам,  
В-ар дар ҳарамам ба жустужўят бошам,  
Дар вақти ҳузур дў ба рўят бошам,  
Дар ғайбат руи дил ба сўят бошам<sup>28</sup>.

(Жомийдан хат олганда):

Ин нома на [нома, дафъи дарди ман аст,  
Ороми дарўни ранжпарварди ман аст,  
Таскини дили гарму дами сарди ман аст,  
Яъни хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст<sup>29</sup>.

(Жомий ҳаждан қайтганда):

Инсоф бидеҳ, ай фалаки минофом,  
То з-ун ду акдом хубтар кард хиром,  
Хуршеди жаҳонтоби ту аз матлаъи субҳ,  
Е моҳи жаҳонгарди ман аз жониби Шом<sup>30</sup>.

Навоийнинг бошқалар билан бўлган адабий мунозаралари ва мана бу чиройлик намуналар Навоийнинг форс тилида ҳам теран, уста бир санъаткор эканин кўрсатади. Унинг форси(й)чада кучсиз бўлгани тўғрида Бобирнинг маълумотини кўб-да қабул эткусимиз келмайди.

Адабиётимизнинг бобоси бўлган Навоийнинг форс тилида бўлган бу иқтидорини кенг суратда очиб кўрсатиш, унинг форс шоирларининг қайсиларидан кўбрак таъсир олганини аниқлаб олиш адабиётимизнинг тарихи учун, албатта, муҳимдир. Бу муҳим адабий хизмати учун унинг форси(й)ча девони лозимдир. Навоийнинг форси(й)ча девони бизнинг хусусий, умумий кутубхоналаримизда бу кунгача йўқ эди. Оврупа кутубхоналарида ҳам борлигини эшитмадик. Мундан уч-тўрт ой бурун адабий текширишлар учун Самарқанддан Бухорога келган Вадуд Маҳмудийнинг ахтаришлари натижасида ўртоқ Мусо Саиджоновнинг хусусий кутубхонасида Навоийнинг форси(й)ча девони борлиги оғлашилди<sup>31</sup>, тўрт ярим минг байтдан ортуқ бўлган бу девон қўлёзма бир «Бедил» девонининг ҳошиясида «ярим шикаста» бир хат билан ёзилган, янглиши жуда кўб. Биринчи ғазали:

Ба мизон камон санжанд/мардум зўр бозуро,  
Ба даст овардамман ҳам зи абруйи тарозўро.

байти билан бошланади. Охириги ғазали:

Хуш он соат ки мирам, бар сари болини ман боши,  
Забонам рафте аз кору ту бо ман дар суҳан боши

байти билан бошланиб, девоннинг ғазал қисми шунинг билан битади. Девоннинг ғазал қисмидан сўнгра «Соқийномаи Мир Алишер» унвонли бир соқийнома бор:

Хуш ондам ки хуш будам аз рўзгор,  
Маро буд майхона дорул қарор.  
Чу хум жойи<sup>1</sup>ман кўнжи майхона буд,  
Сари ман лагад кўби паймона буд

деб бошланган бу соқийнома услубча девоннинг бутун тизмаларидан устундир, гўзалдир. Соқийномадан кейин 30 дан ошган рубонийлари билан бир-икки ҳажвий «қитъа»си бордир. Қитоб ҳижрий 1258 да ёзилган: охирида котибнинг ўз хати билан «Фоний иборат аз Амир Алишер аст Амир Навоий» жумласи ёзилган Навоийнинг туркий шеърларидан ҳам анчаси девон-



нинг форсий шеърлари орасида жой-жойида ўрунлаштирилган. Демак: бунинг Навоий девони эканига котиб жуда яхши ишонган. Бу китоб ўртоқ Саиджонов кутубхонасида<sup>32</sup> топилгандан кейин бухороли Қози Муҳаммад Шариф Садрнинг хусусий кутубхонасида<sup>33</sup> ҳам Навоийнинг бир неча турли асарлари билан бир жойда ёзилган бир форси(й) девони борлиги маълум бўлди. Текшириш натижасида унинг ҳам Саиджонов кутубхонасидаги «Девони Фоний»нинг худди ўзи экани аниқлашилди. Менинг кутубхонамда бўлган қўлёзма «Бобирнома»нинг Навоий таржимайи ҳоли ёзилган саҳифасининг бир четида унинг форси(й)ча шеърларидан деб котиб томонидан шу байт ёзилган:

Васфи муйи миён у Фоний,  
Чи нависад қалам ки му дорад.

Бу байт текшириб турганимиз Фонийда:

Бўйи гул аз ту рангу бӯ дорад,  
Чашми тар аз ман абрӯ дорад

деб бошланган ғазалнинг охиридир.

Демак: текшириб турганимиз бу китоб кўбдан бери, кўб кишилар томонидан Навоийнинг форсий девони деб танилган. Котиблар муни бизга Навоийнинг форсий девони (деб) тақдим этганлар. Бунинг қимматини орттирмақ учун Навоийнинг туркча шеърларидан энг яхшиларини танлаб мунга қўшганлар; муни Навоийнинг бир-икки туркча асари билан бир жойда ёзганлар; Навоийнинг форсий шеърларидан намуналар керак бўлганда ҳам шундай олиб кўрсатканлар. Ҳатто биз ҳам шуларга ишондиқ-да, «Навоийнинг форси(й)ча девони топилди» деб шодландиқ. Бахтга қаршу мунинг Навоийнинг форси(й)ча девони бўлмагани майдонга чиқди.

Ҳақиқатан, бу китоб Навоийнинг форси(й)ча девони эмас, бутунлай бошқа кишининг, бошқа бир «Фоний»нинг девонидир. Бу давони исбот қилмоқ учун тубандаги далилларни келтириш мумкиндир:

Навоийнинг форси(й)ча шеърларидан баъзи намуналарини кўрсатдик. Бу китобнинг услуби ҳалиги намуналарнинг услубига кўра жуда кучсиздир. Сўнгра Навоийнинг форсий шеърлари эканига шубҳа бўлмаган ҳалиги намуналарнинг биртаси ҳам бу китобда йўқдир.

Бу китобдаги шу байтларни ҳам кўрайлик:

- 1) Ҳар ки ҳаст аз аҳли дин гирад зи дунёо гўшайи,  
Ман ҳам аз олам гирифтам гўшайи Кашмирро.

Таржимаси: Ҳар ким дин аҳли эса, дунёнинг бир пучмоғига чекилиб ўтуриши лозимдир. Мен-да дунёдан шул Кашмир пучмоғини танлаб, шунга чекилдим.

- 2) Номи Фоний сайри дар иқлими шуҳрат микӯнад,  
Гарчи худ аз гўшайи Кашмир то Қобул на рафт.

Таржимаси: Фонийнинг ўзи Кашмир пучмоғидан Қобулғача боролмагани ҳолда унинг исми шуҳрат дунёларида саёҳат қилиб юради.

- 3) Фоний аз бахти саёҳат шуда дар Ҳинд ватан,  
Вар на жойи ту, ба жуз гўшайи Кашмир на буд.

Ўзбекчаси: Бахтимнинг қаролиғидан Ҳиндда ўтурман; йўқса менинг жойим Кашмир пучмоғидир.

Мана бу уч байтдан ҳалиги китоб эгасининг кашмирлик экани англашилади. Ҳолбуки, Навоий кашмирлик ҳам эмас, Кашмирда турган ҳам эмасдир. Шу байтнинг ҳам кўрайлик:

- 4) Баски мадҳи подшоҳу шоҳзода гўфтеам,  
Гоҳ Шоҳий шуд тахаллус, гоҳ Султоний маро.

Демак, бу киши бир подшоҳ билан унинг ўғлини кўб махтаб ёзгани учун «Шоҳий», «Султоний» лақабларини олган, Навоийнинг эса, шеърда ундай лақаблари йўқ эди.

Китобда ҳажвий бир парча бор. Кармина шаҳрига табиб бўлуб белгилангани учун Кўр Боқий деган кишига аталиб ёзилган. Бундан бошқа:

Рўзгор аст офият шуда гум,  
Зиндаги талх ташта бар мардум

деб бошланган бир ғазали бор. Бу ғазал Бухоро ҳақида ёзилган. «Бухорода эсонлик йўқолди; тирикчилик аччиғлашди; одамлар илон, чаёнга ўхшаб бир-бирларини чақмоқдалар; пул йўқ, нон топилмайди; бу шаҳардан ҳажға томон ҳижрат қилиш керак», дейилади. Мана бу васиқалар бу кишининг аслида карминалик ё бухоролик эканин кўрсатади.

Китобнинг ўзидаги васиқаларини мана шундай қаторлаб кўргандан кейин бир оз-да ташқаридан васиқа ахтарайлик: Ш. Сомийнинг «Қомус ул-аълом»ида Фоний исми билан икки шоир кўрсатилади<sup>34</sup>. Шулардан

иккинчиси кашмирлик, оти Муҳаммад Муҳсин, бир неча вақт Деҳли ҳукмдори Шоҳ Жаҳонга хизмат қилиб яна Кашмирга чекилган, тарки дунё қилган, ҳижрий 1081 йилда ўлган. Шу байт уникидир:

Зи дийда рафтеанд, ба дил жо гирифтеанд,  
Хубон ба эътиқоди худ аз мо буридеанд.

Ш. Сомийнинг шу намунаси бизнинг қўлимиздаги «Девони Фоний»да:

Зи зодагони умид зи ҳар жо буридеанд,

деб бошланган бир ғазали бордир. Мана шу васиқаларни бир-бирига боғлаганимизда, тубандаги натижа чиқиб қолади: ҳижрий ўн биринчи асрда Муҳаммад Муҳсин деган бир киши ўткан. Бу киши Қармина — бухоролиқ бўлган. Бухородан Ҳиндустонга ҳижрат қилиб, Кашмирда ўрунлашган. Бир вақтлар Деҳлида ҳукуматга хизмат қилган, яна Кашмирга қайтган. Бизнинг орамизда Навоийнинг форси(й) девони деб топилган китоб ҳақиқатда шунинг китоби. Навоийнинг форси(й)-ча ҳақиқий девонини янгидан охтариш эса, яна бизнинг вазифамиз.

### ҚУТАДҒУ БИЛИГ<sup>1)</sup>

*Бу муҳим китобнинг учинчи нусхаси топилди.*

Аббосийлар кучсизланиб, Бағдод шаҳри ислом дунёсининг адабий, илмий марказлигини йўқотгандан сўнг Хуросонда, Туркистонда Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд каби илмий-адабий янги марказлар вужудга келди. Шунларнинг биртаси Қашғар шаҳридир.

Ҳижрий тўртинчи асрнинг сўнглиридан бошлаб Туркистон ўлкаси ислом маданияти таъсирига қатъий берилган, Шарқий Туркистондаги бу Қорахонлар ҳукумати теварагида ислом — Эрон таъсирлари остида, бир «сарой кишилари» — ҳавас синфи вужудга чиққан эди. Мана шу синфнинг ташаккулига<sup>1</sup> хизмат этмак, унинг бош ташкилотини биркитмак, унинг сўроғлариға жавоб

<sup>1)</sup> «Қутадғу билиг» тўғрисида «Инқилоб»нинг 9—10 нчи сопида ўртоқ А. Саъдий томонидан бир мақола ёзилган эди. Бу кун бу китобнинг учинчи нусхаси ўзбек плм ходимлари томонидан топилган экан, биз унинг тўғрисида янгидан тўлароқ бир мақола бостиришни муносиб кўрдик (*Идора*).

бермак учун яна ислом — Эрон адабиётининг таъсири остида янги бир адабиёт ҳам кўрула бошлади, мана шу адабиётнинг китоб шаклинда ёзилган энг эски бир намунаси '«Қутадғу билиг» китобидир...

Бу муҳим китоб Юсуф Хос Ҳожиб томонидан Боласоғун<sup>1)</sup> да ёзила бошлаган. Ҳижрий 462, милодий 1069 да Қашғарда битирилиб, Қора Бўғраҳонга тортуқ этилган.

Ёзилиши тизимнинг «иккилик» (маснавий) шаклида бўлуб, вазни машҳур Эрон шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си вазнидадир. Китоб эгасининг Фирдавсий «Шоҳнома»сини кўрган сўзларидан онглашиладир. Бу эски турк шоири турклар учун жуда қийин бўлган бир вазнида жуда муваффақ бўлуб ёзган. Бир кўб олимларнинг айтганларига ишониб, мен ҳам бу китобнинг вазнида анча камчиликлар, тўлмаган ўрунлар бор, деб ишонган эдим. Бу кун эса бу фикрда эмасман. Вазни жуда тузук чиққан, баъзи жойларидан «Шоҳнома» оҳангининг ҳиди келиб турадир. Бироқ вазни тўлдирмоқ учун сўз 'орасида ҳеч керак бўлмаган ҳолда — «кўр», «ул» сўзларини тез-тез айтиб турадирким, шоирни бунга, албатта, маъзур кўришимиз керакдир.

«Қутадғу билиг» санъатли бир шеър мажмуаси эмас, манзум бир ахлоқий, идорий китобдир. Бундан инсон сифатларидан адолат, давлат, ақл, қаноатни мажоз йўли билан тўрт киши этиб кўрсатиладир. Булардан адолат хоқон бўлуб, оти «Кунтуғди»; давлат унинг вазири бўлуб, оти «Ойтўлди»; ақл вазирнинг ўғли бўлиб, оти «Ўгдулмиш»; қаноат вазирнинг қариндоши бўлиб, оти «Ўзғурмиш»дир.

Мана шу тўрт мажозий кишиларни шоир бир-бирига кўруштириб, сўйлаштиради. Айтмак истагани сўзларни, бермак истагани насиҳатларни шуларнинг тилидан айтиб эшиттирадир. Берилатурган насиҳатлари хоқонга вазир, элчи, котиб, хазиначи, қопқачи<sup>2</sup> бўлатурган кишиларнинг қандай бўлишлари; шоирлар, саййидлар, олимлар, бўлдучилар<sup>3</sup>, сунъучилар<sup>4</sup>, қуришчилар<sup>5</sup> билан хоқоннинг қандай муносабат қилиши, сўзламак шартлари, дунёнинг фонийлиги, давлатнинг вафосизлиги тўғруларинда узун, жуда узун қилиб сўзламакдан иборатдир.

Албатта, бу куннинг кишилари учун бу насиҳатлардан ярим чақалиқ фойда йўқ. Бироқ бу китоб энг эски

<sup>1)</sup> Еттисув вилоятида шаҳар бўлган.

бир шоир томонидан ёзилгани учун тил жиҳатидан, энг эски бир замонда «гуруҳлар» ҳам онлар орасидаги муносабатларни билдиргани учун тарих жиҳатидан жуда муҳим, жуда қимматли бир китобдир. Оврупа мусташириқларининг ҳам бу китобга берган аҳамиятлари шул жиҳатлардандир, албатта.

Бу муҳим китобнинг бирдан-бир нусхасини Оврупа мусташириқларидан Жозеф Хаммер<sup>6</sup> деган киши Истанбулдан топиб олган.

Бу нусха ҳижрий 843 нчи йилда Ҳирот шаҳрида уйғур ҳарфлари билан ёзилган, ҳоло Венада император кутубхонасид (а) сақланмоқдадир.

Бу нусхадан баъзи намуналар олиб, «Жаубер»<sup>7</sup>, Вамбери<sup>8</sup> каби мусташириқлар Оврупа матбуотида нашр этгандан сўнг, бутуни милодий 1891—1900 йилларда Воролов<sup>9</sup> томонидан нашр этилган. Уйғур ҳарфлари билан ёзилган бу нусхани тўғри, очиқ ўқуб маъно чиқармақ мумкин бўлмагани учун «Вамбери», Радлов, Томсен<sup>10</sup>, Мартин Хартман<sup>11</sup> деган тўрт мусташириқ томонидан тўрт турли ўқулган. «Вамбери» билан Томсен ўқушлари бир-бирига яқин, Радлов билан Хартман ўқушлари бир-бирига яқиндир. «Томсен» эса Радловнинг ўқушини қатъий танқид қилиб, асоссиз бўлганини исбот қилган<sup>1)</sup>.

Бу китобнинг иккинчи нусхаси Миср-Қоҳира шаҳрида Ҳидув кутубхонасида топилган, ҳали ҳам шунда сақланадир. Бу нусха уйғур ҳарфи билан эмас, араб ҳарфи билан ёзилган. Мисрдаги у нусхадан фотограф билан кўтарилган бир нусха Истанбул дорилфунуни кутубхонасида, бир нусхада Ленинградда Азия музейхонасида бордир. Учинчи нусхаси ҳам араб ҳарфлари билан ёзилган бўлиб, Фарғонада топилган.

Бошлаб бу китобни Заки Валиди кўрган бўлса ҳам қўлга тушира олмаган. Бу кун бизнинг топиб келтурганимиз «Қутадғу билиг» китоби мана шул учинчи нусхасидир.

Китобни уйғур ёзмасидан ўқуған мусташириқ Радлов бунинг отини «Қудатғу билиг» деб ўқуған. Бу кунда ҳам Оврупа олимлари орасида шул исм билан машҳурдир. Бироқ бу ўқулиш янглишдир. Ҳам Мисрдаги нусхада, ҳам бизнинг қўлимиздаги нусхада китобнинг

---

<sup>1)</sup> «Турк тили ёдгорлари» («Туркий Йўжаф»дан таржима) «Миллий татаббуълар мажмуаси». Жилд 2, сов 4.

оти «Қутадғу билиг» шаклида ёзилган: «қут» — «бахт»; «қутадғу» — қутайғу — «бахтликланиш»; «билик» — «билим» бўлуб, «Қутадғу билиг»нинг маъноси «Бахтликланиш билими» бўладир.

«Қутадғу билиг»нинг илм дунёсида маълум бўлган нухаларида бошда бир сочим бошланғич (наسر билан ёзилган бир муқаддима), ондан сўнгра китобдаги «боб»ларни кўрсаткичи — бир фикҳрист<sup>13</sup>, ондан кейин китобнинг «назм» қисми борлиғи маълумдир.

Бизнинг қўлимиздаги нухада эса «сочим-бошланғич»нинг кўбраки тушкан. Озгинаси (бир ярим бети) қолгандир. «Фикҳрист» қисмида китобнинг олтмиш етти боби кўрсатилган. Бу олтмиш етти бобдан ёлғуз бешинчи бобнинг исми тушуб қолган.

«Сочим — бошланғич»нинг китоб эгаси томонидан эмас, бошқа бир киши томонидан ёзилганини Оврупа олимлари бир оғиздан сўйлайдир. Меним фикримча, бизнинг қўлимиздаги нуханинг «фикҳрист» қисми ҳам китоб эгаси томонидан ёзилмаган. Чунки «фикҳрист»да кўрсатилган «боб» исмлари билан матндаги «боб» исмлари орасида анча айирма борлиғи кўрунадир. Китобнинг ичида Худони, Пайғамбарни, саҳобаларни, Қора Бўғрохонни махтаб ёзилган тўрт бобнинг исмлари «фикҳрист»да кўрсатилмайдир. Ондан кейин:

«Фикҳрис»да:

Матнда:

Ярда дор некутик кирокин оюр:  
 Хазинадор некутик кирокин оюр:  
 Шаробдор некутик кирокин оюр:  
 (Ф) Қароам бирла суҳбат сўзи,

Қабуғ ишлар орти кутик кирокин оюр,  
 Игинчи некутик кирокин оюр,  
 Идишчи бши некутик кирокин оюр,  
 Раиятлар бирла суҳбат сўзи,

деб ёзилган.

Матнда «(Ф) Қароам бирла суҳбат сўзи» деган бобдан сўнг саййидлар, олимлар, туш йўруғчилар<sup>13</sup>, санқичилар, экинчилар<sup>14</sup> ва бошқалар билан аралашмоқ тўғруларида 13 боб ёзилган бўлуб, «фикҳрист»да бунларнинг биртаси ҳам ёзилмаган.

Бу айирма эса, «фикҳрист»нинг ҳам бошқа киши

томбидан ёзилганини кўрсатадир<sup>1)</sup>. Китобнинг назм қисми эса 6329 байтдан иборатдир. Тугал «Қутадғу билиг»да 6500 байт борлиғи ёзиладир. Демак, бизнинг қўлимиздағи нусханинг 171 байт камчилиги бор. Бизнинг қўлимиздағи бу нусха энг ёмон бир бахтсизлиққа ҳам учраган: Қачон бўлса-да, бир йўла титилиб, япроқлари бир-бирдан айрилиб тушкан. Бир киши тартибга қарамасдан япроқларини бир-бирига ёпиштириб тиккан: китобнинг тартиби бузилиб қолган, шунинг учун 171 байт камчилигининг қайси боблардан тушканини билмак шу тобда мумкин бўлмади. Буни билмак (учун) бу нусхани бошқа нусхалар билан келтириш тартибини кузатмак лозим бўладир.

«Қутадғу билиг» маснавий (иккилик тизим) шаклида ёзилган бўлса ҳам онда бир кўб тўртликлар (рубойлар) бор. Бу тўртликлар яна «Шоҳнома» вазнида бўлуб, қофиялари Эрон шоирлари орасида машҳур бўлган рубойлар тартибидадир. Бу кунгача туркчилик олимларидан бирининг бу рубойлардан айрича сўз очқонини билмаймиз, эшитмадик. Бизнинг қўлимиздағи китобда бу рубойларга айрича аҳамият берилган, ол-тун суви билан ёзилган. Бу рубойлардан бизнинг қўлимиздағи нусхада юз саксон икки дона бордир. Бизнинг нусханинг 171 байт камчилиги борлиғини юқорида ёзган эдик. Буни кўзда тутганда рубойлардан ҳам тушуб қолган бўлуши мумкиндир.

Китоб муаллифининг бу рубойлардан ҳар бирини ёзганда «тингла эмди, шоир нима деган!», «шоир бу масъалага ўхшатиб шу сўзни айтадир»<sup>2)</sup> деганини эътиборга олганда, бу рубойларнинг бошқа шоир томонидан айтилгани, Юсуф Ҳожибнинг эса, у шоирнинг рубойларидан ўз китобига керак бўлганларини олгани хотирга келадир. Бироқ, рубойларнинг вазни «Қутадғу билиг» вазнидадир, услубда ҳам айирмаси ҳеч кўрунмайдур. Шунинг учун бу рубойларни ҳам Юсуф Ҳожибнинг ўз асарлари демак муносиб кўринадир. Шундай бўлгач, шоир бу рубойларни кетирганда нега «шоир сўзини тингла», деган?!

---

1) А. Раҳим, А. Азизлар томонидан ёзилган «Тотор адабиёти тарихи». Биринчи жилд. Бурунги давр.

2) Мунгар менгза тўқилди шоир тили.  
Бу шоир тили бўлди сўзга/ули.

Мунгар менгза тўқилди шоир сўзи,  
Уқиса очилғай ўқивли қўзи.

(«Қутадғу билиг»)

Бу сўроққа шу йўлда жавоб бериш мумкин: Юсуф Ҳожиб замонида Хитой адабиётида, турк халқ адабиётида, форс адабиётида ҳикматли сўзлар кўб бўлган. Шоир шунлардан фойдаланган, шунларни ўз китобининг вазн ҳам услубига айлантириб, китобини шунлар билан безатган. Китобнинг муқаддимасида шоир томонидан «Бу китобни Чин-Мочин ҳакимларининг масъалалари, шеърлари билан безатдим», деган сўзини<sup>1)</sup> бизнинг шу фикримиз билан изоҳ этмак мумкин.

Русиянинг машҳур туркшуносларидан профессур Самойлович Московда мен билан кўришганида «Девону луғатит турк»дан фойдаланиб, «Қутадғу билиг»нинг янги бир босмасини (таъъини) тайёрлаганини билдирган эди. Шунинг бизнинг қўлимиздаги нусха билан солиштиргандан сўнг бостирса эди, профессур жанобларининг бу илмий хизматининг илмий баҳоси жуда ортқон бўлар эди.

Бизнинг қўлимиздаги нуханинг қачон ёзилгани тўғрисида фанний бир нарса айтиб бўлмайди. Қачон ёзилгани айтилмаган ёки туриб қолган. Бироқ китобнинг «сулс» хати<sup>15</sup> билан ёзилганини, «сулс» хатининг эса, ислом дунёсида «таълиқ» хатидан бурун эътиборда бўлганини кўзда тутсоқ: китобнинг жуда эскириб, қорасининг ўчаёзганини ҳам бунга қўшсоқ, бу нуханинг ҳар ҳолда беш аср бурун, яъни уйғурча нухадан бурунроқ ёки шунинг билан бир замонда ёзилган, деб ўйламоқ мумкин.

Бу китоб тарихан ҳам тилимиз жиҳатидан жуда муҳим, жуда фойдали бир китобдир. Бор нухалари билан солиштириб, бунинг камчиликларини тўлдирмоқ, узилган тартибини тузатмак, онглашилмайтурган сўзларини изоҳ қилиб, оз бир миқдорда бостирмоқ, ҳеч бўлмаганда профессур Самойловичнинг хизмати билан тайёрланган нухани бу билан солиштириб, уни бостирмоқ учун ёрдам этмак. Ўзбек билим маркази, Ўзбек маориф камиссарлигининг энг муҳим, жуда хайрлик вазифаларидан биридир. Шу йўлда ҳиммат, ғайратларини сўраймиз.

### АҲМАД ЯССАВИЙ

Аҳмад Яссавий тўғрисида матбуотимизда бир-икки йўла гаплар бўлуб ўтган эди. Лекин, улар қуруқ

<sup>1)</sup> «Тоттор адабиёти тарихи». Биринчи жилд.



махташлар ҳам анчагина фалсафалардан тўлдирилган; шунинг учун Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларини бўлгани каби тасвир қилиб бериш хизматидан ожиз мақолалар<sup>1</sup> эдилар. Ўзбек адабиёти тарихини ёзиб турганим муносабати билан Аҳмад Яссавий билан анча машғул бўлушга тўғри келди. Мана шу машғулиятларнинг қисқагина бир хулосасини «Маориф ва ўқитғучи» журналининг ўқиғучиларига арз этишни муносиб кўрдим.

### Тасаввуф тўғрисида

Араб бўлмаган ўлкаларни дин исмидан истило этган арабларнинг диний ҳам миллий таассублари, маҳаллий дин, маҳаллий маданиятга қаршу ислом исмидан қаттиғ курашлари, араб бўлмаган миллатларга ғўр қараб таҳқир қилишлари (айниқса, умавийлар замонида) араб-халифат саройининг оғир исрофли чиқимлари, араб волийлари ҳам шунларнинг думлари бўлуб яшаган маҳаллий хонлар, бекларнинг оғир талаблари остида халқ, айтиқса, мустамлака халқи сўнг даража эзилган эди. Мана шу эзилишдан туғулган умумий норозиликлар исломнинг то бурунги замонларидан бошлаб турли сиёсий, диний оқимларга, мухолифатларга йўл очиб, шунларнинг кенгайишига сабаб бўлган. Мана шул мухолифат оқимларининг энг каттаси, энг кенги ҳам жуда устаси ўзининг асосларини ислом таассуби остида эзилган маҳаллий эътиқодлардан олиб майдонга чиққан тасаввуф оқимидир.

Тасаввуф оқимининг усталиги унинг секинлик билан, мухолифатни сездирмасдан юрушидадир. Жомий, Ибни Арабий, Абдулкарим халифа каби эътиборли тасаввуф муҳаррирларининг кўрсатганларига кўра тасаввуфнинг турли даражалари, турли манзаралари бор (ёзиб турганим ўзбек адабиёти тарихида бу тўғрида муфассал маълумот бор)<sup>2</sup>. Юқорида деганим каби тасаввуф маслаги мустамлакачиларнинг маҳкумларга қилган адолатсизликларидан ҳам бу адолатсизликнинг диний таассубга, динга таянганидан чиққан акси таъсиридир. Шунинг учун тасаввуфнинг юқори поғоналарида, юқори босқичларида диний таассубга, динга, шариятга қаршу унсурларнинг борлиғи, кўблиғи аниқдир. Тасаввуф маслакига кирганлар биринчи босқичда исломнинг бутун ҳукмларига, ахлқ, ибодат, эътиқодга оид бўлган бутун дастурларини қабул қи-

либ кирганлари ҳолда сўнг босқичларга тўғри келгач буларнинг ҳаммасидан, ҳеч нарса сезмасдан узоқлашиб қоладилар. Қиёмат, меърож, жаннат, жаҳаннам, таҳорат, намоз каби ислом дастурларини таъвил қиладилар, уларга ўзларича маъно берадилар. Бу ишлар шунча усталик билан борадирким, «мурид» охирги манзилга етканча қаёққа бориб турганини сезмай қолади.

Тасаввуф ислом ўлкасида то исломнинг бурунги асрларидан кўруна бошлаган. Ҳижрий иккинчи асрда Шақиқ Балхий, Иброҳим Адҳам каби машҳур тасаввуф намояндлари Туркистон ўлкасида етиша бошлаган эдилар.

### Яссавий ким бўлган?

Ҳижрий бешинчи асрда Эроннинг Ҳамадон шаҳрига яқин бир ўрунда туғулган Юсуф Ҳамадоний деган бир одам диний илмларни ўрганиб, катта шуҳрат эгаси бўлгач, тасаввуфга ҳам берилган эди. Мана шул мулла-мутасаввиф Марв, Бухоро, Самаркент (Самарқанд) шаҳарларида хонақоҳлар қуруб шайхлик қила бошлайди. Бизнинг Аҳмад Яссавийимиз ҳам мана шул Юсуф Ҳамадонийнинг муриди, учунчи халфасидир.

Аҳмад Яссавий, бир ривоятга кўра Ясси (бугунги Туркистон) шаҳрида, бир ривоятга кўра Сайрамда туғулган. Унинг қачон туғулиши маълум эмас. Бироқ вафотининг ҳижрий 562 да бўлганини ҳамда «Девони ҳикмат» идаги шу:

Тўрт юз йилдан кейин чиқиб уммат бўлғай,  
Неча йиллар юруб халққа хизмат қилғай —

байтини назарда тутиб, ҳар ҳолда унинг ҳижрий тўртинчи асрнинг иккинчи ярмида туғулганига ҳукм қилиш мумкиндир.

Яссавийнинг отаси Шайх Иброҳим исмли эшон бўлуб, унинг ёшлигида ўлган. Ятим қолган Яссавий у замоннинг машҳур шайхларидан Арслонбобдан (бошлангич тарбия) олган. Арслонбоб ўлгандан кейин бизнинг Яссавий пир излаб Бухорога келган, юқорида ёзганимиз Юсуф Ҳамадонийга учраб, шунга мурид бўлган. Юсуф Ҳамадоний ўлгандан сўнг учинчи халфаси бўлуб шайхлик қилган. Бир оздан сўнг Бухоро шайхлигини Юсуф Ҳамадонийнинг тўртунчи халфаси бўлган Абдулхолик Ғиждувонийга топшириб, ўзи Яс-

сига қайтган. Онда дала халқидан кўб мурид йиғиб, хонақоҳ очиб шайхлиқ қилган. Яссавийнинг форс адабиёти вазн ва услубида эмас, турк миллий вазнида, халқ адабиёти услубида ёзгани мана шул Яссига қайтиб дала халқидан муридлар тўплаганидан кейин бошланган бўлса керак. Яссавий олтмиш уч ёшига киргач, хонақоҳда ер ости(дан) бир чиллахона қоздириб, шунга кирган ва дунёдан алоқасини кесган каби кўрунуб шайхлиқни давом эттирган ҳам шунда ўлган. Вафоти ҳижрий 562 нчи йилдадир.

### Ҳикматлари

Аҳмад Яссавий шеърларининг ҳар парчасига «ҳикмат» унвони берилган, тўпланиб китоб(нинг) шаклига келтирилган. Бу кун орамизда бу китобнинг бир кўб қўлёзма нусхалари бўлгани каби Тошкент, Истанбул, Қозон шаҳарларида босилган босма нусхалари ҳам кўбдир.

Аҳмад Яссавийнинг бу асари ҳижрий бешинчи-олтинчи асрнинг адабий бир емиши<sup>3</sup>, яъни машҳур «Қутадғу билиг» китобидан бир аср сўнгра «Ҳибат ул-ҳақойиқ» китоби билан бир асрда ёзилмиш бўлгани учун адабиёт, айниқса, эл тарихимиз учун катта аҳамиятлик асарларидан саналса керак эди. Ҳижрий бешинчи-олтинчи асрда ёзилган туркча асарларнинг озлигини кўзга олганимизда бу асарнинг қиймати яна ортган бўлур эди. Лекин бахтга қаршу масъаланинг шу томонни кутганимиздан бироз бошқачадир: «Девони ҳикмат»нинг бу кун маълум бўлган нусхаларининг ҳаммаси сўнг замонларда ёзилган нусхалардир.

Унинг Яссавий замониға яқин бир замонда ёзилган бир нусхаси майдонда йўқ. Бу кун «Девони ҳикмат»лардағи парча ҳақиқатан Яссавийникими? Ундан сўнгра давом этган шогирдлари, муридлари унинг отиға баъзи парчалар ёзиб тарқатмадиларми? Бу кун(ги) «Девони ҳикмат»нинг ҳаммаси, ҳеч бўлмағанда бир қисми сўнг замонда етишкан мана шунақа шогирдларининг асарлари эмасми?

«Бу кун илм дунёсида маълум «Девони ҳикмат»ларни мана шундай шубҳалар остиға қолдириш мумкин. «Девони ҳикмат»нинг Яссавий замониға яқин бир замонда ёзилган бирор нусхаси топилмагунча, бу шубҳаларни йўқотиш мумкин эмас. Бу шубҳалар йўқол-

мағұнча, маълум «Девони ҳикмат»ларни тил тарихи қарашидан текширишдан илмий бир натижа чиқмайди»<sup>1)</sup>,

### Яссавийнинг таъсири

... Ўтган шоирлар, адиблар, сўфилар орасида Яссавий қадар ўз таъсирини кенгайтган бир кишини учратиш бўлмайди. Ўрта Осиёнинг шайхлари, эшонлари Яссавийни ўзларига пир, устоз деб танийдилар. Аҳмад Яссавийдан кейин унинг услубида шеър ёзмоқ турк шайхлари орасида «мўда» шаклига кирган. Булар услуб, вазн, мафкура ёғидан Яссавийни айнан тақлид қилиб «ҳикмат»лар ёзган ва бу ҳикматларни мачитларда «жаҳр»<sup>4</sup> кунларида ўқутганлар. Унинг маслагидан бўлган Мансур ота, Абдумалик ота, Тож хўжа, Санд ота, Сулаймон ота, Занги ота, Узун Ҳасан ота, Исмойил ота, Исҳоқ ота, Садр ота, Бадр ота, Али шайх, Маҳдуд шайх, Қамол шайх, Ходим шайх, Ҳалил ота каби шайхлар, эҳтимолким, шу йўлда ҳикматлар ёздилар. Лекин буларнинг асарлари бу кун майдонда қолмаган. Ёлғуз ҳаким Сулаймон отанинг ҳикматлари машҳурдир.

Аҳмад Яссавийни таъқиб этган<sup>5</sup> кишилардан бизга маълум бўлганларидан бири ҳижрий 1263 да вафот қилган Азим Хўжадирким, ҳикматлари ҳижрий 1312 да Тошкентда «Ҳикмати эшони Азим Хўжа» унвони билан тош босмада босдирилгандир.

«Девони ҳикмат»нинг Истанбул босмасида Юсуф Байзавий, Қозон босмасида Қул Ғариб тахаллуслари борким, булар Аҳмад Яссавий мактабида етишкан шоирлардир. Ёлғуз Ўрта Осиёда эмас, тоторлар орасида ҳам Яссавий билан унинг шоғирдлари Сулаймон отанинг катта эътиборлари бўлган, уларнинг ҳикматлари халқ орасида қўлдан-қўлга юруб, ўқулган, ҳатто неча дафъалар босилиб тарқатилган. Тоторлар орасида жуда машҳур ва мўътабар бўлган «Бадавом»да Яссавий ҳикматларининг шакли кўруниб тургани каби Яссавий ҳам Сулаймон ота услубларида халқ шеърлари ҳам бўлуб ўткан (Тотор адабиёти тарихи. Феўдализм даври. Иккинчи босма. А. Раҳим, А. Азиз, б. 140). Озарни (й) ларнинг машҳур мутасаввиф шоирлари бўлган Сайид Имод Насимий, туркман халқ шоири Мах-

<sup>1)</sup> Тирноқ орасидаги сўзлар профессур Кўпрулузоданинг фикри бўлуб жуда тўғридир — *Ф(итрат)*.

тумқулининг, усмонли халқ мутасаввиф шоирларининг Аҳмад Яссавийдан таъсирланганлари илм дунёсида маълумдир.

Булардан охиригини кенг бир шаклда изоҳ қилмоқ учун усмонли олим Кўпрулузода ўзининг китобини ёзиб чиқардиким, адабиётимизнинг тарихи билан қизиққан кишиларга мутолааси лозимдир<sup>6</sup>.

Яссавий асарларининг бунча кенг доирада ёйилиб ўқулгани ҳам тақдир этилгани, туркий халқларнинг оммаси аро ҳаёт ва онг томондан «бир турлилиқ»нинг давом этканига далил бўлса керак.

### Яссавийнинг муҳити

Яссавийнинг ҳижрий бешинчи асрнинг охирида етишиб, олтинчи асрнинг охиригагача яшагани юқорида кўрган эдик. Яссавийнинг мафкурасини очиқ кўриш учун Ўрта Осиёнинг ҳижрий бешинчи-олтинчи (милодий 11 нчи — 12 нчи) асрлардаги ҳолларининг хулосасини қисқача тасвир этмак лозимдир.

Марказлари Бухорода бўлган сомонийлар ҳукумати ҳижрий 4-асрнинг яримларида кучсизлана бошлаган. Қашғардаги қорахонийлар ҳукумати тез-тез Ўрта Осиёга ҳужумга киришкан, сомонийлар сулоласи тамом бўлгандан сўнг Ўрта Осиё қорахонийлар томонидан идора этила бошланди. Шул кунларда Бухоро қашқарлиқ Иликхон қўлида бўлса ҳам унинг Самарқанд, Кеш (Қарши — Бехбудий)<sup>7</sup> ҳам Қўқон вилоятларидаги ҳокимияти ҳеч эди. Мунда ҳар бир волий ўзбошинча ишлар эди. Баъзан бу волийлардан тўрт-бешталари бирлашиб, Маҳмуд Ғазнавийдан ёрдам олиб, Иликхонга ҳужум қилар эдилар<sup>1)</sup>.

Қорахоний сулоласи замонда ҳукмдор битта эмас эди. Кўчманчи, ярим кўчманчи халқларнинг ҳаммасида бўлганидек, қорахонийлар ҳам бошда мухторияти кичкина вилоятларга бўлинган, сўнгралари булардан ҳар бири мустақил ўлкалар саналган, буларнинг ўзaro чегаралари тез-тез ўзгариб турган, кўбрак ўзaro урушлар билан ҳам машғул бўлганлар<sup>2)</sup>. У замонлар қорахонийлар мусулмон уруғларидан эдилар. Булар мана

<sup>1)</sup> Вамберининг «Бухоро тарихи». Фотиҳ Каримий таржимаси, ж. I.

<sup>2)</sup> Бартольд. Турквостон тарихи. Фотиҳ Каримий таржимаси, 36-б.

шул ҳолларда яшаганда «кофир» турклардан қорахитойларнинг ҳужумлариға ҳар вақт учраб келдилар. Милодий ўн иккинчи (ҳижрий олтинчи) асрда қорахитойлар Ўрта Осиёни истило қилдилар. Қорахитойлар ҳам истило қилганлари ўлкаларни маҳаллий феўдалларға топшириб, олий ҳокимиятиниғина ўз қўлларида сақлаган эдилар.

12-асрда Бухорода энг катта бой ва мулла бир оила ҳукум сурардиким, буларға «ал-Бурҳон» ёхуд «садр»лар унвони берилган эди<sup>8</sup>. Булар бошда қорахонийларға тобеъ эдилар. Қорахитойлар келгач, «садр» Ҳисомутдин Умарни ўлдуруб, буларни ўзлариға қаратган. Бу «садр»лар ҳукуматининг ёнида қорахитойларнинг бир вакили турар эди. Бешинчи-олтинчи асрларда давом этган бу тортишмалар, жанжалларнинг зарари беклар, аслзода бойлар ҳам уларнинг қуйруқлари бўлганларға қараганда кўбрак тубан синф, қора халқ аталган оммаға зарар берар эди. Узун сурган урушларда экин ерларнинг емирилиши, чорваларнинг ёйлоқсиз қолиши, бир кўб кишиларнинг юртидан ҳайдалиши, бир кўб оилаларнинг бошлиқсиз бўлуб қолишлари табиғийдир. Анча муддат бу ҳолда қолган омманинг қайғуларға ботиб, ҳаётдан безиб, қалин бир умидсизликка тушмағанлиғини даъво қилиб бўлмай-дир.

### Мафқураси

Мана бизнинг Аҳмад Яссавийнинг адабий фаолияти шул жабрланиб, ҳаётдан безиб, умидсизланган синф орасида бўлди. Яссавий жамиятнинг юқоридағи воқиалардан зарарланмаган, балки фойда қилгувчи беклар, оқсуяклар, аскар бошлиқлари ҳам шунларнинг қуйруқлари бўлиб яшаган мулла, эшонлар қаторида бўлмади; мазлум синфнинг орасида бўлди. Шуларнинг қайғулари билан йиғлашга мажбур бўлди ҳам йиғлади. Яссавий у замоннинг ҳоким синфини айрим гуруҳ унвонлари билан атаб, бир гуруҳнинг адресига қаттиғ сўкушлар тақдим қилади:

Дунё маним деганлар, жаҳон молин олганлар,  
Каркас қушдек бўлубон ул ҳаромға ботмишлар.  
Мулла, муфти бўлганлар, ноҳақ даъво қилганлар,  
Оқниқаро қилганлар, ул томуққа кирмишлар.

Қози-имом бўлганлар, ноҳақ даъво қилганлар,  
Химор<sup>1)</sup> янглиғ бўлубон юк остида қолмишлар.  
Ҳаром еган ҳокимлар, ришват олиб егонлар,  
Ўз бармоғин тишлабон қўрқуб, қуруб қолмишлар,  
Тотлиғ тахтда ўлтурган туфроқ аро ётмишлар.

\* \* \*

Доми тасвир қўюб халқни йўлдан урдук,  
Шайхлиқ қилиб риё билан дўкон қурдук.  
Ишрат қилиб шайтон бирла даврон сурдук,  
Дийдориға сени не деб раво қилсун.

\* \* \*

Эшону шайх, хўжа, мулла дунё излар,  
Ул сабабдин подшоҳларға ёлғон сўзлар.  
Оят, ҳадис сўзин қўюб молни кўзлар,  
(Ҳақ. йўлида ҳаргиз меҳнат тортқони йўқ)<sup>9</sup>.

\* \* \*

Охир замон олимлари золим бўлди,  
Хушомадни айткучилар олим бўлди.  
Ҳақни айтган дарвишларға ғаним бўлди,  
Ажаб шумлик замоналар бўлди, дўстлар.

\* \* \*

Подшоҳларда, вазирларда адолат йўқ,  
Дунё учун бир-бириға қилмас шафқат.  
Золимларға асир бўлуб қолдим мано.  
Ул сабабдин подшоҳ қилур менга жафо.

\* \* \*

Охир замон бўлғандир; подшоҳ золим бўлғандир,  
Ҳаром, шубҳа тўлғандир, ҳайрон қолур Хўжаҳмад.

Яссавий замонининг эзилган йўқсул синфига «ғариб, ятим, фақир» унвонлари беради, ўзини уларнинг ҳомийси каби кўрсатишга тиришади:

Ғариб, фақир, ятимларнинг бошин силаб,  
Кўнгли қаттиғ халойиқдин қочдим мано.

\* \* \*

Ғариб, фақир, ятимларни қилғил шодмон,  
Хулқлар қилиб азиз жонинг қилғил қурбон.

---

<sup>1)</sup> Химор — эшак демақдир.

Ғариб, фақир, ятимларни ҳар ким сўрар,  
Рози бўлур ул бандадин парвардигор.

Яссавийнинг бу мавзудаги парчалари орасида:

Ятимни кўрсангиз оғритмангизлар,  
Ғарибни кўрсангиз доғ этмангизлар.  
Ятимлар бу жаҳонда хор экандир,  
Ғарибларнинг иши душвор экандир.  
Ғарибларнинг иши доим сулукдир,  
Тирик эрмас, ятим мисли ўлукдир.

Ҳам:

Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,  
Ятимларга аччиғланиб сўз қотмангиз.  
Заъиф кўруб ғарибларга тош отмангиз,  
Бу дунёда ғарибликдек бало бўлмас.

парчалари каби самимий, ёниқ фиғонлар ҳам бордир. Биз Яссавийнинг шу қадрини, албатта, тақдир қиламиз. Ёлғиз шу ёқдангина қараганда унинг ўз замонидаги йўқсулларнинг қайғуларидан хабарли, улар учун йиғлаган, уларнинг душманларига сўкиш билан, насиҳат билан мурожаатлар қилган бир йўқсуллар шоирни каби қабул қиламиз, албатта.

Лекин у қадар билан қолмасдан Яссавийнинг бошқа ёқларини ҳам текширишга мажбурмиз. Бир шоирни, айнуқса, Осиёнинг кенг бир қисмига таъсир қилиб, 7 ярим асрдан бери яшаб келган — бир шоирни текширганда, масъалани бир ёқли қўймоқ — тўғри илмий бир натижа бермайди.

Йўқсуллар учун қайғуриб, уларнинг дардларини куйламакчи бўлган Яссавий уларнинг қутулиш, нажот йўллариини ҳам излаганми, улар (га) қутулиш учун бир дастур, бир йўл кўрсатганми?

Албатта, кўрсатган!

Кошки кўрсатмаган бўлса эди!

Қўлимиздаги «Девони ҳикмат» китобларининг Яссавий отидан қилиб берганлари таълимот жамиятдаги оҳангсизликдан, адолатсизликдан қутулмоқ учун унинг кўрсаткан чоралари шу қадар ярамас, шунча зарарлидирки: унинг таълимотига чин кўнгулдан ишониб, самимий суратда эргашган бир миллат топилса эди, у миллатнинг дунёда «тирик экан ўзига гўр қазмоқ» дан бошқа бир вазифаси қолмаган бўлур эди<sup>10</sup>.



Яссавийнинг золимларга қаршу камбағалларга берадиган насиҳатлари мана шу йўлдадир:

Золим агар жафо қилса «Аллоҳ» дегил,  
Илкинги очиб дуо айлаб бўйунсунгил.  
«Ҳақ» додингга етмас бўлса «гила» қилгил<sup>11</sup>,  
«Ҳақ»дин эшитиб бу сўзларни айдим мано!

Қим ҳиндустояли Гандининг «яроқсиз, қуролсиз қаршилиқ» деган шиорига жуда ўхшайди.

Аҳмад Яссавий бу қадар билан қолмайди. У ҳоким синфнинг адресига юқоридаги қаттиғ сўкушларни юбормоқ билан, камбағал синфни ҳаяжонга ке(л)тирган, қайнатгандек бўлгандан кейин фурсатнинг ғанимат эканини англайди, камбағалларнинг шул чоқдаги руҳий ҳолатларидан фойдаланмоқчи бўлуб, ўзига «мурид» қилиб олиш планини қуради. Гуё юқори табақанинг зулм-адолатсизликларига сабаб камбағалларнинг ўз гуноҳлари Худодан узоқлашганларидир. Яссавий Худо томонидан вакил бўлуб, камбағалларга қаратиб мана шундай дейди:

Сенга жазо яратганга ёлбормадинг,  
«Аллоҳ» дебон тунлар туриб игранмадинг.  
Ҳақиқатдан сўзлар айттим, эшитмадинг,  
Золимларнинг илгин узун қилдим мано!

Яссавий камбағал халқни ўзига мурид қилиб олмоқ учун у қадар ҳирс кўрсатадики, юқоридаги сўзлари билан бу сўзлари орасида бўлган кенг, чуқур мантиқсизликни англамай қолади ёки ўзини англамасликга солади<sup>12</sup>.

Ҳақиқатан, Яссавийнинг юқоридаги шикоят ва сўкушлари билан бу теран фикри орасида каттақон бир мантиқсизлик бор. Бир киши туруб Яссавийга: «Модомики, феўдаллар ҳам уларнинг қуйруқлари томонидан камбағалларга қилинган зулмлар Худонинг амри билан бўлар экан; модомики, Худо у зулмларни камбағалларнинг бошига «жазо» қилиб юборган экан, «сен нега боя уларни шунча сўкуб ташладиң? Уларнинг гуноҳи йўқ экан-ку!» — деб қўйса, Яссавийнинг ҳеч бир жавоб қайтара олмаслиғи аниқдир. Лекин у замонларда Яссавийга ҳеч бир томондан шундай бир эътироз бўлмайди. Камбағаллар томонидан шундай эътироз бўла олмайди. Чунки у вақтларда уларнинг онлари бу масъалаларгача юксалмаган, феўдаллар, умуман, ҳоким табақа ҳам бундай эътироз-

ни қилмоқ истамайди. Чунки Яссавийнинг бу мантиқсизлиги унинг учун фойдалидир. Унинг Яссавийга у томонидан ёрдам қилиши керак (шуни унутмайликки, бу мантиқсизлик Яссавийгагина махсус эмас, Худога ишониб ҳар ишни ундан билган ҳар мўъмин бандага бу эътироз тегади). Яссавий ўзининг бу мантиқсизлигига қаршу ҳеч бир томондан эътироз бўлмаслигини билгани учун фурсатдан истифода қилади. Ўзининг юқоридаги мантиқсизлигидан ўзига кераклик натижалар чиқаришга киришади. «Ғариб эсанг, йўқсул, ятим, эзилган мазлум эсанг, мана шундай қил!» дейди.

«Зикр»ин айгил қонлар оқсин кўзларингдан,  
«Ҳикмат» айгил дурлар томсин сўзларингдан —

дейдирким, бунинг очиқ маъноси менинг «халқа»мга кириб ҳикматларимни эшитиб, «жаҳр» қил демоқдан бошқа нарса эмасдир.

Саҳарлари эрта туриб қон йиғлагил,  
«Пир муғон»<sup>1</sup>этагини маҳкам туткил.  
Ҳаққа ошиқ бўлган бўлсанг жондин ўтгил  
(албатта, молдин ҳам)

Жондин кечган чин ошиқлар урэн<sup>1</sup> бўлур.  
Бу дунёда фақирликда одат қилган,  
Хўрлик тортиб машаққатни<sup>1</sup> роҳат билган,  
(Қул Хўжаҳмад!) яхшиларга хизмат қилган,  
Қиёмат кун андоғ киши султон бўлур.

Бундаги «пир муғон» сўзидан мақсад, «пир, шайх, эшон» эканини айтишга ҳожат йўқ, ўзи англашилади.

Демак, камбағал синф ҳалиги золимларнинг зулмларини Худодан, ўзининг гуноҳларидан кўради. Шунинг учун уларга бўйунсунади. Саҳарлар туруб, қонлар йиглаб «тавба қилади, хўрликка одат қилади; фақирликка қаноат қилади; машаққатларни роҳат билади; пир муғоннинг этакини маҳкам тутуди (яъни Яссавийга мурид бўлади), бўлмаган жойдан «тангри ишқи» ҳам тўқуб чиқаради-да, шу билан яшайди!..

«Нўви платўнизм» фалсафасидан бизнинг тасаввуфга ўткан бу ишқ масъаласи Яссавий ҳикматларида жуда катта ўрин тутуди. Ҳикматнинг лирика қисми тамоман шул тасаввуф ишқига бойлангандир.

Яссавийга кўра, бу ишққа берилиб, шу билан яша-

<sup>1</sup>) Урэн — яланғоч.

моқ учун пирга инобат қилиш, «пири муғон»нинг эта-  
кини тутиш, албатта, лозим, чунки:

Қилавузсиз биёбонда юрганлар,  
Муҳаббатнинг қадрини қачон билур?

Яссавий мана шу фикрини ҳаммага тақдим қила-  
ди, унинг назарида:

Ишқсизларнинг ҳам жони йўқ, ҳам имони.

Ҳолбуки, яна, унга кўра, тасаввуф ишқинга берилгач,  
жаётдан алоқани кесиш лозим:

Ошиқларнинг суннатидир тирик ўлмак,  
Оқил ўлсанг тўристондан хабар олғил,  
Мен ҳам шундоғ бўлурман деб ибрат олғил,  
«Мавту қабла анта мавту»га амал қилғил<sup>13</sup>.

Мана сизга қатъий бир дастур: «мавту қабла анта  
мавту» — «ўлимнингиздан бурун ўлингиз!..» Мана Аҳ-  
мад Яссавий томонидан таклиф этилган «тангри ишқи»  
нинг олиб борадиган жойи!

Аҳмад Яссавий шу «дастур»га ўзининг амал қил-  
ганини кўрсатмак учун кўб тиришади. Ўзини жуда  
қизиқ сўзлар билан таҳқир қилади:

Улганимда йиғилиб уринг юзминг таёқ,

\* \* \*

Жанозамнинг орқасидан тошлар отинг,  
Оёқимдан тутиб, судраб гўрга элтинг.

Ҳаққа қуллуқ қилмадинг деб янчинг, тепинг, —

дейди. Яссавий ўлгандан кейин муридлари, албатта,  
шундай қилмаганлар. Уни иззат, ҳурмат билан кўм-  
ганлар<sup>14</sup>. Ишнинг шундай бўлишини унинг ўзи билма-  
ган эмас, билган. Бироқ диндор, сода халқни қайнат-  
моқ, уларнинг ихлосини ордирмоқ тилаги билан бу-  
ларни айтади.

Ул юқоридаги «дастур»нга содиқ қолганига бизни  
ишондирмоқ учун умрининг охирларида ер остига  
киради; хонақоҳида ер ости бир ҳужра қоздиради, олт-  
миш учга киргандан сўнг шунга кириб гўё ташқи дунё  
билан алоқасини кесади, «ўлгандан бурун ўлади!..»

Шул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

\* \* \*

Субҳи содиқ душанбе кун ерга кирдим.

## Шул сабабдин ер остига кирдим мано

деганлари шунини кўрсатади. Омма орасида «қудсий»<sup>15</sup> бир эътибор қозонган, даланинг сода элидан ўттуз-қирқ минглаб кишинини ўзига мурид қилиб олгандан сўнг 63 ёшга кирган бир кишининг ер ости бир уй қозиб, шунга кириб ўтуруши, унинг таъмин этилган ҳаётига зарра қадар ҳалал бермайди. Ҳатто бу иш билан унинг эътибори ортади.

Шунини қабул қиламизки, у замонлар ташкилотдан, бирликдан, синфий оғдан маҳрум бўлган, эзилган, мазлум камбағалларга Яссавийнинг бу ҳикматлари бир оз тасалли берган, уларни овутибдир. Лекин масъалага ҳаёт нуқтайин назаридан қарайлик: бир ўлкада яшаган халқнинг ҳаммаси 'ё кўбчилиги Яссавийнинг шу таклифларини қабул қилиб, ер ости чиллахоналари қозиб, кириб ўтурганда шу ўлканинг ҳаёти нима бўлур эди!.. Яхшики, Яссавийга ишонганлар бу жинниликни қилмаганлар, қилмаганлари билан уларнинг мияларида бу ташвиқотнинг ҳеч бир турли излари қолмаган деб даъво қилиб бўлмайди, албатта, қолган. Тунов кунгача, ҳатто қисман бу кунгача ҳам, айниқса, камбағалларимизнинг ҳаётга яқинлашмасдан «ярим тарки дунё» вазиятида яшаганлариға Яссавий ҳам унинг муридларининг таъсирлари бўлмади, деб ким даъво қила олади?!

Тузуқ, Яссавийнинг тилга хизмати жуда каттадир. У мундан етти ярим аср бурун туркча шеърлар ёзган, камбағалларнинг дардларини куйлаган. Унинг асари тилимизнинг етти ярим асрдан қолган бир нишонаси. У асар тилимизнинг етти ярим аср бурунги ҳолларини, қондаларини кўрсатмак нуқтасидан жуда муҳимдир. Лекин бахтга қаршу биз бу кун орамизда мавжуд босма, ёзма «Ҳикмат» нусхалари билан бу масъалага яқинлаша олмаймиз. Юқорида айтганим каби Яссавийнинг ҳаётига яқин замонларда ёзилган бир нусха «Девони ҳикмат» топилмагунча, биз Яссавий ҳикматларини тил тарихи қарашидан текшира олмаймиз. Лекин унинг фикрлари, тирикчилик учун — тўғриси, ўлмак учун!.. халққа кўрсатган йўллари, буддизмдан олиб бизга ютдирмоқ истадиги дастурлар(и) қатъиян, айниқса, йингирманчи асрда зарарлидир.

Унинг таъсирига қаршу курашмак инқилоб қарашидан, халқимизни ҳаётга аралаштириш қарашидан жуда ҳам лозим.

## ЎССАВИЙДА ТАСАВВУФНИНГ ДАРАЖАСИ

Мақоламиздаги баҳсларнинг робитасини, боғини йўқотмаслик учун юқорида тасаввуф тўғрисидаги муқаддимамизни қисқача такрорлаб ўтайлик: Исломда тасаввуф мустамлакачи арабларнинг мустамлака аристократлари билан бирлашиб, айниқса, мустамлака халқини эзишларидан ва бу эзишларнинг исломий ҳам араблик таассубига таянганидан чиққан бир акси таъсирдир. Шунинг учун тасаввуфда исломиятга қаршу унсурларнинг бўлуши табиийдир. Лекин бу унсурлар маслакга янги кирган кишиларга берилмаган, тасаввуфни даражаларга, босқичларга тақсим қилиб, биринчи босқичда исломнинг амирларига тамоман содиқ қолишни шарт этканлар.

«Мурид» бу босқичлардан юқори чиққан сайин исломий асослардан узоқлашиб борган, унинг назарида дин, шариат, ибодатнинг аҳамияти қолмай бошлагандир. Масалан, теран бир мутасаввиф Абдулқодир Бедил динларнинг каъбаси билан бутхонасини бир-бирларининг ёнига қўйиб сўкади:

Гаҳе ба каъба мадаваму гаҳ ба суйи дебар,  
Девонаям зи-ҳар тарафан санг мезанад...  
Каъбаву бутхона нақши маркази таҳқиқ нест,  
Ҳар кўжо гум гашт даҳе сар манзеле орастеанд<sup>16</sup>

дейди. Машҳур тасаввуф шоирларидан Файзий Ҳиндий эса:

Бар фату йил руҳбан кадуҳи бода бекушим  
Исин хийлаки рийи футахар анашеноским<sup>17</sup>

деб қичқиради. Ҳижрий 297 да дорға осилган Мансур Ҳалложнинг воқеаси маълумдир.

Тузук, Яссавий ҳикматлари орасида Мансур Ҳалложга багишлаб ёзилган бир-икки парча бор, унда:

Эсиз Мансур хўрлик бирла бўлди адо,  
Бир сўз бирла ёронлардин бўлди жудо —

деб қайғуради.

Шоҳ Мансурнинг «Анал ҳақ»и бежо эмас,  
Йўлни топқон, бизлар каби гумроҳ эмас,  
Ҳар ножинслар бу сўзлардан огоҳ эмас.

\* \* \*

Анал ҳақни маъносини билмас нодон

деб Мансур Ҳалложни оқлайди ҳам унинг душманлари бўлган, уни кофир деб остирган шарият муллаларини сўкади. Яна Мансур Ҳаллож воқеасига ба (ғи)шланган бир парчада:

Афсонадир шариат, фарзонадир тариқат,  
Дурдонадир ҳақиқат ошиқларга муносиб

дегани каби бошқа бир ҳикматида:

Шариатдир ошиқларнинг афсонаси

деб тасаввуф қарашида шариатнинг бир афсонадан бошқа нарса бўлмаганини такрорлайди. Лекин, бундай сўлликлар Аҳмад Яссавийда, умуман, оздир. Кўрсатганимиз мисоллардан бошқаси йўқ.

Шунинг билан баробар ул меърожга ишонади; жаннат, жаҳаннамга ишонади, одамларни охират азоблари билан кўрқутади, намоз ўқуйди, рўза тутади:

Рўза намоз қазо қилиб бўлди коҳил<sup>18</sup>,

деб ўкунади.

Қиёматни шиддатидан ақлим ҳайрон,  
Сирот отлиғ кўпруғидин танам ларзон,

деб ваҳималар тарқатади.

Демак: Аҳмад Яссавий сўфилар каби таъвилға ёношмайди<sup>19</sup>. Ислолда бўлган нарсаларнинг ҳаммасини бўлган (и) каби қабул қилади. У юқори босқичдаги мутасаввифлардан эмас, зоҳиддир<sup>20</sup>.

### Адабий қиймати

Аҳмад Яссавий бизнинг халқ шоирларимиз каби мукамал таҳсил кўрмаган бир киши эмас. У бошланғич тарбияни Яссиди Арслонбобдан олгандан кейин Самарқанд, Бухорога келиб таҳсил қилган. Шайх Юсуф Ҳамадоний каби ўз замонининг энг катта дин олими, энг улуғ шайхи бўлган бир кишига шогирд бўлган ҳам унинг учунчи халфаси бўлуб олган. «Ҳикмат»даги шеърларга ишонилса, Яссавийнинг Хуросон, Ироқ, Шом каби у замоннинг машҳур илмий марказларига ҳам бориб тургани англашилади:

Хуросону Шому Ироқ ният қилиб,  
Ғарибликни кўб қадрини билдим мано.

Шунинг учундирким, Яссавийнинг ўз замонида мўътабар бўлган илмларни, адабиёт қоидаларини жуда

чайнаган бир киши бўлганига ҳукм қилмоқ янглиш бўлуб чиқмайди. Шундай бўлса ҳам унинг адабиётда тутган йўли сода халқ шоирларимизнинг тутган йўларидир. Унда Навоийнинг ингичка истиоралари, Бобирнинг форсча ёнишлари йўқдир. Унинг ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар юради. Халқ адабиётимиздаги дostonлар қисмининг «Қиссаи Иброҳим Адҳам»<sup>23</sup>, «Достони Зайн ул-араб»<sup>24</sup> каби мавзуй эътибори билан мусулмонлиғлари бор. Аҳмад Яссавийнинг ҳикматидаги «лиризм» (юракчилик) улардаги «лиризм»дан кучсиз-ракдир. Масалан, «Достони Зайн ул-араб» даги шул:

Сал чекгунча ҳижрон жавру жафосин,  
Ман нега қурбонинг бўлмадим сани?  
Сан кўргунча зиндон дарду балосин,  
Ман нега қурбонинг бўлмадим сани?

парчаси борким, кучли «лирик» бир парчадир.

Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида эса, шундай кучли парчаларга учраб бўлмайди.

Шундай бўлса ҳам Аҳмад Яссавий «лирик» бир шоирдир. Унда ҳам «Яссавийнинг мафкураси» баҳсида кўрсатганим:

Ятимлар бу жаҳонда хор экандир,  
Ғарибларни (нг) иши душвор экандир.  
Ғарибларни (нг) иши доим сўлукдир,  
Тирик эрмас ятим мисли ўлукдир.

каби самимий, ёниқ фиғонлар йўқ эмас, бордир.

## ЯССАВИЙ МАКТАБИ ШОИРЛАРИ ТУҒРУСИДА ТЕКШИРИШЛАР

Урта Осиё турк адабиётининг исломдан сўнгги мактаблари орасида Яссавий мактаби<sup>1</sup> жуда нуфузли, катта ўрин тутадир. Бу мактаб асрлар бўйича бизнинг ўлкада хонақоҳ, ибодат адабиёти ярата келди. Элимизга дунёдан, ҳаётдан узоқлашиш, риёзат чекиш фикрлари каби буддизм қолдиқларини исломий бўёвлар билан бўяб беришга машғул бўлди. Зотан, ибодат адабиёти исломдан бурунги туркларга ёт бир одат эмас эди. Милодий ўнинчи асрда Бухородан Хитойга саёҳат қилган сайёҳ Абу Дулаф<sup>2</sup> мусулмон бўлмаган қирғизларнинг ўз ибодатларида тизмалар ўқуғанларин кўрган эди. (Мажма ул-булдон, Ж. 3. б. 448.)

Яссавий тариқатининг, айнуқса, дала турклари ора-  
сида мунча кенг шаклда тарқалишига, бу тариқатнинг  
уларнинг эски ибодат шаклларига ёт бўлмаганин ҳам  
катта роли бўлган, албатта, Яссавий мактаби адабиётининг  
бошида милодий 1166 (ҳижрий 562) да ўлган маш-  
ҳур Аҳмад Яссавий туради. Урта Осиё сўфийлигининг  
«яссавия» ёхуд «жаҳрия» қўлини таъсис қилган бу одам  
ҳақида «Маориф ва ўқитғучи» журналининг ўтган сон-  
ларида ёзилган эди, янгидан бу ҳақда сўзлаш керак  
эмас. Ёлғуз шуни айтиб ўтиш лозимки, яссавий тари-  
қати Урта Осиёда абдулҳолиқийлар ёхуд нақшбанд-  
лар тариқати<sup>3</sup> билан мувозиъ суратда давом этиб ку-  
рашкан. Темурийлар замонида яссавийлар бу курашда  
муваффақ бўла олмаган бўлсалар ҳам, ўзбеклар ҳуқу-  
мати замонида рақибларини енга олганлар. Шайбоний-  
хоннинг яссавий шайхларининг фотиҳа ва ташвиқлари  
билан келиб машҳур нақшбанд шайхи Хўжа Аҳрорнинг  
севгили ўғли Хўжа Яҳёни (нг) укалари боболари билан  
ўлдурилши яссавийларнинг енгишлари эди. Ўзбек Убай-  
дуллоҳхон замонида яшаб, милодий 1542 йилда ўлган  
Маҳдум Афзами Даҳбидий<sup>4</sup>нинг нақшбанд бўлган-  
ни ҳолда «жаҳрия»ни қабул қилиши Урта Осиёда яс-  
савийлик ғалабасининг хорижий бир шоҳиди бўлди<sup>1</sup>).  
Мана шундан сўнг яссавийликнинг Урта Осиёда ғолиб  
сифати билан давом қилганин кўрамыз.

Яссавийликнинг хоҳ ғалабасидан бурун, хоҳ ундан  
кейин Урта Осиёда бир кўб шоирлар етиштирганни  
қабул этмак жудаям янглиш бир ҳаракат бўлмаса ке-  
рак. Лекин бу Яссавий шоирларининг асарлари бўлсун,  
ўзлари бўлсун ҳалигача тамоман маълум бўлмаган,  
текширилмаган! Булардан бизга яхшигина маълум бўл-  
магани Аҳмад Яссавийнинг шогирди, муриди Ҳаким  
Сулаймон отадир. Ҳаким Сулаймон ота Аҳмад Яссавий-  
нинг учинчи халифаси бўлуб, унинг кўрсатиши билан  
Хоразмга бориб шайхлик қилган. Милодий 1186 да  
(пиридан йигирма йил сўнгра) ўлган. Қабри Хоразмда  
Боқирғон деган жойда, қўлимизда бўлган «Тазкират  
ул-авлиё»ларнинг бири Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»-  
ларидан бермагани ҳолда ҳаммалари Ҳаким Сулаймон

---

<sup>1</sup>) Сўфийликдан бу. Яссавий ҳам нақшбандия тариқатининг  
ҳаракатлари Урта Осиё тарихининг муҳим ҳам жуда қатъий бир  
қисмидир. Бугунгача жиддий суратда текширилмаган бу мавзўга  
оид яқинда «Урта Осиёда тасаввуф оқимлари» унвони билан  
мақолалар нашр этажамиз.



отанинг кўб «Ҳикмат»лари борлигини бир оғиздан айтиб турадилар.

Боқирғон ҳикматлари «Боқирғон китоби» исми билан 1906 йилда Қозонда босилган<sup>5</sup>. Бори 75 бетдангина иборат бўлган бу китобчадаги шеърларнинг ҳаммаси Ҳаким ота шеърлари эмас. Онда Ҳаким Сулаймон отанинг ёлғуз 36 парча шеъри бўлган, ҳаммаси 1180 мисрадан иборатдир.

Мазкур китобчада Ҳаким отадан бошқа кўбрак шеърлари ёзилган шоирлар тубандагилардир:

1. Шамс<sup>6</sup>дан 24 парча, ҳаммаси 1058 мисраъ.
2. Иқоний<sup>7</sup>дан 19 парча, ҳаммаси 266 мисраъ.
3. Қул Убайдийдан 13 парча, ҳаммаси 334 мисраъ.
4. Қул Аҳмаддан 10 парча, ҳаммаси 238 мисраъ.
5. Машрабдан 10 парча, ҳаммаси 201 мисраъ.
6. Худойод<sup>8</sup>дан 4 парча, ҳаммаси 64 мисраъ.
7. Қул Шариф<sup>9</sup>дан 4 парча, ҳаммаси 70 мисраъ.
8. Фақирий<sup>10</sup>дан 2 парча, ҳаммаси 28 мисраъ.

Булардан бошқа Ҳуббий, Қосим, Тафий (?), Фикрий, Насиҳий, Ғаззоль, Гадоли<sup>11</sup>, Қул Шарафий, Шуҳудий, Беҳбудий, Бобо Мочин<sup>12</sup>, Тоғ<sup>13</sup> каби шоирлардан бирор парча босилган.

Бу шоирлардан «Қул Аҳмад», «Хожа Аҳмад», «Қул Хожа Аҳмад» тахаллуслари билан ҳикмат ёзгани Аҳмад Яссавийнинг ўзи бўлгани каби, Машрабнинг ҳам ўзимизнинг Шоҳ Машраб бўлиш эҳтимолини қабул қилиб, ким эканлари текширилмаган шоирларга ўтамиз.

**Иқоний:** тахаллусидан унинг Фарғонадаги Иқондан экани онглашиладир. Яссавий шоирлари орасида машҳур Маҳдуд Шайх<sup>14</sup>нинг муриди Камол Шайх деган одам бор. «Рашаҳот» билан бирга бутун маноқиб китоблари бу Камол Шайхнинг Хожа Аҳмад билан суҳбат қилганин хабар бермакдалар. «Рашаҳот»<sup>15</sup> унинг ҳақида «аз кибори асҳоби Маҳдуд шайх буда ва дар вилояти Шош мином дошта» деб Тошкандда турганин билдирадир. Ҳижрий 1096 да бухороли Муфти Зинда Али<sup>16</sup> томонидан ёзилган «Самарат ул-машойих»<sup>17</sup> отли китобда ҳам «Ламаъот»<sup>17</sup>да бу Камол Шайхнинг таржимайи ҳоли ёзилганда «лақаби эшон Иқоний аст солҳо дар қария Алиобод Самарқанд буданд, вафоти шариф эшон он жост», дейиладир.

---

<sup>1)</sup> Ўрта Осиё тасаввуф тарихи учун жуда муҳим бир манба бўлган бу китобнинг бир нусхаси Бухоро кутубхонасида бордир.

Бунинг катта нуфузли бир шайх бўлб, «Иккинчи Аҳмад Яссавий» деб аталганини мазкур «Самарат ул-машойих» эгаси қайд этадир. Хожа Аҳрор мундан гапирганда «Хуросондан Тошкандга қайтганимдан сўнг менга келиб турар эди», деган. Хожа Аҳрорнинг ҳижрий 806 да туғилиб, 29 яшарлиқда Хуросондан Тошкентга қайтганини назарга олганда Иқонийнинг ҳижрий 835 дан сўнгра Тошкентда бўлганини, ондан кейин Самарқандга кўчиб, шунда вафот қилганини айтиш мумкин.

«Самарат ул-машойих»нинг мазкур Шайх Камол ҳақида «ва ҳикмати бисёр аз эшон сар зада аст, маштавил бар маориф ва дақойиқин қавм аст», деб унинг сўфийликка онд бир кўб ҳикматлар ёзганини тўғрисидаги ифодасини ҳам юқоридаги маълумотга қўшуб қўйсак, Боқирғон китобидаги Иқонийнинг шул Камол Шайхдан бошқа киши бўлмаганига шубҳа қолмайди. Ҳижрий тўққизинчи асрда ўлган бу чигатой — яссавий шоирининг бутун шеърлари шул Боқирғон китобида босилган 19 парчадан иборат эмасдир, албатта. Шунинг учун бу 19 парча билангина Иқонийнинг шоирлиги тўғрисида бир фикрга келиш(и) қийин. Шундай бўлса ҳам шул парчаларга қараб унинг ҳаяжонсиз, кучсиз, қуруқ бир назмчи воиз бўлганига ҳукм қилишдан бошқа чорамиз йўқ.

**Шамс:** Боқирғон китобидаги ҳикматларда бунинг кўпроқ Шамс, бир ўринда Шамсиддин, бир-икки ўриндагина Шамс Узгандий тахаллус қўйганини кўрамиз. Ҳалиги «Самарат ул-машойих»нинг ифодасича, Камол Шайх Иқонийнинг Сайид Аҳмад<sup>18</sup> деган бир муриди бўлган<sup>1)</sup>. Иқонийга йигирма йил хизмат қилган. Йигиртлик чоғида Хожа Аҳрор билан суҳбати бўлган. Самарқандда вафот қилган. Қабри у замонлар «Шайхзода дарвозаси» аталган «Пойиқабоқ» дарвозасида экан. Мана шу Сайид Аҳмад Шайхнинг муридларидан бирини Мавлоно Шамс Узгандийдир. Асли, Узганддан, расмий таҳсилини Ҳиротда битирган. Ундан қайтиб, Самарқандда Сайид Аҳмад Шайхга мурид бўлган. Сўнграларни яна Узгандга бориб, деҳқончилик билан машғул бўлган. Пирин Сайид Аҳмад Шайх ўлгандан кейин Самарқандга қайтиб, унинг ўрнини олган бўлса керак. Вафоти Самар-

---

<sup>1)</sup> Бу «Сайид ота» исми билан машҳур бўлиб, ҳижрий 710 да ўлган Сайид Аҳмаддан бошқадир.

қандда бўлиб, пири Сайид Аҳмад Шайхнинг ёнига кўмилган. «Самарат ул-машойих» эгаси мунинг ҳам ҳикматлари борлигини сўйлаб:

«Кутби жаҳон Сайид Аҳмад, ё (ҳазрат) шайхам мадад»

мисраъини ўз китобига кўчирадир. Бу мисраънинг Боқиргон китобидаги Шамс шеърларидан шул бизнинг Шамс Ўзгандийники эканин қатъий суратда билдирадир. Шамс Ўзгандийнинг Хожа Аҳрор билан муносабати тўғрисида ҳеч бир қайдга учрамадик. Шунинг учун бунинг Хожа Аҳрор ўлгандан сўнг Самарқандда туруб, ҳижрий ўнинчи асрда вафот қилганини қабул этиш жудаям янглиш бўлмаса керак.

**Қул Убайдий:** Убайдий, Убайдуллоҳ, Қул Убайдий тахаллуслари билан ҳикматлар ёзган бу одам, бизнинг фикримизча, машҳур ўзбек хони Убайдуллоҳ (хон) дан бошқа киши эмас. Машҳур Шайбонийнинг Марв теграсида шоҳ Исмоил Сафавий<sup>19</sup> ўлдурулиши (1510) муносабати билан ажиб суратда тарқалган ўзбек аскарлари кучини бот фурсатда йиқиб, Шайбоний олган ўлканя янгидан зиёд қилган. Бу одам нойиб ҳам мустақил бўлуб, йигирма саккиз йил ҳукумат сурди ва милодий 1539 да вафот қилди. Бу одам ўзининг ҳукумат ишлариға қарамасдан шайхлиқ ҳам қилар эди, бу ишни ўзининг сиёсати учун лозим билар эди. «Самарат ул-машойих»нинг ёзганиға кўра, Убайдуллоҳхоннинг тариқат нисбати Авлиё Қорахон отли бир шайх воситаси билан Ҳаким Сулаймон отаға борадир. Ёлғуз бу қадар билан қолмаган, ўзи учун муридлар олган<sup>1)</sup>. Жаҳр мажлислариға иштирок қилган. Унинг ўлими билан топилган тарих моддаси «Зикр гў» (яъни зикр этгучи)дир<sup>2)</sup>. Убайдуллоҳнинг яссавийлар билан жуда қатъий боғланганиға яна бир далил, яссавий шайхи Худойоднинг муриди Муҳаммадиёр Нўғай отаға ўз қизини бергандир. (Нўғай ота 1533 да ўлуб, Самарқанднинг «Сўғд» деган мавзеида кўмилган.)

<sup>1)</sup> Ҳасанхон мурид бобохон будави марди Аҳмадхон<sup>1</sup>зи муриди вилояти маби Убайдуллоҳ мадрихон («Самарат ул-машойих»).

<sup>2)</sup> Вали маликдин Убайдуллоҳ Рафи аз ин манзил хароб обод («Кошин ул-мулк»)

Гўфт ба ман хард зид вафот  
Шарбат шимдирмак гардиш туш  
Монд снмбой (?) бихт аз хуш  
Ин ду торих: «Зикр гу» ва «хамуш»

Убайдуллоҳ шоир ҳам мутасаввиф шоирдир. Унинг форсийча яхши шеърлар ёзганини «Музаққир ул-аҳбоб», «Мажма ул-фусаҳо», «Тазкират ус-салотин» каби манбаълар кенг суратда бизга билдирадирлар. Унинг форсийча бир газали машҳур мутасаввиф Маҳдум Аъзам номидан тасаввуф услубида шарҳ қилинган (менинг кутубхонамда бор). Убайдуллоҳнинг форсийча шеърларида тахаллуси кўбрак Убайдий бўлуб, баъзан Убайдуллоҳдир. Масъаланинг қоронғи томони унинг ўзбекча ҳикматлар ёзиб ёзмаганидир. Юқоридан бери унинг ҳаёти ҳақида берганимиз маълумотдан Убайдуллоҳнинг ҳикматлар ҳам ёзганини гумон қилиш мумкин эди. Иш бизнинг гумонимиз билангина қолмади. Яқинда Бухорода топилган «Девон»и унинг Навоий мактабига эргашиб туркий газаллар, Яссавий мактабига эргашиб ҳикматлар ёзганини ҳам очиқ исбот қилган бўлди.

Худойод: яссавий шайхларидан бўлиб, Шайбоний-хонга ёрдам қилмагани учун Самарқанддан Ҳиротга ҳайдалган Жамол Шайхнинг муридидир, Яссавийликнинг нуфузли шайхларидан бўлган Олим Шайх томонида ёзилган «Ламаъот» китоби мушнинг маноқибидир.

Милодий 1532 нчи йилда ўлуб, Самарқанд шаҳридан уч тошлиқ йўлда кўмилган. Мутасаввиф шоирлардан бўлуб, тахаллуси Худойоддир. Форсий шеърларидан бир оз «Ламаъот» китобида бордир. Бизнинг фикримизга кўра, туркий ҳикматлар ёзган Худойод ҳам шунинг ўзидир.

«Боқирғон китоби»даги Қосимнинг Кармандаги машҳур Яссавий шайхи Қосим Шайх Азирон бўлиш эҳтимоли эсга келгани каби, Қул Шарифнинг Бухородаги қабри туноқунгача яссавийчиларнинг жаҳр ўрни бўлган Мавлоно Шариф бўлиши мумкин.

Хуббий Ҳаким отанинг ўғли Хубби хожа бўлгани каби, Мочининг Аҳмад Яссавий муриди Бобомочин эканини қабул қилишга илмий бир монъ бўлмаса керак.

Насимий машҳур озари(й) мутасаввиф шоири Сайид Имод Насимийдир<sup>20</sup>. Ғарбий тўғрусида очиқ бир нарса айта олмаймиз. Бизда бу исмда бир шоир бўлгани маълум бўлса-да, ҳалгача яхши текшира олмаганимиз учун бу хусусда гапирмай ўтиш муносибракдир.

«Боқирғон китоби»даги шоирларнинг қолган қисмлари хусусида ҳеч бир нарса топа олмаганимизни эътироф қиламиз. Текширишлар давом қилган сайин бу жиҳатларнинг ҳам кўбрак очила боришлари маълум.

## ЧИҒАТОЙ АДАБИЁТИ

Ўрта Осиё адабиётининг «чиғатой адабиёти» аталлиши Чингиз ўғли Чигатойга нисбат биландир. 1224 йилда Чингиз томонидан бир қурултой чақирилиб, ўлкаси ўғиллариға тақсим қилинган эди. Бу вақтда бошлаб бу ўлкани Чигатой ўлкаси, тилини Чигатой тили атадиларми, йўқми? (Темурийларғача бунинг шундай бўлганига оид бир санад тополмадиқ. Шунга таяниб профессур Вамбери ва ундан фойдаланиб профессор Убайдуллин «Ўрта Осиё эли ҳам тили ўртаосиёлилар томонидан Чигатой аталади. Бу исм уларга эронлилар томонидан берилди», деганлар. Тўғри, Чигатойдан Темурғача бўлган бир асрда бу ўлканинг Чигатой, тилининг чигатойча аталганини билмаймиз. Лекин темурийлардан кейин бу ўлканинг ва тилининг ўртаосиёлилар томонидан чигатойча аталганига шубҳамиз йўқ. Унга Лутфийнинг шеъри, Навоийнинг сўзлари, Муҳаммад Солиҳ ҳам Мажлис (ий) деган шоирларнинг

Навоий:

Ажам шуароси ҳар нечук қондаким афкорга зб ва оройиш кўргузиб эрдилар, чигатой лафзи билан рақам урдим.

Лутфий:

Сенидек санами кўрмади Лутфий Чигатойда,  
Чин сўйла Хито хўбларига не бўлурсен?

Мажлисий:

Маскани Чигатойки кундузи тундир анга,  
Аҳволи паришон қора кундир анга.  
Мағрур бўлиб ер юзига сигмас эди,  
Сичқон тешуки эмди минг олтундир анга.

Муҳаммад Солиҳ:

Билки мен барча мушфиқдирмен,  
Барча эл бирла мувофиқдирмен...  
Чигатой эли мени ўзбек демасин,  
Беҳуда фикр қилиб ғам емасин.  
Дедилар: «Сен Чигатой элсен,  
Ушбу ерда Чигатой, ҳейлисен  
Не деб ўзбек билла ёвоч бўлдунг?»

сўзлари мунга шоҳиддир.

Эл билан тил чигатой аталғач, адабиётнинг-да чигатой аталиши шундан келиб чиқади. Лекин бу «чи-

ғатой адабиёти» деган истилоҳ албатта янгидир. Бу истилоҳ у қадар илмий эмасдир. Адабиёт у даврнинг ҳоким синфи бўлган савдо буржуазиясининг адабиёти эди. Шунинг учун бунга «савдо сармоясининг адабиёти»<sup>1</sup>, дейиш керак.

Бу адабиёт Чигатойдан бошлаб теурийларнинг йиқилишлариғача (13—16 асрда) бўлган адабиётдир. Чингизийлардан теурийларғача бўлган бир асрлик замонда чигатой адабиётига оид намуналар йўқ.

Ёлғиз Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё»си бор. Сўнгра ўзбек илмий маркази кутубхонасида «Мифтоҳ ул-адл» борки, қачон ёзилгани маълум эмас<sup>2</sup>. Бироқ тили бунинг ҳам Рабғузий замондоши эканин кўрсатмақда. Мана бу намуна озлиғи бу даврда адабиётимизнинг туриш ҳолатида бўлганини кўрсатадир. Чигатой адабиётининг кўтарилиши Ўрта Осиё савдо сармоясининг кўтарилиш даври бўлган теурийлар давридир. Бу даврда биз чигатой адабиётини уч қисмга ажрата оламиз: *достон адабиёти, яссавийлик адабиёти, сарой адабиёти*.

У замонларда халқ шоирлари, бахшилар томонидан бир кўб достонлар ўқилиб тургани аниқ эса ҳам улар ёзувга кирмаган, бизғача келмаган, у ҳақда гапириш мумкин эмас.

Яссавийлик, маълумки, тасаввуф адабиётидир. Масъалага киришишдан бурун Ўрта Осиёда тасаввуф ҳақида тўхташ керак бўладир. Ўрта Осиёда тасаввуф мусулмонлиқ билан бирга келиб кенг бир суратда тарқалди. Ўрта Осиё тасаввуфининг *қубравия, яссавия, нақшбандия* ва *қаландария* каби кўб оқимлари ўринлашган. Буларнинг ҳаммаси ҳақида тафсилот бериш ҳозир менин учун мумкин эмас. Буларнинг энг зўр ўрин тутканларидан яссавийлик ҳам нақшбандликдан бир оз гапираман: яссавийлик мактабининг бошлиғи 12-асрда яшаган Аҳмад Яссавий бўлиб, нақшбандликнинг бошлиғи унинг пирдаси ва муосири<sup>3</sup> бўлган Абдуҳолиқ Ғиждувонийдир. Яссавийликнинг таълимоти: *хилват, тарки дунё*, бурунғи турклардан бўлган мусиқий ўйинли ибодатнинг бир шакли бўлган *жаҳр*. Яссавийлар пул йиғиш, дунё учун сафарга чиқиш (тижорат) каби ишларга қарши, кўблари деҳқончилик билан машғул. Булар савдо сармоясига қарши феўдализм ҳаётини мудоффа қилғучилар.

Нақшбандийларнинг шiorлари «хилват дар анжуман», «базоҳир ба халқ»<sup>4</sup> каби тижоратка тўғри келади.

Баҳоваддин Амир Ҳусайн ёнига Ҳиротга борганда ўз йўлини шундай изоҳ қилган. Баҳоваддиннинг муридлари савдогарлик қилар эдилар (Ҳазрат ул-қуддусий), нақшбандийлардан Хожа Аҳрорнинг қанча мол йиққани маълум. Хожа Аҳрор Ҳиротда эканида Ҳиротнинг катта саррофи ва заргари бўлиб Хожа Порсога мурид бўлган, устод Фарруҳнинг таъминотида турган, демак, нақшбандийлар савдо сармойеси тарафдорлари, ўзлари кўпинча савдогарлар.

Яссавийлар буларга қарши, Шайхзода Илёс Хожа Аҳрорга эътироз қилар эди. Темурийлар давридаги яссавий шоирлари (дан) камолга етгани — Сайид Аҳмад, Шамс Ўзгандий. Буларнинг шеърларида аҳли дунё савдогарлар, уларнинг тарафдори бўлган муллалар сўкулалар. Булар тарки дунёга, шайхларга мурид бўлишга даъват қилиб шеърлар ёзганлар:

Азал вақт (и) да илоҳ суйган улушлук қил,  
Бу дунёда талаб дардин сўрар дўстлар.  
Юз минг бало офат меҳнат йўлин тутса,  
Қайта билмас анга вази урар дўстлар.

Дунё келиб назар қилса, парво қилмас,  
Унг-сўлига боқиб ҳаргиз йўлдан қайтмас.  
«Мавту қабла анта мавту»га амал қилғил<sup>5</sup>,  
Бу ҳадисни фикр айлабон ўлдим мано,  
Бу дунёда ҳеч кулмайин юрдим мано.

Оқил эрсанг, ғарибларни кўнглин овла,  
Мустафодек элни кезиб, ғариб ковла.  
Дунёпараст ножизлардан бўйин товла,  
Бўйин товлаб дарё бўлиб тошдим мано.

Қисқача айтканда, яссавийлик мактаби—савдо сармойеси мактаби томонидан эзилган феўдаллик жамиятининг намояндаларининг мактаби. Савдо сармойеси адабиёти сарой адабиёти атаганимиз адабиётни (нг) шоирлари нақшбандияга мансуб эдилар. Навоий, Бобур, Бойқаро — ҳаммалари нақшбандияга мансуб, шунинг учун бу даврда яссавий адабиёти ўзининг тараққий йўлида давом қила олмади. Асл савдо сармойесига мансуб бўлган адабиётким, бизнинг орамизда сарой ва сарой—мадраса адабиёти деб машҳурдир, бу даврда жуда гуллади. Осийнинг улуғ бир қисмига ёйилди. Озарбай-

жонда, Усмонли ўлкасида, Қримда, Қашғарда, Эрон, Ҳиндистонда чигатой тилида шеърлар ёзилди. Чигатой шеърларини онглаш учун луғатлар тузилди. Ҳатто чигатой адабиётининг гуржи адабиётига таъсири бўлгани ҳам айтилмақдир. Темурийлар даврида кўтарилган Ўрта Осиё савдо сармоясининг энг бой ва ҳам кўбрак сайланган мустамликаси Эрон ўлкаси эди.

Ўрта Осиё савдо сармоясини ўзинга кераклик моддий бойликни Эрондан олгани каби ўзининг маданий қурилиш ишида ҳам Эронга тақлид қилди. Темурийлар мустамликалардан кўб ҳунармандлар келтирдилар. Буларнинг орасида гўзал санъат устодлари ва олимлар ҳам бор эди. Бу ке (л) тирилган ҳунарманд санъаткор ва олимларнинг кўби Эрондан келтирилди. Эрон меъморларининг асарларини кўриб турибмиз. Бизнинг классик мусиқамизнинг қурилишига ҳам форси (й) мусиқа олимларининг таъсирлари бор. Адабиётда ҳам масъала шундай.

Форсий адабий асарларнинг назм, шеър қисмида қасидачилик, маснавийчилик йўллари бор. Маснавийчилик форсларда жуда эски, араб истилосидан бурун сосоний даврдан бор. Араб истилосидан кейин форс адабиёти ўзини араб тили — адабиётининг таз (й) иқидан секин-секин қутқара бошлағач, араб ҳукумат марказидан узоқроқларда: Хуросон, Ўрта Осиёда ўзини кўрсата бошлади. Бу давр шоирларидан ҳаммасининг маснавий шаклида дostonлари бўлган. Маснавий билан бирга қасидачилик ҳам бошланди. Маснавийчилик форсийларнинг миллий дostonлари (ни) нашр этиб, истилочи арабларга қарши, Эронда миллий руҳ уйғотмоқ мақсади билан форс буржуазияси томонидан ҳимоя кўради ва юксалади. Қасидачилик Эронда араб халлфотидан ажралиб истиқлол олган ҳукуматларнинг ташвиқот хизматини устига олди. Рубоний билан ғазал бу даврнинг саройларида хусусий кайф-сафо мажлислари адабиёти бўлиб давом қилди. Ун учинчи асрларда Эронда майда феодалликлар пайдо бўладир. Булар камбағал, бор пулларини бир-бирлариға қарши аскар тутиш, урушға сарф қилалар. Қасидачи шоирнинг киримлари озаядир. Бойлиғи озайган амирларнинг эътиборлари озаядир. Шунинг билан қасидачилик ҳам мўдадан чиқадир. 1292 да ўлган Саъдий қасидачиликқа қаршу исён қиладир.

Эрон ўлкасини темурийларға мустамлика бўлган вақтда анда форс адабиёти у вазиятда эди. Ўрта Осиё шоир-



лари унинг мана шу вазиятда тақлид қилдилар. Бу вазиятда тақлид қилиш учун уларнинг иқтисодий вазиятлари ҳам ёрдам қилди. Чунки Ўрта Осиё савдо сармоясининг жаҳонгирлик даври жуда оз давом эткан. Темур болаларидан Шоҳруҳ ва Абу Саид Мирзолар олинган ўлкаларнинг бир қисмини сақлашга тиришдилар. Андан сўнг жаҳонгирлик қилиш, мустамликаларни сақлаш нари турсин, ўз ички бирликларини ҳам сақлай олмадилар. Бойликлари ҳам табиий жаҳонгирлик хаваслари билан бирга битди. Шунинг учун ташвиқотчи қасида учун йўлда, талабда қолмади. Шул фоний дунёни кайф-сафо билан ўтказиш, қўлда қолган бойликларни шу йўлда сарф қилишга берилдилар. Мана шу фикрнинг адабиёти ғазал, рубоий, ишқий маснавийлар эди. Шунинг учун чиғатой буржуазияси мустамлика бўлган Эронда юқоридаги вазиятда давом қилган адабиётга тақлид қиладир.

Савдо сармояси адабиёти аталган бу адабиётнинг биринчи асари Темурлангнинг ўзига нисбат берилган «Тузуки Темур»дир. Темур хаёл қилган эдиким, унинг болалари томонидан ҳам жаҳонгирлик давом этдирилдир. Шунинг учун ўзининг тажрибаларини, тадбирларини бир китоб шаклида ёзиб ёхуд ёзириб болаларига қолдирди. Бу китобнинг форсийча таржимаси бор, асли йўқ. Бу адабий асар эмас.

Темурийлар даврида шоир кўб. Хонлар, хонзодалар, беглар, бекзодалар ҳаммалари шоир. Бу даврда ишқ билан шеър сарой аҳли орасида юқумли касал каби босиб кенгайган. Лекин буларнинг ҳаммасининг асарлари ҳалигача топилмади. Жуда оз қисмигина майдонда. Ҳаммаси топилганда ҳам буларнинг бир-биридан асосан фарқсиз асарлар бўлиб чиқаришга шубҳа йўқ. Булардан маълум бўлгани Темурга муосир бўлган Дурбек асари «Юсуф Зулайҳо» исмли ишқий дoston. Бу асарни Дурбек Темур ўлиmidан тўрт йил сўнгра Балхда ёзган. Бу асар жуда муваффақиятсиз чиққан.

Лутфий ғазалчи бир шоир, тили Навоийга кўра очиқроқ. Бутун шеърларидан ишқ, шароб ҳидлари келиб турадир. Бу Шоҳруҳ саройидаги<sup>6</sup> ички мажлисларда соқин(ий)лик қилган гўзалларнинг кўз, қошлари билан овора, улар учун куйлайдир.

Л у т ф и й:

Эй одамилар жони париға не бўлурсен?

Бу жисм ила гулбарги тариға не бўлурсен?

Сендин менга наззорда бўлур ул дахи гаҳ, гаҳ,  
Сен чархи фалакнинг қамарига не бўлурсен?

Юсуф каби шириндурур асру ҳаракотинг,  
Сен Миср наботу шакарига не бўлурсен?

Сендек санама кўрмади, Лутфий, Чигатойда,  
Сен сўйла: Хито (й) хўбларига не бўлурсен?

Эй турки париваш не ажаб жон етилибсен,  
Давлат чаманинда гули хандон етилибсен.

Бўй чектингу офоқ ичида қўбти қиёмат,  
Ҳай-ҳай, не бало, сарви хиромон етилибсен...

Сол соя менинг бошима, эй рашки санавбар,  
Ким ғайрати туби дағи ризвон етилибсен.

Ераб, не бало сарви санавбар етилибсен,  
Қон қилғучи бир шўх ситамгар етилибсен.

Ой кўз тутар эрдим сени, хуршид бўлибсен,  
Хуршид недур, руҳи мусаввар етилибсен.

Васф этса киши юз кўрадур деб соғинурсен,  
Кўзгуда ўзунг боқки, не дилбар етилибсен...

Атойи Улуғбек замонида Абдулатиф хизматида  
Балхда турган. Бунинг ҳам мазмунича Лутфийдан фар-  
қи йўқ. Лутфий нима учун шеър ёзган бўлса бу ҳам  
шунинг учун ёзган.

Атойи:

Юзинг топардадин зоҳир бўлибтур,  
Санамлар ҳусн даъвосин қўйубтур.

Ута чиқди бағирдин тийр ғамзанг,  
Вале пайкони жонда ўлтурубтур.

Ул санамким, сув яқосинда паридек ўлтирур,  
Ғояти нозиклигинин сув билла ютса бўлур.

Темурийларнинг бой, маданий мустамликалари бўл-  
ган Эроннинг миллий буржуазияси асосида мустамли-  
каликдан қутулиш ҳаракатлари Темур замонида бош-  
ланган эди. Табиий, бу ҳаракат Темурдан сўнг ҳам да-  
вом қилди, ўзини бу майли мустамликасини қўлидан  
чиқармоқ истамаган Осие савдо буржуазияси бошда бу

ҳаракат билан келишмак йўлини тутди. Менинг фикримча, марказнинг бир оз вақтдан кейин Самарқанддан Ҳиротка кўчишга ҳам бир сабаб шудир. Эрон миллий буржуазияси ўзининг сиёсий ҳаракатини дин, мазҳаб билан бўяди. Шийлик ҳаракатини кучайтирди. Шийлик туйғулари умумийлашкан сайин Урта Осиёдан қутулиш фикрининг кучайиши турган гап эди. Урта Осиё буржуазияси бунни кўриб турар эди. Шунинг учун булар орасида шийликни қабул қилиш фикри туғилди. Төмүр болаларидан Бойсунғур Мирзо шийликни қабул қилган эди. Иш бунинг билан қолмади. Форс буржуазияси миллий ҳаракатининг уст кийимидан бошқа нарса бўлмаган шийлик ҳаракати кучаймакда эди, бунни кўрган Ҳусайн Бойқаро шийликни ҳукуматнинг расмий мазҳаби эълон қилиш фикрига келди. Сароӣ одамлари бирлаша олмадилар. Навоӣ ва унинг атрофида бўлганлар бу тадбирнинг чуриклигини англадилар, бунга монё бўлдилар. Эрондаги бу ҳаракатка таслим бўлиш эмас, қарши туриш, муқовамат<sup>7</sup> қилиш, ўзни қўриш тўғрироқ топилди...

Бу адабий ҳаракатнинг йўлбошчилигини Навоӣ билан Ҳусайн Бойқаро олдилар. Навоӣ форси (й) тили билан турк тили орасида бойлик, адабий қулайлик нуқтаи назаридан илмий муқойиса юргизиб, бир асар («Муҳокамат ул-луғатайн») ёзди. Бу асарда «турк тили форси (й) тилига кўра бой ва адабий қулайлиги бор» деб даъво қилиб чиқди ва даъвосини исбот қилишга тиришди. Бу масъала устида унинг буюк рутбасига қарамай, форси (й) шоирлари курашдилар. Навоӣ кўб асарларида деярлик туркчани ёқлайдир:

Форси (й) ўлди чу аларға адо,  
Туркий ила қилсам ани ибтидо.

Форси (й) эли топди чу хурсандлик,  
Турк даҳи топса барумандлиқ.

Чун форси (й) эрди нукта шавқи,  
Озроқ эди анда турк завқи.

Ул тил била назм бўлди малфуз,  
Қим форси (й) англар, ўлди маҳзур.

Мен туркча бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят.

Қим шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,  
Туркий эли дағи баҳра олғай.

Невчунки бу кун жаҳонда атрок,  
Кўбдир хуштабъи, соҳиби идрок.

Гар модда камрак эрса на ғам,  
Чун завқдадур асил, ул эмас кам.

(«Лайлову Мажнун»дан)

Бу ҳаракатнинг Ўрта Осиё савдо сармоясин даври адабиётининг кўтарилишига ёрдами бўлди.

Бу давр адабиётининг улуғ намояндаси — Навоий, Навоийнинг отаси Қенжа ё Қичкина ботир. Бу одам авваллар ботир эмас, бахши бўлган. Унинг шоирлиги ҳам ривоят қилинадир.

Абул Қосим Бобурнинг хизмагида эди. Навоий 1440 да туғилди<sup>8</sup>, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро билан бир мактабда ўқудилар. Мактабда Навоий форс адабиёти билан машғул бўлди. Ҳам шунга берилиб кўб ўқуди. Отаси Ҳиротдан Машҳадга қочиб борганда Навоийни олиб борди. 17—20 ёшда эканида шу муҳожиратда унинг отаси ўлди. Навоий янгидан Ҳиротга қайтиб саройга кирди. Қандай бир сабаб билан Самарқандга қайтиб, шунда қолди. 1468 да Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни олганда Навоийни чақирадир. Навоий Ҳиротга бориб мушовир<sup>9</sup> бўладир, сўнгра «муҳрдор» бўладир. Ҳусайн Бойқаро билан бузрилишалар. Навоий Астрободга воли(й) тайин бўлиб кетадир. 1—2 йилдан кейин воли(й)ликни ташлаб Ҳиротга рухсатсиз қайтадир. 11 йил бекор ётиб кўб асарларини ёзадир. Яна бурунги муҳрдорликга тайин қилиниб 12 йил ишлайдир. 1500 да ўладир, унинг 30 дан ортиқ асари бор. Буларнинг муҳимлари: «Муҳокамат ул-луғатайн», «Хамса», Тўрт девон, «Мажолис...», «Насойим...» отли асарлари.

Навоийнинг шоирлиги, санъаткорлиги ҳамма чигатой шоирларидан юқорида туради. Буни Бобир ҳам тасдиқ қиладир. Исмоил Ҳикмат озарбайжонча босилган «Девони Ҳусайн Бойқаро»нинг муқаддимасида Ҳусайн Бойқаронинг Навойдан яхшироқ бир шоир эканини даъво қиладир, бу янглишдир. Навоийнинг асарлари тил учун жуда бой бир хазинадир. Уларни ёлғиз тил нуқтаи назаридан текшириш, улардаги сўзларни йиғиб изоҳ қилишнинг ўзи жуда катта илмий хизмат бўлар эди. Навоий ёлғиз шоир, ёзгучи эмас, илм ва санъат ходи-

мидир. Кўб муҳим китоблар унинг буйруғи, таълиқоти билан ёзилган. Энг катта рассомлар, мусиқа олимлари, хаттотлар унинг ҳимоясида ўсдилар. Ўзи ҳам мусиқани яхши билар эди. Баъзи куйлар боғлағанидан Бобир хабар берадир.

### «ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ»

Урта Осиё адабиётининг мусулмонликдан темурийлар (15 аср)гача бўлган даврига оид намуналар жуда оз. Бу намуналарнинг энг бурунғиси милодий 1069—70 (й)ларда ёзилган «Қутадғу билиг» китобидир. Ондан кейин қаторланиб «Ҳибат ул-ҳақойиқ»<sup>1</sup>, «Або Муслим»<sup>2</sup> (милодий 1155), яна шу асрнинг емиши бўлган Яссавий ҳикматлари, Боқирғон ҳикматлари, милодий 1233 да Али отли бир киши томонидан ёзилган «Юсуф, Зулайҳо» китоби<sup>3</sup>, энг сўнгра 1310 да яралган «Қисас ул-анбиё» китоби<sup>4</sup> келадир. Ҳаммага маълум бўлган мана шу беш-олти асардан бошқа яхши бир нарсанинг майдонга чиққани маълум эмас. Биз бу мақоламизда шу қатор асарларнинг иккинчиси бўлган «Ҳибат ул-ҳақойиқ» билан ўқувчиларимизни таништирмақчи бўламиз.

Истанбулдаги «Аё Сўфия» кутубхонасидан топилиб, майдонга чиқарилган бу китоб уйғур ҳарфлари билан ёзилган. Ҳар сўзнинг остида араб ҳарфлари билан қандай ўқулиши кўрсатилган. Котиби Абдураззоқ бахши бўлуб, ... бу китоб 1334 йилда босилган<sup>1</sup>. Нажиб Осимбек китобнинг хатинда бўлган арабча ёзувлар билангина қолмаган, уйғур ёзувсини янгидан ўқуган, таржима қилган, луғатларини изоҳ қилган. Китобнинг сарфий ёқларининг<sup>6</sup> изоҳ қилатурган бир илова, сўзларини изоҳ қилатурган бир луғатча қўшган. Матннинг ўзини ҳам айнан зйрича бостирган.

Нажиб Осимбек бу китобнинг бошида бир муқаддиما ёзадир. Мунда уйғур ёзувсининг Оврупада бошлаб қандай ўқулгани ҳаққида узун батафсил маълумот берғандан кейин асар ҳаққида китобият маълумоти берадир. Қайда, қачон ёзилгани ҳаққида матннинг ўзи-

---

<sup>1</sup>) Нажиб Осим бу китобнинг отини бошлаб «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ўқуган эди. Сўнгралари яна топилган тўла эмас бир нусханинг текширишидан бунинг «Атабат ул-ҳақойиқ» экани ошқаришилган. «Атабад» — қути, идиш маъноларидадир (Туркия тажмуаси, жилд 1, бет. 227. Нажиб Осимбек мақоласи).

да маълумот йўқ. Ёлғиз китоб бошида «ҳамд», «наът» дан сўнг асар эгаси ўзининг подшоҳини махтайдир. Ондан кейин асарнинг ёзилиш сабабини кўрсаткан бўлумда «Дод Сипоҳсолорбек учун бу китоб», «чиқартим очунда оти қолсун теб» деб ҳукмдорнинг «Дод Сипоҳсолорбек» эканин билдирадир. Китоб охирида эса:

Адиб Аҳмад отим, адаб—панд сўзум,  
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум

деб ўзининг отини билдирадир. Китобнинг охирида китоб ҳаққида ёзилган уч тақриз<sup>7</sup> бор. Шулардан биринчисида

Туға кўрмас арди Адибнинг кўзи,  
Тузатти бу ўн тўрт боб узра сўзи,

деб Адиб Аҳмаднинг кўрлигидан хабар берилади. Учинчи тақризда

Адибнинг яри оти Югнак арур,  
Сафолиқ ажаб ер, кўнгуллар ёрур

Отасининг оти Маҳмуди Югнакий  
Адиб Аҳмад ўғли йўқ ул ҳеч шаки.

Китобининг оти арур «Ҳибат ул-  
Ҳақойиқ», иборат арабтин ўшул,

деб Адиб Аҳмаднинг «Югнак» деган жойдан экани, отасининг Маҳмуди Югнакий бўлгани китобнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» аталиб, қашқар тилида ёзилгани хабар берилади.

Бизга «Адиб Аҳмад» исмли бир шоирдан хабар бергучи бирдан-бир манбаъ Алишер Навоийнинг асарларидир. Навоийнинг «мактубот»ида<sup>8</sup> Мирзо Бадруззамонга ёзилган бир мактуб бор. Отаси Ҳусайн Бойқарога исён қилган Бадиуззамон исмига Навоий томонидан ёзилган узун бир насиҳатномадан иборат бўлган бу мактубда Адиб Аҳмаднинг тубандаги тўртлиги бор:

Отадин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато қилса дағи ота.

Сени юз балодин қутқаргай Худо,  
Отанинг хатосин билгил савоб.

Навой ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» унвонли аса-  
рида Адиб Аҳмаддан афсонавий бир шаклда хабар бе-  
радир. «Кўзлари бутов эрмиш ва асли зоҳир эрмас эр-  
миш» деб, унинг «туға кўрмас» эканини тасдиқ қилган-  
дан кейин, унинг Бағдод шаҳридан тўрт йиғоч йироқда  
турганини, Имом Аъзамнинг энг яхши шогирдларидан  
эганини сўйлайдир<sup>3</sup>. Ва унинг шу сўзларини кўчирадир:

Улуғлар не берса емасман дема,  
Илик сун, оғиз ур, емасанг ема.

Тилингни тия тут — тишинг синмасун,  
Бу турган халойиқ сенга кулмасун<sup>10</sup>.

Сўнгакка иликдир, эранга билик,  
Биликсиз эран ул сўнгаксиз илик.

Навойнинг Адиб Аҳмадга нисбат бергани бу тиз-  
маларнинг Нажиб Осимбек нусхасида тамоман, айнан  
бўлмагани мазкур нусханинг анча ўзгаришларга учра-  
ганини кўрсатадир.

Адиб Аҳмаддан хабар бергувчи иккинчи маъхаз  
ҳ(ижрий) 951 да Абдулҳасан Муҳаммад Боқир бинни  
Муҳаммад Али томонидан ёзилган «Тазкират ул-авлиё»  
дир. Лекин, бу одам Навойнинг «Насойим ул-муҳаббат»  
идаги афсонавий хабарни айнан форси(й)чага таржима  
қилишдан бошқа бир иш кўра олмаган. Ҳолбуки, Имом  
Аъзамнинг ҳ(ижрий) 150 йилда ўлгани маълум.  
«Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг ҳижрий иккинчи асрда (яъни  
«Қутадағу билиг» билан «Девони луғат»дан уч аср бу-  
рун) ёзилганини қабул этишга имкон йўқдир. «Ҳибат ул-  
ҳақойиқ»нинг тили, услуби унинг «Қутадағу билиг»дан  
бир-икки аср сўнгра ёзилганини кўрсатмакдир. Шу-  
нинг учун Нажиб Осимбек ҳам прўфессёр Кўпрулизо-  
да бу асарнинг олтинчи аср асари эканини қабул қилиш  
тарафидадирлар<sup>11</sup>. Ҳар ҳолда масъаланинг қатъий ечи-  
лиши Адиб Аҳмаднинг ёхуд Дод Сипоҳсолорбекнинг  
қачон яшаганлари ҳақида тўғри маълумот топишга  
боғлидир.

Нажиб Осимбек китобнинг муқаддимасида бу «Дод  
Сипоҳсолорбек»нинг ким экани ҳақида узун тадқиқот-  
га киришадир. Салжуқийлардан Султон Барқийёруқ<sup>11</sup>  
замонида (ҳижрий 5-асрда) Хуросон ноиб бўлган

<sup>11</sup> Эрон шаҳзодаларидан Фарҳод Мирзо «Занбил» отли асари-  
да уни «Бўрқийёруқ» ўқимоқчи бўладир.

Додбек ибни Ҳабаший—Олтунтоқни, Маҳмуд Ғазнавийнинг жияни бўлган Салар Ғозийни, энг сўнграда ҳижрий олтинчи асрда яшаган машҳур форс шоири Рашид Ватвот<sup>12</sup> томонидан махталган Тўғрул Қилич Асфаҳсолорбекни кўрсатадир. Ва шул учинчисининг «Ҳибат ул-ҳақойиқ»дағи Дод Сипоҳсолорбек бўлганига қатъий суратда ҳукм қиладир. Бизнинг фикримизга кўра, Тўғрул Қилич Асфаҳсолорбекнинг узун унвони орасида «Дод» сўзининг йўқлиғи бу эҳтимолни ҳам чурутишга<sup>13</sup> етарлик бир далилдир. Адиб Аҳмад томонидан отига китоб ёзилган кишининг оти ёлғуз «Додбек» бўлмагани каби ёлғуз «Асфаҳсолорбек» ҳам эмасдир. Унинг тўла унвони «Дод Сипоҳсолорбек»дир.

Биз айнан бу унвонни Урта Осиё форс шоирларидан Сайфи Исфарангининг девонида топдиқ. Ҳижрий 581 (милодий 1185) да туғулиб<sup>1)</sup>, ҳижрий 666 (милодий 1268) да ўлган бу шоирнинг девонида:

Сарир мулку сарой сарвару маснад дод,  
Бар офтоб замину замон муборак бод

байти билан бошланган бир табрик қасидасининг иккинчи байти:

Ғиёс Давлату дин «Додбек Сипоҳсолор»,  
Қаҳаст арса иқбол у фтуи ободдир.

Яна

Заҳи з-гуна рўхсор ту бетоб оташ,  
Ҳавои ту зада дар шамъ офтоб оташ

байти билан бошланган чиройлиқ бир қасидада

Ғиёс Давлату дин Додбек Сипоҳсолор  
Қаҳаст аз ни кулкаш дар аз тароб оташ

дейладир. Мана бу икки қасида Сайфи Исфаранги замонида «Ғиёс Давлату дин Додбек Сипоҳсолор» унвонли катта бир ҳукумат одами яшаганини бизга қатъий суратда билдирадир. Яна Сайфи Исфаранги девонида шул «Додбек» ҳаққида:

---

<sup>1)</sup> Бир кўб тазкирачилар Сайфи Исфарангининг хоразмшоҳлардан Арслон замонида Хоразмга борганин ёзадир. Бу тамоман янглишдир. Чунки Эл Арслоннинг вафот йили Жувайнийда 565, Давлатшоҳ Самарқандийга кўра 561 дир. Ҳолбуки, Сайфи Исфарангининг ўзи 581 да туғулганин ёзадир.



- 1) Додбек мир лашкари турон;  
Он 3-тар домани шуде бе об;
- 2) Он Додбек шир ке дар саф жироде,  
Чун охун мушкин ба саҳн хуш нақс ўфтод

байтлари билан бошланган икки қитъа — ҳажв бор. Бу ҳажвларда унинг байтлари Турон аскар бошлиғи эканига онд ифодалар кўрулгани каби иккинчи қитъада бўлган:

Фарғона базирасм у зиру забар шуд,  
Дар диде занбур асл ҳар макнз ўфтод

байти унинг Фарғона ҳокими эканини ҳам кўрсатадир. Бизча, мана шу Сайфи Исфаранги замонида (ҳижрий олтинчи асрнинг охири билан еттинчи асрнинг бошларида) яшаган «Додбек Сипоҳсолор»ни Адиб Аҳмаднинг ҳукмдори деб қабул қилиш керак. Бутун эҳтимолларнинг кучлиси шудир.

Адиб Аҳмаднинг шаҳри бўлган Югнакга келгач, Нажиб Осимнинг Қашғар атрофида, деб гумон қилганини бир томонга қўйганда бу тўғрида энг муҳим фикр прўфессўр Кўпрулизода Фуоднинг фикридир. Проф. Фуодга кўра, Адиб Аҳмаднинг шаҳри бўлган Югнак «Мўъжам ул-булдон»да<sup>14</sup> Самарқанд атрофида кўрсатилган Югнак — Юганак қишлоғидан бошқа бир нарса эмасдир. Ҳолбуки, «Югнак» сўзи бизга у қадар ёт эмас. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Самарқанддан қорахитой аскарини қувиб борганда «Юқноқ» шаҳрига бориб, унинг ҳокими билан ўтурушиб асир олгани Жувайнийда<sup>15</sup> бор.

«Мўъжам ул-булдон» эгаси шул «Юғноқ» моддаси остида дейдир: Юғноқ Туркистон музофотидан бўлуб, Банокатга тобеъ ҳисоб қилинадир, унга «ё» билан «Еғноқ» ҳам дейиладир. Биз Адиб Аҳмад юрти бўлган Югнак билан шу Уғноқ — Юғноқнинг айни бир ўрин эканига ишонамиз. Бу фикрнинг бир чатоқ жиҳати. Жувайний сўйлашидан «Уғноқ»нинг Самарқанддан узоқ бўлмагани онглашилгани ҳолда «Мўъжам...»да унинг Банокат атрофида кўрсатилишидир.

Милодий 12—13-асрлар орасида Фарғонада яшаган бир феўдалга бағишланиб ёзилган «Ҳибат ул-ҳақоийқ» китоби мундарижа эътибори билан диний ахлоқ ўргаткучи манзум бир рисоладан иборатдир. Китоб бутун мусулмон асар(лари)га ўхшаб Худони, Муҳаммад, унинг тўрт йўлдоши (чаҳорёб) ни махташ билан

бошланадир. Бу қисми ўртача бир қасида шаклидадир. Мундан кейин иккинчи қасида билан Дод Сипоҳсолорбек махталадир. Сўнгра ғазал шаклида ёзилган кичик бир парчада «асарнинг ёзилиш сабаби» кўрсатилади. Китобнинг бу парчаси асар эгасининг қисқа, фақат очиқ бир эътирофномасидир. У Дод Сипоҳсолорбекнинг оти дунёда қолсин, деб бу китобни чиқарган:

Дод Сипоҳсолорбек учун бу китоб,  
Чиқартим очунда оти қолсув теб

дейдир. Унинг мақсади китобини кўрган-эшитганлардан шоҳиға (ҳукмдорига) дуо олмоқ; «казинли, калигли» (кетган, келганлар) орасида унинг отини нонсуққа<sup>16</sup> қолдирмоқ бўлган. Тузук, у китобига қараганлар, ўқуғанларнинг фойда олишларини ҳам кўзда тутган, шунинг учун китобини «ваъзлар билан безаткан»:

Безадим китоби мавоъиз масал,  
Боқиғли, ўқуғли осиг олсув теп.

Бироқ бу унинг биринчи тилаги бўлмаган. Унинг биринчи тилаги асарини феўдал Додбекга «бала» (бўлак, ҳадиба) қилиб, ўзининг «ҳаводор»лигини (хайрихоҳ, хизматчи эканини) билдирмак бўлган. Мана шу қисқагина эътирофномасини кўргандан кейин милодий 12—13-асрда етишкан бу «туға кўрмас» шоиримизнинг асарида арабларнинг 11 нчи асрда яшаган кўр шоири Мааррийнинг<sup>17</sup> халққа қараб: «Э адашганлар, тузалингиз, тузалингиз, чунки динларнингиз эскиларнинг алдашларидан бошқа нарса эмас», деб қичқирганларига ўхшаган теран қичқиришлар охтара олмаймиз. Адиб Аҳмад кўр ва сайғина бир мулла бўлган. Сайфи Исфранги томонидан «хар магиз» (эшак чибини) аталган Додбекга диний ахлоқ ўргатувчи бир асар тақдим қилиш билан ўзининг «ҳаводорлиги»ни билдирмак, ундан бир оз инъом, эҳсон кўрмак истаган.

Адиб Аҳмад юқорида кўрсаткан бошланғич парчалардан сўнг китобнинг асл мақсадиға ўтадир. Китобнинг бу қисмини қасида, ғазал шаклида эмас, рубой (тўртлик) шаклида давом эттирадир. Бу рубойлар шакл ва услубча «Қутадғу билиг»даги тўртликларнинг худди ўзи кабидир<sup>1)</sup>. Китобнинг туб қисми тўрт бўлумға

<sup>1)</sup> Бу ҳақда менинг мақолам 1925 йилда чиққан «Маориф ва ўқитғучи» журналининг иккинчи сониди.

айрилган<sup>1)</sup>. Биринчи бобнинг унвони: Биринчи навъ — илмнинг фойдаси ва билимсизлиқнинг зарари ҳаққида-дир. Адиб Аҳмад бу бобни:

«Биликтин айурман сўзумга ула»

деб бошлайдир. «Билик билан саодат йўли топилур», «биликли одам машҳур бўлади», «билликдан фойдалироқ нима бор?» каби фикрларни қаторлаб тизадир. Орасира жуда ибтидоий ўхшатишлар (ташбеҳлар) ҳам ясай-дир. «Биликли киши баҳоли олтин, биликсиз киши эса, қийматсиз чақадир. Одамда билик суякда илик кабидир» дейдир:

Баҳолиқ динор ул биликлик киши,  
Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.  
Сўнгатка иликтек эранга билик,  
Эран кўрки ақл, ул сўнгатнинг йилик.

Унга кўра, билим кишини юқори чиқарадир, кўтара-дир, билимсизлик эса, эрни қуйиға чўктирадир, тушур-радир:

«Билик бирла олим йуқор йўқолади,  
Биликсизлик эрни чукарди қуди».

Бундан кейин «тилни идора қилиш ва сўзлашмакнинг одоби» ҳақида китобнинг иккинчи боби келади. Мунда муаллифнинг айтмакчи бўлгани фикрлар шулар: «Адабларнинг боши тилни яхши тута олмоқ. Тил бир кун бошға етадир». Унинг фикрига кўра, «Қачон бир кишида икки нарса йиғилиб қолса, у кишига мурувват, яхшилик йўли бекинган бўладир. У икки нарсанинг бири сергаплик, иккинчиси ёлғончилик»:

Ики нанг бирикса бир ерда қоли,  
Бу канди ул ерға мурувват йўли.  
Бир ул янгишир эрса кераксиз сўзин,  
Икинж (и) ёлғон эрса ул эрнинг тили.

Сир сақлаш ва сирни бошқаларға билдирмаслик ҳам бу бобдаги сўхатларнинг биридир. У айтадирки ўзингда тура олмаган бир сир йўлдошингда қандай тура ола-дир?

<sup>1)</sup> Китобга ёзилган уч тақризнинг биринчисида «тузатти бу ўн тўрт боб ичра сўзи» дейилган. Шунда бир янглишлиқ йўқми-кин?

Эшим теб айнаниб сир айма, сақин<sup>1)</sup>  
Нежама инонжлик эш эрса яқин<sup>2)</sup>  
Сариб сенда розинг сингиб турмаса<sup>3)</sup>  
Сарарму эшингда муни кат сақин<sup>4)</sup>.

Китобнинг учинчи боби «дунёнинг айланиб, ўзгариб туриши» ҳаққидадир. Бунда бизнинг муаллиф бу бобда Яссавий шайхларидан қолишмоқ истамайди. У феўдализм ҳаётини ёқлайди, у хоразмшоҳлар даврида кўтарилмакда бўлган савдо сармоясиға қарши. У умуман, гижоратни ёқтирмайди. «Дунё кетида югурганларни (нг) хасис ва тубан мол йиғиш учун чарчаганлари(га) қайғуради. «Бу қадар мол йиғиб нима қиласиз, эрта-лаб келган мол кечаси қўлингиздан кетади!» дейди:

Бу дунё сўнгида югурмак неча,  
Хасис нангтин ўтру теб ўзунг куча.  
Налук молға мунча кўнгул боғламоқ,  
Бу мол келса эрта борур боз кеча.

У ҳаётға жуда бадбин қарайди: «Қандай жойлар, ерлар бор эди; Одамлари сиғишмас эдилар; одамлари кетдилар, у ерлар бўш қолди. Донолар, файласуфлар бор эдилар. Уларнинг мингдан бири ҳам қолмади», деб йиғлайди. У ҳаётнинг сўнги қайғудир. Дунёсини қандай шодлантирса ҳам:

«Қадинки (кейинги) қадаҳқа сўнуб заҳар қотар»

деб қичқиради.

Бундан кейин тўртинчи боб келади. Мунда сахийлик махталлади, бахиллик сўкулади. Шунинг билан китобнинг тўрт асосий боби тамом бўлади. Бундан кейин айрича бир боб «Яхши ахлоқ ва унга ташвиқ тўғрисида» ёзилган. Бундан кейин «турли мазмунларда турли байтлар» унвони билан яна бир боб келади. Бу икки бобдаги парчалар ҳам юқорида кўрганимиз руҳда насиҳатлардан иборатдир. Ондан сўнг асарнинг тамом бўлганига онд бир бўлумда асар эгаси ўзининг отини айтиб ўтади.

«Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг вазни аруздаги «мутақориб-би мусаммани мақсур» (фаулун, фаулун, фаулун, фаул)

1) Эш — йўлдош; айма — айтма.

2) Нежама — қачқаким.

3) Сармак — қурноқ, чидаб турмоқ.

4) Кат — албатта.

бўлуб, «Шоҳнома» ва «Қутадғу билиг» билан бир вазнададир. Бу асар санъат эътибори билан «Қутадғу билиг»дан тубандир. Ташбеҳлар ибтидоий, оҳанги ёқимсиздир. «Қутадғу билиг»да шунинг каби таълимий бир асар бўлса ҳам баъзи тасвирий парчалари бор. Оҳангда ундан устун турадир.

Эмди бир оз-да китобнинг босилиши тўғрисида гапурайлик. Биз бу китобнинг Нажиб Осимбек томонидан шарҳ этилиб босилганини юқорида ўқувган эдик. Мазкур олим томонидан бунинг бир кўб сўзлари жой-жойида изоҳ этилгани каби китоб охирида айрича бир луғатча ҳам илова қилинган. Китобнинг босилиши ҳижрий 1334 да, яъни «Девон(у) луғат(ит) турк»нинг биринчи, иккинчи жилдларидан бир йил сўнгра бўлган<sup>18</sup>. Шундай бўлса ҳам Нажиб Осимбек бунинг луғатларини изоҳ қилганда «Девон(и) луғат»га мурожаат қилмаганга ўхшайдир. Чунки, Нажиб Осимбекнинг бутўғрида у қадар янглишлари бўлганки, хусусан, «Девон(и) луғат» майдонга чиққандан кейин бир тил олимининг бу қадар хато қилиши мумкин эмасдир. Масалан:

18-бет биринчи сатрдаги «айурман» сўзини этмак, айламак сўзлари билан бир томирдан деб гумон қиладир ва «айдирым» деб маъно берадир. Ҳолбуки, «айурман» сўзи «аймоқ» (бу кунги айтмак)дан бўлуб, «айтаман» маъносидадир.

19-бет(ет) 3-с(атр)даги «айуған» сўзи ҳам шу янглишлик билан изоҳ этилган.

20-бет(ет) 10-с(атр)даки «ўтун» сўзи «Девон(и) луғат»да «алавиққ аллийм» (юзсиз, тубан киши) маъносида келган, «афв сўра» деб маъно бериш—янглиш.

21-бет(ет) 13-с(атр)даки «танко» сўзи «танго» бўлуб, ондаги «тонг» — саҳар демакдир. Тенг, баравар деб маъно бериш янглишдир.

24-бет(ет) 15-с(атр)даки «тўнго» сўзини «тугал» маъносида олиб мажоз йўли билан «халқ», «омма» учун ишлатиш янглишдир. «Девон(и) луғат»да (жилд 3, бет 272) бу сўз «йўлбарс» маъносида келган. Афросиёбнинг лақаби «Алп Эртўнга» бўлган.

25-бет(ет) 1-с(атр)даки «еттим» сўзининг тўғриси ҳаммага маълум бўлган «етдим»дир.

28-бет(ет) 12-с(атр)даки «аратим» сўзи янглишдир. Вазнини ҳам бузган. Тўғриси матнда араб алифбеси билан ёзилган «ардим—ардам»дир.

31-бет(ет) 10-с(атр)даки «балак» сўзини «билмак»дан «аломат» деб маъно бериш янглиш. Бунинг тўғри маъ-

носи «ҳады»дир. Бу кун бизда «бўлак» дейиладир («Девон(и) луғат», жилд 1, бет 322).

34-б(ет) 20-с(атр)да:

Наннак бор биликтин осифлиқ ункин  
(Наннак бор биликтин осифлиқ унгин)

мисраъидаки «наннак» сўзи «ниманг» маъносида олиниб, «унгин» сўзи «килгари» маъносида олинган. Шунинг учун шу мисраънинг изоҳи янглиш чиққан. «Наннак» — нима нарса, «унгин» — бошқа демакдир. («Девон(и) луғат», жилд 1, бет 87).

35-б(ет) 2-с(атр)даки «чўкарди қуди» иборати «чўкарда қуди» деб изоҳ этилган. Мундаки «қуди—қузи» —қуйи, тубан маъносидадир. Иборатини «тубанга, қуйиға чўқтирди», деб изоҳ қилиш керак эди.

36-б(ет) 17-с(атр)даки «кандин» сўзи уйғурчада ҳам шундай ёзилган. Бироқ тўғриси «сўнгра», «кейин» маъносида «кандин» бўлса керак. Вазн ҳам шуни талаб қиладир.

42-б(ет) 7-с(атр)даки «йиғ тил» иборати «йиғла кўнгул» деб изоҳ қилинган. Ҳолбуки, мундаки «тил» — лисон, оғиздаги тил маъносида бўлуб, «йиғ» — тўпла («Девон(и) луғат, жилд 3, бет 58—60), «Тилингни йиғиштир» демакдир.

40-б(ет) 7-с(атр)даки «сариб» матнда араб алифбеси билан форси(й)ча «қарор нақўнад» деб таржима қилинган. Тўғриси шудир. Нажиб Осимбекнинг «гизланмак» (яширмақ) деб маъно бериши хато («Девон(и) луғат», жилд 2, бет 6).

58-б(ет) 7-с(атр)даки «ошинда» сўзи янглиш, матнинг уйғурча, арабча ёзувларида «айсониди» ёзилган. «Эсон, саломат бўлган вақтида» демакдир.

67-б(ет) 2-с(атр)даки «эрта кел» сўзи «эришдир, тараққий этдир», деб изоҳ қилинган. «Девон(и) луғат»да «эртамак» сўзи «истамак» маъносида келган (жилд 1, бет 228).

Янглишларининг ҳаммаси, албатта, шу қадарғина эмас, жуда кўб! Биз ҳаммасини кўрсатиб турушни лозим кўрмадик. Бу китобни янгидан тузатиб босилишига эҳтиёж бор. Ҳар ҳолда Нажиб Осимбекнинг шарҳи тил ҳаваскорларини жуда ёмон янглишларга тушурурлик даражада хатолиқдир.

## ХVI АСРДАН СЎНГРА\* ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА УМУМИЙ БИР ҚАРАШ

16-аср Ўрта Осиё савдо сармоясининг йиқилиши<sup>1</sup> ва уни вужудга келтиргани жаҳонгир темурийлар давлатининг ўзбек феўдаллари томонидан энгилиб, ўз ўрнуни уларга топшириши билан бошланди. 1500-йилда темурийларнинг талантли ҳукмдорларидан бўлган машҳур Бобир Мирзо билан ўзбек хони Шайбоний орасида Самарқанднинг Қонгил деган ўрнида катта майдон уруши бўлуб, Бобир<sup>2</sup> энгилди ва Самарқандда яна бир муддат қамалиб урушганидан кейин шаҳарни таслим қилиб кетишга мажбур бўладир. Шундан кейин Бобирнинг ва бошқа темурийларнинг ўзбекларга қаршу бўлган ҳаракатлари қатъий ва самарали бир натижа бермай, Ўрта Осиё шаҳарлари кетма-кет ўзбек Шайбонийга таслим бўла берди.

Ўзбеклар Ўрта Осиёни олган эски замонлар чигатоий адабиётининг<sup>3</sup> сўнгги тараққий босқичларини босган кунларга тўғри келган эди. Унинг шогирдлари қисман, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро боболари атрофида, қисман Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида яшар эдилар. Ўзбеклар Ўрта Осиё ҳукуматини қўлга олиб ўрунлашғач, бунда қурилган, тараққий қилган адабиётга қаршу ҳаракат қилмадилар. Ўзбек оммаси, айнуқса, аскарый қисми орасида бахшилар(нинг) қаҳрамон(лик) дostonларини(нг) қўбиз ва дўнбира нағмалари остида давом қилганларига шубҳа бўлмаса ҳам ўзбек феўдаллари темурий саройининг дабдабали, безакли, сафоли ҳаётларини тақлид қилишга кечикмадилар. Зотан, Шайбонийнинг ўзи адабий тарбиясини Бухорода олган ва бир муддат темурий тўраларининг саройларида яшган эди.

Ўзбек хонлари Ҳусайн Бойқаронинг пойтахти бўлган Ҳирот шаҳрини олгандан кейин шоирлар, олимлар ва мусиқашуносларни Бухоро ва Самарқандга кўчурувга тиришдилар. Бундан ҳам уларнинг савдо сармояси тараққий қилган темурийлар давридаги санъат ҳаётини давом эттириш фикрида эканларини кўрсатди. Лекин, темурийлар даврида анча юксалган санъат ҳаётини давом эттирув, у даврдаги иқтисодий шароитни бурунги сақлаб ва тараққий қилдиришга боғлиқ эди. Ҳолбуки, ўзбек ва чигатоийларнинг узун муддат давом қилган курашлари, ўзбек хонларининг ўзаро доимий уруш-

\* Сўнгги.

лари, айнуқса, денгиз йўлларининг тараққийси сабабли бу замонларда карвон йўлларининг аҳамиятдан тушуб қолиши бу мақсадни вужудга чиқаришга йўл қўймас эди. Урта Осиё савдо сармойеси тушган, Урта Осиёда иқтисодий ҳаёт ем(и)рила бошлаган эди. Адабиётнинг, умуман, санъатнинг-да шул издан юруб кун сайин туша бориши табиий эди.

Шундай бўлса ҳам темурийлар замонидан санъаткорлар, шоирлар оз бир муддат ўзбек саройларида ҳам ўз борлиқларини кўрсатишга тиришдилар. Чигатой адабиёти ўзбек феўдаллари ҳимоясида ўзининг сўнг нафасини олмоқдалиғи бир муддат давом қилди. Бу даврнинг маълум шоирларини кўздан кечирмак истаганимизда бошлаб олдимизда тикланган шоир Шайбонийнинг ўзидир. Шайбонийнинг бутун шеърлар мажмуаси ҳануз қўлимизга тушмади<sup>4</sup>, лекин «Шайбонийнома»дан бошқа тазкира ва мажмуалардан тўплаганимиз намуналар унинг санъатга тубан бир шоир эканини кўрсатмакда.

Иккинчи шоир, умрининг сўнг йилларини Шайбоний саройида ўтқарган, унинг темурийларга қаршу курашига самимий суратда иштирок қилган ҳам бу курашнинг бир қисмини манзум дoston шаклида ёзган Муҳаммад Солиҳдир. Муҳаммад Солиҳнинг отаси Нуралибек темурийлар замонида мўътабар беклардан ҳам сарой шоирларидан эди. Муҳаммад Солиҳнинг ўзи ҳам Ҳусайн Бойқаронинг сарой шоири бўлуб, Шайбонийнинг Самарқанд устига юриши(и) замонида<sup>5</sup> Бойқаро саройидан қочиб, Шайбонийга қўшулди. Навоий ўзининг «Мажолис...»ида унинг шоирлиғини махтайдир ва форсийча шеърларидан намуна беради. Бобир Мирзо ҳам унинг туркий шеърларини «ёмон айтмайду» ибораси билан тақдир қилади. Муҳаммад Солиҳнинг шеърлар мажмуаси қўлимизда йўқ. Унинг ёлғуз «Шайбонийнома» исмли манзум дostonи маълумдир. Бобир Мирзо бу асар ҳаққида «бисёр суст ва фуруд (тубан)дир, ани ўқиған киши Муҳаммад Солиҳнинг шеърларидан безътиқод бўлур деб қиммат берадир»<sup>6</sup>, тўғриси ҳам шудир.

Шайбонийнинг ўлумидан кейин тарқалган ўзбек аскарый кучини йиғиб, янгидан бош кўтарган Бобир Мирзони Бухоро атрофида енгган ўзбек хони Убайдуллоҳ ҳам бу даврнинг машҳур шоирларидандир. Убайдуллоҳ Урта Осиёнинг турли ҳужумлар сабабли тушуб қолған иқтисодий ҳаётининг ўнғайсиз вазиятини яхши англаб эди. Бурунғи темурийлар ўлкасида кўрулған янги ўзбек



хонлигида бирликни сақлаш учун янги исёнларга, бўлунишларга майдон бермаслик учун ўзбек қабила бошлиқларини моддий ёқдан таъмин қилиб туриш, уларни янги талошларга муҳтож қилмасдан сақлаш лозим эди. Урта Осиёнинг у кунги иқтисодий вазияти эса, бунга мусойид<sup>7</sup> эмас эди. Бунинг учун энг яхши чора таловчиликни ўлка чегарасидан ташқарига чиқармоқ деб билинди, кўзлар бурунги темурийларнинг мойил мустамлакалари бўлган Эронга тикилди. Эронийлар билан ўзбеклар орасида мазҳаб айирмаси бор эди. Ҳийлакор Убайдуллоҳ мана шундан фойдаланмоқчи бўлди. Урта Осиёда ҳукм сурган «Нақшбандий» ва «Яссавий» тасаввуф оқимларининг иккаласига ҳам кирди. Шайхларга мурид, муридларга шайх бўлди. тасаввуфий шеърлар ёзди<sup>8</sup>. Зотан, дин ва тасаввуф билан заҳарланган халқни диний манзумалар билан «газо»га (яъни, Эронни талашга) ташвиқ қилди. Унинг шеърлар мажмуаси (да) форсий, арабий ғазаллардан бошқа Навоийларнинг сарой адабиётлари шаклида ҳам яссавийлик мактабига махсус шаклда парчалар бор. Убайдуллоҳнинг форсийча ва ўзбекча чиройлик парчалари кўб. Бу кунги материалларга кўра, унинг бу даврнинг энг яхши шоири деб қабул қилишга тўғри келади.

Булардан бошқа бир кўб шоирларнинг борлиги маълум<sup>1)</sup> бўлса-да, кўбрак асарлари ҳали майдонга чиқмаганлар ҳақида узил-кесил бир нарса айтиб бўлмайди. Булар орасида кўзга кўринарлик яна бир шоир балхли Пошшо(ҳ)хўжа ибни Абдуваҳҳобхўжадир<sup>2)</sup>. Отаси, оғаниси ҳам олим, ҳам шоир кишилар бўлган бу зотнинг «Гулзор» исми бир асари бизга маълум. Отидан ҳам онглашилгани каби машҳур Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»ига ўхшатма тарзида ёзилган бу асарда ўз замонининг баъзи томонларини акс этдирган муҳим парчалар бор, тил ва услуби чиройликдир.

Бу даврда ўзбекча тарих адабиёти жуда бой эди. Улкани янги истило қилган ўзбек хонлари Жўжи воситаси билан Чингизхонга бориб етар эдилар. Чингиз авлоди бўлмаган темурийларга кўра, хонлиққа ўзларини ҳақли кўрар эдилар. Шу томонни очиб халқни ўзларига исиндирмак учун тарихий асарларга айрича аҳамият берилди.

1) «Музаққир аҳбоб» эгаси буларнинг бир қисмидан хабар беради.

2) Таржимайи ҳоли «Музаққир аҳбоб»да бор.

Рашидиддиннинг машҳур «Жомеъ ут-таворих», Шарафитдин Али Яздийнинг «Зафарнома»си форсийчадан ўзбекчага таржима қилинди. Қисқагина бир «Шайбонийнома» ёзилди<sup>9</sup>. Мавлоно Абдуллоҳ ибни Али томонидан ўз замонида мавжуд маъхазлар аралаштирилиб, «Зубдат ул-асар» исмли ўзбекча бир тарих ёзилди<sup>10</sup>. «Тарихи Хоний» ва «Баҳр ул-асрор» каби форсийча асарлар вужудга келтирилди<sup>11</sup>. Улкада иқтисодий, снёсий тузум давом қилди. Ҳарбийлар [нинг] қабила бошлиқларининг ғалабаларини, эҳтиёжларини таъмин қилу(в) мумкин бўлмай қолди. Шунинг билан хонларнинг нуфузи камайди. Турли исёнлар майдонга чиқди, вилоятлар айрилди, хонлар ўлдирилиб, сарой ўзгаришлари ясалди. Хонлиқ шайбонийлар сулоласидан аштархонийлар сулоласига ўтди (1597). Аштархонийлар замонида ўлканинг тинчсизлиги, тартибсизлиги, иқтисодий тушкунлиги кучайди, сарой қашшоқланди. Мамлакатда адабиётнинг, умуман, нафис санъатнинг тараққийсига, ўсувига майдон қолмади. Бир кўб шоирлар, санъаткорлар, олимлар Ҳиндустонда Бобир Мирзо томонидан қурулган мўғул ҳукуматининг пойтахтига ҳижрат қила бошладилар. Урта Осиёда қолган шоирлар эса, саройдан ҳимоя кўра олмагач, омма орасидан ўқучилар таъмин этувга киришдилар. Шунинг учун саройнинг муҳташам такаллуфли, безакли услубини ташлаб, омма услубига яқинлашувга тиришдилар. Бу давр ўзбек адабиётининг санъатга тубан тушган даври бўлуб, 19-асрнинг бошлариғача давом қилди.

Сўфи Оллоҳёр, Машраб Намангоний, Турди ва Ҳувайдо каби услубан бир-бирига яқин шоирлар бу даврнинг ҳосилоти эди. Ўзбек ўлкасининг кундан-кун иқтисодий тушиши, идора бирлигини сақлашига монёъ бўлди. Хоразм ўлкаси Шайбонийхоннинг ўлумидан кейин ажралиб, бир оз вақт Эронга тобеъ бўлди ва тезликда ундан қутулиб, мустақил бир ўзбек ҳукумати қурган эди (1504). Бухорода ҳукумат шайбонийлардан аштархонийларга ўтгач, яна бир оз кучсизлангани учун Хоразм ҳукуматининг анча тажовузига учради.

Аштархонийларнинг охириги ҳукмдори бўлган Абулфайзхон замонида Фарғона ҳам айрила бошлади. Ҳукумат Абулфайзхондан манғит сулоласига ўтгандан кейин Фарғона ўзбек ҳукумати кучая бошлади. Мана шундай бўлуб, ўзбек ўлкаси уч мустақил ва рақиб марказга айланди. Биз бу даврда ўзбек адабиёти ва, умуман, ўзбек санъатининг шул уч марказга бўлинганини

кўрамиз. Хоразм хонлигида ўзбек хони Абулғозихон ибни Арабмуҳаммадхон томонидан 1660 инчи йилда машҳур «Шажарайи турк», ондан кейин «Шажарайи тарокима»<sup>12</sup> китоблари ёзилди. Милодий 1804 йилда Хоразм хонлиги Элтузархонга ўткандан кейин Хоразм ўлкаси иккинчи тинчсизлиқлардан бир оз қутуладир. Ҳукумат маркази ободлиққа юз тутуди. Ички тинчлик натижасида иқтисодий ҳаёт кўтарила бошлайди. Сайинд Музаффархўжа Киромий ва унинг шоғирди бўлган Шермуҳаммад Мунис каби шоирлар етишлар. Мунис томонидан «Фирдавс ул-иқбол» исмли буюк Хоразм тарихи ёзила бошлайдир. Бу адабий ҳаракат рус жаҳонгирлиги томонидан Хоразм истило қилингангача ва ундан кейин давом қилди. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Комил, Табибий, Нодири Ғулломий, Мирзо, Ниёзий, Оқил, Фойиқ, Ожиз каби босилган ва босилмаган девон эгалари бўлган машҳур шоирлар етишдилар. Ибни Асирийнинг «Тарихи комил»и, Давлатшоҳнинг тазкираси<sup>13</sup>, «Равзат ус-сафо»<sup>14</sup>, «Мурувваж ул-заҳҳоб»<sup>15</sup> каби бир кўб муҳим китоблар форсийчадан таржима қилинди. Аштархонийларнинг сўнг даврларида истиқлол олган Фарғонада ҳам Олимхон ва Умархонлар замонида адабиёт янгидан бош кўтарди. Айнуқса, Умархон замонида сарой атрофида бир кўб шоирлар йиғилдилар. Буларнинг орасида Фазлий, Ҳоziқ, Ҳижлатхон каби санъатда юқори даражада турганлари бор эди. Умархон саройида тўпланган шоирларнинг кўбрак умрлари бир-бирлариға ўхшатма шеърлар ёзишда ўтар эди. Булар, айнуқса, подшо (х) Умархоннинг ғазаллариға ўхшатмалар ёзар эдилар. Яна Умархоннинг сарой шоирларидан наманганли Фазлий бу ўхшатма шеърларни қатор-қатор тизиб, «Мажмуат уш-шуаро» исми остида йиққан эди. Лекин, шуни айтиш керакки, Фарғонада ўсган адабий ҳаёт Хоразмники каби файзли ва кенг бўлмади. Хоразмда қурилган муҳим асарларни таржима қилиш, аҳамиятли тарихлар ёзиш ҳаракати Фарғона даврида йўқ каби. Шундай бўлса ҳам Фарғона шоирларининг Хоразм шоирлари устида катта таъсирлари бўлганини инкор этиб бўлмайди, Фарғона «Мажмуат уш-шуаро»сиға ўхшатиб, Хоразмда ҳам бир «Мажмуат уш-шуаро» тузуми<sup>16</sup> бунни кўрсатадир. Бу даврда Фарғона сарой адабиётларининг халқ адабиётиға айрича диққат қилганлари ҳам кўриладир. Бунинг натижаси эса, шоир Гулханий томонидан

Япалоққуш ҳикояси шаклида бир кўб мақолларни ўрунлаштириб ёзилган «Зарб ул-масал» китобидир,

Худоёрхоннинг муншийси томонидан ўзбек тилида ёзилган «Мажмуат ул-ансоб» тарихи<sup>17</sup> билан Муҳаммадхон ҳам Ниёзий исмли муаррихларнинг «Мунтахаб ут-таворих»<sup>18</sup> ва «Тарихи Шоҳруҳий»<sup>19</sup> исмли форс тарихлари бу даврнинг асарларидан иборатдир. Бухоро амирлиғи дохилида эса, у даврнинг энг машҳур шоирларидан деб бухороли Мужрим, шаҳрисабзли Хиромий каби бир кўб шоирларни санов мумкин. Бу адабий жараён ҳеч бир янгилик кўрсатмасдан то жадидизм давригача давом қилди ва бир-бирига қуруқ тақлид қилғучи сонсиз, саноқсиз шоирлар етиштирди. Ун олтинчи асрдан кейинги ўзбек адабиётининг энг кўзга кўринарлик хусусияти бу адабиётга ўғуз туркчасининг таъсиридир.

16-асрдан бурунги адабиётимизда, масалан, Навоий шеърларида ҳам ўғуз тилига мансуб унсурларни учратиш мумкин. Лекин, буни ташқаридан келган бир таъсир бўлмай маҳаллий баъзи қабила шеваларининг Навоий тилида акс этиши деб қабул қилиниши керак. 17-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб биз бунинг хорижий бир таъсир билан пайдо бўлган шаклини кўрамиз. Бошлаб 17-асрнинг иккинчи ярмида яшаган Турдиннинг шеърларида «чўх», «на ажаб» каби ғарб туркчаси (ўғузча) унсурларига учраймиз. Замон бизга яқинлашган сайин бу таъсир кучаяди. Бухородаги Мужримдан тортиб Фарғона сарой шоирларигача ҳаммасида бу таъсир кучли. Биз бу ўғузча таъсирининг баъзи бошқа сабаблари бўлуш эҳтимолини тамоман рад қилмаганимиз ҳолда, буни кўбрак Фузулийдан кўрамиз. Айниқса, Фарғона сарой шоирларининг Фузулийга ўхшатма ғазаллари шуни кўрсатадир. Фарғона хони Умархон ўғли Муҳаммад Алихоннинг Фузулийга ўхшатма бир девон келтирганин бизга «Тухфат ул-аҳбоб» эгаси<sup>20</sup> хабар беради. Сўнг замонларда бир нусхасини топишга муваффақ бўлганим бу кичкина девоннинг ҳақиқатдан бутунлай Фузулий тилида ёзилганини кўрдум<sup>1)</sup>.

Хулоса, 16-асрдан кейинги ўзбек адабиёти ўзидан бурунги чиғатой адабиётидан тубандаги хусусиятлар билан ажраладир:

1. Бу даврнинг адабиёти ўзидан бурунги даврга қа-

---

<sup>1)</sup> Елғуз ўзбекларнинг «вниг» ўрвуда «ви» ишлатишлари шунда ҳам бор.

раганда, умуман, санъатча тубан, бироқ сон жиҳатдан кўбдир.

2. Бу даврнинг адабиётига 17-асрнинг иккинчи ярмиларидан бошлаб ўғузчанинг, айнуқса, Фузулийнинг кучли таъсири бор.

3. Бу даврда тарихий асарларга айрича аҳамият берилган.

4. Шеърда Яссавий мактаби бу даврда саройгача кўтариладир<sup>21</sup>.

## ЎЗБЕК ШОИРИ ТУРДИ

Ўзбекнинг бу қизиқарли шоири ҳақида бизга энг бошлаб хабар бермак, ҳатто, уни кашф этмак шарафи ёш текширишчиларимиздан ўртоқ А. Мажидийга<sup>1</sup> оиддир<sup>1</sup>). А. Мажидий «Зарафшон» газетасининг 217—219-сонларидаги мақолаларидан кейин «Маориф ва ўқитғучи» журналида бу ҳақда муфассал бир мақола берди<sup>2</sup>). Ўртоқ Мажидий мазкур мақоласининг бир жойида Турдининг эли, юрти, кимлиги ҳақида маълумот йўқлигини ёзгандан кейин «замон ўзи борган сайин бу масъалани таъқиб этиб, бу яширин сирнинг ўзи ҳам устидан пардасини ирғитар», деб ишонч билдирган эди. Мана шу «пардани ирғитиш» Турдининг қандай одам эканлигини белгилаш йўлида кичкина бир хизмати бўлур умиди билан шу мақолани ёзмоқчи бўлдиқ. Бошлаб ўртоқ Мажидийнинг Турди ҳақидаги фикрларини хулоса қилайлиқ. Ўртоқ Мажидийга кўра:

1. «Хон деган сўз ўлум билан бир маънода» юрган: «Қаттиқ бир вақтда Турди хонга исён қилди, унинг но-тўғрилиқларини кўруб турмади...».

2. «Турди башарият орасида давом эткан ҳақсизлиқлар, зулмлар, ҳоқимлик, маҳкумлик, жанжал, низолар, қон тўқушлар тўғрисида виждонан азобланган», «куйганларнинг биртаси».

3. У «эл устида қон солиб кеткан бекларга: манманлик қилмангизлар, халқ ишини тўғри йўл билан олиб боришга сизда куч йўқми? Фақат сиз сарватнинг<sup>2</sup>) қулисиз, қачон сарват йўқолса, сизни(нг) ҳакамлигингиз бошқаларнинг маҳкумлиги билан бирга йўқолар», деган.

<sup>1</sup>) А. Мажидийнинг адабиёт тарихимизга оид материаллар излаб топиш тўғрисидаги ғайратини тақдир қилмай ўтуш қўлдан келмайдир.

<sup>2</sup>) «Маориф ва ўқитғучи» журнали, 25-йил, 9—10-сон, 52-бет.

Биз ўз ишимизга киришмасдан бурун ўртоқ Мажидий томонидан Турди ҳақида берилган шул уч моддалик ҳукмининг, айниқса, учинчи моддасининг сал шошилиброқ берилганини айтиб ўтишга мажбурмиз. Бу даъвомизнинг исботи эса, шу мақоланинг натижаси бўлуб келади:

Биз Турдини текширганда, бошлаб унинг ўз шеърлариға мурожаат қилдик. Унинг шеърлари орасида таржимаи ҳоли учун ярарлиқ моддаларни тубандагича чизиб олдик:

1. Турдининг бир ғазали бор, онда:

Бир сари азм айла, жойи номусулмондир бу мулк,  
Фитнау авбошу зулму куфру тугъндур бу мулк.

Бир калима ҳурмати дин лек ислом оти бор,  
Мутлақо кирдори хейли кофиристондур бу мулк  
дегандан сўнг:

Жойи ислому мусулмонлиқ, Фароғий, истама,  
Пойтахти кишвари Субҳонқулихондур бу мулк—

деган. Кўруладирки, Турди «пойтахти Субҳонқулихон» бўлган бир «кишвар» (ўлка)да, яъни Бухорода турган: онда қандайдир бир ўнғайсизлиққа учраб, бошқа «сари азм айла»мак истаган.

2. Турдининг Хўжанд ҳокими Оқбўтабийға бағишланган бир мухаммаси бор.

«Ёд мандин ким берур? Яхши замонлар кўрдиман»

мисраъи билан бошланган бу мухаммаснинг бир бандида:

«Ҳукм жорий, сўз қабули, бир дуру дар гўш эдим,  
Аҳли давлатла (р) била ёру ҳариф, ҳамдўш эдим,  
Ҳой, ҳуйн базмларда шаҳд (маст?) нўшо-нуш эдим,  
Хуш замонлар «юз» қазони бошида сарпуш эдим,  
Бу замон йувғон қозон остида қолган йундиман»

дейилгани каби Оқбўтабийға қаратиб:

Хешман, дарвиш, мискин мустаҳиқ девонадин,  
Баҳраманд эт илтифоту, ҳиммати мардонадин,  
Сан туруб лойиқмидур, қилмоқ талаб бегонадин?  
Қиблагоҳо, мандин укроҳ этма, бир майхонадин,  
Хўш бар хум, соф майсан, ман ғубору, дурдиман<sup>3</sup>

дейиладир.

Мундан Турдининг ўзбекнинг «юз» қабиласидан<sup>4</sup> ҳамда у қабиланинг бошлиқларидан («юз қазони бо-

шида сарпуш») эканин онглаймиз. Турди Оқбўтабийга «хеш»лиқ даъво қиладир, мен билан сен «бир майхона» да қайнаган «хум»даймиз, сен «хум»нинг «соф» майи, мен унинг «дурди»—лойи бўламан, дейдир.

Муҳаммадраҳим Оталиқ ўғли Оқбўтабий<sup>5</sup> бизга ёт киши эмас. У Фарғона хонларининг сулола бошлиғи бўлган «Шоҳруҳ Оталиқнинг замондоши бўлган; Шоҳруҳ Оталиқнинг қизини олган. 1138 (1721) йилдан кейин Шоҳруҳ ўғли Раҳимхон<sup>1)</sup> томонидан ўлдурилган. Оқбўтабийнинг отаси Раҳим Оталиқнинг Субҳонқули замонида Хўжанд ва Уратепа ҳокими бўлуб турган «Раҳимбий-юз» эканига шубҳамиз йўқ<sup>2)</sup>.

Раҳимбий юзнинг ўғлига «хеш»лиқ даъво қилган Турдининг ҳам юз қабиласидан экани, табиий, лозим бўладир. Мундан бошқа Турди Субҳонқулини сўккан мухаммасида Субҳонқули юртида одам қолмади, деб зорланадир ва шу қаторда «Хўшика» отли бир одамни махтайдир:

Хон эшикинда киши қолмади бир соҳиби фан,  
Бори бир неча сўқум қайди маҳзи кардан,  
Келмас қўлларидин иш, ҳама ошхўр фарзан,  
Унда бир эр Хўшика эрдию...

Фикримизга кўра, бу «Хўшика» дан мақсад Субҳонқулихоннинг катта бекларидан бўлуб хоразмийларга қаршу урушларга иштирок қилган «Хўшикабий —юз дан<sup>3)</sup> бошқа киши эмасдирки, бу ҳам Турдининг «юз» қабиласидан эканини қувватлайдир.

3. Турди шеърлари орасида «То хайр асб инъом Ҳалимбий оталиқ» унвонли бир парча бор:

Аё мири валниъма кироми от инъоми,  
Юзини кўрмаға ҳасратда ўлдум эшитиб номи,

деб бошланган бу парчада:

Ҳазора қалъасинда жамъи хосу ом аросинда,  
Забони пурдурар борингдин эшитдим бу пайғоми,

---

<sup>1)</sup> Раҳимхон Шоҳруҳ ўғли «нинг» қабиласидан бўлуб, Фарғона хонлигини таъяс қилган кишидир. Бу билан Оқбўтабий Муҳаммад Раҳим Оталиқ ўғли орасидаги муносабат ҳақида тафсилот «Мунтахаб ут-таворих»да бор.

<sup>2)</sup> «Раҳимбий юз... аз Уратепа баромада жанг ху озмиро мопанд шуд. Субҳонқулининг қотиби бўлган Хўжа Самандари Термизий томонидан ёзилган «Дастур ул-мулук»нинг 178—(17)9 бетлари (ўз кутубхонамда), «Дар Уратепа у Ҳоживдака мискин Раҳимбий юз буд» (мазкур китоб, 281-саҳифа).

<sup>3)</sup> «Дастур ул-мулук», 146—152 (бет).

Ушал тарихдин ўн ой ўтуб йилга қадам қўйди;  
Ки не оғозини билдим яқин, не маълум анжоми.

(Не маълум бўлди анжоми?)

дейиладир. Мунда Турдининг Бухородан чиқиб Ҳазора қалъасида бир оз турганин, онда Ҳалимбий оталиқдан бир от ваъда олганин кўрамиз.

4. Турдининг Субҳонқули билан бузулишмоқдан бурун Бухородаги ҳаётининг қандай ўтканин ҳам унинг ўзидан эшитайлик: у Хўжанд ҳокими Оқбўтабийни мақтаган мухаммасида шундай дейдир:

Ед мандин ким берур? Яхши замонлар кўрдиман,  
Ринд сар хайлию хуш айши дамодам сурдиман  
Халқан ушшоқда базму мажолис кўрдиман,  
Муши ҳокам давру давронлар (ни лекин) кўрдиман,  
Хуш димоғ эткан майи софи ҳарифлар дурдиман.

Қилмадим шукронаи, солдурди туфроқ ошима,  
Қолмади жуз дарду, гам ҳамдам, мусоҳиб қошима.  
«Ҳақ» ўзи раҳм айлағай оҳи саҳар<sup>6</sup> кўз ёшима,  
Тафриқа тошини ёғдурди замона бошима,  
Хонумон овора, селоби ҳаводис сурдиман.

Воқифе йўқ бу мусофирлиғда мандин не ўтар,  
Баски юз кўйибила рўзи келиб, рўзи кетар.  
Ўзмағай мундин балойу, бўлмағай мундин батар,  
Ақроболар суҳбатимдин ор этар, қошин чатар.  
Салб дилларда (н), назарларда қариқ супуриндиман.

Ҳукм жорий, сўз қабули, бир дуру даргўш эдим,  
Аҳли давлатла (р) билан ёру ҳариф, ҳамдўш эдим.  
Хуш замонлар юз қазони бошида сарпўш эдим,  
Бу замон ювғон қозон остида қолган юндиман.

Чархи дун қилди манга жавру жафолар беҳисоб,  
Гардиши даврон берур ҳар лаҳза юз минг печу тоб,  
Ҳар сори елдим, югурдим сувсониб мавжи сароб,  
Ташна лаб, гарди кудурат зери пойинда хароб,  
Баҳри давлатдин йироқ, гардан шикаста мўндиман.

Мана бу парчалардан жуда яхши онглашиладирки, бу одам сўзи ўткур, «ҳукми жорий», «айши нўшонўш» билан машғул «аҳли давлатлар» билан ўртоқ бўлган. Сўнгралари «чархи дун» унга «жавру жафолар» қилган, «ошиға туфроқ» солган, уни Субҳонқули дарборидан ажратиб «мусофирлиғда» қолдирган.



5. Турди Субҳонқули дарбори илан ажралишининг тарихини ҳам бизга берадир:

Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўб зору наҳиф,  
Зулмдин бўлди раият эликим хору заиф,  
Соли тарихини этдим чу хираддин таклиф,  
Деди: «Дин» бошдин-аёқдин тушуб, «ислом заиф»<sup>7</sup>  
Даври Субҳонқули жобир, умароси Япалоқ.

Уртоқ А. Мажидий бу парчанинг бешинчи мисраъини тарих деб ўйлаган. Бешинчи мисраъининг ҳарфларини «абжад усули» билан ҳисоблаганда 1132 (милодий 1719) чиқадир.

Ҳолбуки, Субҳонқули ўлуми 1113 (1701)да, яъни А. Мажидий кўрсатган тарихдан 19 йил бурундир. Бу тўғрида С. Айнийнинг ҳақли эътирозига учраган А. Мажидий юқоридаги тарихнинг шубҳали эканини эълон қилган. Менинг фикримча, мундаги тарих моддаси бешинчи мисраъ эмас, тўртинчи мисраъдаги «ислом заиф» ҳам «дин» сўзларидир. «Ислом заиф» сўзи абжад усули билан 1092 бўлуб, мунга бош, аёғи кеткан «Дин»нинг «и»си (яъни 10) қўшулганда 1102 бўладир. Бу эса, ҳақиқатан Субҳонқулининг Бухоро хонлигида туруб баъзи беклари билан онглашилмовчилик чиқарган йилларига тўғри келади.

6. Турди Субҳонқулига қаршу ёзгани мухаммасида Раҳим деган одамни махтайдир:

Ҳақдин ўлдур талабим ўлса санга ёр, Раҳим!  
Ики оламда наби шафиъу ғамхўр, Раҳим!  
Бўлса то даври мадори бу жаҳон бор, Раҳим!  
Айлағай сени худо барчага сардор, Раҳим!  
Бегу, бегзодасану юртқа тушган бир тоқ.

.....<sup>1)</sup> ҳақ йўлига юргайсен  
Аҳдингга росих ўлуб, бу сўзингга тургайсен,  
Бу замонда борининг (борини) бир кўз ила кўргайсен,  
Ўзбекни гули, сарсебади, бегзоди сен.

..... аҳли муҳтожлар даргоҳи, нжоди сен (?)  
Улма кўб суст—ўшал Эр Боқининг авлодисен,  
Бор кими ҳади, урғай сенинг олдинга натоқ<sup>2)</sup>.

<sup>1)</sup> Нуқтали ўрин ўқилмади.

<sup>2)</sup> Мунда «нитоқ» шаклида кўчирганимни сўз аслида «натоқ» ёзилгани, «белбоғ» демакдир. Белбоғнинг бу мисраъда муносабати йўқ. Шоир буни янглишдан «нутқ»<sup>1)</sup> маъносида олган бўлса керак. Сўнгра А. Мажидий бу парчага Турдининг таржимайи ҳоли деб оладир. Ҳолбуки, унинг Раҳимбий/ҳақида айтилганига шубҳа йўқдир.

Мана бу мухаммасда махталган, «сен ўшал Эр Боқининг авлоди бўласан», «сенинг олдингда гапиришга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ, сустлик қилма» нимагадир; ташвиқ этилган Раҳим, бизча, Хўжанд ва Уратепа ҳокими; Оқбўтабийнинг отаси Раҳимбий юздан бошқа киши бўлмаса керак.

Турдининг асаридан териб олиб тафсилот берганимиз шу беш моддани хулоса қилганда, унинг таржимаи ҳоли ҳақида тубандаги фикрга келиш мумкин: Турди ҳижрий 1100 йиллардан бурунроқ Бухорода, Субҳонқули саройида эътиборли беклардан, «юз» қабиласининг бошлиқларидан бўлган. Сўнгралари бу одам Субҳонқули билан узоқлашган. Бухородан чиқиб, Ҳазора қўрғони орқали Уратепа ва Хўжанд ҳокими Раҳимбийни махтаб, унга тақдим қилган, ҳам уни (юқорида кўрганамиз сўзлар билан) қандайдир бир ишга ташвиқ қилган. Сўнгра Раҳимбийнинг ўғли Оқбўтабий замониғача Хўжандда қолган.

Эмди ўзининг хони Субҳонқулининг замонини текширайлик. Турдининг Бухородан чиқиб кетишига оид бирон изга, бирон аломатга учраш, балким мумкин бўлур.

Ўзбек хони Нодир Муҳаммад<sup>8</sup> осий ўғуллариға ҳукуматни ташлаб кетгач (ҳижрий 1055—милодий 1645), Бухоро ҳукумати Абдулазизға, Балх ҳукумати унинг қариндоши Субҳонқулиға қолган эди. Ҳукумат учун оталарига тоқинган бу безори шаҳзодаларнинг ўзаро сулҳ билан яшамоқлари мумкин эмас эди. Буларнинг 37 йиллик даврлари Бухоро билан Балх орасидаги доимий деярлик урушлар билан ўтди. Бухоро ва Балх ораси харобаға айланади. Буларнинг натижасида курашлардан безганлардан бир қисмлари (Самарқанд, Шаҳрисабз, Даббўз қалъаида турганлар) Хева хони Анушаға киши келишини рижо<sup>9</sup> қилдилар. Бир қисмлари эса Абдулазизни тушуруб, Субҳонқулининг ўзиға бутун ўлкани топширмоқчи бўладилар. Мана шу тортишмалар натижасида Абдулазиз ўлкани Субҳонқулиға топширишдан бошқа чора топа олмайди, хонлиқни Субҳонқулиға топшириб, ўзи ҳажға кетади. Субҳонқули 37 йил Балх ҳукмдори бўлиб тургандан кейин 1092 (1681)да Бухоро тахтини ҳам олган бўлди. Бухоро—Балхда яна йнгирма бир йил ҳукумат сургандан кейин 1113 (1791) да ўлди. Турдининг муҳаммасида сўкулган «Япалоқ қушбеги»нинг саройида катта нуфузли бир одам бўлуб туриши ҳам, Субҳонқулининг шул Бухоро-

ни олганидан кейин бўлди. Субҳонқулининг Бухоро тахтини олишидан ўлушигача бўлган 20—21 йиллик даврнинг энг катта ҳодисалари тубандагилардир.

1096 (1685) да Хева хони Анушахон Бухорога ҳужум қилиб, муваффақиятсиз қайтди. 1097 (1686) да яна ҳужум қилди. Бу сафар Самарқанд, Шаҳрисабз, Даббўз шаҳарлари унга таслим бўлдилар. Субҳонқули ўз қўшуни билан Карминагача келиб ондан ўта олмади, Бухорога қайтди. Кураш 3—4 ой давом этди. Уратепа, Хўжанд ҳокими Раҳимбий юзнинг Субҳонқулига ёрдамга келиши билан Хева хони ўз кучсизлигини сезган бўлди. Олгани ўлкаларга ўз томонидан ҳокимлар қўйиб, Хевага қайтишга мажбур бўлди. Бир йилдан сўнгра янгидан куч тўплаб, Бухорога ҳужум қилган бўлса ҳам енгилиб қочди. Субҳонқулининг Балхга бориб, ўзининг ўғли Муҳаммад Сиддиқни ўлдургани ҳам шу орада воқиф бўлди<sup>1)</sup>. 1097—1106 йиллар орасида биз Бухорода баъзи қабилла бошлиқлари исёнларини кўрамиз<sup>2)</sup>. Бу исённинг бошида юз қабиласи бекларидан Фозилбий, қатагон қабиласи<sup>3)</sup> бекларидан Ўз Темурбий, ёбу қабиласи, бекларидан Тоғма (ё — Туама)бийлар турар эдилар.

Юқоридаги бекларнинг орасида катта нуфуз эгаси бўлган қуллар ҳам беклар билан рақобатлари натижа-сида бу исён чиққан эди<sup>3)</sup>. Исёнчилар бошлаб Бухоронинг

<sup>1)</sup> «Тарихи Муқимхоний» Муҳаммад Сиддиқнинг қамоқда қасал бўлуб ўлганини ёзадир. Бироқ, «Тазкирани Арзо Бадеъ Китобдор» ва «Дастур ул-мулук» эгалари унинг отаси томонидан ўлдурилганини хабар берадилар. «Дастур ул-мулук»да унинг қайси соатда ўлдургани ҳам ёзилган.

<sup>2)</sup> Бу исён замони «Тарихи Муқимхоний»да 1097, «Дастур ул-мулук»да эса, 1106 деб кўрсатилади. Шунинг учун мен 1097—1106 йиллари орасида деб олдим.

<sup>3)</sup> Хонларнинг саройларида қуллар билан рақобатлари ҳар вақт бор эди ва ҳар вақт катта ҳодисаларга сабаб бўлар эди. Ўзбек хонлари исёнчи қабилла бошлиқларидан безган эдилар. Буларга ишонини янглиш санардилар. Шунинг учун ўлкада ҳеч бир таянчлари бўлмаган. Исён эҳтимолларида узоқ турган қулларни саройга киргизиб, ўлка ихтиёрида шуларга топширар эдилар. Шу тadbир билан қабилла бошлиқларнинг ҳар турли солиқларидан ўзларини, гўё сақлаган бўлур эдилар. Шунинг учун қуллар билан асилзода беклар орасида сарой нуфузи устида ҳар вақт жанжал, тортишма бўлуб турар эди. Ҳижрий 945 (1538) да Балх ҳукмдори «Қастин қора»га бағишлаб «Гулзор» исми китоб ёзган ўзбек шоири Подшо(ҳ) хўжа ибни Абдул Ваҳҳоб хўжа ҳам саройда/қул нуфузига қаршу:

Ғар асолат таҳлика ҳукм айласа султони даҳр,  
Ғайрат илан ҳарб айлаб тигидин қонлар сочар.

Намозгоҳида йиғилдилар. Шаҳар халқидан вакиллар чиқиб буларни насиҳат билан қайтаришга тиришдилар, муваффақ бўлмадилар. Шаҳардан аскар чақирилди. Хон аскарни исёнчиларни Фатҳободгача чекилишга мажбур қилдилар. Фатҳободда ярим кунгача урушгандан кейин Карминага борадилар. Кармина қўрғони исёнчиларни қабул қилмади. Чорасиз Даббўз қалъага борадилар. Даббўз қалъани маҳкамлаб ўрунлашгандан сўнг «қатағон чурагаси Ўз», «Хисрав чурагаси Ёбу»ни ёрдам сўраш учун Хевага юбордилар. Хева хони Арангхон (Анушанинг кичик ўғли) буларга ёрдам учун келиб, Қоракўл атрофидаги урушда енгилди. Хева хонига қўшулмоқ учун Гиждувонгача келган исёнчилар бу хабарни эшитгач, ўзларини йўқотдилар. Исёнчилардан Ўз Темурбий қатағон Субҳонқулига таслим бўлди. Фозилбий юз, Тоғмабий ёбу ўз одамлари билан қочиб, Уратепа ва Хўжанд ҳокими Раҳимбий юзнинг ёнига келдилар. Раҳимбий юзни Субҳонқулига қаршу исён чиқаришга ташвиқ қиладилар. Раҳимбий юз исёнга ботирлиқ қила олмади, уларнинг таклифларини рад қилди. Исёнчилар Раҳимбий юз (Оқбўтанинг отаси)дан маҳв бўлган Самарқанд атрофига келдилар. Самарқанднинг Конигилида бўлган бир урушда маҳв бўлдилар.

Бу узун тафсилотдан бизнинг олмоқчи бўлганимиз натижа шу:

Юз қабиласи бошлиқларидан бўлган Турди мана шу «фозилбийлар исёнида аралашиб, Бухородан чиққан, Ҳазора қалъасига шулар билан бирга бориб, Ҳаким оталиқдан от ваъдасини олган. Хева хони Арангхоннинг муваффақиятсизлигидан сўнг исёнчилар билан Уратепа ва Хўжандга борган. Юқорида кўрганимиз каби исёнчилар Раҳимбий – юзни Субҳонқулига қаршу ташвиқ қилганда Турди юқоридаги мухаммасни ёзган. Онда Субҳонқулнинг ҳажв қилиб Раҳимбийни мақтаган:

Улма кўб суст — ўшал Эр Боқиннинг авлодсан,  
деб уни исёнга ташвиқ қилган.

---

Қулга гар эса (деса)ки, ҳарб айла жаҳон ҳафзу учун,  
Бил'они таҳқиқ ким «урҳо-ур» деганда қул қочар.  
Асиллиг қилмас хато, бад асилдин келмас вафо,  
Асилнинг иши вафодур, ҳиндунинг иши жафо  
деб ташвиқот юргизган эди. Хонлиқнинг аштархонлардан мағрит  
судоласига ўтушида ҳам бекар билан қуллар орасидаги шу ра-  
қобатнинг катта рўли бўлган эди.

## Турдиннинг:

Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон ики бори ўзбак юртидир тенглик қилинг.  
Бир(и)ни қипчоқу, хитойу, бирни юз, найман деманг,  
Қирқу юз, минг сон бўлуб, бир жон . . . қилинг<sup>1)</sup>.

Бир яқодин бош чиқариб, борча бир тўнға кириб,  
Бир унгурлик, бир тирезлик, бир яқо енгил қилинг,

деб қабила бошлиқларини, бекларни бирликга чақирини  
ҳам уларни Субҳонқулига қарши исёнчиларга яқинлаш-  
тирмақ учун бўлса керак. Турди Кониғилдағи енгил-  
лицдан сўнг Хўжаидда Раҳимбий ёнида, ундай кейин  
Оқбўтабий ёнида қолган.

Бизнинг мана шу фикримиз қабул қилинса, Турди-  
нинг, умуман, хонлиқ идорасига эмас, Субҳонқули идо-  
расига қаршу экани, унинг «сарват»га қаршу эмас, Суб-  
ҳонқули саройидағи рақиблариға қаршу шеър ёзгани  
майдонға чиқадир. Мақоламизнинг бошида Турди ҳақи-  
да ўртоқ А. Мажидий томонидан берилган қимматнинг  
бир оз шошилиброқ берилганин даъво қилганимизнинг  
сабаби шудир.

Оқбўтабий замонида Турдиннинг ҳаёти жуда ёмон  
ўткан, Оқбўта саройида катта аҳамиятли ўрун тута  
олмаган. Турли моддий эҳтиёжлар орасида қисилиб  
қолган. У ўзининг мундағи ҳолларини тубандағича тас-  
вир қиладир:

Ман кимам: гумному нокому жаҳон оворай,  
Дийда намноку гирибон чоку бағри порай,  
Ноқабули марҳами ноқ носур битмас ёрай,  
Бекаси, мушти хаси, бир бандан бечорай

дегани каби,

Куяр тил шам май гар ҳолатидин айласам тақрир,  
Гирибон чок ўлур этса қалам дарди дилам таҳрир.  
Шаби ҳижрони минг поёни ўлмаз табири гардун<sup>2)</sup>  
Маҳв, хуршид ўлуб икки қаноти, айласа шабгир

деб ўзининг қандай оғир, сўнгсиз қайғуларға тушканин  
билдирадир. Унинг моддий эҳтиёжларининг даражаси-  
ни билмақ учун тубандағи парчаси бизга раҳбарлик  
қиладир:

<sup>1)</sup> Нуқта ўрин ўқулмади.

<sup>2)</sup> Табир: қуш.

Бошима бир кўҳи ғам, бир от коҳу емидин,  
Бир кўнгул юз пора йўқлуқ заъфи ваҳму бимидин,  
Қад букуб, бўйнуи эғиб тегди аёғларға бошим,  
Аҳли дунё пойбўсу хизмату таъзимидин.

Мана шу вазиятга тушган, ҳар томондан маъюс бўлган, бутун ёр-оғайниларидаи, яқинларидаи, қабиладошларидаи умидини узишга қарор берган. Ҳатто, яқин хешларининг ҳимоясида бўлгани ҳолда бир отнинг сомон бедаси учун аллақанча хўрлиқ чекган Турди тамоман «бадбин» бўлуб қолган. Ортиқ бутун ўзбекни сўкадир: булар мусулмон эмас, буларда инсоф йўқ, марҳамат йўқ деб зорланадир. У эмди ўз қайғуларини, ўз аламларини тараннум қилиб англашдан бошқа бир ишқа ярамайдир.

### Турдининг шоирлиғи

Урта Осиё савдо сармоясининг кўтарилиши билан бирга кўтарилган, кенгайган Чигатой адабиёти 16 нчи асрнинг бошларида бўлган ўзбек истилосидан кейин бир оз вақтлар шул кўтарилган ҳолича давом этди. Сўнгралари, айнуқса, аштархонийлар замонидан (1597) бошлаб Урта Осиёнинг иқтисодиёти катта бир бузғунликка тушди. Хорижий ҳужумлар, доҳилий урушлар, талашлар ўлканинг иқтисодий ҳаётига катта зарбалар беради. Хонларнинг хазиналари бўшалди. Ўлкалардан олинатурган солуғлар хонларнинг ўзаро урушлари учун керак бўлган ҳарбий чиқимлардан ошмас бўлди. Шунинг учун саройлар адабиётни ҳимоя қилишдан ожиз қолдилар. Бу даврда ўзбек саройларининг адабиётни ҳимоядан ожиз қолганини бир шоир тубандағи шеър билан яхши кўрсатадир:

«Будур ўзбек агар дар суҳан нишонидир,  
Ниҳоят кирмиш инга «яхши айтибдир!»

Сарой бу ҳолга тушқач, шоирларининг бир қисмлари Ҳиндустонда Бобиршоҳ томонидан қурулган «мўғул салтанати»нинг саройига сиғинмак учун Ҳиндустонга ҳижрат қилдилар. Бир қисмлари эса, ўз юрғларида қолиб омма орасидан ўзлариға ўқучилар охтара бошладилар. Шунинг натижасида тил ва услубда уларға яқинлашмоқ истадилар, тил ва услубларни содалаштирдилар. Бу даврнинг маълум шоирлари бўлган Машраб, Ҳувайдо, Мажзуб, Сўфи Оллоҳёр ва Турдиларни

текширганда тилда соддалиқ, назмда оҳангсизлик, санъатда заифлик каби ҳолларни оз-кўб ҳаммаларида кўриш мумкин. Лекин Турдининг уларнинг ҳаммасидан яхшироқ ёзганини эътироф қилишимиз лозим келадир. Турди ёлғиз сўзларни эмас, ўхшатишларни, мажозларни ҳам содалаштиради. Унинг шеърларида «давлат баҳридан узоқ гардан шикаста мунди», «ювган қозон остида қолган ювинди» каби сарой доираларига кира олмайтурган, лекин омма томонидан яхши қабул қилишга истеъдодли бўлган ўхшатмалар, мажозлар кўбдир. Турди бошқа шоирлар каби «май, ишқ, савдо» йўлларида оз шеър ёзган. Унинг шеърлари ўзининг Субҳонқули саройидаги рақиблари билан бўлган курашни акс эттирган. Кураш бошида ҳужум, бошқаларни курашга тортиш учун ташвиқ, енгилгандан сўнгра умидсизлик, йиглаш... мана Турди шеърларининг хулосаси. Унинг кўб чайналган ишқ ва савдо мавзуларида биргина ғазали борки, шаклча ёмон эмасдир:

Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,  
Дил мулкини бир гўшан чашм айлади яғмо.

Туфроқда жон битса раводур, на ажаб гул (ким?),  
Чўх сарви сиҳи этди ниҳон кўзлари шаҳло.

Ҳар қанда ғами дўст дилпорани истар,  
То субҳ яқо йиртмади — меҳр ўлмади пайдо.

Турдининг шеърларида унинг замондошларида ҳам кўб учралган нуқсонлар, камчиликлар бор: Кўрди, сурди, қурди сўзлари билан кўнди, йўнди сўзларини қофия қилади. Сўнгра:

«Ринд сар ҳийлию» хуш айшида мотам сурди ман,  
Ҳукм жорий, сўз қабули бир дури даргўш эдим.  
Фитнаю шўр ҳама «рубъ ила маскун» тутди

мисраъларида бўлгани каби жумла бузуқликларидан ҳам қўрқмайди. Турди шеърларида кўрулган «чўх, эдиб, бошима» каби сўзлар сўнгралари бизнинг адабиётда кўрулган Фузулий таъсирининг бошланғичи ё бошқа бир сабаби борми? Бу ҳақда бир нарса айта олмайман. Турдининг шеърларини топиб майдонга чиқарган киши ўртоқ А. Мажидий томонидан топилган нусхада ҳаммаси тўрт юз уч мисраъ ўзбекча ва ўттиз етти мисраъ форсийча шеър бор. Бу, албатта, оз, балки Турдининг бир кўб шеърлари бўлгандир, балки чанг-

тупроқлар остида кўмулиб ётган муҳимрак асарлари ҳали майдонга чиқмагандир. Буларни ҳам топиб чиқаришни ёш текширувчиларимиз ғайратларидан кутуб қолганимизни арз қилиб мақолани битирайлик.

### МУҲАММАД СОЛИҲ

XVI асрдан кейинги ўзбек адабиёти ва ўзбек шоирларини текширмакчи бўлган ҳар бир адабиётчи Шайбони(й) ва унинг бизга эришган жуда оз шеърларидан сўнгра Муҳаммад Солиҳ ва унинг асари бўлган «Шайбони(й)нома»ни кўз олдига келтиради.

Шайбони(й) хизматига бу шоир ота-боладан темирлар саройига мансуб эди. «Мажма ул-фусаҳо»нинг<sup>1</sup> хабарига кўра, унинг улуғ бобоси темира(й)ларнинг катта бекларидан Амиршоҳ Маликдир. Отаси Нур Саидбекнинг темира(й)лар даврида улуғ мансабларда турганини кўб маъхазлар<sup>2</sup> бир огиздан хабар берадилар. Нур Саидбекнинг ҳам яхши шоир эканин Навоий ўзининг «Мажлис ун-нафоис»да хабар берадир. Навоийнинг хабарига кўра, хоразмлик бўлган Нур Саидбек Султон Абусаид Мирзо ва Жўки Мирзонинг хизматларида катта эътиборли беклардан эди. Қабри Марвадир. Нур Саидбек Абусаид Мирзо замонида Хоразмни Хусайн Бойқарога қарши яхши мудофаа қилмагани учун масъулиятга тортилиб, мол-мулки таланиб, Ҳиротга келтирилган ва яна авфу қилинган эди («Матла усаъдайн»). Бу воқеа 1467 (68) йилда бўлди<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиҳнинг ўзи отасининг ўлуми ҳақида «Шайбони(й)нома»нинг «Китоб назмининг сабаби» унвонли фаслида шундай дейди:

Чикди Хоразм диёри қўлидин,  
Хивақу Қот<sup>3</sup>, Хисори қўлидин.  
Тушти андин гузори Марв сари,  
Анда соврулди эву эли бори.  
Айлади нўш шаҳодат жоми,  
Анга хуш ўлди саодат жоми.  
Мени гардун ситами қилди ятим,  
Айлади кишвари ғам ичра муқим.

Бу ўлум воқеасининг қачон бўлгани ҳақида яна Муҳаммад Солиҳнинг ўзини тинглайлик. 1499 йил

<sup>1</sup>) Петербург (бу кунги Ленинград)да босилган «Шайбони(й)нома»нинг сўзбошиси, академик Самойлович.



да Шайбони(й) Самарқандни муҳосара қилганда Муҳаммад Солиҳ унга қўшиладир. Шунда Шайбони(й) ундан «отанг қачон ўлди» деб сўраганда Муҳаммад Солиҳ «30 йил бўлгандир» деб жавоб қайтарадир:

Отланиб йуругач ул хони замон,  
Мени чорлаб деди: «Эй саргардон,  
Неча йилдир, ки отанг фавт ўлди,  
Эл, улуси ва эви соврилди».

Дедим: «Утузга йовушти, хоним,  
Ким бу меҳнат аро куйди жоним».

1499 инчи йилда Нур Саидбекнинг ўлумига 30 йил тўлган бўлса, унинг 1469 да, яъни Абусаид Мирзо томонидан масъулиятга тортилганидан 2 йил сўнгра ва Абусаид Мирзонинг ўлдирилишидан ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқишидан бир йил сўнгра ўлгани оғлашилади. Яқин аҳтимолга кўра, Нур Саидбек 1467 инчи йилдаги масъулиятдан қутулиб, Абусаид Мирзонинг илтифотига мойил бўлгандан кейин янгидан Хоразмга борган. Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигининг биринчи йилида яна Хоразмдан чиқарилган ва Марвда ўлдирилгандир<sup>1)</sup>.

Муҳаммад Солиҳ отасидан 1469 инчи йилда ятим

---

<sup>1)</sup> Ҳусайн Бойқаро билан Абусаид Мирзо орасидаги курашда Нур Саидбекнинг Абусаид Мирзо томонида турганини назарга олганда унинг Хоразмдан иккинчи дафъа чиқарилиб, Марвда ўлдирилганининг Ҳусайн Бойқаро амри билан бўлиши аҳтимоли кучаядир. Шайбони(й)хон билан Ҳусайн Бойқаро орасидаги курашда Чоржўй қалъасининг мудофаси Шайбони(й) томонидан бизнинг Муҳаммад Солиҳга топширилган эди. Ҳусайн Бойқаро ўгли Абул Муҳсин Мирзо Чоржўйни муҳосара қилганда ораларидаги муҳорабани Муҳаммад Солиҳнинг ўзи тубандагича ҳикоя қилади:

Тонгласи бир кпшини элчи қилиб,  
Қалъанинг эшигига барча келиб,  
Дедилар: «Сен Чигатой эли сен...  
Ушбу ерда Чигатой хейли сен,  
На деб'ўзбек била йовар бўлдуң?  
Хонга бу янглиг чокар бўлдуң.  
Мен дедим: «Сенга жавобим ўқтур...  
Мундиң ўзга баса сўзим'йўқтур.  
Жаврунгуздан отам ўлди нетайин,  
Бошима қайгу ўқулди нетайин.  
Мен отам қони учун қотлавамен...  
Мен ўзум жони(м) учун қатланамен.

Мана бу муҳорабада Муҳаммад Солиҳнинг Абул Муҳсин Мирзога «отам сизнинг жаврингиздан ўлди, унинг қони учун урушман» дегани ҳам бизнинг фикримизни қувватлайдир.

қолгандан кейин турли хорликлар билан ўскан, Самарқандда ва Хуросонда темури(й)ларнинг хизматида юрган. Бироқ, отасининг фожиасини унута олмагани учун бўлса керак, ҳеч вақт улардан рози қолмаган. Унинг ўзи ҳаётининг бу саҳифасини тубанда қисқа ва очиқ жумлалар билан билдиради:

Мени гардун ситами қилди ятим,  
Айлади кишвари ғам ичра муқим.  
Хорлуқлар била ўсдим бисёр,  
Зўрликлар била кўрдим озор.  
Хизмат этдим бори мирзоларга,  
Бандалик ондағи доноларга.  
Кўрмадим хайре мирзолардин,  
Тиладим раъйи донолардин.

Муҳаммад Солиҳ бир муддат Ҳиротда Ҳусайн Бойқарога хизмат қилгандан кейин унинг хизматидан кочган. Унинг бу қочишини Навоий «Мажолис ун-нафоис» да порозилик тили билан хабар берадир.

«Мажолис ун-нафоис»нинг 1490 йилларда ёзилганин назарга олганда, Муҳаммад Солиҳнинг Ҳусайн Бойқаро хизматидан, ҳали Шайбони(й)хоннинг Самарқандга тажовузидан 8—9 йил бурун қочгани онглашилладир. Демак: у, Ҳусайн Бойқаро хизматидан қочгандан кейин 8—9 йил бошқа темури(й) ҳукмдорлари ёнида хизмат қилган ва Шайбони(й)нинг чиқишини хабар олғач, 1499 йилда унга қўшулмоқ учун йўлга чиқиб, Самарқанд муҳосараси чоғида Шайбони(й)га қўшилган.

Муҳаммад Солиҳнинг қачон туғулиб, қачон ўлгани ҳақида қўлимизда очиқ бир нарса йўқ. Бироқ, «Оташкада» ва «Мажма ул-фусаҳо» каби тазкиралар унинг ҳижрий 941 (милодий 1524—5) да Бухоро шаҳрида ўлганин хабар беради. Бу хабарга ишонмоқ лозим келса, унинг Шайбони(й) ўлгандан кейин Убайдуллоҳхоннинг учинчи Эрон сафариғача тирик қолгани натижаси чиқадир.

Эмди шу хабарларнинг ҳаммасини бирлаштирганда Муҳаммад Солиҳнинг туғулган йилини ҳам чамалаб белгилаш, менинг фикримча, мумкиндир: 1469 йилда отасидан етим қолиб хорликлар билан ўсканини Муҳаммад Солиҳнинг ўзи сўзлаган эди. «Саҳиҳ Жавҳарий» ва «Ўқйонус» каби луғат китобларида ятим сўзининг «балоғат»га эришмасдан отаси ўлган болаларга

махсус бўлгани сўзланадир<sup>1)</sup>. Шу ятим истилоҳига таяниб, биз Муҳаммад Солиҳнинг 1469 йилда отасидан 8—10 ёшларда ятим қолганини чамалай оламиз, шу ҳолда унинг 1456—1457 инчи йилларда туғулгани натижаси чиқади<sup>2)</sup>. Бу эса профессор Х. Вамберининг «Муҳаммад Солиҳ 1551—55 инчи йилларда туғилган», деганига яқинлашиб қоладир<sup>3)</sup>. Муҳаммад Солиҳнинг вафоти тўғрисида «Мажма ул-фусаҳо»даги 491 (1524) рақамига, менинг фикримча, кўб-да ишониб бўлмайди. Чунки, у 1490 йилда Шайбони(й)га хизматга кирганидан бошлаб «Шайбони(й)нома» исмли дostonини ёза бошлади. Муҳаммад Солиҳнинг Шайбони(й) ўлумигача (Шайбони(й) 1510 да Эрон ҳудудида ўлдирилди) яшаган бўлса эди, ҳар ҳолда «Шайбони(й)нома» дostonининг ҳам унча давом қилиши лозим эди. Ҳолбуки, мазкур дoston Шайбони(й)нинг ёлғиз 6 йиллик урушларини ўз ичига оладир. Шайбони(й) 1050 инчи йилда Хоразмни олиб Бухорога қайтгач, дoston битади:

Ўзи чун давлат ила тушди Бухор,  
Айлади элға мурувват изҳор,  
Дўстнинг кўнглини хушҳол этди,  
Хасмининг бошини помол этди.

«Мажма ул-фусаҳо»нинг «Муҳаммад Солиҳ Бухорода ўлди», деган хабарини назарга олганда, унинг шул Хоразмдан Бухорога қайтгандан кейин касал бўлиб, шунда дostonини битира олмасдан ўлган бўлиш эҳтимоли йўқ эмасдир.

## II

Муҳаммад Солиҳнинг шоирлиги ҳақида бурунги адабиётчилар яхши қиммат берадилар. Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафос»ида ундан сўзлаганда

1) Ийқол тифли йатим ва итмон изолам иблиғ ал-ҳалим ва қад фи Қадоба («Уқйонус ал-басит фи таржимон қомус ал-муҳид», жилд 3, 587-бет).

2) Бу ҳисобга кўра, Навоий «Мажолис ун-нафос»нинг таълиф замонида (1490 да) Муҳаммад Солиҳ 31—33 ёшларда бўладирки Навоий уни «йигит» деганга тўғри келадир («Мажолис ун-нафос». Муҳаммад Солиҳга оид саҳифа).

3) Академик Самойлович «Шайбони(й)нома»нинг муқаддасида Вамберининг бу хабари тўғрисида шундай дейди: «Когда родился поэт, нам неизвестно: доводы профессора Г. Вамбери в пользу, того, что Салих родился в 1451—1455 году, нам совершенно непонятны».

«доҳилий диққат ва чошни» борлигини эътироф қиладирким, бу кун таъбири билан айтганда, «шеърлари нозук ва таъсирли эди», демак бўладир. Машҳур Бобир Мирзо ҳам унинг ўзига ёмон душман бўлганига қарамасдан, туркча шеърларни «ёмон айтмайдир», деб бетарафна қиммат берадир<sup>1)</sup>. Муҳаммад Солиҳнинг туркча шеърлар мажмуаси (девони) ҳалигача майдонга чиқмади. Восифийнинг «Бадое ул-вақо»ида чигатойларнинг ҳажвига оид унга нисбат берилган тубандаги рубоий бор:

Мискин чигатойки кундузи тундир анга,  
Аҳволи паришон қора тундур анга.  
Мағрур бўлиб ер юзига сиғмас эди,  
Сичқон тешуги эмди минг олтундир анга.

Бироқ, бу рубоийнинг Муҳаммад Солиҳдан эмас, Мажлисий деган бир шоирдан эканини «Музақкири аҳбоб» эгаси хабар беради<sup>2)</sup>. «Шайбони(й)нома»нинг ўзида унинг бир байти бор ва чиройлидир:

Қил фидо жонимни гар жисми латифинг хастадур,  
Сен саломат бўлки, юз минг жон санга вобастадир.

Муҳаммад Солиҳнинг мундан бошқа туркча шеърларини кўрмак бизга насиб бўлмади. Шундай бўлса ҳам Навоий Бобир каби 15—16-аср тадқиқотчиларининг унга берган қимматларига ҳам турли форсча таъкирлардаги шеърларга таяниб, унинг кучли бир

1) «Бобирнома».

2) Мавлоно Мажлисий суҳбатда самимий улфат ва ўтиришларга яхшигина зийнат кишиси бўлиб, оғир вазиятларда ҳам таъь отини зийраклик майдонида енгил йўрттириб, сўз тўпини ногўқлик чавғони билан элтар эди. Яхши шеърлари ва ёқимли сўзлари бор. Қасидалари нафис ва гўзалдир. Бир кун Бобир подшоҳ мадҳида бир қасида битиб, унинг муборак мажлисида ўқиб берибди. Шунда подшоҳнинг хаёлига мулла Мажлисийни шу аскаргоҳда етти минг танга билан мукофотлаш фикри келибди. Қасида ўқиш асносида эса, тасодифан подшоҳнинг эсига чигатой улуси ҳажв этилган ва Муҳаммад Солиҳга нисбат берилувчи бир рубоий тушиб қолиб сўрабди: — Муҳаммад Солиҳ бу рубоийни не сабаб билан айткан. Мулла рубоий подшоҳга ёққан бўлса керак, деб ўйлабди ва: — Рубоий пажодкор каминна. Муҳаммад Солиҳ номи билан нотўғри шуҳрат топган, дебди. Шунда подшоҳнинг авзойи ўзгариб, уни қатъ этишга буюрмоқчи бўлибди, лекин кечиринчи маъқул кўриб: — Шеър сийлови учун таяин этилган етти минг танга муллавинг хун баҳоси ҳисобланади, ўзини эса, бу ердан чиқариб юборинглар, — дебди.

«Музақкири аҳбоб», ўз кутубхонадаги қўлёзма.

шоир бўлганини қабул қиламиз-да, унинг бизга маълум бўлган «Шайбони(й)нома» исмли асарига кўчамиз. «Шайбони(й)нома» жуда содда тил билан ёзилган 5000 га яқин байтдан иборат 76 фаслли манзум бир асар бўлиб, 1499—1505 йилларда бўлган Шайбони(й) урушларини тасвир қиладир. Бу дoston ҳам ўзининг асрдоши бўлган бошқа нарсалар каби «ҳамд, муножот, наът» бобларидан кейин «сўз аytувчи тилда» бир фасл ёзиб, ўз замонининг нуқтаи назари ва зеҳниятига кўра, сўзни махтайдди. Ундан кейин 5-фаслдан бошлаб, Шайбони(й)ни махташга киришади. Шайбони(й)нинг ақли, илми, фақри (дарवेशлиги), ҳилми, Қуръон ўқури, табъи, қиличи, жеваси<sup>4</sup>, сахийлиги, ҳунарларини бирта-бирта жуда ортдириб махтагандан кейин «китоб назмининг сабаби»га ўтадир ва тубандагича маълумот берадир:

Ишқ саҳросида Мажнун бўлган,  
Дард била нчи-тоши тўлган<sup>5</sup>.  
Ҳажрнинг ўтидан<sup>1)</sup> жони куйган<sup>6</sup>,  
Лақаби Солиҳу ўзи толиҳ<sup>2)</sup>,  
Нур Саид ўғли Муҳаммад Солиҳ,  
Мундоқ айтурки, Худодин тақдир,  
Чун отам ишига берди тағйир<sup>3)</sup>.  
Чиқди Хоразм диёри қўлидин,  
Ҳевақу Кот, Ҳисори кўлидин.

Бу парчанинг давомида Муҳаммад Солиҳнинг отадан ятим қолгандан кейин хорлиқлар билан ўсуб, темури(й)лар саройларида қатнаб юрганини ва улардан ҳеч яхшилиқ кўрмаганини ёзадир (бунни юқорида кўрдик). Шундан кейин гўё «донолардин» баъзилар Муҳаммад Солиҳга насихат қиладилар:

Давлат ул Темур битғусидир,  
Навбат ўзга кишига етғусидир,

деб ҳатто бу «ўзга кишининг ўзбек элининг хони «Шайбони(й)хон» эканини ҳам очиқ сўзлаб берадилар. Бу «донолар» темури(й)лар давлатининг чурук нуқталарини бизнинг шоирга тубандагича кўрсатиб ўтадилар:

<sup>1)</sup> Вазн бузуладир. Тўғриси «ўтида» бўлса керак.

<sup>2)</sup> Толиҳ — гуноҳ ишловчи.

<sup>3)</sup> Тағйир — ўзгариш.

Бу жамоат<sup>1)</sup> ки, кўрарсан ҳоло,  
 Тана тирна<sup>2)</sup> билан бошлаб гавго.  
 Ичадурлар кеча-кундуз бода<sup>3)</sup>,  
 Дину иймон соридин озода.  
 Бир-бири бирла мухалиф барча,  
 Бир-биридин тоқи<sup>4)</sup> хойиф<sup>5)</sup> барча.  
 Отадин бордур ўғул нохушнуд,  
 Отани ўғул этай дер нобуд.  
 Ота ҳам бордур ўғулдин безор,  
 Ултурур ўғлини йиғлатиб зор.

Темурийлар даврининг, юқоридагича, жуда тўғри  
 характеристикасини бергандан кейин ҳалиги «донолар»  
 бизнинг шоирга насиҳат бера бошлайдилар, уни  
 «Шайбони (й) хизматиға бориш учун ташвиқ қиладилар:

Ақл агар бўлса санга иш қила кўр,  
 Бу салотин<sup>6)</sup> йўлидин айрила кўр.  
 Ўзни ул хон қадамиға еткур,  
 Бошни султон қадамиға еткур,

дейлар. Муҳаммад Солиҳ бу насиҳатларни қабул қи-  
 либ қочадир ва Шайбони (й) қўшинига қўшуладир.  
 Шоир ўзининг Шайбони (й) билан биринчи кўруши-  
 шини шундай тасвир қиладир:

Мен етишканда ўшал хон қотиға,  
 Бошни. қўйганда анинг хизматиға,  
 Солиб эрди уруш ул қўргонға.  
 Солибон валвалалар давронға,  
 Асру гавго қобоғи эрди<sup>7)</sup>,  
 Ҳай ҳайу арбада<sup>7</sup> чоқи эрди  
 Ултуруб эрди ўзи фаригбол,  
 Ҳай ҳайу арбада бирла хушҳол  
 Эғнида бир зирҳи<sup>8)</sup> довуди (й)  
 Зиреҳига яраша ҳам худи (й)<sup>9)</sup>  
 Садоғи белида, ёйи қўлида,  
 Беклари ўнгида ҳам сўлида  
 Бир ёнида баса айлаб жавлон,  
 Ултуриб эрди арачин девон<sup>6)</sup>.

Ундан кейин китобимизнинг XVI фаслида Мулла  
 Абдурахим отли Шайбони (й) га яқин турган бир мул-

1) Темурийлар; 2) Тирноқ; 3) Май; 4) Тағин; 5) Қўрқаж;  
 6) Султонлар; 7) Гавго, жанжал; 8) Совут; 9) Бошқа кийилатургон  
 уруш кийими.

лани махтаб, сўнгги фаслларга ўтадир ва Шайбони (й)-нинг Самарқанддан Хоразмгача бўлган 6 йиллик урушларини ўз тартиби билан ёзиб борадир. Бу урушлардан шоирни қизиқтирганлари Бобир Мирзо билан Самарқандда бўлган муҳосарали уруш, Сирдарё бўйида мўғул хонлари Хоника ва Алачахонлар<sup>9</sup> билан бўлган уруш, Хоразм урушидир. Шоир, айнуқса, темури(й)лар ва уларнинг тарафдорларига қарши ёзганда ўзини кўрсатадир ва уларни чиройли қилиб сўкушга айрича аҳамият берадир: масалан, темури(й)ларнинг маълум сиймоларидан Танбалнинг Фарғонага борганини сўзлаганда

Бўлди Танбалға ватан Фарғона,  
Қилди Фарғонани Танбалхона<sup>1)</sup>,

дегани каби Ҳиротда Шайбони(й)га қарши бўлган темури(й)лар қурултойига Шоҳ Кепек<sup>10</sup>нинг иштирокини кўзда тутиб, у қурултойга характеристика бермак учун

Йиғилиб келди барча<sup>11</sup> яхши-ёмон,  
Кепаку арпаю бугдойу сомон,

дейдир. Бобирга қарши:

Қочиб эрди навқари Бобирнинг<sup>12</sup>,  
Эриб эрди жигари Бобирнинг,

ҳам

Зулфиға тоб бериб ўлтурди,  
Бир неча дилшудани куйдирди

каби байтлари шу руҳда ёзилган байтлардир.

Бу китобнинг энг муҳим яхшилиғи унинг содда бир тил билан ёзилган бўришидир. Ҳақиқатан, Навоийнинг:

Алам чекди хуршид гардун меоб,  
Руҳ очди шоҳи машриқи нитисоб

лариға қараганда, «Шайбони(й)нома» нинг юз фойиз соддалаштирилганини сўйлаш мумкин, шу қадар холос. Бироқ, китобда биз талаб қилган даражада санъат унсурлари йўқ. Асар уруш майдониға оид турли кўринишларға енгил, енгиллиш пайтларида бўлиши мумкин ҳолларни тасвир қилган жонли, рангли лавҳа-

<sup>1)</sup> «Бобурнома»нинг қайдиға кўра, Фарғонани Танбалхона ҳам деганлар.

лардан маҳрум. Асарни бошдан оёқ неча дафъалар ўқуб чиқганимизда ҳам оҳангнинг уруш, кураш, йиқиш дақиқаларини эслататурган бир йўлда борганин сезиб бўлмайди. Асар тинч ва бўш бир оҳанг билан ўқувчиларни бездирарлик тусда давом қилади. Бобир Мирзо ўзининг «Бобирнома»сида бир китоб ҳақида тўбандаги фикрни билдирган:

«Шайбони(й)хоннинг отнга бир турли маснавий битибдир рамали мусаддаси маҳбун вазнидаким, «Сабъа»<sup>1)</sup> вазни бўлган. Бисёр суст ва фуруд<sup>2)</sup>дир. Уни ўқуған киши Муҳаммад Солиҳнинг шеърдан безътиқод бўлур». Адабиёт тарихимиз билан машгул бўлганлар орасида «Шайбони(й)нома»ни санъат ёғидан махтаганлар йўқ эмаслар. Бироқ, тўғриси айтганда, бу асар ҳақида Бобир томонидан берилган қиммат жуда тўғри бир қимматдир.

Адабий кучи, санъаткорлиги Навоий каби олим бир адабиётчи томонидан ҳам эътироф этилган Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбони(й)нома»даги муваффақиятсизлиги учун сабаблар излаганда менинг хотирамга бир сабаб келади:

1. Муҳаммад Солиҳ ўзининг янги ўқувчилари бўлган Шайбони(й) ва унинг атрофидаги ўзбекларни назарда тутиб, бу асарни ёзган. Шайбони(й) ва унинг атрофидаги ўзбек улуғлариға собиқ темур(ий)лар саройидаги дабдабали, муҳташам услуб ётлиқ қилар эди. Булар аксарият эътибори билан халқ бахшиларининг такаллуфсиз, содда услубига одат қилган эдилар. Муҳаммад Солиҳ мана шуларға ўқутмак учун ёзгани асарда услубнинг такаллуфсизлигига, содалигига аҳамият берган ва асарнинг санъат ёғидан муваффақиятли чиқишиға диққат қилмаган.

2. Асар учун қабул қилинган вазн «рамали мусаддаси маҳбун» урушға оид мавзуларға муносиб оҳангдан маҳрумдир. Отларнинг чопишида, қиличларнинг шақиллашида, ботирларнинг қичқиришида бўлган ҳайбатли оҳангни бу вазнда сиғдирмоқ мумкин эмас. Аруз «жангнома»ларға махсус ишланган тайёр вазн «мутақориб мусаммани мақсур» вазнидир. Форс адабиётида Рудаки(й)да бошланиб, Унсур(й), Фирдавси(й), Низом(й) каби бир кўб шоирлар жангномаларни шу вазнда ёздилар. Бизнинг адабиётда ҳам,

1) «Сабъайи сайёра» — Жомийнинг бир асари<sup>13</sup>.

2) Фуруд — тубан.



масалан, Навоийнинг «Искандарнома»сида бу вази уруш майдонлариға муносиб бир оҳанг берадир. Даъвомизға қувват бермак учун Муҳаммад Солиҳнинг «Шаибуни(и)нома»сидан ва Навоийнинг «Искандарнома»сидан<sup>14</sup> уруш майдониға оид бирор парчани ёнёнға қуниб, ўқувчиларға тақдим қиламиз:

#### «Шайбони(й)нома»дан

Мавж зан бўлди денгиздак лашкар,  
Тутгудак мавжи унинг баҳру бор.  
Ҳар бири Рустами дoston янглиғ,  
Ҳар бири Сом, Наримон янглиғ.  
Бузгудек ҳар бири бир лашкарни,  
Олғудек ҳар бири бир кишварни,  
Туруш ойинига сўз тақмадилар,  
Ҳасмнинг тўрасига боқмадилар.  
Сўл қўли ҳасм била чирмашди,  
Унг қўли жовни ушатиб ошди,  
Унда ҳам яхши иигит сайланибон,  
Ҳасмнинг орқасига айланибон.  
Қайсининг кўзини кўр айладилар,  
Қайсининг жониға зор айладилар.

#### Навоийнинг «Искандарнома»сидан

Бири кирди майдон аро кин била,  
Сўз айтиб ўзи билган ойин била,  
Мубориз тилаб тўккали қонини,  
Раҳ овард учун олғали жонини.  
Бу ёндин дағи сурди хоро тани,  
Тани хораваш бирла қўҳ афкани.  
Шоҳ олида кўб ерда қилган навард,  
Адудин чиқарган сипаҳр узра гард,  
Ҳар ийтийжа жисмининг андозаси,  
Вали ондин ортиқроқ овозаси.  
Ўзи — фил пайкар тани каргадон,  
Нучук каргадон, ким эрур каркатан.

Навойдан кўчирганимиз мана бу иккинчи парча «Шайбони(й)нома»дан кўчирганимиз биринчи парчага қарағанда тилда, услубда жуда оғир, луғат китобига қарамаедан онглаш қийин бўлса ҳам оҳангда ундан жуда кўп юқори турганини инкор қилиш мумкин эмас.

«Шайбони(й)нома»нинг ўзбек тарихини ўрганиш

нуқтаи назаридан (биринчи даражада бўлмаса ҳам) аҳамияти бор. Шайбони(й)нинг 6 йиллик урушлари бунда тафсилий равишда кўрсатилади. Бироқ, бу воқеаларнинг жудаям тарафгарлик билан ёзилмоғи асарнинг тарихий қимматини камайтирадир.

Ҳар ҳолда бу асар ўзбекларнинг теури(й)ларга ғалабасининг адабий тилимизга таъсирини, уни қандай содалаштирилганини кўрсатадурган муҳим васиқа-лардандир. Бу асар 16 нчи асрдан кейинги адабий тилнинг содалашмоғига раҳбарлик қилди, ўзидан кейинги адабий асарлар шунинг изидан оориб содалашдилар демак мумкин.

## МАШРАБ

### I

XVII—XVIII асрларда ўзбек шоирлари орасида (зиёлилар томонидан эмас, омма томонидан) ўқулган муҳим сиймо Машрабдир. Машрабнинг ғазаллари ва Машраб ҳақида ёзилган машҳур манқабалар<sup>1</sup> ўзбек оммаси орасида жуда теран ўрунлашган. Елғиз Ўзбекистонда эмас, Хитой Туркистониде, айнуқса, қашқарлилар орасида унинг нуфузи жуда каттадир.

Ўзбек қишлоқларида ва яқин кунларгача ўзбек шаҳарларида, айнуқса, қиш кечаларида «машрабхонлик» аталган ўтуришлар бўлар эди. Халқ бир чойхонада ё бирининг меҳмонхонасида йиғилишар, энг яхши ва баланд товушли бир ҳофиз (машрабхон) Машрабнинг ғазалларини «Савт»<sup>2</sup>, «Талқин»<sup>3</sup>, «Муножот»<sup>4</sup> каби куйларда ўқур эди. Унинг атрофида ўтурган кишилар қимирламай, нафас чиқармай, буюк бир диний ҳаяжон билан тинглар эдилар. Қизиғи шундаки, машрабхонлик кечаларини идора қилғучи машрабхонларнинг ўзлари дин билан оз алоқали кишилар эди. Наша чекар, қумор ўйнар эдилар<sup>1)</sup>.

Мундоқа машрабхонлик мажлислари эркаклар орасида бўлгани каби, хотунлар орасида ҳам бор эди.

Хитой Туркистониде классик музыкамининг машҳур «Шашмақом»<sup>2)</sup>дан бошқа «Машраб» исмли ва 7 куйдан иборат яна бир мақом пайдо бўлганини музи-

1) Ёшлик замонларимда Бухорода «Бадал-қаллашикан» (бош-ёраар Бадал) исмли бир машрабхон бор эди. Наша чекиб, қумор ўйнагани ҳаммага маълум эди.

2) Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ.

камизни текширувчи Ғулом Зафарий<sup>5</sup> менга хабар берди. Бу эса, Хитой Туркистонида ҳалиги машрабхоплик мажлисларининг жудаям теранлашганини бизга очиқ билдирарлик далилдир.

Орамизда шу қадар кўб ўқулиб, шуҳрат топқон Машраб ҳақида чиққан илмий, тадқиқий, тўла бир асар йўқ. Оврупа олимларидан Машраб ҳақида Н. С. Ликошиннинг «Дивана-и Машраб» исмли бир таржимаси<sup>6</sup> билан П. В. Вяткиннинг «Ферганский мистик девана-и-Машраб»<sup>1)</sup> (бўлиб) Вяткин домулла Машрабнинг тарихий бир шахс эканига шубҳа билан қараб, унинг афсонавий эканига ҳукм қилмоқчи бўладир ва XVII—XVIII асрларга оид Фарғона тарафларида Машрабнинг таржимайи ҳоли нари турсин, уни эсланган бир иборатка<sup>7</sup> ҳам учрамаганидин шикоят қилдир<sup>2)</sup>.

Машраб ҳақида ёзилган ва Ўзбекистоннинг ҳар томонида маълум ва машҳур бўлган «Девони Машраб» ёхуд «Девонайи Машраб» китобининг афсонавий бир манқабадан бошқа нарса бўлмаганига бизнинг ҳам шубҳамиз йўқдир, лекин бу шубҳасизлиқ Машрабнинг ҳақиқатан тарихий бир шахс эканига ишонишдан бизни манъ қила олмайди. Биз П. Вяткиннинг «Йўқ!» дейишига қарамай, XVII—XVIII асрларга оид маъхазларни (топдик, уларни)нг биринчиси самарқандли Муҳаммад Бадеъ Малехонинг 1688—91 йилларда ёзилган «Музокир ул-асҳоб» исмли таъкираси<sup>8</sup>, иккинчиси 1763 йилда Абдул Мутталиб Хўжа Фаҳмий томонидан ёзилган «Мажмуайи Фаҳмий»<sup>2)</sup>, учинчиси 1842 йилда қўқонли Саид Ҳакимхонтўра томонидан ёзилган «Мунтахаб ут-таворих»<sup>9</sup>, тўртинчиси Қўқон хони Худоёрнинг мушшиси Мирзо Олим томонидан ёзилган «Ансоб ус-салотин» китоби<sup>10</sup>, бешинчиси эса шоир Мажзуб Намангонийнинг «Тазкират ул-авлиё»-сидир<sup>11</sup>.

Тузуқ, бу маъхазларнинг бешаласи ҳам Машрабнинг таржимайи ҳоли ҳақида тўла маълумот бермайди. Бироқ, бир дафъа Машрабнинг тарихий бир шахс бўлуб ўткани бу маъхазлардаги оз маълумот билан

1) Ал-Искандария. Сборник Туркестанского Восточного института в честь п. А. Д. Шмидта, Т., 1923 г.

2) Мазкур мажмуа.

3) Ўртоқ Садриддин Айний: «Намунайн адабиёти тоҷик»да. Машраб ҳақидаги маълумоти шу мажмуадан олдик.

аниқлангач, булар билан Машраб ҳаққидаги манқаб  
орасида муқояса қилиб, Машрабнинг таржимаи ҳо-  
лини<sup>1)</sup> аниқламоқ учун йул очилган буладир.

Манқаблага кўра, Машраб Наманганда туғилган,  
оиласи жуда қашшоқ бўлган, онаси ип йиғириб сотиб,  
оила овқатини топар экан<sup>2)</sup>, ота-онаси уни 15 яшарли-  
гида Охунд Мулла Бозор исмли бир шайхнинг тар-  
биясига оерадилар<sup>3)</sup>.

Машраб Мулла Бозор Охунднинг рухсати билан  
Хитой Туркистонига сафар қилиб, Қашқардаги Офоқ  
Хўжага мурид бўладир. «Машраб» тахаллусини ҳам  
шундан оладир<sup>4)</sup>: Манқабга Машрабнинг Офоқ Хўжа  
эшикида уч йил ўтун, уч йил сув ташиб, яна бир йил  
бошқа хизматлар қилганини хабар берадир. Офоқ  
Хўжа Қашқар халқини яхшигина алдай олган, ўзи  
учун жуда катта давлат таъмин қилган эди. Ташқар-  
ида унинг хизматида бир кўб муридлардан бошқа  
сотиб олинган, ҳадя қилинган бир кўб қуллар, ичка-  
рида эса унинг «хизмати»га тайёр бир кўб чўрилар  
бор эдилар. Машраб мана шу чўриларнинг бирта чи-  
ройлиси билан ширин муносабат боғлайди<sup>5)</sup>. Анча  
вақтдан кейин бу иши Офоқ Хўжага маълум булди.  
Машрабни ура-ура эшикдан ҳайдади. Машраб Қаш-  
қардан чиқиб Еркендга борди. Унда чигатой хонлари-  
дан Абдуллоҳхон<sup>12</sup> билан кўришди, ундан чиқиб Хў-  
танга борди. Ундан Илага<sup>13</sup>, қалмоқлар орасига борди.  
Қалмоқхоннинг қизини суйиб, унинг туябоқарлиқ хиз-  
матида кирди. Ундан яна Қашқарга қайтиб, Офоқ

---

<sup>1)</sup> Маориф комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассал «Девонаи Машраб» китобига кўра, унинг отасининг оти Мулла Ҳали экан.

<sup>2)</sup> «Оналари бир тутам иб олиб азбарон нафақайи аҳли аёл қилмоқ учун бозорга чиқдилар» («Девонаи Машраб», қўлёзма).

<sup>3)</sup> Бухороли Баҳодур эшоннинг муриди бўлган Охунд Мулла Бозор наманганли булуб, Фарғонада машҳур ва маълум бир мулла бўлган, қабри бу кун Наманган шаҳридадир. «Тарихи Шоҳруҳий» ва «Ансоб ус-салотин» китобларининг бир-бирдан оз фарқли ривоятларига кўра, Фарғона хонлигининг сулола бошлиғи бўлган. Шоҳруҳнинг ўлум тарихини мазкур Мулла Бозор абжад ҳисоби билан «зикр» китобисидан топқон. Мажзубнинг «Тазкират ул-авлиё»сида ҳам мулла Бозор ҳақида маълумот бор.

<sup>4)</sup> Офоқ Хўжа машҳур маҳдум — Аъзам Даҳбидийнинг авлодидан булуб, Хитой Туркистонда жуда катта нуфуз қозонган. Вафоти 1695 да.

<sup>5)</sup> «Девонаи Машраб» китобининг муфассал нусхасида бу тўғрида очиқ маълумот бор.

Хўжага тавба қилиб, мурид бўлди. Манқабага кўра, Машраб Офоқ Хўжанинг амри билан Тошкентга келиб, яна Кашгарга қайтган. Сўнгра Офоқ Хўжадан «иршод хати»<sup>14</sup> олиб, Тахти Сулаймонга<sup>15</sup> ондан Андижонга бориб, онасининг хизматиغا жўнади<sup>1)</sup>.

Сўнгра Хўжандга боруб, Оқбўтабий билан кўришди<sup>2)</sup>. Хўжанддан Тошкентга, ондан Тўркистонга, ондан яна Тошкентга қайтди, ондан яна Хўжандга қайтди. Манқабага кўра, Машраб Хўжанддан хажга жўнади. Ҳиндустонга қараб буриладир. У замонларда Қашқардан Ҳиндустонга борган пири Офоқ Хўжа билан кўришадир ҳам Темур авлодидан Ҳиндустон подшохи бўлган Абулғозихон билан кўришадир. Ҳиндустондан Бухорога жўнайди. Бухорода машҳур эшон ҳам мулла бўлган Охунд Мавлоно Шариф билан Бухоро хони Абдуллоҳхон<sup>3)</sup> билан кўришадир. Бухорода бир кун халқ орасида «Қўлим Худо, ўзим Муҳаммад» дегани учун уни оловга ёндирмоқчи бўладилар. У оловда куймайди (?), олов ичидан чиқиб, Бухородан Кободиёнга жўнайди. Кободиёнда машҳур Сўфи Оллоҳёр билан кўришди. Манокиб унинг Сўфи Оллоҳёр билан келиша олмаганини, Сўфи Оллоҳёрнинг қуруқ зоҳидлигининг Машрабга ёқмаганини хабар берадир. Бу хабар ҳақиқат бўлса керак, зотан, Машраб ва Сўфи Оллоҳёр мижозларининг бир-бирига тўғри келмагани уларнинг асарларидан маълум.

Машраб Қободиёндан Балхга борди ва шунда Балх ҳокими Маҳмуд томонидан ўлдирлиб, Ишка(н)миш деган ерда кўмилди. Манқаба Машрабга ҳар вақт бир турли мажзублик, жиннимижозликни нисбат(ан) беришга тиришадир ва ҳолатидан фойдаланиб, унга ва у замондаги юқори табақа вакиллари жуда устли иборалар билан сўқдирадир. Машрабнинг бу сўкишига учраганлар муллалар, эшонлар, хонлар ва беклар

1) Узимники бўлган қўлёзма манқабаларда: «Шул борганларича ўзларини Андижонда кўрдилар. Сарбараҳна кўчаларда бу талқинчи ўқудилар: «Кеча базминдан йириқ ишқ аҳли чандон йиғлади», «Куйди ҳам парвонаи шамъи шабистон йиғлади», деб Машраб оналарининг хизматларига равона бўлдилар». Тош босма нусхада эса, «Андан сўнг оналарини зиёрат қилгани равона бўлдилар», дейилган.

2) У Оқбўтабий ҳақиқия «Маориф ва ўқитғучи» журналининг (1928 йил) 4-сонида «Ўзбек шоири Турди» унвонли мақолада маълумот бор.

3) Убайдуллоҳхон, деб ўқиш керак.

бўлганлар. Масалан: у замонда Бухорода энг катта нуфуз Жўйбор хўжалари<sup>16</sup> қўлида эди.

Ўзбек Абдуллоҳхон замонидан жуда кенгайиб берк ўринлашқон бу нуфуз сўнг йилларгача давом қилган эди. Машраб Бухорода эканида Жўйбор маҳалласига борадир, онда бир хўжанинг уйи ёнида кўб халқнинг йиғилганини кўриб, сабабини сўрайдир. Ундаги халқ:

— Бу уйда уйнинг эгаси бўлган хўжа қулларидан бирини қаттиғ қийнаб турадир. Биздан ҳеч ким уни қутқариб ололмайдир, дейлар.

Буни эшиткан Машраб ичкарига кирадир. Ҳалиги қулни қийнайтурган хўжанинг олдига бориб сўрайдир:

— Нега, бу бечорани мунча қийнайсан?

— Катта гуноҳ қилган.

— Нима гуноҳ?

— Икки юз олтинга олинган яхши бир отим бор эди, бу қул шу отга яхши қарашмаган, хабардорлик қилмаган, отим товуқ ...ни еб ўлган. Шунинг учун қийнайман.

Жўйбор хўжасининг бу золим жавобига қаршу Машраб шундай бир муқобила қиладир:

— Хўжам, отангиз борми?

— Йўқ, ўлган!

— Уша киши кимнинг ...ни еб ўлдилар?...

Машраб Хўтан шаҳридан бир пештоқ остида бир неча мулланинг ўтирганини кўрадир. Пештоқнинг устига чиқиб, ҳалигиларнинг устига сийиб юборадир. Муллалар уни тушириб, қийнамоқчи бўлганда, «Ўзингиз насихат қилар эдингиз, сув етти юмалаб тушса ҳалол», деб айтар эдингиз, менинг ... ҳам пештоқдан сизнинг бўйингизга тушгунча етти йўл тугул, ўн тўрт йўл юмаланиб тушти», деб жавоб берадир.

Мана Машраб ҳаққидаги манқабанинг сизга керак бўлмаган жойларини ташлаганимизда майдонда қолган асос чизиғи шудир. Уни хулоса қилганимизда тубандаги натижа чиқади.

Машраб Наманганда туғилган, биринчи тарбияни Наманганда олган, сайёҳ, наша чекувчи, кўкнорихоналарда турувчи, жиннимижоз бир қаландар шоир бўлган. Эмди бу натижани қўлимиздаги тарихий маъхазларнинг маълумотига қараб Машрабнинг таржимаи ҳолини собит бир шаклга киргишига тиришайлик:

Машрабнинг наманганли эканини манқабадан бошлаб бир кўб маъхазлар бир оғиздан хабар берадилар. «Мунтахаб ут-таворих» эгаси унинг Намангандан чи-

киб хажға борғанин ёзалир<sup>1)</sup>. «Ансоб ус-салотин» эгаси ҳам унинг «Намангоний» эканин тасдиқ киладир. «Мажмъайи Фахмий»дан фойдаланган ўртоқ Айний ҳам унинг наманганли эканин тасдиқ киладир.

Машрабнинг муассири<sup>17</sup> бўлуб, у билан Самарқандда кўришкан Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандий ўзининг «Музаккир ул-асҳоб»ида Машрабнинг асли андижонли бўлуб, бесоқоллик замонида Наманганга борганини, Наманган муллалари уни ўз тарбиялариға олганларини, соколи чиққандан кейин Самарқандға келганини хабар берадир<sup>2)</sup>.

Машрабнинг муассири бўлуб, у билан кўришкан, Муҳаммад Бадеънинг бу хабарини назарга олмай ўтиш ҳар ҳолда ярамайдир. Зотан, Машрабнинг Наманганда тугилганини даъво қилган манкаба ҳам уни Қашқардан қайтарғач, Андижонда онаси билан кўриштирадир. Бундан бошқа манқабада Машрабга нисбат берилган форсийча бир рубоий бор:

Аввал қадам пири муғонро ишқ аст,  
Дуввум сару по барахнагонро ишқ аст.  
Риндони Бухоро, бангиёни Кашмир,  
Шоҳ Машрабдир: Андигонро ишқ аст.

Булар ҳам Малехо Самарқандийнинг хабарини қувватлайдилар. Машрабнинг манқабада кўрсатилган саёхат доирасининг ҳам бир қисми Малехо томонидан тасдиқ этиладир<sup>3)</sup>. Малехонинг кўрсатишига кўра, Машрабнинг ёшликда Андижондан Наманганга ўқиш учун келгани, афсонадаги «15 яшарлигида мулла Бозор Охунд тарбиясига киргани» билан таъкид этиладир. Малехонинг ривоятига кўра, Машраб Наманганда 7—8 йил тургандан кейин (баъд оз соҳиби маҳосин шудан) Самарқандға келган. Онда бир муддат қолган. Сўнгра Наманганга қайтиб, ондин Қашқар, Бадахшон, Балх шаҳарлариға борган ва шу сафардан унга «пишикликлар» ҳосил бўлган, яъни шеър ва тасаввуф кишиси бўлуб, қалан-

1) «Аз Наманган прода байтуллоҳ карда Балх расид» («Мунтахаб ут-таворих»).

2) «Машраб Раҳимбобо қаланлар аст. Асли аз вилоят Андижон буда, дар айёми барахнарўйи ба касби фазилат ва фазонл ба вилоти Наманган омад. Бинобарин, мавлово хотирки, уро дошта эътибор дода турка бодаре у карланд. Баъд ва соҳиб маҳосин шуд ба Самарқанд омаде. Модини буд дигар бора мурожаат бесун вилоти Наманган карде» («Музаккир ул-асҳоб»).

3) Ҳиндистон ва Бухородан бошқаси.

дар қиёфасида яна Самарқандга қайтган. Малехо бу Самарқандга қайтишнинг қайси йилда эканини очиқ кўрсатмайдир. Шундай бўлса ҳам, баъзи 1689—91 лар орасида бўлганин гумон қилиш мумкин<sup>1)</sup>.

Машрабнинг Ҳиндустон ва Бухорога сафарлари ҳақида манқабанинг бутун нусхаларида узун-узун хабар бор. Наманганли Мажзуб ҳам ўзининг «Тазкират ул-авлиё»сида Машрабнинг сафарига онд баъзи хабарлар берадир<sup>2)</sup>. Мажзубнинг хабарига кўра, Машраб Қаршида тўрт йил турган ва шунда эканида Офоқ Хўжанинг машҳур муридларидан Хўжам подшоҳ (исми Ҳасанхўжа)ни<sup>3)</sup> учратиб, шундан тасаввуфнинг тафсилотини ўрганган. Малехо Самарқандийнинг тазкирасида Ҳиндустон, Бухоро ва Қарши сафарлари ҳақида маълумот йўқ. Мундан унинг бу сафарини 1689—91 лардаги Самарқанддан қайтишидан сўнгра бўлганин онглашиладир. Машрабнинг Бухоро сафари Ҳиндустон сафаридан сўнграми, бурунми? Бу ҳақда очиқ бир нарса айта олмаймиз<sup>4)</sup>. Ҳар ҳолда Машраб Бухорога борган вақтларда онда Абдуллоҳхон отли бир хон йўқ эди. Шунинг учун манокибда ёзилган Абдуллоҳхонни «Убайдуллоҳхон»<sup>5)</sup> деб тасҳиқ қилишга тўғри келадир<sup>18</sup>. Манқаблага кўра, Машраб Бухородан Балхга бориб, Балх подшоҳи Маҳмудхон томонидан ўлдирилган. «Мажмуайн Фаҳмий» эгаси Машрабни ўлдирган бу Маҳмудхоннинг Маҳмудбий Қатағон эканини очиқ-

---

<sup>1)</sup> Малехо ўзининг асл тазкирасини ҳижрий 1101 (мил. 1609) йили битирган. Асл тазкирада Машраб ҳақида hech нарса ёзмайдир. Икки йил сўнгра, 1103/1691 да, тазкирага бир илова ёзган, тазкира биткандан кейин кўришканларидан шул иловада маълумот берадир.

<sup>2)</sup> «Қасо гўфтки, девопаро дар Ҳиндустан дар тахти фл андохтеанд Филро як соле задваст. Фил чунон гўрехтеки, ҳаргиз моро хаминшин даст. Хўжам подшоҳ гўфтеандки, фл як сак аст. Машраб шер аст. Назди шер сак чи қувват дорад» («Тазкират ул-авлиё», Мажзуб).

<sup>3)</sup> «Девонайя Машраб ажмоли сулукро аз ҳазрат Офок Хўжа дарёфта буда... чун ба Қарши омада чаҳор сол истод. Ролибо сдуки у батафсил расида бошад дар суҳбати Хўжам подшоҳ» («Тазкират ул-авлиё», Мажзуб).

<sup>4)</sup> Машраб Бухорода мавлоно Шариф билан кўришкан. Мундан Машрабнинг Самарқандга қайтишидан оз замон сўнгра Бухорога боргани онглашиладир. Ҳолбуки намаанганли Мажзуб унинг Қаршидан чиққанидан уч йил сўнгра ўлдирилганин хабар берадир.

<sup>5)</sup> II Убайдуллоҳхон Бухорода хон бўлуб, 1717 да ўлгал.



сўйлагани каби Машрабнинг 1121 (1711) да Балхда эмас, Қундузда ўлдурулганини қайд қиладир<sup>1)</sup>.

Машрабнинг ўлуми ҳақиқда бизга хабар берувчи маъхазлардан «Мунтахаб ут-таворих» эса, унинг Балхда Махмудбий Қатағон томонидан ўлдирилганини хабар бериб, манқабадаги ривоятни кучайтирадир. «Мунтахаб ут-таворих»нинг бу масъалага онд тафсилотиға кўра, Абдулазизхон замонида Қундузда Бадахшонбеги бўлган замонида унинг ўғли Муқимхонни Махмудбий Қатағон Сувхонқули тилаб, Балхға келтириб ҳоким қиладир<sup>2)</sup>. Убайдуллоҳхон замонида Муқимхонни ўлдуриб, ўзини Балх хони эълон қиладир. Шў замонларда Машраб отли жинни хажға бориш нияти билан Балхға бориб қоладир ва қилган адабсизлиги сабабли дорға осиладир. «Мунтахаб ут-таворих»нинг бу хабарни «Мажмуайи Фаҳмий» томонидан Машрабнинг ўлум йили деб кўрсатилган 1121 (1711) рақамига тўғри келади. Буни ҳақиқат деб қабул қилишға монъ йўқ. Машрабнинг туғилиш тарихи эса, тамоман қоронғуда қоладир. Бу кунгача ҳеч бир маъхазда очик кўрсатилмаган, бу масъала тўғрисида баъзи тахминий фикрлар сўзламак ҳар ҳолда мумкин ва кераклик бир иш бўлур эди.

Манқаба китобидаги «Андижондан Наманганга ёшликда бориш хабарини бирлаштирганимизда фикримизча: Машрабнинг 15 яшарликда Наманганга борган бўлуши мумкин. «Музаккир ул-асҳоб»нинг юқорида кўрсатганимиз ривоятига кўра, Машраб Самарқандға борганда унинг соқоли чиққан, яъни 22—25 ёшларда бўлган. Ондан қайтиб Қашқар ва Бадахшон ўлкаларида юрган. Бу сафарнинг ҳам 8—10 йилдан ошмаганин манқабага таяниб даъво қила оламиз<sup>3)</sup>, Машрабнинг Қашқар ва Бадахшон сафаридан қайтиб, қаландар қиёфасида Самарқандға киришини 1688—91 йилларда бўлган, деб гумон қилганимизни юқорида сўзлаган эдик. Мана бу юқори даража тахминларнинг ҳаммасини қабул қилганимизда, биз Машрабнинг 1691 йилларда 33 ёшларда эканни, 1711 да ўлди-

1) Мажмуайи Фаҳмийдаги маълумотни мазкур китобдан фойдаланган Ҷрток Садриддин Айшийдан олдим.

2) Бу ривоят «Таърихи Муқимхоний»нинг маълумотига барабар келади.

3) Манқабага кўра, Машраб 7 йил Қашқарда туриб, сўнгра Ерқанд, Хўтан, Ила томонлариға бориб, яна Қашқарға қайтиб, ондин юртиға қайтган.

рилганда 54 ёшларда бўлганини тахмин-эҳтимол шаклида қабул қила оламиз. Шу тақдирда унинг 1657 ларда туғилганини қабул қилишга тўғри келади. Бу учун сўзларни қисқа қилганда, Машрабнинг таржимаи ҳоли ҳақида шундай дейиш мумкин: Бобо Раҳим мулла Вали ўгли Андижонда қашшоқ бир оилада 1657 йилда туғилган, 15 ёшарлиқда Наманганга ўтиб, Охунд мулла Бозорнинг тарбиясига кирган. 20—25 ёшларда эканида Самарқандга келиб, ондин Наманганга қайтган, Намангандан Охунд мулла Бозорнинг далолати билан Қашғарга борган. Офоқ Хўжага мурид бўлган.<sup>1)</sup> Умуман, Хитой Туркистонда 8—10 йил ўлкаларни айланиб, 1691 ларда Самарқандга жўнаган, ондин Бухорога қайтиб, ондин Ҳиндустон сафарига чиққан. Ҳиндустондан яна Урта Осиёга қайтган ва Қарши (бугунги Бехбудий) шаҳарида<sup>19</sup> тўрт йил турган, Қаршидан яна сафарга чиққан, бу сафарнинг 3—4-йилларида Балхда Маҳмудбий Қатагон томонидан 1711 нчи йилда ўлдирилган.

## II

Машрабнинг қаландарлиғи ҳақида маноқибда бир кўб қайдларнинг борлиғи билан баробар уни 1691 йилларда Самарқандда кўрган Муҳаммад Бадеъ Малехо ҳам хабар берадир. Қаландарларнинг ўз бошлиқларини «бобо» атаганлари маълум<sup>20</sup>. Машрабнинг Бобо Раҳим — Раҳим бобо аталгани (дан) унинг бир вақтлар қаландар бошлиғи бўлганини ҳам гумон қилиш мумкин. Шунинг учун бошлаб қаландарлар ва қаландарлиқ ҳақида ва унинг майдонга чиқишига сабаб бўлган шароит тўғрисида тафсилот бериш лозим. Зотан, Машрабнинг синфий тусини очмоқ учун қаландарлиқ маслакнинг синфий моҳиятини белгиламоқдан бошқа чора йўқ. Лекин, бахтга қаршў, бизнинг тарихимизнинг ҳеч текширилмаган ёхуд оз текширилган саҳифаларидан бири шул қаландарлиқдир. Ўзим

<sup>1)</sup> Профессор Вяткин ўз мақоласида Офоқ Хўжа муриди томонидан ёзилган «Ҳидоятнома»да унинг иккинчи даража ва оддий муридларидан хабар берилгани ҳолда Машрабдан хабар берилмаганини қайд қилади. Бунинг билан Машрабнинг таърихий бир шахс ҳақидаги шубҳасини кучайтирмакчи бўлади. Маориф комиссарлиғи ихтиёрида бўлган кутубхонада «Маноқиб Хўжам пошо» исмли турғача бир маноқибла Офоқ хўжамнинг энг яхши муридларидан Ниязхўжа қози Бобохўжа Наврўз охунд, Исмоилхўжа мулла Ғози охунд каби анча кишилар қаторида ҳазрат Шоҳ Машраб исми ҳам бор.

ҳам бу тўғрудағи бутун излашларимнинг «мана» деб кўрсатарлик бир натижаси бўлмаганини эътироф қиламан. Қўлимдағи жуда оз материал билан қаландарлик маслакининг синфий моҳиятини очмоқ ва шу йўл билан Машрабнинг ҳам синфий тусини кўра олмақ мумкин бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, бундан сўнг-раги текширишларга балки ёрдами бўлур умиди билан қаландарлик ҳаққида билганим нарсаларни қайд этиб ўтмакни муносиб кўраман.

Қаландар сўзини изоҳ қилган «Ҳафт қулзум» ва «Баҳори ажам» каби луғат китоблари<sup>21</sup> бунини истилоҳ сифати билан изоҳ қилади. «Ҳафт қулзум»га кўра, қаландар бутун расмий таклифлардан, бутун қайдлардан озод бўлган, ҳар турли диний амал ва одатлардан айрилган, бутун моддий, ҳаётий алоқаларни тарк қилган, ибодат ва одатларнинг ҳаммасини бузғучи кишиларнинг исмидир.

Тасаввуф маслагидан «маломатий»лар билан қаландарлар орасидағи асосий айирма шундадирки, «маломатий»лар диний ибодатларни ижро қилади, бироқ ижро қилганларини халқдан яширади. Қаландарлар эсалар тўппа-тўғри диний ибодатлар ва одатларни бузадилар.

«Баҳори ажам» эгаси ҳам қаландар сўзи остида шунга яқин изоҳот бергандан кейин машҳур Урфий Шерозийнинг форси (й)ча:

Санамораи қаландар сардор ба мен намоң,  
Ки бари дароз дидам раҳу расми порсон<sup>1)</sup>.

ва Мир Муҳаззийнинг:

Кунун буд беқаландар зи шом то дами субҳ,  
Ҳар онки буд, ба масжид зи субҳ тоқай шом<sup>2)</sup>

байтларини шоҳид келтиради. Ҳамда «Қаландар дидаро мегўяд<sup>3)</sup> «Қаландарро гўфтеанд кўч аст пўсти тахти худро бардуш афканд<sup>4)</sup> каби мақолаларнинг борлигини айрича қайд қилади.

Машҳур Жомий эса ўзининг «Нафаҳот ул-унс»ида<sup>22</sup>

<sup>1)</sup> Т а р ж и м а с и : Тақво йўли жуда ҳам узоқ экан, Манга қаландарлик йўлини кўрсатинг.

<sup>2)</sup> Авваллари эртадап-кечгача масжидда турганлар букуп кечдан-эртагача қаландархонада туради.

<sup>3)</sup> Қаландар кўрганини сўзлайдилар.

<sup>4)</sup> Қаландарга «кўчамиз» дедилар. Тўшакни елкасига ташлади.

масъаланинг устини ёпмоққа тиришадир; қаландарлар ҳаққида юқорида кўрганмиз маълумотга яқин маълумот бергандан кейин «Лекин қаландарлар ибодатларнинг фарз бўлган қисмларини адо қиладилар» мазмунида бир даъвони майдонга ташлайдир. Ва ўз замонида «диннинг ҳеч бир қайди остига кирмаган қаландарларнинг «ҳақиқий қаландар» эмасликларини сўзлайди ва бу сўз билан ўз замонида ҳам юқоридаги луғат китобларида кўрилган маънода қаландарларнинг борлиқларини эътироф қилган бўладир. Биз, зотан мўътадил бир мутасаввиф бўлган Жомийнинг юқоридаги сўзларини диний тарафкашлик (ка), деб биламиз ва қаландарлиқ ҳаққида юқоридаги луғат китобларнинг маълумотини ҳақиқат деб қабул қиламиз. Зотан, яқин замонларгача бизнинг орамизда ҳам «Қаландар Машраб» ва «қаландархона» сўзларининг кайдсизлигини ифода қилгани шуни қувватлайдир. Қаландарликни Урта Осиёда қачондан бошлаб ўрунлашганидан маълумотимиз йўқ. Бироқ Жомийнинг юқоридаги маълумотидан 15 нчи асрларда қаландарликнинг борликлари онглашилгани каби машҳур Шайх Қамолiddин Ҳусайн Хоразмийнинг ҳам 15 нчи асрнинг охирида Хоразмдан Хуросонга бораётқонда йўлда бир қаландархонада қўнгани «Мифтоҳ ут-толибин» исмли манқабани китобида<sup>23</sup> мазкурдир.

Қаландарлиқ мусулмон тасаввуфининг шўъбасидир. Бу маслак бизнинг ўлкамизда сўнг кунларгача давом қилди. Ўзбекистон шаҳарларидан ҳар бирининг ташқариснда «қаландархона» исмли гўзал боғча ҳолига келтирилган бир жой бор эди. Қаландарлар шунда турар эдилар. Булар қисман маҳаллий, қисман мусофир, хусусий мулклари бўлмаган кишилардан иборат бўлиб, асос касблари тиланчилик эди. Ҳафтада (н) икки дафъа тиланчиликка чиқиб, шаҳар ва бозорларни айланар эдилар. Ўзлариға махсус қаландарий куйлари бор эди. Ораларидан энг яхши товушлиси шу куйларда Яссавий, Машраб каби шоирларнинг шеърларини ўқур ва бошқалари унинг нақоратини қайтариб турар эдилар. Ораларидан бир бошлиқлари бўлуб, мунга «бобо» дер эдилар. Тиланчилик чоғида пулни шул боболари тараф ва шундан уларни таъмин қилиб турар эди.

Бухоро хонлиғи замонида буларнинг устида ҳукумат томонидан тайинланган бир «мутавалли» бор эди. Қаландарлар тиланчиликдан тўпланган пулларни шунга топширар эдилар. Ва шу мутавалли уларнинг

ҳақларини тақсим қилиб берар эди. Қаландарларнинг ўзларига махсус кийимлари бор эди: булар кулоҳ, долқ<sup>24</sup>, камар (белбоғ), асо, качкул, кадуи матбаҳ<sup>25</sup> аталган нарсалардан иборат эди. Булардан бошқа тери, суфра сипиргига ҳам айрича аҳамият берар эдилар. Бухоро қаландарларидан Ҳожи Абдураҳим томонидан милодий 1672 йилда ёзилган «Ҳисолаи одоби тариқ» исмли бир китобчада булар ҳаққида қизиқ ва тасаввуфий тафсилот берилган. Масалан, унинг кўрсатишига кўра, қаландар кулоҳи тўрт турли бўлган: кулоҳи амир, кулоҳи рўят, кулоҳи субҳоний, кулоҳи ота. Бу тўрт турли кулоҳдан ҳар бирининг тўрт бурчаги бўладир. Кулоҳнинг бурчагига форси (й)ча «тарк» дерлар. Қаландарлар сўз ўини қилио, оу форси (й)ча «тарк»ни арабча (ташламоқ, қолдирмоқ, қўймоқ маъноларидаги «тарк» сўзига айлантирадилар. Ва кулоҳларнинг «тарк» (бурчак)ларидан ҳар бирига арабча «тарк» сўзидан фондаланиб, бир турли тасаввуфий маънолар берадилар<sup>1)</sup>. Камарларининг етти банди бўлуб, ҳар банди тасаввуфдаки бир шартга ишоратдир. Долқ: «Одоби тариқ»га кура, умуман, мутасаввифлар киятурган либос «долқ» аталиб, бу уч турлидир: ҳирқа, кафаний, жанда<sup>2)</sup>, качкул<sup>3)</sup>, кадуи матбаҳ<sup>4)</sup> ва асо ҳаққида узун-узун тасаввуфий ишоратлар ва рамзлар тақадирлар.

Яна қаландарларга махсус шартлардан бири соч

1) «Ҳисолаи одоби тариқ»га кўра, кулоҳи амирнинг тўрт таркидан I нчиси тарки муҳарамот (ҳаром қилинганларни ташламоқ), II нчиси тарки доиш (онг ва билим)ни ташламоқ, III нчиси тарки ҳижоботи зулмоний, ки сифоти башари аст (инсонликка махсус сифатларни ташламоқ), IV нчиси тарки маснуъот аз жамъи ашбу сифоти мулкӣ (бутун нарсалар ва малакӣ сифатларни тарк қилмоқга ишорат булуб, бу кулоҳни кийган кишининг шу таркларни қилган бўлиши лозимдир, кулоҳи равиатнинг тўрт таркибидан I нчиси тарки халқ (одамлардан кечмоқ), II нчиси тарки томоқ (яхши томоқлардан сақланмоқ), III нчиси тарки далқ (безакли кийимлардан тарк қилмоқ), IV нчиси тарки ҳирқашайхлик ва сўфийликни кўрсатиб юришни таркига ишоратдир. Тарки субҳонийнинг тарклари: оахиллик, мишпат қилиш, икки юзликлик ҳам тақаббурнинг таркига ишоратдир. Кулоҳи ато туркларни эса: тарки дунё, тарки нафс, тарки жаннат ва тарки вужуд (борлиқни тарк қилмоқ) ишоратдир.

2) Ҳирқанинг ени узун, жанданинг ени қисқа, кафанийнинг ени, ўқаси бўлмайдир.

3) Качкул — кичкинагина кема шаклида бўлуб, тасмасини бўйундан ўткариб чап томонга белбонка яқин осилиб турадир.

4) Кадуи матбаҳ: қуруқ қовоқдир. Бош томонини кесиб, янгида тасмалар билан боғлайлар («Ҳисолаи одоби тариқ»).

қўйишдир. Айнуқса, биринчи даврларда соч қўйишни жуда лозим деб биладирлар. Ўз ораларида сўйлашга махсус сунъий бир тиллари ҳам бор. Унга «абдал тили» дейилар. Юқорида сўйлаганимиз қаландархоналар уларнинг доимий туриш жойларидир.

Мундан ярим аср — бир аср бурунги замонга келган ва Урта Осиё шаҳарларининг энг обод жойи қаландархоналари эди. Қаландархоналар шаҳар халқининг жума кунлари чиқиб ўтирадурған дам олиш, саёхат жойлари эди. Қаландар ҳафтада икки кун (маълум кунларда, бозорлари бўлған жойларда бозор кунлари) тиланчиликка чиқар эдилар. Бошқа вақтларда қаландархоналарида наша чекиб, кўкнор ичиш билан машғул эдилар. Диний ибодатларга аҳамият бермас эдилар.

Қаландарлар ва қаландарлиқ ҳаққида бера олганимиз шу нуқсонли маълумот уларнинг ижтимоий мавқеъларини чамалаб бўлса ҳам белгилашга ёрдам қила олса керак. Бизнинг фикримизга кўра, қаландарлар феўдализм идорасининг бутун оғирлиғи остида қолиб эзилған, бор-йўқларидан айрилған, эзувчи кучга қаршу курашмоқ умидини тамом йўқотған, шахсий ҳаётларини таъмини учун қўлларидан ҳеч ҳунар келмаган бир гуруҳ бўлғанлар. Булар тиланчилик билангина таъмин этилмакда бўлған ҳаётларининг аччиқ дақиқаларини нашанинг мастлиғи остида кечиришка тиришқонлар. Машраб мана шу гуруҳ орасида яшаған киши бўлған.

### III

#### Машрабнинг асарлари

Унинг букун бизга маълум бўлған асарлари мақоматида унга нисбат берилған шеърлар, 1906 нчи йилда Қозонда босилған «Боқирғон китоби»да Машраб тахаллусли парчалар<sup>26</sup> ҳам Машрабка нисбат берилған «Мабадаи нур» ва «Кимнё» исмли манзум китоблардан иборатдир. «Боқирғон китоби»дағи ўн парчанинг шул бизнинг Машрабнинг асарлари экани манқабанинг китобидаги шеърларни текширганимизда қатъий суратда онглашилди. Ундаги шеърларнинг ҳаммаси оз-кўб ўзгаришлар билан манқабанда мавжуддир. Шунинг учун биз тўп-тўғри манқабандаги шеърлар ҳаққида гапураимиз: манқабанинг Машраб томонидан эмас, унинг муриди ё муридининг муриди бўлған бир киши томонидан афсомавий ва хаёлий бир шаклда тартиб қилинғани бўлған

гап. Шунинг учун бу асарда Машрабга нисбат берилган шеърларнинг ҳаммаси Машрабникими? Манқабачининг ўзи баъзи шеърларни Машраб исми билан унга қўшмадимми?

Мана бу ҳақли шубҳа остида ишка киришканда натижа тубандагича бўлуб чиқади:

а) Машрабга оид манқабанинг турли нусхаларидаги Машраб шеърлари сон эътибори билан бир эмас, баъзида кўб, баъзида оздир.

Менинг қўлимдаги икки қўлёзма ва бир босма нусхадаги бу шеърлар сон эътибори билан фарқли. Ўзбек маориф комиссарлигига оид муфассал бир қўлёзмада эса, ғазал ва мухаммаслардан бошқа маснавий шаклда ҳам тўрт-беш узун парчалар бор;

б) манқабанинг турли нусхаларида Машраб тахаллусидан бошқа тахаллусларга ҳам учраладир. Масалан, менинг қўлимдаги икки қўлёзманинг биртасида:

Жисм қолибдин<sup>1)</sup> нафас тори узулмасдан бурун,  
Бошинга даври қазо базми қурулмасдан бурун,  
Хаста жонинг<sup>2)</sup> тири раҳматдин сўкулмасдан бурун,  
Эй кўнгул, каси асоси тан бузулмасдан бурун,  
Оқи абиру курсийи дандон тўкилмасдин бурун

деб бошланган 5 бандли бир мухаммас бор. Ҳолбуки, аслида тўққиз банддан иборат бўлган бу мухаммас Турди<sup>3)</sup>нинг девонида бор ва «Фурсатинг фавт этма, Турди, иш қил ўлмасдан бурун» мисраъи билан тамом бўладир. Бундан бошқа Ранжий, Аҳмад Қори, Маҳваш, Зийрак, Мансур каби бизга аниқ маълум бўлмаган шоирларнинг шеърлари бўлгани<sup>4)</sup> каби Машраб тахал-

1) Қорундин — тўғриси.

2) «Девони Турди»да «Жеванхон».

3) Бу ўзбек шоири ҳаққида 1928 ичи йилда чиққан (64) 12-сон «Маориф ва ўқитғучи» журналинда бизнинг муфассал мақоламиз бор.

4) Булардаги «Мансур» тахаллуси Мажзуби Намангоний (нинг) отасининг нирп бўлган пискешти Мансурхон эшоннинг тахаллусидир. «Маҳваш»нинг панаганан бир хотун бўлиб, мулла Бозорнинг мухлисларидан экани, мулла Бозорнинг Намангандаги гўрхонаси шул «Маҳваш биби»нинг боғи бўлгани, Мажзубнинг «Таъкират ул-авлиё»сида бор. Мажзубнинг сўзига кўра, бу хотун Наманганининг оғалиқларидан бўлган. «Девони Машраб» китобида Машрабнинг онаси ҳаққидаги марсияларда:

Нечук айлай, оё дўстлар(им), жовонимдан айрилдим,  
Тириклик боёси ул муноси жонимдан айрилдим,  
Ушал навраста бир гулбарги хандопимдан айрилдим.  
Бўлибман булбули шайдо гулистонимдан айрилдим,  
Асолат бирла ҳақон<sup>1)</sup> ибни ҳоқонимдан айрилдим.

лусли шеърлар ҳам онаси ва синглиси тилларида ай-  
тилгани ва:

«Қонимни тўкар эмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон»  
деб ўз ўлиmidан хабар берган шеърлари борким, булар-  
ни Машрабнинг ўзи албатта, айтмаган. Мана бу намуна-  
лар маноқибдаги шеърлардан ҳақиқатан Машрабники  
бўлганларини аниқлашни қийинлашдирадир. Бу тўғру-  
да маноқиб китобининг бошқа-бошқа жойларда, бошқа-  
бошқа замонларда ёзилган турли нусхаларини йиғиб,  
диққат билан муқояси қилмасдан бурун қатъий бир  
нарсга айтиш мумкин бўлмайди. Лекин, манқабада  
Машраб тахаллуси билан кўрсатилган шеърларнинг  
ҳаммасини бирдан Машрабники эмас, демак ҳам тўғри  
бўлмайди. Машрабнинг қаландарлиғи, қаландарлиқ  
ижобий булуб, диний масъалага қаршу. Шунинг учун  
Бухородан қувилиб, Балхда ўлдирилгани ҳаққида та-  
рихий маъҳазларнинг қайдларини<sup>1)</sup> назарга олиб, мано-  
қибдаги шеърларидан муҳим бир қисмининг Машраб-  
ники эканини қабул қилиш мумкин. Самарқандли Мале-  
ҳо ўзининг тазкирасида Машрабдан қисқа-қисқа икки  
форси (й)ча ғазал кўрсатадир. Бунинг биринчиси тамо-  
ман тасаввуф руҳида бўлуб, шариат қайдларига тўғри  
келмайтурган тарзда ёзилган:

Баландиҳо зи хоки накр шуд кошонаи моро,  
Фалак қолини рангин нақш, бошад хонаи моро,  
Гули хуршид пиндоро саҳарҳо аз масти,  
Қафи сайёри афлоқ хуми майхонаи моро.  
Қ-он созад ҳарам чун шўълаи имони худ Машраб,  
Губори хоки роҳ роҳиби бутхонаи моро<sup>2)</sup>.

Эмди биз манқабадаги шеърлардан Машрабники  
(деб) ишонганимиз парчаларга қараб уни текшира-  
миз. Машраб мутасаввифдир ва мутасаввиф бўлгани учун  
материалист ва динсиз бўла олмайди. Унинг шеърла-

<sup>1)</sup> Бу қайдлар юқорида ўтди.

<sup>2)</sup> Машраб бу ғазалнинг ўзининг асрдоплари бўлган Сойиб  
Табризий ва Шавкат Бухорий (бу қаландар эди) каби шоирлар-  
га ухшатиб ёзган. Сойибнинг бу вази ва қофияда:

Ишон дар пазиройи наҳрайи мастонаи моро,  
Мақун навмид аз ҳасад қабул афсонаи моро  
матлаъи билан бошланган бир ғазали бўлгани каби Шавкатнинг  
ҳам:

Фирузон кунад вари шуълаи афсонаи моро,  
Забони чарб руған шуд, чароғи хонаи моро  
матлаъи билан бир ғазали бор. Бироқ Машрабнинг ғазали бу  
икки шоирнинг ғазалларидан ўз йўлида устуң турадир.



рининг ҳар қатида муни кўриб бориш мумкин. Манқабадаги баъзи ҳикоя ва шеърларга алданиб, унга бошқа қиммат бериш ярамайди. Бутун илоҳият фалсафасига мансуб оқимларда бўлгани каби тасаввуф оқими ҳам ақл ва мантиқ доирасида ўз мақсадини изоҳ қилишдан ожиздир. Бу нуқтани жуда яхши сиғлагани учун тасаввуф мактаби ақл, мантиқ, фан ва тажрибани ўз фалсафасидан узоқлаштиришга тиришадир, уларга бойкот эълон қилади. Ўз фалсафасини «кашф ул-ҳаққа»<sup>27</sup> таяндирадир. Ва ўзининг энг кучсиз нуқталарини шеърини парчалар билан қоронғулатиб ўткармоқчи бўлади. Тасаввуф фалсафасининг асос нуқтаси «ваҳдати вуҷуд» бўлгани учун, айнуқса, ислом эътиқодларига тўғри келмайди. Машрабнинг ҳам динсизлик билан сифатланиш ва ўлдирилиш сабабларини шу томондан изламак керак:

Дунёни пушти по уруб, Адҳами бенаво ўзум,  
 Авжи фалакда юрган тариқи пурзиё ўзум,  
 Нуқта табиба ҳожатим дардима ҳам даъво ўзум,  
 Куфр ила дин ичинда йўқ ҳеч кима нисбатим мани,  
 Ҳам ватан, ҳам сафар ўзум, ҳам шоҳу, ҳам гадо ўзум.

Машраб(нинг) мутасаввиф Жалолиддин Румийнинг таъсири остида ёзилган<sup>1)</sup> бу газалида «ваҳдати вуҷуд»нинг манманлиги ўзини жуда очиқ кўрсатадир.

Жалолиддин Румий каби Машраб ҳам «ҳар нарса ўзимдан иборатдир», дейди. Ва шунинг учун дин олимларининг ҳужумига учрайди. Машраб бутун мутасаввифлар каби динни ички ва ташқи қисмларга ажратади ва ташқи ёқдан иборат деб танигани диний ибодатларни танқид қилади:

Ерсиз ҳам бодасиз Маккага бормок нимадир<sup>2)</sup>,  
 Қолган Иброҳимдан ул эски дўконни на қилай?

дейди. Унинг бу мавзудаги шеърлари кўбрақ форси (й)-чада ўткурлашадир. Жалолиддин Румий, Абдулқодир Бедил каби сўл мутасаввифларнинг диний дастурларга сиғмаган фикрлари унинг форсий шеърларида ўзини кўрсатади.

1) Машраб юқоридаги газалини Жалолиддин Румийнинг тубандаги газали таъсирида ёзган:

Чарх занон гард моҳ доим гардон манам,  
 Сарди мастони ҳақ дар ҳама даврон манам.

2) Матнда «нимадир». (Кейинги нашрларда «не керак» тарзида берилган. — Ҳ. Б.)

Машрабининг шеърларида, айнуқса, форсий шеърларда Бедилнинг таъсири кўринадир. Айнуқса, манқабанинг бир кўб нусхаларида кўрилган:

Аналҳақ гўи нжодам пурвари... ишқам,  
Мудом аз хуи Мансур аст май дурри соғирн ишқам

байти билан бошланган ғазал тамом бедилона ёзилгандир<sup>1)</sup> Бедил Машраб билан замондош бўлуб, ундай ўн йил сўнгра Ҳиндустонда ўлган. Машраб Ҳиндустонга борганда Бедил билан кўришдими ё Бедилнинг шеърлари ўз тириклик вақтида Урта Осиёга келиб, мундаги шоирларга таъсир қиларлик даражада машҳур бўлганми? Бу ҳақда қатъий бир нарса айтмоқ шу чоғда менга мумкин бўлмади.

Машраб ўзидан бурунги ва муосир<sup>28</sup> бўлган бир кўб мутасаввиф шоирларимиз каби ҳаяжонсиз шоирлардан эмас. Унинг шеърларида ҳар вақт кучли бир ҳаяжонни кўриб бориш мумкин. У кўбрак Жалолиддин Румийдаги сўфиёна ҳаяжонни ўз шеърларида акс этдиришга тиришадир:

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағма<sup>2)</sup> бир ўзум,  
Бир бути хуш ҳиром учун ошиқи дарбадар ўзум.  
Ё шаҳи меҳрибонмусен, ё маҳи осмонмусен,  
Ёр била кўкни охтариб<sup>3)</sup> кавкабу камар ўзум.  
Ошиқи нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,

Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.  
Ўлтурайин демасмусен, куйдирайин демасмусен,  
Бу бошинга балолари(нг) келтурайин демасмусен.  
Бир сари ташлабон мани халқ ичида бериб азоб,  
Қуш каби бол ила парим юлдурайин демасмусен.  
(Форси(й)ча)

Мо бастам ҳирсем, мо душмани ошноем,  
Жабранлро забар нест, дар олами ки моем,  
Аз ошино нишаста, пайвастаем бо дўст,

---

<sup>1)</sup> **Маориф** комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассал нусхада бу ғазал йўқдир.

Маст шудан қатраи аз нами жуи дилам,  
Қатраи раҳ кун баё зудки уммон манам.  
Зоби гули тани туро дар дили ман андар ило,  
Чеҳраи ҳурон манам, равзаи ризвон манам.

<sup>2)</sup> **Баъзи** нусхаларда «булбул хушхабар», «бул хуш асар» ҳам ёзилган.

<sup>3)</sup> «Ёр билан кўкни ахтариб» бўлса керак.

Бо хештан нишаста, лекин зи худ раҳоем.  
Бо шайх аҳд бастем, бо авлиён нишастем;  
Дар ҳар кужоки бинӣ ҳангомаи худоем.

Мана бу парча Машрабнинг Жалолиддин Румий ка-  
би шоирлардаги сўфиёна ҳаяжонни ўз шеърларида аке  
этдиришка қандай урунганини кўрсатадир. Машрабнинг  
умуман, лирикаси кучли, унинг енгил, ўйноқи ва чирой-  
ли ғазаллари бор.

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,  
Ут ёқди жаҳон мулкина яғмо қилайин деб.  
Машшота била жилвада кўргузди ўзини,  
Мандек неча девонани шайдо қилайин деб.  
Зебо санамим гул юзидин пардани очди,  
Олам ҳама кўз бўлди томоша қилайин деб.  
Ширин сўз ила қошу кўзин жилвагар этди,  
Ошуби бало, фитнани барпо қилайин деб,  
Мастана саманд сакрата келгач шаҳи ҳунрез,  
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.  
Ханжар қўлида Машрабин ўлдирғали келди,  
Ғавгон қиёматни ҳувайдо қилайин деб

каби гўзал парчалар ёзадир. Машрабнинг энг кўб суй-  
гани шакл мустазод шаклидир. Мустазод: ғазалнинг  
ҳар бир мисраъидан кейин шул мисраъдаги вазннинг  
маълум бир миқдори қадар сўз илова қилинган шакл-  
га айтиладир. Адабиёт қондачилари аксарият билан  
бу шаклни «ҳазаж» баҳридан<sup>29</sup> «мафъувлу мафойилу  
мафойилу фаъувлун мафъувлу фаъувлун» вазнига махсус  
деб биладилар. Ўзбек ва ҷиғатой шоирлари орасида мен  
Машраб қадар мустазодни кўп ёзган бир шоирни уч-  
ратмадим. Машрабнинг чиройли мустазодлари бор:

Бу хаста вужудимни мани ўртади бир йўл,  
ул ғунчаи хандон,  
Ул гул юзини ишқида мен вола-ю ҳайрон,  
ул зулфи паришон.  
Бир раҳм қилиб сўрмади ҳолимни нечук деб,  
ул орази гулгун.  
Юз ваъда қилиб бизга вафо айламади ҳеч,  
ул ваъдаси ёлғон.  
Парвона сифат ишқ ўтида куйди бу жоним,  
йўқ сабру қарорим,  
Овозан ҳуснингки солиб, олама гулгул,  
эл барчаси ҳайрон.

Бир неча маҳалдирки онга рози дил айтдим,  
девоиан Машраб,  
Бераҳм экан, келмади бир дам қошим узра,  
ул золими даврон.

Бироқ, умуман олғанда, Машрабнинг кўбрак шеърлари дунёга тасаввуф кўзлигидан қараш, бадбинлик, йиғлоқилик, тарки дунё, жинничилик, қаландарлиқ таълимоти билан оммани заҳарламоқ учун ёзилган.

Машраб ўзини йиғлаш учун ҳақли кўрсатадир:

Матлабим бор—нораво, ман йиғламай ким йиғласин,  
Дард берибдир бедаво, ман йиғламай ким йиғласин.  
Зулмати мотамда қолдим бу хатарлиқ йўл аро,  
Бекасу бераҳнамо, ман йиғламай ким йиғласин.

деб ўзи йиғлаш сабабларини изоҳ қиладир. Зотан, Машраб ўз муҳитида йиғламоқдан бошқа бир нарсани кўрмайдир, ё кўргуси келмайдир. Унинг назарида базминг шамъи парвонаси, май шишалари ҳаммаси-ҳаммаси йиғлайдир. Ул боласини йўқотган отагина йиғлайдир, деб ўйламайдир, боланинг-да отаси учун йиғлаганини назарга оладир:

Кеча базмингдан йироқ ишқ аҳли чандон йиғлади,  
Куйди ҳам парвонау шамъи шабистон йиғлади,  
Соғиниб Юсуфни ёлғиз йиғламас Яъқуб зор,  
То мусофир бўлди Юсуф Ибн Канъон йиғлади.  
Соқиде, сун бир суроҳи дам бадам фарёд этиб,  
Аҳли мажлис олдиға ёш ўрниға қон йиғлади

дейдир. Шунинг учун сўзини тинглаганларга «йиғла» деб насиҳат қиладир.

Йўл хатардир, борасан бемуттакосен йиғлагил,  
Ҳар дам қўйсанг, гирифтори балосен, йиғлагил

дейдир. Унинг бундай кўз ёши бандаси бўлганиға бир кўб сабабларнинг бўлиши мумкин: иб йиғириб сотиб «нафақайи аҳли аёл» қилғучи камбағал бир онанинг қучоғида, унинг кўз ёшлари орасида ўскани, шул қашшоқлиқ таъсири билан тиланчи саёқлиққа ва шу йўлдан қаландарлиққа мажбур бўлгани, ўзидаги эътирозчилик табиати сабабидан борган жойида калтак егани каби ҳолларни бу қаторда кўрсата олармиз. Машраб Қашқар сафаридан қайтқонида онасини кўмадир. Иб йиғириб уни ўстирган онасининг ўлуми Машрабға жуда ёмон таъсир қилган ҳодисалардан бири бўлса керак.

Онасининг ўлуми муносабати билан ёниқ самимий бир марсияси бор:

Э сафо бахши баҳору бўстоним қайдасан,  
Нури дийдам, мушфиқим, ороми жоним, қайдасан,  
Елғиз уйларда рапиқу ҳамзабоним, қайдасан<sup>1)</sup>  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан

банди билан бошланган мухаммас-марсия Машрабнинг она ўлиминдан қандай қайғурганини кўрсата оларлиқ даражада кучли ва самимийдир.

Машрабнинг кучли бир услуб эгаси бўлганини форси(й)ча, ўзбекча шеърларида кўра олдик. «Девонайи Машраб» манқабасида вазн, қофия ва мазмун томонларидан тамом бузилган бемаза нарсалар ҳам жуда кўбдир. Буларни шул бузуқ ҳолларида юқоридан бери услуби билан таниша келганимиз Машрабнинг шеърлари деб қабул қила олмаймиз, албатта. Булар ё ёмон котиблар томонидан бузила-бузила биз кўрган шаклга кирганлар ёхуд манқабани ёзган ва ўқиган бир кўб ярим шонрлар томонидан сўнгралар илова қилинган парчалардирлар.

Машрабнинг тили соддадир. У кўбрак шаҳар тилининг энг такаллуфсиз услубида ёзадир. «Дур» қўшимчасининг букун бизда ишлатилган «р»сиз шаклини кўбрак ишлатадир:

«Машраби бенаводуман,  
Васлинг учун гадодуман,  
Ҳажр ўтига куёдуман,  
Ёр жафосини кўринг».

«Холу хатингни кўрмасам, йўқту қарорим эй санам»,  
«Девонадуман дўхтари султони ажамға».

Гарб туркчасини ҳам Машраб тилида кўзга кўринарлик таъсири бор:

Бу ғуссадин ўлсам, бошимга оҳим аламдир.  
Машраб ўзингни солма неча турли жафоға,  
Бас, жандани кийдим, ўзимни дарбадар этгим,  
Арҳи дилима этмак учун зор солибман.  
Ҳай-ҳай на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат.

Букун бизда «билмайсан», «келмайсан» шаклида ишлатилган феълнинг чиғатойчада «билмон», «келмон» шаклида, ўғузчада «билмам», «келмам» шаклида иш-

<sup>1)</sup> Кўб нусхаларда «меҳрибоним» ёзилган.

латилгани маълум. Машраб эса «билмайсан» феълени «билманг» шаклида ишлатадир:

Мани мавжудлигим базми ҳаробот эрди сан, билманг  
Гунаш кордир сарупойим, каромат эрдисан билманг.  
Мани Мажнунни бекор англама, э аҳли ғафлат сан,  
Ки кунда бошима юз мингча офат эрди сан билманг.

Энди Машрабга нисбат берилган «Мабдайи нур» китобига<sup>30</sup> кўчайлик. 1912 йилда Бухорода тош босмада босилган бу китоб машҳур Жалолиддин Румийнинг маснавийсига ўзбек тилида шарҳ каби ёзилгандир. Жалолиддин Румийнинг маснавийсидан баъзи байтлар олинган. Ҳар байтнинг форси(й)ча матнидан кейин айни вазнда ўзбекча манзум шарҳ бошланадир. Шарҳда Жалолиддин Румийнинг сўфиёна рамзлари изоҳ этиладир. Ондан кейин сўзнинг боришига муносиб бирикки ҳикоя берилладир. Аксарият эътибори билан бу ҳикоялар машҳур сўфиларнинг ҳаётларидан олинган ёхуд шуларнинг ҳаётига боғланган бўладир. Ҳикоядан кейин шул ўринга муносиб ўзбекча ғазал келадир. Ғазалларнинг охириги мисраъида «Машраб», «Мабдайи нур» сўзлари баровар юрадир. Фикримча, бу китоблар «Мабдайи нур» аталиши ҳам шунинг учун бўлса керак. Ғазалдан сўнгра яна Жалол Румийнинг маснавийсидан бир байт берилиб, юқоридаги тартиб билан давом этиладир. «Мабдайи нур» китоби уч жилд бўлуб, «Маснавий»нинг<sup>1)</sup> 1—2—3-жилдлариға боғланган. Машрабнинг манқабадаги ғазалларидан бир қисмида кўрилган ҳаяжон «Мабдан нур»даги ғазалларда йўқ. Умуман, «Мабдан нур»даги ғазаллар сўфиёна насихатлардан, йиғлашға ташвиқ, ўлумдан қўрқитиш каби мавзуларға бағишланган. Масалан: Худо йўлида йиғлаш кераклиги ҳаққида Жалол Румийнинг шу форси(й)ча байтини оладир:

Раҳматам мавқуф он хуш гузиҳо аст,  
Чун гирист аз баҳри раҳмат мавж хост.

Ва шуни тубандагича изоҳ қиладир:

Йиғла ҳар соатки, жонинг борича,  
Зикри ҳақ айткин забонинг борича.  
Сан бу давлатхонада дам ўлтума<sup>2)</sup>,  
Қил ёқангни чок беғам ўлтума.

<sup>1)</sup> Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» си.

<sup>2)</sup> «Ўтурма»нинг енгиллашгани.

Ҳар киши бегаму жойидир жаҳим,  
Онга етмас борди раҳматдин насим.  
Санки оқилсан, бу йўлда навҳа қил<sup>1)</sup>,  
Навҳасиздир тоати марди бахил.

Ундан сўнгра қарғани йиқилгани учун йиғлаган бир «золим»ни жуда қаттиқ сўкадир.

Гиряларга хосият бисёрдир,  
То у гиря, то бу гиря кордир.  
Ҳар эшак ҳанг айласа гиря дема,  
Хутга ҳам бор, харға ҳам бор замзама.

деб ўзига кўра мақбул бўлган йиғлаш билан мақбул бўлмаган йиғлашнинг айирмасини кўрсатадир ва шул йиғлаш ҳаққида яна уч ҳикоя бергандан кейин:

Охир корнинг нечук бўлган, бу йўлда беҳабар йиғла,  
Ҳама ҳақ ичра жо бўлди, қўпуб шому саҳар йиғла.  
Агар маҳшарда гўрдин сурру бўлуб қўпай десанг,  
Қадингни ҳам қилиб даргоҳға бош ур, бештар йиғла

байтлари билан бошланган бир ғазал бериб, яна «Маснавий»нинг форси(й)ча бир байтига кўчадир.

Эмди бу китоб Машрабникими, йўқми деган бир масъаланинг устида бир оз турайик. Проф. Вяткин «Мабдайи нур» китобининг маълум манқабадаги Машрабники эканига шубҳа қиладир. «Мабдайи нур»даги шеърлар билан манқаба орасида Машраб исмидан бошқа ҳеч бир ўртоқ нарса йўқдир. «Мабдайи нур»нинг бошқа бир Машрабники бўлмоқ эҳтимолини тақдим қиладир<sup>31</sup>. 17 нчи асрнинг охирлари билан 18 нчи асрнинг бошлари орасида ёзилган «Мабдайи нур» бу асрларда Машраб исмли тарихий бир одам борлиғига шубҳа қолдирмайдир. П. Вяткин мана шу тарихий Машраб билан манқаба қаҳрамони бўлган Раҳим бобо — Машрабнинг бир киши эканини оча олса эди, бу даврда унга афсонавий бир Машраб ўйлаб чиқаришга лузум қолмас эди, албатта.

Биз, зотан, «Мабдайи нур»га қарамасдан, манқаба қаҳрамони бўлган Раҳим бобо — Машрабнинг тарихий бир шахс эканини исбот қила олдиқ. Эмди «Мабдайи нур»нинг ҳам шу Раҳим бобо — Машраб томонидан ёзилганини исбот қиламиз:

а) «Мабдайи нур»нинг тили манқабадаги шеърлар-

<sup>1)</sup> Навҳа — қичқириб йиғламоқ.

нинг тили билан бирдир. Бунн юқорида кўрсатганимиз намуналар жуда яхши кўрсатадир;

б) Маориф комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассал «Девонайн Машраб» китобида тўрт-беш парча маснавий борки, услуби ҳар жиҳатдан «Мабдайн нур» услубининг айнидир;

в) Офоқ Хўжа муридлари орасида Жалолиддин Румийнинг маснавийсини ўзбекча шарҳлаб юришга айрича аҳамият берилган. Мажзуб Намангоний ўзининг «Тазкират ул авлиё»сида Офоқ Хўжа муридларидан қашқарлиқ Мақсуд Хожанинг ҳам «Маснавий»ни ўзбекча шарҳлаб, дарс бериб юрганни махтаб ёзадир<sup>1)</sup>. Машрабнинг ўзига ҳам Жалолиддин Румийнинг таъсири бўлганини юқорида кўрган эдик. Зотан, Жалолиддин Румийдан таъсирланган Машрабнинг ўз доирасининг талабиға мувофиқ маснавий шарҳи ёзиши қадар табний нарсая йўқдир;

д) буларнинг устида бир «Мабдайн нур» эгасининг Офоқ Хўжанинг муриди бўлганини ҳам хабар берсак, иккала Машрабнинг бир одам эканиға ҳеч кимнинг шубҳаси қолмаса керак.

Бухорода босилган «Мабдайн нур»нинг 302- саҳифасида:

Имонинг равнақи соҳиб дуони қийматиндадир  
мисраъи билан бошланган бир ғазалнинг охирида шу байт бор:

Етушти Машраб ўшал кони мабдайн нурға,  
Валийн Хожаи Офоқ шоҳни ху(р) матиндандур.

Бу эса Офоқ Хўжанинг муриди эканини, яъни манқабая қаҳрамони бўлган Раҳим бобо Машрабнинг ўзи эканини очик кўрсатадир.

Бухорода босилган «Мабдайн нур»нинг охирида «Кимийё» исмли бир китоб бор. Аруздағи «ҳазаж» баҳри-

---

<sup>1)</sup> «Ҳазрати эшон бар Мақсуд Хожаи Кошгарий ва илтифот ёфтагани ҳазрати Офоқ Хожаи буданд. Ба маснавий ва шарифи маъний мегуфтаанд... Чуи назари Шоди Хожа ба Мир Мақсуди эшон ўфтод. Азило касе мевўрсидки, эшон Мир Мақсуд Хожаи ҳамин қасаид? Он кас гўфтки, оре, Эшон Шодий Хожаи Гўфтандики, мо тўмба кардем ки, аз хона асбаки омадем. Чуи эшонро мулоқот карданд ҳазрати эшон нишаста маснавийи шарифро маъний ўфтаанд. Вақти бозгашт эшон гуфтаандки, «Шодий, сани маснавийға хўб фаҳминг бор. То Мир кетгунча ҳар кун биздан маснавий маънисини эшит» («Тазкират ул-авлиё», Мажзуб).



нинг «мафсийлун мафойилун фаъувлун» вазнида ёзилган турли ахлоқий ҳикоялардан иборатдир. Асарни бос-тирган китобчининг сўзига кўра, бу ҳам Машрабнинг асаридир. Бу асар услуб ёғидан «Мабдайи нур»дан айрилмайди. Лекин, бунинг ҳам ҳақиқатан Машраб томонидан ёзилиб-ёзилмаганига оид қониқарли бир ишорат ва қайдга учрай олмаганимизни эътироф қила-миз.

Машрабнинг ўз замонида теран мутасаввиф ва кучли шоирлардан бўлганини асарларидан онглаганимиз каби у тўғруда Мажзуб Намангоний «Тазкират ул-авлиё»-сида бизга очиқ хабарлар берадир<sup>1)</sup>. Шундай бўлғач, унинг замондошларига ва ўзидан сўнграги ўзбек шоир-ларига кўзга кўринарлик таъсир қилганини қабул қил-май чора йўқ. Лекин, бизнинг ҳали яхши текширил-маган, тартибга кирмаган, ҳатто кераклик материал-лари, маъхазлари тўпланмаган бир адабиёт тарихимиз бор. Бу ҳол бизнинг истаганимизча текширишни давом этдиришимизга монёъ бўладир. Машрабнинг ўзидан кейинги шоирларга таъсирини текшириш учун айрича ишлашга тўғри келадир.

### «ФАРҲОДУ ШИРИН» ДОСТОНИ ТўҒРИСИДА

Хуршид<sup>1</sup> томонидан опера ҳолида киргизилиб, Уз-давлатнашр томонидан 1925 йилда босилган бу достоннинг муқаддимасини ёзган киши бу достон ҳақида маълумот берган бўлиш учун тубандаги сўзларни ёза-дир: «Бунинг севимли бир ҳикоя шаклига кириши адиб Алишер Навоий каби уста ёзувчиларнинг фабрика-сида ишланиб қимматбаҳо бир мол ҳолига қўйилиши-дир. «Фарҳоду Ширин» ўзининг она чўпчаги бўлиб, ҳар бир ўзбекнинг ёшлиғ чоғидан мияларига ўрнашиб қол-ган бир ҳикоядир. «Бундан сўнг Хуршид имзоси билан тубандаги изоҳга учрайсиз: «Бу асар эл оғзиди Хитой, Арман, Эрон кишилари орасида ўтканлиги сўйланса ҳам, аммо Туркистонда Хўжанд шаҳари ёнидаги Мирза-чўл устида бўлган Фарҳод тоғи, Ширин сойидан олган таъсуротимга суялиб, воқеаъни Туркистонда деб ай-тишга жасорат қиламан». Мана шу жасоратдан кейин, Хуршидга кўра, Шириннинг юрти «Арман отинда қиш-

<sup>1)</sup> Мажзубнинг «Тазкират ул-авлиё»сида Машрабнинг ўз за-мондаги мутасаввифлар орасидаги эътиборини кўрсататурган кўб қайдлар бор.

лоқ» бўлиб, халқи ҳам «бари ўзбек», яъни Ширин ҳам бир ўзбек қизи бўлиб қоладир. Мана бу кетма-кет қаторланган янглиш тушуниллар ва беҳуда жасоратлар адабиёт тарихимизда жиддий суратда текширишга муҳтож бўлган бир кўб аҳамиятли нуқталарнинг навбат кутиб турганларини кўрсатадир. Бу афсонанинг пайдо бўлган ўрнини, афсонадаги юртини бундай чатоғлаштирилган сабабларнинг бири бизнинг Ўзбекистонда Фарҳод тоғи, Ширин сойи аталган ўрунларнинг бўлганидир.

Мен кўбдан бери шу масъала ҳақида кенграк бир нарса ёзиш, афсонанинг асл юртини тайинлаш фикрида эдим. Шаронт шу кунларда бу ишга киришимга ёрдам қилди. Бу мақолада меннинг мақсад қилиб олганим нуқталар дostonнинг асл юрти, дostonдаги воқеанинг қаерда деб тушунилгани дostonнинг бизнинг адабиётдаги ўрни ва ўзгаришларидан иборатдир.

Дostonдаги Хусрав Эрон сосони(й) ҳукмдорларидан машҳур Нуширавоннинг навирасидир<sup>2</sup>, милоди(й) 7-асрда Эрон шоҳи эди. Муҳаммад пайғамбар қўшни ҳукмдорларга хатлар юбориб, уларни мусулмонлиққа чақирганда мазкур Хусрав Парвезга хат юборган эди. Хусрав эса унинг хатини йиртиб ташлаган эди. Бизнинг мавзубимиз бўлган дoston мана шу Хусрав Парвез билан унинг хотинларидан Ширин ҳақида майдонга чиқгандир. Сўнгралар Эрон шоирлари бу дostonни халқ шоирларидан олиб бу мавзуда турли дostonлар ёздилар. Дostonнинг бизга маълум бўлган энг биринчи ёзучиси 10-асрнинг машҳур форс шоирларидан Абулқосим Ҳасан Фирдавси(й)дир. Фирдавси(й)нинг қадим Эрон дostonларини билгучи бир киши бўлуб шу қадим дostonлардан фойдаланиб, ўзининг машҳур «Шоҳнома»сини ёзгани маълум. Фирдавс(ий) ўзининг «Шоҳнома»сида «Хусраву Ширин» дostonи учун айрим бир ўрин берадир. Фирдавс(ий) «Шоҳнома»да Хусрав Парвезнинг шаҳзодаликидан бошлаб шоҳ бўлишига қадар ҳикоя қилади: унинг шаҳзодалиқда отасидан қочиб Озарбайжонга боргани, ундан қайтиб отаси ўрнида шоҳ бўлгани, Баҳром билан урушиб енгилгани, Шарқий Румо императорига сифингани, императорнинг Марям исмли қизига уйланиб, ёрдам билан қайтиб, Эрон тахтига янгидан чиқгани каби Хусрав Парвез ҳаётига оид анча нарсалар ёзгандан кейин «Дostonи Хусрави Парвез ва Ширин» унвони билан бир дostonга киришадир. Бу дostonни тубандаги сўзлар билан бошлайдир:

Канун достон кўҳн нукнам,  
Сўҳанхон Ширин Хусрав кўнам.  
Кўҳн гаште ин нома бостон,  
3-и гўфтору кардорон достон<sup>3</sup>.

(Эмди эски достонни янгилатай. Ширин билан Хусравдан сўзлар сўзлай, ул тўғри (киши)ларнинг сўз ва ишларидан иборат бўлган бу қадим достон эскиргандир.)

Мана шу бошланиш кўрсатадирки, «Ширину Хусрав» достони Фирдавс(ий)га айрим бир мустақил достон шаклида етишган. У Хусрав Парвез ҳақида бошқа достонлардаги маълумотни бергандан кейин айрим бир достон бўлган «Ширину Хусрав» достониға (юқоридаги бошланғич билан) киришадир. Фирдавс(ий)га кўра, бу достон тубандагичадир<sup>4</sup>:

Душманларни енгиб, Эрон тахтиға шоҳлиғини беркитгандан кейин Хусрав овга чиқадир. Ширинни учратадир. Уни саройға келтириб, «ичкари»га олдирадир. Буни билган Эрон саройи мансублари подшоҳлар наслидан бўлгани учун у билан Хусравнинг уйланмагига қарши турадир. Хусрав катта бир мажлис чақириб, Эроннинг улуғларини кўндиради ва Ширин билан уйланадир. Ширин саройға киргандан кейин Марямни захарлаб ўлдирадир. Ондин кейин достон Хусравнинг «Тоқи Воис»ни бино қилиши, айш ишлар мажлислари, Мадойин шаҳарини бино қилиши ҳақида давом қиладир. Охирида Хусравнинг Марямдан бўлган ўғли Шеруя отасини ўлдириб, Эрон шоҳлиғини оладир. Ширинни хотинлиқға олмоқчи бўладир. Ширин Хусравнинг қабриға кириб ўзини захарлайдир. Мана Фирдавс(ий) бўйича «Хусраву Ширин» достонининг хулосаси шундан иборат. Достоннинг бизга маълум қаҳрамонларидан Фарҳод ҳақида Фирдавс(ий) ҳеч нима демайди. У Ширинни ҳам достонға аралаштирмайдир. «Шоҳнома»нинг «Достони Хусрави Парвез ва Ширин» унвонли фаслидан бурунги қисмида Хусрав томонидан Шарқий Румо императориға юборилган сафарот ҳайъати орасида Шопур исмли бир киши бор. Бироқ «Хусраву Ширин» достониға аралашмайди.

Фирдавс(ий) бу достоннинг ҳаммасини олмаган. Биз буни унинг сўзларидан онглаймиз. Масалан, достоннинг кичкинагина муқаддимасида у ёзадир:

Чуп руиз бибок бод у жавон,  
Педар зи андав пурчун пехлавон.

Ва родир замин дўсти Ширин буди,  
Беровбар чурушан жаҳон бин буди.

Пасиндаш набуду жазоу дар жаҳон,  
Зи хубон ва зи духтарон шабон.

Бедонгакаш дабр жаҳон шаҳриёр,  
Зи Ширин жудо буд йек рўзгор.

Бегирди жаҳон барби ором буд,  
Ке кораш ҳаме разм Баҳром буд.

Чухсар ва напўрдохт чанди бемехр,  
Шаби руз гирён буди хуб чеҳр.

Мазмуни: «Хусрави Парвез отаси тирик эканида ботирлар каби юрар, тортинмас йнгит эди. Ер юзида Шириннигина дўст тутар, кўзларининг нури шул Ширин эди. Ундан бошқа гўзал чўпон қизларидан<sup>1)</sup> ҳеч кимни ёқтирмас эди. Подшо(ҳ) бўлгандан кейин Шириндан бир муддат айрилиб қолди. Чунки дунёнинг ҳар тарафиға юрди, душмани бўлган Баҳром билан курашди. Мана шу вақтларда Шириндан муҳаббат билан хабар олмаганда Ширин кечаю кундуз йиғлар эди».

Сўнгра Хусрав овға чиқиб, Ширинни учратганда Ширин унга қараб тубандагича сўзлайдир:

Бедон абдори ва он никуйн,  
Забон тизб кушод бар Паҳлави.

Ке шоҳо, ҳаж баро сипҳабд тино,  
Хажасте каво, кард шир оважно.

Қи жо он ҳаме руз кардан башаб,  
Дилу диде гирён ва хакдон ду лаб.

Қи жо он ҳаме ҳаруппу надмо,  
Ки жо он ҳаме аҳду суганд мо.

Мазмуни: «Ширин сулу(в)лиги ва гўзаллиги билан ўткур тил очиб қадим форс(й)чада Эй подшо(ҳ), эй йўлбарс, эй аскар бошлиғи, эй муборак ботир, эй арс-

<sup>1)</sup> Фирдавс(пй)нинг шу сўздан Ширинни эрсели бир чўпон қизи деб қабул қилгани онглашилмайдырми? Фирдавс(пй) дostonда Хусрав Ширинға уланмакчи бўлганда Эрон улугларининг «аслзода эмас» деб қаршилиқ кўрсатишлари ҳам шуни қувватлайдир.

дондан юқори полвон, йиглаб-кулиб тун-кунни ўткар-  
ганларимиз қани? Бир-биримизга муҳаббатимиз, боғ-  
ланишимиз қани? Аҳдларимиз, онтларимиз қаёқга кет-  
ди?»

Мана булар кўрсатадирки, Фирдавс(ий) у дoston-  
нинг ёзганидан бурунги қисмларини яхши билган, лекин  
нима учундир ҳаммасини «Шоҳнома»сига киргизишни  
лозим кўрмаган. Дostonнинг ҳаммасини бизга 12 нчи  
асрнинг машҳур қари шоири Низоми(й)<sup>1)</sup> берадир. Ни-  
зоми(й)нинг машҳур «Хамса»сидан (дostonдан) бири  
бизнинг мавзуимиз бўлган «Хисраву Ширин» дostonи-  
дир<sup>5</sup>. Низомий Эронда Фирдавс(ий)дан бурун маълум  
бўлган бу дostonнинг ҳаммасини оладир ва ўзи, шубҳа-  
сиз, санъаткор ва ўткур қалами билан чиройлик бир  
шаклга солиб, бунинг форс ва турк адабиётидаги му-  
ҳим мавзуъни таъмин қилган бўладир. Низоми(й)нинг  
бу асариға «Хусраву Ширин» исмини бериши асардаги  
бош қаҳрамоннинг Хусрав билан Ширин бўлганлари  
учундир. Бу асарда Фарҳодға берилган рўл оздир, ик-  
кинчи даражададир. Дostonнинг Низоми(й) бўйинча  
қисқача мазмуни тубандагичадир: Хусрав шаҳзодалики-  
дан бошлаб кайф-сафога бериладир. У бир кун далаға  
чиқиб, бир дийқоннинг уйига зўр билан кириб базм  
қурадир, оғлари экинларини бузадир, қуллари дий-  
қоннинг меваларини талайлар. Бу хабар Хусравнинг  
отасиға етгач, Хусравнинг отини ўлдирадир. Мева еган  
қулларни мева эгаси бўлган дийқонға берадир. Хусрав-  
нинг ўзи аёни мамлакатнинг воситалари билан зўрға  
қутуладир.

Маълумки, Низоми(й) дostonға кўб-да дахли бўл-  
маган шу фаслни ўз замондаги подшо(ҳ)лариға «ахлоқ  
дарси» бермак учун китобига ортдирган.

Дostonда уста бир рассом ва алдамчи (ҳийлагар)  
бир сайёҳ типиди кўрсатилган Шопур Хусравнинг ноди-  
ми, суҳбатдошидир. У Хусравға ўзининг саёҳат хотира-  
ларидан гапириб турганда Шамро исмли бир хотун  
подшо(ҳ)дан сўз очадир ва тубандагича маълумот  
берадир:

Зи он сун кўҳистон манзили чанд,  
Кабо шуд Фарҳод рнон дарбанд.

<sup>1)</sup> Низомийнинг оти: Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф. Ота  
юрти Қум шаҳари бўлиб, вафоти 1181 ннчи йилда Ганжа шаҳри-  
дадир.

Зани фармонд хаст аз насли шоҳон,  
Шуда жуш сироҳаш то сипоҳон.

Шамиро ном дорад он жоҳонгир,  
Шамиро рамҳин бо нават тавсид.

Нешаст хуйиш ро дар ҳар ҳавон,  
Беҳар фасли муҳайё карде жои.

Бе касалгил бе муқон аст жояш,  
Ке то сирсабз бошад хок пояш.

Бе тобистон шавад бар кўҳ армон,  
Хуромад кал бакал хиромон бе хирмон.

Бе ҳангом ғазон оинд бо ба жоз,  
Кўнад бор гардон нахжир парвоз.

Зимистонаш бе бўрдеъ майл сийрост,  
Ке бўрдиъро ҳавои кармсир аст.

«Тоғларнинг нари томонида Дербанд дарёсига яқин бир неча жойлар бор. Онда кўб аскарли бир хотун подшо (ҳ) бор. Оти Шамиродир. Шамиронинг форси (й) (ча таржимаси Меҳинбону<sup>1)</sup>) бўладир. Бу хотун подшо (ҳ) йилнинг ҳар фаслида бошқа жойда яшамоқ учун ўрунлар тайёрлаган: баҳорда Муқонда, ёзда Арман тоғида, кузда Анчазда, қишда эса Бардада яшайдир, чунки Барданинг ҳавоси иссиғдир (бундан жуда яхши кўриладирки, Низоми (й) Ширинни арман қизи деб билган).

Мана шу Меҳинбонунинг Ширин исмли бир жияни бор. Шопур шуни Хусравға махтайдир. Хусрав Ширинни қандай бўлса ҳам Мадойин (сосоний давлатининг пойтахти)га келтирмак учун уни арман ўлкасига юборадир. Шопур арман ўлкасига келади. Ширин ўйнаб турган бир боғчада Хусравнинг чиройлик бир суратини осиб қўядир, ўзини яширадир. Ширин осилган суратни олиб кўрадир, қизиқадир. Иккинчи кун боғчада ўйнамоқға борганларида Шопур яна Хусравнинг бир суратини чизиб, ёғочға осадир. Учинчи кун бошқа бир боғчада яна шул ҳол давом қиладир. Шириннинг қизиққанлиғи чегарани ошадир. Шундан сўнгра бир йўлчи сифати (да) Шопур ўтиб борганда Ширин уни чақира-

<sup>1)</sup> Ўзбекча «улуғ хотун» бўладир.

дир ва суратни кўрсатиб, ким эканини сўрайдир. Шопур усталик билан масъалани онглатадир. Ширишни қочиб, Хусрав ёнига боришқа ташвиқ қиладир. Наतिжада Ширин қочинишга кўнадир. Ва ҳеч кимга хабар бермасдан Армандан Мадойинга жўнайдир. Ярим йўлда бир кўкламликдаги сув бўйиغا кўнадир ва дам олиб чўмиладир.

Мадойин шаҳрида Хусрав билан отасининг оралари бузиладир. Отаси Хусравни ўлдирмакчи бўладир, Хусрав отасидан қочадир. Арман ўлкасига қараб жўнайди. Йўлда ҳалиги кўкламликда чўмилиб турган бир қизни кўради. Бироқ, ким эканини тушуна олмай ўтиб кетади. Ширин дамани олгандан кейин Мадойинга қараб жўнайди. Шундай бўлиб, холасидан қочган Ширин Эрон шоҳига сиғинади. Отасидан қочган Хусрав эса Арман ўлкасида Меҳинбону ҳимоясига сиғинади. Хусрав Арманда Шопурни кўриб, Шириннинг Мадойинга борган хабарини олади: Шопурни Ширин орқасидан Мадойинга юборадир. Ширин Мадойинда Хусравни топмағач, ўзига махсус бир қаср (сарой) бино қилиб, шунда турган эди<sup>1)</sup>, Шопур бориб Хусравнинг Арманда турган хабарини беради. Йўлга чиқади. Булар ҳам Арманга келмасдан бурун Хусрав отасининг ўлим хабарини олади. Тож-тахтдан қолмаслик учун тезлик билан Мадойинга қараб жўнайди. Ширин Арманга келганда Хусрав чиқиб кетган бўлади. Дostonнинг бу ерларида уста Низоми(й) ўз ўқувчиларини қизиқтирмақ учун бор кучи билан тиришади. Турли усталиқлар кўрсатади. «Хусрав ота тахтида ўтиргандан кейин Баҳром Чўбин унга исён қилади. Урушда Хусрав енгилиб, яна Озарбайжон ўлкасига қочади, ондан Меҳинбонуга сиғинмоқ учун Муқонга ўтади<sup>2)</sup>, овга чиққан Ширин билан учрашади. Ширин билан Хусравнинг ўтиришлари, базмлари узун-узун тасвир қилинади. Хусрав Ширин билан уйланмоқчи бўлади. Ширин қабул қилмайди. Подшоҳнинг ўзинга қайтарилмади туриб мен билан уйланма, дейди. Хусрав аччиқланиб, Армандан Румга боради. Шарқий Румо императори-

<sup>1)</sup> Қасри Ширин — бу кун Эроннинг ғарб томонида Кирманшоҳнинг ғарбида бир шаҳарчанинг отидир.

<sup>2)</sup> Басид ирнинг дастон роҳ бе роҳ  
Ва аз бои жоп овард баногоҳ.  
Ва з-и ошжо суи Муқон кард манзил,  
Мағона ишқи он бутхоне дар дил.  
(«Хусраву Ширин»и Низоми(й)).

нинг қизи Марям билан уйланадир. Ҳам императордан аскарний ёрдам олиб Эронга қайтадир. Баҳром Чўбинни енгиб, подшо(ҳ)лиқни олади. Арман ўлкасида Меҳинбону ўлган, Ширин унинг жойига ўтган. Ширин Хусравнинг муваффақият хабарини олғач, Мадойинга жўнай-дир. Узининг қасрига бориб турадир. Хусрав уни «ичкари»га олмоқ учун Марямдан рухсат сўрайди, у рухсат бермайди. Ундан яширин суратда келишга Ширин кўнмайди. Мана шундан кейин воқеага Фарҳод аралашади. Низоми(й) тартибига кўра, Ширин сутни яхши кўради, жуда кўб ичади. Қўйлари қасрдан йироқда тургани учун сут кетириш қийин бўладир. Ширин қўйлар турган тоғдан қасрғача тошдан бир ариқ чиқармоқ ва сутни шундан оқизиб, қасрға келтирмак фикрига тушадир. Шопур Хитойда ўзи билан баравар сафар қилиб, баравар туриб, баравар ўқиған бир тошчи йиғитни келтиради. Фарҳод Шириннинг амри билан ариқ қазиб битирадир, ўзи Ширинга ошиқ бўлиб қолади. Чўлларда, тоғларда юради. Ҳафтада бир йўла қасрға келиб, Ширинни кўрадир. Бу янги ишқ воқеасидан Хусравга хабар бериладилар. Хусрав Фарҳодни ўз ҳузурига кетирадир. Бу билан Фарҳод орасида жуда уста ёзилган бир савол-жавоб бор.

Нўхўстин боргафт аз кужои,  
Бегўфт ас дор мулк ошиёни.  
Бегўфто кон дар онжо дар че куштант,  
Бегўфто ғам хиранду жон фурушан<sup>1)</sup>

байтлари билан бошланган бу суҳбатда Фарҳодни сўзда уста қилиб кўрсатмак учун Низоми(й) бор кучи билан тиришади. Хусрав ўзининг мантиқда енгилганин сезадир. Бошқа бир масала устида Фарҳод билан шартлашади: Бесутун тоғда менинг қўшуним ўтатурган бир йўл қазиб берсанг, мен Ширин баҳридан ўтаман, у сеники бўлсин. Қаза олмасанг, Ширин баҳридан кечиб кета берасан, дейдир. Фарҳод қабул қилиб Бесутун тоғига борадир. Онда Фарҳоднинг ишга бошлаганини Низоми(й) тасвир қилади:

Зид овигоҳ Хусрав бо дили хуш,  
Берун шуд кўҳқан монанд оташ,

---

<sup>1)</sup> Т а р ж и м а с и : — Қаердан сен?  
— Ошнолиқ ва муҳаббат ўлкасидан.  
— Онда нима қиладирилар?  
— Жон сотиб, унинг бадалида ғам оладилар.



Бедон куҳу камар бар рафт чун бод,  
Камар дар баст баз ҳам теша бекушод.

Нехаст азрамон карси нигоҳ дошт,  
Баду тимсолҳон хун беникошт.

Бас он ке аз санон оташи тиз<sup>6</sup>,  
Гӯзораш кард шакл шоҳ ва шабдиз.

Низоми(й)ға ва бутун форс адабиётидағи анъанага кўра, гўё Фарҳод томонидан қазилған бу тоғ Эроннинг ғарбида осор атиқаси, қадим Эрон тарихига онд суратлари билан маълум бўлған Бесутун<sup>7</sup> тоғидир. Бу эса, «Фарҳод — Кўҳкан» афсонасининг Эронда чиқиши Бесутун тоғидағи шул ажойиб суратлар сабабини ўйламоқға боғли(қ)дир<sup>8</sup>.

Низоми(й)ға кўра, Фарҳод тоғни қазий бошлайдир. Фарҳоднинг муваффақиятини кўра олмаған Хусрав уни йўқотиш фикрига тушадир. Маълум чол хотиннинг ҳийласи билан Фарҳод ўладир. Низоми(й) достонида Фарҳодга берилған ўрун шу. У Низоми(й) асарида биринчи даража қаҳрамонларидан эмас, албатта. Шунинг учун Низомий асари Фарҳод билан бирга битмайдир. Фарҳод ўлгандан кейин ҳам асар Хусрав, Ширин ҳақида давом қилади. Хусрав Шакар исмли исфаҳонли бир қизға яна «ғойибона» ошиқ бўладир. Исфаҳонга югурадир. Бориб Шакарни хотунлиқға олади. Хусрав ўлкасидағи қасрида ҳалигача бахтини кутиб ётған Шириннинг хизматидан Шопурни чақириб, уни ёлғиз қолдириб хафа қиладир. Энг сўнг Хусрав Ширинни ҳам хотинлиқға оладир. Сўнгра ўгли Хусравни ўлдириб, шоҳлиқни оладир. Ширинга уйланмак учун хабар юборадир. Ширин Хусравнинг ўлиги устида ўзини пичоқлаб ўлдирадир. Достон, асосан, шунда битса ҳам Низоми(й) бундан ислом динининг фойдасига бир натижа чиқармоқчи бўлади: «Хусрав Муҳаммад пайғамбарнинг хатини йиртиб ташлагани учун шоҳлиғи бузилди» деб яна бир-икки фасл ортдирадир ва достонни шунинг билан битирадир. Зотан, Эронда кўбдан бери маълум бўлған бу достон Низоми(й)нинг уста қалами билан ҳаммаси қизиқарлиқ бир шаклга киргандан кейин форс шоирлари орасига бир қадар тақлидлар бошланадир. Ўзини Низоми(й)ға ўхшатған, Низоми(й) билан бўй ўлчамакчи бўлған ҳар бир шоир «Хусраву Ширин» достони ёзадир. Табиий, буларнинг ҳар бири достондағи

воқеани оз-кўб ўзгартиришга, баъзи жойларини камай-тириб-кўпайтиришга уринадир. Бу Низомий тақлидчиларидан энг машҳури 14-асрнинг биринчи ярмида ўлган Амир Хусрави Деҳлавийдир<sup>9</sup>. Амир Хусрави Деҳлавий ўзининг «Хусраву Ширин» достонини Низомий (й) каби бошлаб, шу каби битирадир. Достоннинг асосий чизиғи Низомий (й)ники. Бироқ, ора-сира ўзгариш киргизилган. Мен Хусрави Деҳлавий ва Низомий (й) достонлари орасида бўлган айрим нуқталарни, айрим ўзгаришларни кўрсатишга урунмайман, узоқга чўзиладир. Бироқ, шу мақола учун жуда керак бўлган бир нуқтани қайд қилиб кетаман. Хусрави Деҳлавийга кўра, Фарҳод Чин хоқонининг ўғли бўлган. Сарой тошчиларининг ишларига ҳавас қилиб, тошчиликни ўрганган. Отаси унинг бу ишидан хабар олғач, уни ўлкадан қувган. У ғариблиқда юрар экан, Ширинга учраган. Хусравдан сўнгра ҳам тақлид давом қилди. Форс адабиётида кўб «Хусраву Ширин»лар яратилди. Ҳеч бири (Хусрави Деҳлавий асари ҳам) Низомий (й) асари даражасида чиройли ва уста чиқмагани учун унинг даражасида муваффақият ҳам кўра олмади. Навбат 15 нчи асрнинг машҳур чигатой шоири Алишер Навоийга келди. Навоий Низомий (й) билан Хусрави Деҳлавийнинг «Хусраву Ширин» достонлариға ўхшатмай ёзмоқ истагинда бошлаб, мазкур асарни танқид кўзидан кечирди ва достоннинг улар томонидан қабул қилинган шаклига рози бўлмади. Навоий асарининг бошида Низомий (й), Хусрав достонлари ҳақида шундай мутолаа юргизадир:

Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ<sup>1)</sup>,  
Саросар бўлдилар Хусравға маддоҳ<sup>2)</sup>.

Ки ҳукми андоғу ойини андоғ<sup>3)</sup>,

..... 10

Гаҳе Шабдиз аламгардинин деб<sup>4)</sup>,  
Замони ганжи бод овардинин деб<sup>5)</sup>.

Нишоти базмида хонлар мурассаъ<sup>6)</sup>,  
Не хонлар, қасри айвонлар мурассаъ.

1) Вале — бироқ; роҳ — май.

2) Саросар — тамоман, бошдан бошқа.

3) Ойин — расм, одат, қаъда.

4) Шабдиз — Хусрав оти.

5) Ганжи бод овард — Хусравнинг хазинаси.

6) Нишот — айш; мурассаъ — безалган.

Чекиб гаҳ «барбод» лаҳни била май<sup>1)</sup>,  
Гаҳи Шопур дoston деб пайонай.

Бузурги Уммед ҳикмат жойи онинг<sup>2)</sup>,  
Не ҳикмат чу хушомадгӯйи онинг.

Топиб гаҳ Марям оғушида ором<sup>3)</sup>,  
Шакар ҳолвосидин гаҳе олиб ком<sup>4)</sup>.

Бўлиб Ширинга ошиқ подшо(ҳ)лар,  
Гаҳ ул маҳбуб бўлиб, гаҳе нарастар...<sup>5)</sup>.

Яқиндирким, бу шаҳ нозпарвард<sup>1)</sup>,  
Эрур дарду бало ойинидин фард.

Арода деб бир-ики дoston ҳам,  
Яна Фарҳоддин айтиб нишон ҳам.

Ки бор хоро шигофи кўҳсори,  
Бўлуб Ширин гамининг беқарори.

Неча кун васл учун айлаб аку дав,  
Анинг ҳам ўлтуруб тош ичра Хусрав.

Мана бу манзум парчадан онглашиладирким, Навоий Хусравни ёқтирмайди. Хусрав Фарҳоднинг ўлимини ҳийла билан ҳозирлаган, у Фарҳод ўлимида масъул; бунинг устида Хусрав, умуман классик шоирларнинг мавзуи бўлган «ишқ мажнуни» (ишқ Афлотуни)дан хабарсиз бир одам. У ҳар кун бир хотинга ҳавас қиладир. Бу кун Марям, эрта Шакар, индин Ширин учун ёнадир. Ишқ йўлида подшо(ҳ)лиқ кучидан фойдаланадир. Мана бундай тип Навоийга, албатта, ёқмайди. Унинг аҳли фикрига кўра, асосан, у ишқ масъаласида Навоийдан айрилмаган, Низомни(й) билан Хусрави Деҳлавийга ҳам ёқмаслиги керак. Ҳолбуки, улар мана шу одамни махтайлар. Асарларининг буюк бир қисми шу одамни мақташдан тўлган, зотан, асарларининг мақбул бош қаҳрамонни ҳам шул.

1) Барбод — Хусравнинг мусиқаچиси; лаҳн — оҳанг.

2) Бузург Уммед — Хусравнинг вазири.

3) Марям — Хусравнинг хотини, Шарқий Румо императорининг қизи.

4) Шакар — Хусравнинг хотини.

5) Нарастар хизматчи.

Лекин, улуғ форс шоирининг «Хусраву Ширин» дostonларини шу йўлда танқид қилган Навоий ўзига ту-  
бандагича йўл белгилайдир:

Чу сен ҳам бўйла ҳиммат зоҳир этдинг,  
Тараддуд йўқ, ки мақсудингга етдинг.

Бурун жамъ эт не ким бўлғай таворих,  
Боридин иста бу фархунда тарих.

Топилғай шояд анда бир неча сўз,  
Сўз айтур элға ул ён тушмаган кўз.

Ани назм этки, тархи тоза бўлғай,  
Улусқа майл беандоза бўлғай.

Йўқ эрса, назм қилганни халойиқ,  
Мукаррар айламак сенга не лойиқ,

Хуш этмас эл сўнгига рахш сурмак,  
Йўликим эл югурмишдир югурмак.

Бу боғ ичра биров ким сойир эрди,  
Неча ким гул очилган эрди, терди<sup>12</sup>.

Ҳам ул ерда эмас гул истамак хўб,  
Бу бўстон саҳнида гул кўб, чаман кўб.

Навоий мана шу йўлда тушуниб, янги бир асар ёзишга қарор берадир. Бу асарнинг оти Низомни(й) ва унинг тақлидчиларининг асарлари каби «Хусраву Ширин», «Ширину Хусрав» эмас, «Фарҳоду Ширин»дир<sup>1)</sup>. Навоий асарининг биринчи даража қаҳрамони қилиб, Фарҳод билан Ширинни оладир. Низомни(й)нинг, аксинча, Хусравни Парвезини 2-даража бир қаҳрамон қилиб, воқеанинг ўрта ерига киргизадир. Асарининг бош қаҳрамони бўлган Фарҳодни Навоий комил бир инсон типига оладир. Илмда, истеъдодда, ботирлиқда, кучда жуда камолга етишканини унинг ҳар бир ҳаракати

<sup>1)</sup> Навоийнинг Низомни(й), Аттор, Хусрав, Хожа<sup>13</sup> каби форс шоирларига таржимачи деб ўйлаш ҳали илм аҳли орасидан та-  
мом йўқолган эмас. Бунинг янглишлигини, Навоийнинг қуруқ таржимачи эмаслигини небот қилмоқ учун энг фойдали биринчи ишни прўфессўр Бертельс бошлади. Прўфессўрнинг «Навоий ва Аттор» (Неваи и Аттар) исмли асарида бу тўғруда жуда фойдали маълумот бор. «Неваи и Аттар» 1928 йилда Ленинградда бо-  
силган.

билан, ҳар иши билан исбот этмакчи бўладир. Бу қадар мукамал шахсиятни камбағал тош усталари орасида кўрмак, шулардан чиқармоқ Навоийга ёқмайди. У бу типда одамларни ўз синфидан саройдаги тўралар, хонлар, беклар орасидан чиқарлар деб гумон қилади. Шунинг учун Фарҳодни оддий тошчиликдан олиб, ўз синфига киргизади. Уни (нг) бир улуг сарой кишиси, бир шаҳзода, Чин хоқонининг (Хитой императорининг) ўғли қилиб кўрсатади. Навоий бўйича ҳикоя тубандагичади: Чин хоқони ўғилсизликдан қайғуради. Кўб хайр-эҳсонлар қилади. Хотуни бир ўғил туғади. Уни Фарҳод атайди. Асарни иккинчи «Лайлову Мажнун» шаклига қўймоқ истаган ва Фарҳодга мажнуний бир ишқ» манқабаси тақамоқчи бўлган Навоий уни болаликдан қайғули, йиғлағур, мунгли бир сир этиб тасвир қилади.

Навоий Фарҳодни нечун Хитойдан чиқаради? Бу соддача унинг фантазиясими? Йўқса, ўзидан бурунги бирон асарга таянадими? Юқорида кўчирганимиз маъзум парчасида бу дostonни янги шаклга қўймоқ учун Навоийнинг ўзига берган кенгаши бор эди. Шу кенгашида у эски «тарих-таворих» китобларини йиғиб, ахтариб, ишни бурунгиларнинг кўзидан қочиб қолган биртаърифта хабарлар учралса, мана шуларга таяниб, бу дostonнинг ёзилишини тавсия қилар эди. Навоийнинг бундаги «таворих» сўзига турли кишилар томонидан ёзилган «Хусраву Ширин» дostonларининг ҳам доҳил бўлгани шубҳасизди. Навоий мана шу «таворих»ни тўплаб, текширганда қайси бир халқ орасида (айниқса, турклар орасида) маълум бўлган бир «Фарҳоду Ширин» («Хусраву Ширин» эмас) дostonига учраб, шундан фойдаландими? Юқоридаги кенгаш шу эҳтимолларни эсга солади. Навоий бу асарини ёзганда унинг қўлида Низомий (й) ва Хусрав асарларидан бошқа Ашраф исмли бир шоирнинг<sup>14</sup> асари, яна исмлари маълум бўлмаган икки шоирнинг<sup>15</sup> асарлари бор эди. Шул мажхул шоирларнинг асарларида Навоийга ярарлиқ бир нарса бор эдими? Менинг қўлимда бу томонни аниқлай турган бир материал, бир санад йўқ. Бу томонни аниқлаштиручи санадларнинг борлиги маълум бўлганга қадар Чин масъаласини бошқача тушунишга мажбурман. Фикримча, масъала шундай бўлган: Низомий (й)нинг дostonига кўра, Ширин ариқ қоздирмоқ учун бир тошчи сўраганда Фарҳоднинг дарагини берган Шопур «Чинда иккаламиз сафардош эдик, иккаламизнинг устали-

ғимиз бор эди» деб Фарҳоднинг ўзи билан бирга Чинда бориб баравар таҳсил қилганларини билдирган эди. Фарҳод каби муҳим бир дoston қаҳрамонини ўз синфига киргизмак истаги Хусрави Деҳлавий Низоми(й) дағи шу нуқтадан фойдаланиб, Фарҳод Хитой хоқонининг ўғли эди, деган бир қайд ортидирган. Хусрави Деҳлавий бўйинча Ширин Фарҳоддан асл насабини сўраганда Фарҳод шундай деган:

Ман андар инсбат аз хоқони Чиннам,  
Бегавҳар соҳибн тожу нагиннам.

Бекаср дилатам Моний вартанг,  
Тироз саҳрамин бастанад аз санг.

Берунам дошт ин табъ ҳуснок,  
Ке чун ишон шавам устод чолок.

Дар ин санъат чунон шуд шабъан хуш,  
Ке кардам дулат шоҳи фаромуш.

Хабар дар гуш хоқон гўфт дастур,  
Ке монад аз тож шоҳи то ракатдур.

Мудом аз тешан мағз санг хорад,  
Хусни бир нигун, бар санг хорад.

Чу дулатро берафтан бошад оҳанг,  
Занад мақбул бекор мад барон чанг.

Чу хоҳад гашт зар гартанг рузи,  
Хусноки кўнад дар кафшдузи.

Чу ояд бе хат деҳқонро гирони,  
Дилаш мойнл шавад бар жафтарони.

Педарко гоҳ гашт аз пешан ман,  
Ба теша кард пора тешағи ман (?).

Баси то эдип кард аз ҳар намадсоз,  
Найомад зи ин ҳавасбози дилам боз.

Бар нечаш дошт аз озори ман даст,  
Ба об диде шаст аз кори ман даст.

Басад нумиди аз худ дури имдод,  
Бар оҳанг сафар дастури имдод.

Қисқача мазмуни: «Менинг нисбатим Чин хоқонига борадир, аслида тож ва тахт эгасиман. Менинг қасри давлатимда наққош Моний тошдан соҳирона нақшлар чизар эди. Мен ҳам шулар каби тош устаси бўлмоқ ҳавасига тушдим. У қадар шу ишга берилдимки, подшо(ҳ) лиқ давлатини эсимдан чиқардим. Вазир менинг бу ишимни отамга билдирди. Отам мени бу ишдан манъ қилмоқ учун кўб урунди, унинг манъи фойда бермади. Отам аччиғланди ва ўлкадан чиқариллишимга ҳукм қилди»<sup>18</sup>.

Навоий Низоми(й) билан Хусрав Деҳлавийнинг мана шул ифодаларидан илҳом олиб, Фарҳод достонини Хитой хоқонининг саройида бошлади: Фарҳод тезлик билан кўб нарсаларни ўрганадир. Уқ отиш, от миниш, қилч чопиш каби ботирлиқ ҳунарларида ҳам биринчи бўлди. Бироқ сабабсиз бир қайғуни битирмакда эди. Шаҳзода Фарҳодни овутмоқ учун хоқоннинг амри билан тўрт жойда, йилнинг тўрт фаслида ўтурарлиқ тўрт қаср ясала бошланди. Фарҳод шу қасрларнинг иморат ишларини томоша қилмоқ учун ҳар кун қатнаб турарди. Бир куни иморат бошида Қоран исмли бир тош устасининг иши уни қизиқтирди. Ундан тош йўнмоқни ўрганди. Тўрт йилда қасрларнинг иморати битди. Ҳар қасрни йилнинг бир фаслига муносиб қилиб бўядилар. Баҳорга махсус қаср — қизил, ёзга махсус — кўк, куз қасри — сариғ, қиш қасри(ни) — оқ бўёвлар билан бўядилар.

Навоий бу тўрт қасрни Низоми(й) достонидаги Меҳрибонунинг йилнинг ҳар фаслида бир жойда турмағидан оладир. Бўямоқ масъаласини эса, Низомийнинг «Ҳафт пайкар»идаги Баҳром қасрларидан илҳом олиб ёзадир.

Фарҳод хоқоннинг амри билан бу қасрларга кўчадир. Йилнинг ҳар фаслида шу фаслга махсус бўлган қасрнинг бирида ўтказадир. Бунинг билан ҳам унинг сирли йиғиси йўқолмайдир. У яна қайғули, яна мунгли! Хоқон бу ҳолни кўргач, ҳайрон қоладир. Яна бошқа чора тушунадир. Фарҳодга ўз тахтини топшириб, ўзи подшолиғдан чекилмоқчи бўладир. Фарҳодни ёнига чақириб, тахтини тақлиф қиладир. Фарҳод кўб узрлар

айтиб, қабул қилмайдыр. Сиз тирик эканда мен бу иш-ни қилмайман, дейдыр.

Навоийнинг дoston орасида махсусан бундай фаслни киргизиши ўз шаҳзодалари бўлган Хусайн Бойқаро болалариға «ахлоқий бир дарс» бермак учундыр. Маълумки, теурийлар замонида ўғулнинг отаға исён қилиши, ҳатто отани ўлдириб тожини олиши, бўлиб турган воқеалардан эди. Айниқса, Навоийнинг ҳукмдори бўлган Хусайн Бойқаронинг ўғуллари навбат билан оталариға исён кўтардилар ва ҳар дафъасида Навоий ораға кириб, сулҳ қилдырган эди. Мана шу шаҳзодаларға насихат бўлсун учун Навоий китобида шу фаслни киргизадыр.

Фарҳоднинг тахтни (нг) қабул қилмай узр айтишидан отаси Хоқон жуда маҳзун бўлди. Фарҳодни хази-насиға киргизди. Онда биллур бир сандиқ ичида «Ойна-ий жаҳоннома»ни кўрди. Ойинанинг орқасида: «Бу ҳар кимнинг келажакларини кўрсататурган ойнадыр. Бу-нинг сирини очмоқ учун Юнон ўлкасиға бориб Суқрот ҳаким<sup>18</sup> билан кўришмак керак», деб ёзилган эди. Фарҳод Юнонға боришға қарор қилди, отаси ҳеч бир чора)то-па олмағач, ўзи олиб бормоқчи бўлди. Қўшун тортиб Юнонға бордилар. Суқрот турган магорани<sup>19</sup> жуда кўб қийинчиликлар билан топдилар. Суқрот ойинанинг сирини Фарҳодға ўргатиб, ўзи ўлди. Ота-ўғил уни кўмиб, Хитойға қайтдилар. Яна хазинаға кириб, Фарҳод ойнаға қаради. Арман ўлкасида ўзининг келажакларини кўрди. Ширининг суратиға ошиқ бўлди. Арман ўлкасиға боришға қарор берди. Отаси яна ўзи билан олиб бормоқчи бўлиб йўлға чиқдилар. Кемаларға миндилар. Денгизда бўрон турди. Кўб аскарлар сувға ботдилар. Хоқон билан вазирнинг кемалари Хитой қирғоғиға қайтди. Фарҳод ҳар нарсадан хабарсиз, синиқ кемадан айрилган бир тахтаға япишиб, сув юзида қолди. Яман ўлкасиға боратурган бир савдо кемаси Фарҳодни қутқариб ўз ичига олди. Йўлда денгиз қароқчилари кемаға ҳужум қилдилар. Фарҳод улар билан урушиб, савдо кемасини қутқарадыр. Яманға бориб етдилар. Кема орасидағилардан Шопур исмли киши Фарҳод билан дўстлашиб унинг дардини сўраб оинглади. «Сенинг ойинада кўрганинг ўлка Арман ўлкасидир. Мен уни кўрганман. Иста-санг, шу ўлкаға бирға бораийқ», деди.

Навоий дostonнинг шу фаслини битирган одатинча соқи(й)ға хитоб қилиб, мавзуға муносиб сўзлар билан ундаи майни сўрадыр:



Кетур, соқи (й), манга ишрат аёғин<sup>1)</sup>,  
Ки даврон<sup>2)</sup> берди мақсудим сўроғин.

Мени чун қилди моҳи армани зор,  
Чекай бир неча соғар<sup>3)</sup> арманивор.

Мана шу тўрт мисраъли соқи (й) нома<sup>20</sup> Павойининг ҳам бу дostonнинг Арманистонда бўлганига, Шириннинг армани қизи эканига ишонганини билдиради.

Фарҳод билан Шопур йўлга чиқалар. Арман ўлкасига етишалар. Бир кўб мардикорларнинг тоғ қозиб турганларини кўралар. Фарҳод улардан нима қилиб турганларини сўрайди. Мардикорлар: бу ўлкада Меҳинбону исмли бир хотун амир бор. Унинг бир қиз жияни бор. Шу тоғнинг ғарб томонидаги «Армания» исмли бир ўрунда бир (боғ) бино қилмоқчи. Боғ учун толланган бу жойнинг суви йўқ. Тоғнинг шарқ томонида жуда яхши сувли бир булоқ бор. Қиз шу булоқдан ясалатурган боғга (Низоми (й) да сут йўли эди) сув оқизмоқ истайди. Биз мана шу сув йўлини қозмоқдамиз. Шунга тиришамиз, бу қаттиқ тошни қозиниш мумкин бўлмайди... деб зорланадилар. Фарҳод буларга ёрдам қилмоқга қарор беради (р). Тоғни қоза бошлайди. Тоғ қозишда ўзининг Хитойдан ўрганган ҳунарларини ишлатиб, ҳаммасини хайратда қолдиради. Меҳинбону билан жияни Ширин бу хабарни эшитиб, томошага келадилар. Ширин Фарҳодни севади.

Бундан кейин Низоми (й) га яқинлаша борганини кўрамиз. Фарҳод Шириннинг томошага келганини билиб, оти билан елкасига кўтариб, ёмон йўллардан ўтказадир. Шу ораларда Хусрави Парвездан Ширинга совчи келадир. Ширин томонидан Хусравнинг таклифи рад қилинади. Хусрав Арман ўлкасига қўшни тортиб, «Армания» қўрғонини муҳосара<sup>21</sup> қилади. Хусрав Армания қўрғонини томоша қилиб, хужум нуқталарини тайинлаш учун отланиб чиқадир. Қўрғоннинг бир томонида баланд бир тоғ тепасида Фарҳодни кўради. Унинг ўз рақибни эканини билгач, кетирмак учун одамлар юборади. Фарҳод тош отиб ўзини мудофаа қилади. Ва шунда турган Хусравни жуда аччиғ тил билан хўрлайди, маломат қилади:

1) Айақ — пийала, румка.

2) Даврон — замона.

3) Соғар — пийала.

Жафо майдониға ҳар дам суриб от,  
Қиши андин нечук қилгай мубоҳат<sup>1)</sup>.

Эрур бу турфароқким<sup>2)</sup> тортибой тиг,  
Қарортиб ерни хелин<sup>3)</sup> ўйлаким миг.

Қилиб эл мулки ичра қатли торож,  
Олай деб мулк элидин тахт ила тож.

Бировниким, бериб мулкени барбод,  
Қилурсен нозанин кўнглини ношод.

Шикастиға ситам ёбни кўрурсен,  
Эшитдим ишқ лофин урурсен.

Бу бўлгай ишқу дард<sup>22</sup> ойни ваҳ-ваҳ,  
Вафо меҳр шарти, Оллоҳ, Оллоҳ<sup>4)</sup>.

Қиши ишқида зор ўлмоқ бу бўлгай!..  
Ғамидин беқарор кулмоқ бу бўлгай!..

Хусрав жойиға қайтадир. Яна Меҳнибонуға элчи юборадир. Рад жавоби олғач, муҳосара бошланадир. Хусрав қолган мудофаасини кучсизлатмак учун Фарҳодни қўлға туширмак истайдир. Ҳийла билан уни боғлаб, Хусрав ёниға келтирарлар. Ундан кейин Хусрави Парвез билан Фарҳод орасида бир мусоҳаба тасвир қилинадир. Бу мусоҳабанинг Низоми(й) достонида ҳам борлигини кўрган эдик. Достоннинг ҳаяжонли бир саҳифа ташкил қилгани ҳамда бурунги шоирларнинг «сўзда усталиқ»ларини кўрсатишга муносиб бир ўрун бўлгани учун Хусрави Деҳлавий, Алишер Навоий ҳам бу мусоҳабани тасвир қилмай ўтолмаганлар. Биз мусоҳабада бўлган Хусрави Деҳлавий шеърларидан гапурмаймиз. У Низоми(й)нинг бу ҳақдаги шеърлариға қарағанда тубандир. Лекин, Навоий билан Низоми(й)нинг бу саҳифаларини ёндоштириб мақоламизға кўчирамиз. Бу эса турлигина воқеалардан ҳам Навоийнинг Низоми(й)га таржимачи бўлмоқ истамагани(ни) жуда очиқ кўрсатадир.

1) Мубоҳат — махтанмоқ.

2) Турфа — қизиқ.

3) Хел — лашкар; миг — булут.

4) Ажабланмоқ учун айтиладир.

## Навоий

Деди: қайдин сен эй  
мажнум гумраҳ?

Деди: мажнун ватандин  
қайда огаҳ!

Деди: недир сенга оламда  
пеша?

Деди: ишқ ичра мажнун-  
лиқ ҳамеша.

Деди: бу ишдин ўлмас  
касб рўзи?

Деди: касб ўлса басдур  
ишқ сўзи.

Дедиким: ишқ ўтидин де  
фасона,

Деди: куймай киши  
топмас нишона.

Дедиким: куймагингни  
айла маълум,

Деди: ондин эрур жоҳ  
аҳли маҳрум.

Деди: қай чоғда ўлдинг  
ишқ аро маст?

Деди: руҳ эрмас эрди  
танга пайваст.

Деди: бу ишқдин инкор  
қилғил!

Деди: бу сўздин истиғфор  
қилғил!

Деди: ошиқга не иш кўб  
қилур зўр?

Деди: фурқат куни ишқи  
балашўр.

Деди: ишқ аҳлининг надур  
ҳаёти?

Деди: васл ичра жонон  
илтифоти.

Дедиким: дилбарнингнинг  
де сифотин,

## Низоми (й).

Нешастин бор гўфташ аз  
кужон,

Бегўфт аз дор мулк  
ошнон.

Бегўфт: онжо басангъат  
дар че кушанд,

Бегўфт: андуҳ харнаду  
жон фўрушанд.

Бегўфто жон фўруши аз  
адаб нист,

Бегўфт аз ишқибозон ин  
ажаб нист.

Бегўфт аз дил шўди ошиқ  
бад инсон,

Бегўфт аз дил ту  
мигўйн, ман аз жон,

Бегўфт ишқи Ширин бар  
ту чун аст,

Бегўфт аз жон Шириннам  
фузун аст.

Бегўфто ҳар шаби биниш  
дар хоб,

Бегўфт ори чу хоб ояд,  
кужо хоб?

Бегўфто жон мадаҳ дил  
бас ке бо оваст,

Бегўфто душманад ин  
ҳар дарби дўст.

Бегўфт ором гиру хуш  
беором,

Бегўфт ором дил ку, бе  
дилором.

Бегўфт армон кўнам  
даруи нигоҳи,

Бегўфт офоқро сузам бо  
оҳи.

Бегўфт аз ишқ корат  
сиҳатро рост,

- Деди: тил ҳайратидин  
тутмам отин.
- Дедиким: ишқиға кўн-  
линг ўрундир?
- Деди: кўнглимда жондек  
ёшурундир.
- Деди: васлиға борсен  
орзуманд?
- Деди: бормен хаёли бирла  
хурсанд.
- Деди: нўши лабидин  
топқай эл баҳр,
- Деди: ул нўшдин эл  
қисмидир заҳр.
- Деди: жонингни олса  
лаъли ёди?
- Дедиким: ушбудир жоним  
муроди.
- Деди: кўксунгни гар чок  
этса бебок,
- Деди: кўнглум тутай ҳам  
айла деб чок.
- Деди: кўнглинг фидо  
қилса жафоси?
- Деди: жонимни ҳам  
айлай фидоси.
- Дедиким: ишқдин йўқ  
жуз зиён буд,
- Деди: бу келди савдо  
аҳлиға суд.
- Деди: бу ишқ тарки  
яхшироқдир,
- Деди: бу шева ошиқдин  
йироқдир.
- Деди: ол ганжу қўй  
ишқин<sup>23</sup> ниҳоний,
- Деди: туфроқға бермам  
кимёни.
- Бегўфт аз ошиқи хуштар  
че корост.
- Бегўфт аз дил жудо кўн  
ишқи Ширин,  
Бегўфто чун зим бе жони  
Ширин.
- Бегўфт афсун беҳон ва  
миталаб дил,  
Бегўфт афсун тавон  
хондан бе бобил.
- Бегўфто гар хироми дар  
саройиш,  
Бегўфт андозам ин сар-  
зир пойиш.
- Бегўфто гар кўнад чашм  
тарориш,  
Бегўфто чашми дигар  
дормиш пиш.
- Бегўфто дил зи маҳрашки  
кўни пок,  
Бегўфт онке ке бошам  
ҳафте дар ҳок.
- Бегўфто дар каси гирад  
варо жанг,  
Бегўфт оҳан хурад гар  
худ хурдсанг.
- Бегўфт чун бежуи суи у  
роҳ,  
Бегўфт аз дар шояд дид  
бар моҳ.
- Бегўфто дурн аз манист  
дар ҳур,  
Бегўфт ошифте аз мадур  
беҳтар.
- Бегўфто гар беҳоҳад  
ҳар че, дори,  
Бегўфт ин аз худо хоҳам  
безори.

Деди: жонингга ҳижрон  
кинакашдур,

Деди: жон васл умиди  
бор хушдур.\*

Дедиким, шоҳга бўлма  
ширкат андеш,

Деди: ишқ ичра тенгдур  
шоҳу дарвеш.

Деди: жонингга бу ишдин  
алам бор,

Деди: ишқ ичра жондин  
кимга гам бор.

Деди: кишвар берай,  
кеч бу ҳавасдин,

Деди: бечора, кеч бу  
мултамасдин.

Деди: ишқ ичра қатлинг  
ҳукм этгум,

Деди: ишқнда мақсудум-  
га етгум.

Бегўфт гар бесар ё беш  
хушнуд,

Бегўфт аз гардан ин дом  
афкунам зуд.

Бегўфто дўстиш аз табъ  
бегўзор,

Бегўфт аз дустон нояд  
чунин кор.

Бегўфт осуда шу коин  
кор хом аст,

Бегўфт осудаги бар ман  
хиром аст,

Бегўфт рав, сабуи кўн  
дар ин дард,

Бегўфт ах жон сабури  
чун тавон кард.

Бегўфто дар ғамаш  
митарси аз кас,

Бегўфт аз меҳнат ҳижрон  
у бас.

Бегўфт у хос ман шуд  
зумканд ёд,

Бегўфт ин ки кўнад бе-  
чора Фарҳод.

Бегўфто жон черо  
фарсуда дори,

Че бо шуд қаз ғамаш  
осудедори.

Жавобаш дод кон шоҳ,  
жаҳондор,

Чу ҳоким уст жон наздиш  
че миқдор.<sup>24</sup>

Навоий бу фаслнинг сўнг қисмида Низоми(й) изи-  
дан юрмайдир. Низоми(й)га кўра шу мусоҳабадан ке-  
йини Хусрав Фарҳод билан Бесутун тоғини қозиш усти-  
да шарт боғлаган эди. Навоий достонининг бориши  
буни кўтармайдир. Чунки, Навоий Хусрав билан Фар-

\* Нашрда «Деди: чун бор васл умиди хушдур» тарзида бе-  
рилган (таҳририят изоҳи).

ҳодни Мадойинда эмас, Арманияда кўриштиради. Бу ерда туриб Бесутун тоғини қоздириш муносабатсиз тушади. Зотан, Навоий Хусрави Парвезни ёқтирмайди. Уни яна бир оз инсофсизроқ кўрсатмак Навоийга фойдалидир. Шунинг учун Навоий бўйинча: Хусрав Фарҳоднинг жавобларидан аччиғланадир:

«Сиёсат қилгиликдир бу хидой<sup>25</sup>,  
Ки ҳар бир тоғ ила води(й) гадой.

Яна кўргузмағай бе хавфу даҳшат,  
Салотин хизматида сўзга журъат».

Ғазаб бирла буюрди «шоҳи ғаддор»,  
Ки урдилар ҳисор олинда бир дор.

Навоийга кўра «шоҳи ғаддор» бўлган Хусрав Фарҳодни дорға ҳукм қилғач, Фарҳод кўрқмасдан узун бир нутқ сўзлайди. Хусравнинг бутун қабоҳатларини юзига уради. Ундан кейин ўлимга ҳозир бўлганини жаллодга эълон қилади.

Бузург Уммед ораға тушиб, Фарҳодни ҳибс қилиш керакдир, дейди. Фарҳод ҳибс қилинадир. Қоровуллар ҳолига раҳм қилиб, уни озод қилади(ла)р. Фарҳод шул атрофда «мажнуона» юриб, қушлар, ҳайвонлар, тошлар, юлдузлар билан дардлашади. Ширин Фарҳоднинг осилиши хабарини эшитиб, мотам тутадир. Шопур унинг озодлиқ хабарини келтиради. Бундан сўнг Ширин билан Фарҳод орасида Шопур воситаси билан хат ёзишлар бошланади. Бу ошиқона хатларнинг бирини олиб борганда Шопур Хусрав қоровуллари томонидан тутилади. Хусрав хатнинг мазмунини онглағач, Шопурни қамайдир. Фарҳодни иш қилиб йўқотиш фикрига тушади. Низоми(й) достонида бўлгани каби алдамчи бир чол хотун хизматни ўз устига олади. Фарҳод турган жойга бориб, йиғлаб-йиғлаб Шириннинг ўлими хабарини сўзлайди. Буни эшиткан Фарҳод йиқилади. Тошлар устида йиқилиб қолгани ҳолда унинг тилидан Навоий жуда ёниқ бир узун монолог беради:

Дебон: бошимни янч, эй чархи ғаддор<sup>26</sup>,  
Ки ул эрмас кундин нари даркор.

Кўзим ўй, ай, балият қаҳрамони,  
Ким ул кўрмас бу кундин сўнгра они.

Тилим эй, тиғи ғам, кес бе таваҳхум,  
Ки эмди айламон ондин такаллум.

Дамим йўлини тут эй, чарх кинхоҳ,  
Ки борди эмди чекмак нолау оҳ.

Оёғим синдир, ай, андуҳ тоши,  
Ки кетди пўядин эмди ҳароши.

Ажал, кўксимни сар-тосар шигоф эт,  
Борурда ранждин кўнглимни соф эт.

Фалак бағрини қил парканд-парканд,  
Ки эмди борди ондин бизга пайванд.

Манга, эй, ишқ ҳамдардона бординг<sup>27</sup>,  
Қусури қилмадинг мардона бординг.

Бошимдин эмди, эй, ҳижрон ғами кеч,  
Худо ёрингни, тақсир этмадинг ҳеч!

байтлари билан бошланган бу ёниқ монолог Фарҳоднинг тоғлар, тошлар, далалар, чўллар, қушлар, юлдузларга қаратилган сўзларидан сўнг ўз юртини, уйини, ота-онасини эслашлар орасида битадир. Фарҳод ўлгандан кейин Меҳинбону қўрғонини Хусрави Парвезга таслим қиладир. Муҳосара замонида касал бўлган Ширинни Хусравнинг амри билан Армания тоғидағи боғига юборалар. Бундан сўнг Хусравнинг ўғли Шеруя отасини ўлдирадир ва Ширинни ўзи олмоқчи бўладир. Ширини унга яхши ваъдалар бериб, Фарҳоднинг суяқларини топдириб, Арманияда кўмдирадир ва ўзи ҳам унинг жасади ёнида ўладир. Меҳинбону бу воқеани эшитиб, қайғудан ўлади. Бундан сўнг Хоқони Чин вазирининг ўғли Баҳром Фарҳодни излаб кўб аскар билан келиб воқеани англайдир. Шеруя қўрқадир. Узининг бу тўғруда гуноҳсиз эканин Баҳромга билдирадир. Арман ўлкасини халқига топшириб, муҳосарадан бўлган зарарларини тўлаб, Эронга қайтадир.

Шу Баҳром воқеасининг ўзи жуда яхши кўрсатадирки, Павоний достонини Низомий(ий)никидан бошқача шаклга қўймоқ учун кўбрак тарихий асарларга эмас, хаёлига таянадир. Шундай бўлмаганда, Эрон қадим тарихига оид маъхазда Хусрав билан урушган Баҳром Чўбин воқеасини Шеруя замониға кўчирмас эди, албат-

та. Ҳар ҳолда Низоми (й) ва Навоий «Ҳамса»лари орасида бир-бирига энг оз ўхшаган қисм шу «Фарҳоду Ширин» ва «Хусраву Ширин» дostonларидир.

Урта Осиё турклари орасида бу дostonнинг Навоийдан бурун қайси даражада машҳур бўлгани ҳақида қўлимизда материал йўқ. Ҳар ҳолда Навоийдан кейин бу дostonнинг бизда жуда шуҳрат топиб, кўб ўқулгани онглашиладир. Ҳатто Навоий тилининг эскиргани, онглашилмас бир ҳолга киргани билан дoston эскирмайдир. Янги-янги ёзучилар бу дostonни соддароқ тил билан янгидан ишлаб чиқаришни лозим кўралар. Навоийдан сўнг мана шундай янгидан ишланган «Фарҳоду Ширин» дostonларидан бирини ёзган киши Умар Боқи (й) исмли бир муҳаррир<sup>28</sup> бўлуб, асарини Амири Аъзам Ҳазрат Авазбекга бағишлаб ёзган. Муҳаррир китоб бошида «Ҳазрат Авазбек Ҳидядулла милка Вобдулта»нинг вақтларида «Фарҳоду Ширин» дostonини «нечанд ҳикоялар бирла» тартиб берганини хабар берадир. Бу Авазбек Ҳазратнинг кимлиги, муҳаррирнинг қайданлиги, асарнинг қачон ёзилгани ҳақида бизнинг маълумотимиз йўқ. Бурунги беклар, хонлар орасида Авазбек аталганлар кўб бўлган. Булардан муҳаррирнинг «Авазбек»ини топиб олиш, албатта, қийин. Муниси Хоразми (й) «Девон»ининг муқаддимасида Амири Кабир Авазбий Иноқ<sup>29</sup>ни мажлисдаги «китобхонлик» ва нуктаданлиги билан махтайдир<sup>1)</sup>. Авазби (й) Иноқ Хоразмнинг сўнг хонлари сулоласи (Қўнғирот сулоласи)нинг бошлиғи бўлган Элтузархоннинг отасидир. 4—5-нчи Абулғозилар замонида 1827 нчи йилда иноқ бўлиб, 1840 да ўлгандир. Иноқлиқ мансабига минмасдан бурун буни «Амир Кабир Авазбек» деб ёзарлар. «Фарҳоду Ширин» дostonини ёзган Умар Боқи (й)нинг Авазбеги шу эмасмукан деган (фикр) хотирға келадир. Шундай бўлгач, бу асарнинг 19 инчи асрда ёзилгани маълум бўладир. Лекин бу асарнинг мазкур Аваз Иноқ учун ёзилган бўлиши эҳтимолгина бўлиб, қатъий эмасдир. Ҳар ҳолда тил ва шеваасидан ҳам бу асарнинг 18—19 инчи асрларда майдонға келгани онглашилмоқдадир. Умар Боқи (й)нинг бу асари озгина ўзгаришлар билан Навоий дostonининг насрга айлантирилгандир<sup>30</sup>. Воқеа тамсм Навоий бў-

<sup>1)</sup> «Ширин мақоллар фикри дақиқ ламаоти бида китобхонлиги базмин равшан ва авдиша имлиқ рапоҳати бида Нуктадонлиги суҳбатидин рашки гулшан қилур эрдилар» («Девони Мунис», 5-бет).



йинча бўладир. Орасида Навоий достонидан шеърлар ҳам оладир. Шу жумладан, Фарҳод билан Хусравнинг мусоҳабалари ҳақида юқорида Навоийдан кўчирганимиз шеърни Умар Боқи(й) тамом кўчирадир. Асарда Навоий шеърларидан икки-уч бўлак шеърлар бор. Услубча кучли бўлган бу шеърларнинг Умар Боқи(й) шеърлари бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Бу асар ҳижрий 1328 (да) Тошкандда В. И. Ильин матбаасида тош босмада босилгандир. Иккинчи асар яна Тошкандда «Фуломия» матбаасида ҳижрий 1325 нчи йилда босилган. Бу асар назм, наср билан ёзилган. Назмларнинг ҳаммаси деярлик аруз вазида бўлиб, ёлғиз Хусрав билан Ширин орасида:

Садқанг бўлай, гўзал ёрим, нега менга қарамайсан,  
Сув бўлиб оқди, жигарим, нега менга қарамайсан?

байти билан бошланган «сўзлашма» бармоқ вазида давом қиладир. Асарнинг ким, қачон ва қайда ёзилгани маълум эмас. Бироқ, шеърлардаги Маҳзун<sup>31</sup> тахаллуси бу асарнинг шу тахаллусда бўлган бир шоир томонидан ёзилганини кўрсатадир. Бироқ, бу Маҳзуннинг ким эканини тайин қилиш қийин. Асар жуда ёмон бир котиб томонидан ёзилган нуханинг босмаси бўлгани учун янглиши жуда кўб. Ҳар шеърнинг ҳар мисраъси бузилиб ёзилган! Шунинг учун шоирнинг услуби билан яхши танишиб, унинг, масалан, Умархон замонидagi Маҳзун бўлиб қолмаганини аниқлаш ҳам мумкин бўлмай-дир.

Асарда Фузули(й)нинг:

Манга боди сабо ул сарви гулруҳдан хабар бермаз,  
Очилмаз гунчайи бахтим, умидим нахли вар бермаз

байти билан бошланган мухаммаси борки, ярамас котибнинг «ҳиммати» билан Фузули(й) ғазали ҳам танимай-турган шаклга солинган. Шундай бўлгач, шу босма нусхага таяниб, шоирнинг услубидан бир нарсалар чиқариш мумкин бўлмас, албатта. Асардаги шеърларнинг бирида:

Маҳзун афкор бўлди сўзларидир Сайқали(й),  
яна бир жойида:

Бу сўз ҳаммаси «ҳазрати эшон» нафасидан  
мисраъи бор. Бундаги ҳазрати эшон ким? Сайқали(й)

сўзи билан бизнинг машҳур газалнавис Сайқали(й)миз орасида бир муносабат борми? Мана бу саволлар жавоб кута турсунлар-да, биз асарнинг мундарижаси билан танишайиқ:

Маҳзуннинг асари ҳам, асосан, «Фарҳоду Ширин» («Хусраву Ширин» эмас)дир. Шунинг учун буни ҳам «Навой бўйинча ёзилган»дир дейиш мумкин. Бироқ, бу одам, асосан, Навоий бўйинча «Фарҳоду Ширин» ёзгани ҳолда бутун дoston бўйинча Навоийга содиқ қолмаган. Низоми(й)дан, Хусравдан ҳам фойдаланган. Баъзи жойларини ўзинча ҳам ўзгартирган. Масалан, дostonнинг бошида Фарҳоднинг тошчилиқни ўргангани учун отасининг жуда ёмон қайғургани Хусрави Деҳлавийдан олинган<sup>1)</sup>. Маҳзун китобида дарёда савдо кemasига учраш, савдогарларни қароқчилардан қутқариш йўқ. Фарҳод синиқ кема тахтасига ёпишиб, қирғоқга чиқгандан кейин Шопур суратгарга учрайди. Унинг билан юриб, Эрам шаҳрига боралар ва шунда мардикор ишлаб юрадлар. Меҳинбонунинг синглиси Ширин сут оқизмоқ учун (Низоми(й)да бўлгани каби) ариқ қоздирмоқчи бўладир. Одамлар мардикор бозорига бориб, тошкесар Фарҳод билан отбоқар Шопурни олиб қайталар. Меҳинбону уларни тош кесиб, ариқ чиқаришга буюрадир. Фарҳод ишга машғул бўладир. Ҳар ҳафта жума кунлари Меҳинбонунинг саломига келиб, Шириндан илтифот кўриб, яна ишига қайтади. Шопур бир муддат Фарҳод билан юрадир. Сўнгра унга хабар бермасдан қочиб, шоҳ Ҳурмуз<sup>2)</sup>нинг шаҳрига боради. Маҳзун Шопурни Фарҳод ёнидан қочириб, Эронга кетириши билан Низоми(й) дostonи бўйинча боришига йўл очади. Низоми(й) дostonида бўлгани каби: Ҳурмуз ўғли Парвез бир кун далага чиқиб, бир дийқон боғига кириб маст бўладир. Дийқон Ҳурмузга шикоят қиладир. Ҳурмуз ўғлининг йўлдошларига қаттиқ жазо беради. Ҳурмуз ўғлининг хизматига бир сайёҳ дунё кўрган киши топиб қўймоқчи бўладир. Шопурни топиб кетирадирлар. Шопур Парвез хизматига киргандан кейин унга Ширинни махтайдир. Хусрав Шопурни Ширин ўлкасига юборади. Шопур келиб Ширин саройида

<sup>1)</sup> Юқорида Фарҳод ҳақида Хусрави Деҳлавийнинг сўзларини кўчирган эдик.

<sup>2)</sup> Китобнинг бузуқлиги билан бу исм «Жўрумиз», «Фрумиз», «Фрурумиз» шаклларига кирган. Босма нусхадади: Фруиз.

отбоқарлиқ хизматига кирадир. Ширин ўйнаб юрган боғчада Парвезнинг суратини осадир. Уч дафъа шундай қилиб, Ширинни суратга қизиқтиргандан кейин ўзини кўрсатадир. Ширин ундан сурат ҳақида маълумот сўрайдир.

Шопур Хусрав ҳақида маълумот бериб, уни қочишга кўндирадир. Ширин Шабдиз исмли отга миниб, ов баҳонаси билан чиқиб қочадир. У вақт Парвез Ширинни йўлда учратмоқ учун чиққан бўладир. Йўлда булар учрашиб, танишмай ўтадилар. Ширин Парвез саройига келиб қўнадир. Парвезнинг ҳарам қизлари «Парвез бу чиройли қизни кўрса, биздан айнийдир», деб Ширинни тутиб, қўл-оёғини боғлаб яшириб, бир жойга қамаб қўядилар. Парвез Эрам шаҳрига келади. Онда Шопурни топади. Шопур унга Шириннинг қочирганини сўзлайди. Парвез Меҳинбонуға меҳмон бўладир. Буни Шириннинг меҳмонхонасида қўндирадилар. Шопур Парвез саройига келиб, чуқур бир зиндондан Ширинни топиб чиқариб, ўз шаҳрига қайтади. Ширин билан Меҳинбону бир муддат Парвезни меҳмон қилиб сақлайди. Сўнгра Парвез Шириндан аччиғланиб, Рум ўлкасига бориб, Рум подшосининг қизи Майрамга уйланади. Рум подшосидан олиб, ўз ўлкасини душманлардан тозалайди (булар Низоми(й) бўйинча ёзилган). Парвезнинг Майрамга уйланиши Ширин эшитгач, тоқат қилолмай хат ёзадир. Икки-уч хат ёзишгандан кейин Ширин Фарҳоднинг ўзини севганини эътироф қилиб, ҳам шу билан махтаниб ёзадир. Парвез Фарҳодни ўз ўлкасига чоқириб, тоғ қозишни илтимос қилади. Фарҳод тоғни қозиб турган вақтда маълум чол кампирнинг хийласи билан ўладир.

Маҳзун шу ергача Низоми(й) бўйинча достонни дадом эттиргандан кейин яна Навоий изига тушган. Маҳзунга кўра, достоннинг қолган қисми тубандагичадир: Ширин Фарҳоднинг ўлим хабарини олгач, қўшун юбориб, Фарҳоднинг ўлигини келтириб олтин тобутга солади. Хазианага киргизиб, ўзи ҳам эшикларни бекитади-да, Фарҳоднинг ўлиги устида ўладир. Меҳинбону ҳам бу хабарни олиб, ўладир. Фарҳоднинг отаси Чин хоқони ўғлини ахтариб чиқиб, Эрам шаҳрига келади. Воқеани англаб, Эрамни хабар қилиб қайтади. Достоннинг бу қисмида Хусравдан ҳеч гап йўқ. Зотан, достоннинг бориши Хусравдан гапирнишга эҳтиёж қолдирмаган.

Булардан бошқа яна бир «Фарҳоду Ширин» достони

бор. У сўнг замонларда Мир Маҳмуд Ибни Шоҳ Юнус<sup>32</sup> томонидан «Насри хамсайи беназир» унвони билан насрга айлантирилган. Навоий «Хамса»сининг айнан насрга айлантирилгани бўлиб, айрича ҳеч бир аҳамиятли нуқтаси йўқдир.

Урта Осиёда Хўқанд ҳам Бойсун тоғларида «Фарҳод тоғи», «Ширин сойи» каби жойлар бор. Мана шу ўрунлар атрофида халқ орасида юрган турлича «Фарҳоду Ширин» ҳикоялари бор. Бу ҳикояларнинг бирини ўртоқ Рулом Зафарий<sup>33</sup> ёзиб олган. Бу ҳикояга кўра, Фарҳод қўй чўпони бир йигит бўлган. Хўжалардан, аслзодалардан бирининг Ширин исмли қизига ошиқ бўлган, қиз ҳам Фарҳодни севган. Бироқ, аслзода хўжалар чўбонга қиз бермайлар, бу қонун! Бермаслик учун баҳона излайлар. Бойсун атрофидаги «Кетмон чопди» тоғини қозмоқни Фарҳодга таклиф қилалар. Фарҳод шунга қозғонда маълум хийла билан ўладир. Кўриладирки, Низоми(й) достонидаги Хусравнинг Фарҳодга қарши бўлган роли бу ҳикояда Шириннинг қавм-қариндошлари бўлган Бойсун хўжаларига берилган. Бу ҳикояда Фарҳоду Ширин орасидаги аслзодалик масъаласининг изини эса, Фирдавси(й) «Шоҳнома»сида учратамиз. Фирдавси(й) «Шоҳнома»сига кўра, Хусравнинг Ширинин(нг) ҳарамга киргизгани эшитган Эрон саройи одамлари, давлат кишилари жуда қаттиқ норозилик билдириб, ҳатто бир неча кун саройга келмай қолдилар. Шоҳлар наслидан бўлган Шириннинг шоҳ ҳарамига киришига қаршилик қиладилар. Хусрав расмий бир мажлис чақириб, уларни турли далиллар билан қондиргандан кейингина Ширинга уйлана олган эди. Бойсун ҳикоясида эса, хўжалардан бўлган Шириннинг қавми унинг қўй чўпони Фарҳодга чиқишига рози бўлмайлар (Фирдавси(й)да Шириннинг чўпон қизи бўлиш эҳтимоли ҳам юқорида ўткан эди). Эҳтимолки, бу ҳикоя қадим замонларда тожиклар орасида маълум бўлган «Хусраву Ширин» достонининг қолдиқлари билан Навоий достонининг таъсири остида чиққандир<sup>34</sup>.

Эмди шу узун сўзлардан хулоса чиқармоқчи бўлганимизда тубандаги нуқталарни қайд қилиб ўтиш мумкин: «Хусраву Ширин» достони Эрон халқ достони бўлиб, 7—10 инчи асрлар орасида туғилгандир. Бу достоннинг бир қисмини Эроннинг 10 инчи аср шоирларидан Фирдавси(й) ўзининг «Шоҳномасига» киргизган. 12 инчи аср шоир машҳур Низоми(й) эса, 1193 йилда бу достоннинг тамомини олиб, янгидан чиройлик бир шаклга

киргизган. Бундан сўнгра форс шоирлари қаторлаб Низоми(й)га ўхшатма «Хусраву Ширин» дostonлари ёзганлар. Булардан ҳар бири, асосан, Низоми(й) чизиги билан борсалар ҳам баъзи жойларини ўзгартирганлар-да, Фирдавси(й), Низоми(й), Хусрави Деҳлавий каби форс шоирларининг дostonлари «Хусраву Ширин» исмли бўлиб, биринчи даража қаҳрамон Хусрав билан Шириндан иборатдир. Фарҳод эса, бу асарларда иккинчи даража қаҳрамон бўлиб, воқеанинг ўрта еридан бошлаб кирадир. Фирдавси(й) «Шоҳнома»сида Фарҳод йўқ. Шириннинг қаердан экани айтилмайди. Низоми(й) бу дostonни Арманистон билан Эрон орасида ўйлайди. Низомий асарида Чин ўлкаси ёлғиз Шопур билан Фарҳоднинг таҳсил қилган ўрунлари бўлиши эътибори билан эслатилади. Хусрави Деҳлавий шу нуқтани бир оз чуқурлатиб, Фарҳодни Чин хоқонининг ўғли қилди. 15инчи асрнинг машҳур чигатоӣ шоири Навоий эса, форс устодлари томонидан ёзилган бу дostonнинг тузлишига эътироз қилди. Ҳам дostonни бошқа шаклга солиб, «Фарҳоду Ширин» исми остида ишлаб чиқарди<sup>1)</sup>. Навоий биринчи даража қаҳрамон қилиб, Фарҳодни олди, Навоий воқеани Чин ўлкаси билан Арманистон орасида тушунадир. Ҳатто Шириннинг арман қизи эканини жуда очиқ ёзадир. Навоийнинг бу ишларига Низоми(й) билан Хусрави Деҳлавийнинг Фарҳодни Чинга нисбат беришлари, албатта, катта ёрдам қилди.

Хусрави Парвез эса, Навоий асарида ёмон бир тип бўлиб, воқеанинг ўрта ерига кирадир. Навоийдан кейин бу дoston Урта Осиёда яшаган турклар орасида кенг ёйилди, кўб ўқулди. Ўзбек шоирлари бу дoston устида янгидан ишлаб, тилини соддалаштириб, янги асарлар ёздилар. Халқ орасида ёйилган бу дostonнинг таъсири билан Фарҳод тоғи, Ширин сойи каби исмлар чиқди. Сўнг ўзбек шоирлари томонидан ёзилган «Фарҳоду Ширин» дostonларида Навоий таъсири кўбрак бўлса ҳам. Низоми(й), Хусрав таъсири ҳам бор.

Фикримча, бу дostonнинг Эрондаги шакли бурунги Эрон, Арманистон ўлкалари орасида сосони(й) ҳукмдори Хусрави Парвез замонидан бўлган муносабатлар-

<sup>1)</sup> Навоийдан бурун Қўтб исмли бир шоир томонидан Миср шаҳзоларидан Гиябекхонга бағишлаб ёзилган туркча бир «Хусраву Ширин» дostonининг бирдан-бир нусхаси Ленинградда «Азия музейи»да бор. Фотограф билан олинган бир нусхасини текширганмиёда бу асарнинг Низом(й)ни туркча айнан таржимаси эканини кўрдик.

нинг халқ мисолида қолган излари ёрдамида чиган бир афсонадир. «Фарҳод—Кўҳкан» афсонаси эса, ғарбий Эронда қасри Шириндан кўб узоқ бўлмаган Бесутун тоғидаги тарихий расмлар ҳақида туғилган бўлса керак.

## ФОРС ШОИРИ УМАР ХАЙЁМ

### Бир-икки сўз

Форсларнинг бутун дунёда машҳур бўлган шоирларидан Умар Хайём ҳақида «Қизил қалам» мажмуасида бир мақола<sup>1</sup> ёзган эдим. Унда Оврўпа олимларининг Хайёмнинг таржимаи ҳоли ҳақида қандай маъхазлариға мурожаат қилганларини кўрсатган, ўзим ҳам шуларнинг изидан юриб, Хайём таржимаи ҳолининг собит шаклга киргизишга тиришган эдим. Мақолам матбаага бориб терилгандан кейин қўлимға қимматли бир китобча кирди. Кичкина кесмада<sup>2</sup> 119 бетдан иборат бўлган бу китобчанинг китобат тарихи ҳижрий 674 бўлиб, таълиф тарихи 594 (милодий 1198)дир.

Ёзилган ўрни Хоразм, тили арабча, асар эгасининг оти Имом Заҳриддин Абул Ҳасан ал-Байҳақий. Китобнинг муқаддимасида ёзилганига кўра, Абу Салим Муҳаммад Ибни Баҳром ал-Сажзий томонидан ҳақимлар тарихига оид ёзилган «Савон ул-ҳикма» отли асарни бизнинг муаллиф тўлдирмоқчи бўлиб шу асарини ёзган. Асарнинг оти «Татиммат ус-савон ул-ҳикма»<sup>3</sup>. Муаллиф бу китобчада ҳижрий 7-асргача яшаган машҳур шарқ файласуфларидан 100 кишининг таржимаи ҳолини беради. Шу қаторда 53-бўлиб «ал-дастур ул-файласуф Умар Ибни Иброҳим ал-Хайёмий» келади.

Хайёмни текширишганда, Оврўпа олимларининг мурожаат қилганлари маъхазлар орасида «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» аталган бир асарнинг отини кўрмадик. Ҳамда бу асарнинг Хайём замонида уни кўрган бир киши томонидан ёзилгани унинг қимматини орттиради. Бу асар Хайём ҳақида бошқа маъхазларда бўлмаган баъзи маълумотлар бериб, устодлари, шогирдларини бизга танитгандан бошқа олмон олими доктор Фридрих Розан томонидан Хайёмнинг Локар шаҳрида туғилганига оид майдонға ташланган фикрнинг ҳам чуруқ эканини кўрсатади<sup>1</sup>).

<sup>1</sup>) «Қизил қалам» мажмуасидаги меннинг мақолам, 24-бет.

Бу муҳим китобчани қўлга тушурғач, Хайём ҳақидаги мақоламни қайтариб олмоқ учун «Қизил қалам» идорасига югурдим. Мақолам матбаада терилган экан, қайтариш мумкин бўлмади. Шунинг учун мазкур мақоламнинг устида янгидан ишлаб бир китобчани тартиб қилдим. Янги топганим «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» китобчасининг Хайём ҳақидаги сўзларини арабча ибораси билан китобнинг охирига қўшиб қўйдим. Бундан мақсадим шарқ адабиётини текширувчи ғарб олимларини бу янги маъхаздан хабардор этмакдир.

### Форс адабиётига умумий бир қараш

Ўзининг бойлиги билан бугун ҳар томондан машҳур бўлган, танилган, текширилган форс адабиётининг бизнинг адабиётга ҳар томондан жудаям кўб таъсир қилгани маълум. Бизнинг адабиётга, хусусан, турк адабиётига умуман таъсир этгани форс адабиётининг исломдан кейинги шаклидир. Исломдан бурунги форс адабиётининг, айниқса, сосоний даври адабиётининг анча тараққий қилгани маълум бўлса-да, Умар Хайём ҳақида ёзилмоқда бўлган шу мақола ни у ёқларгача олиб бориш керак ҳам эмас, мумкин ҳам эмасдир.

Ислом истилосидан сўнг форс адабиёти ва форс тили араб тилига маҳкум бир вазиятга тушган эди. Форслар томонидан ёзилган бир кўб илмий китобларнинг арабча бўлгани каби расмий ёзувлар, расмий васиқалар ҳам арабча ёзилмоқда эди.

Бу арабчилик сиёсати кўбрак умавийлар замонида шиддатли суратда давом этган. Муфрит<sup>4</sup> арабчи бўлган умавий сулоласи<sup>5</sup> замонида мустамлака халқи сўнг даража қисилган, безган эди. Эрон миллий буржуазияси Эронда омма орасидаги бу руҳий ҳолатдан фойдаланиб, араблардан қутулмоқ истар эдилар. Айни замонда араб буржуазияси орасида кўбдан бери бир сулола рақобати бор. Бу рақобат, бу кураш умавийлик, алавийлик унвонлари остида юрар эди. Алавийлар<sup>6</sup> Алининг, шунинг учун-да Муҳаммаднинг авлоди бўлганлари учун ўзларини хулофатга, ҳукуматга ҳақли билиб, умавийларни осийлар сифати билан танир эдилар. Умавийлар замонида турли мағлубиятларга, фалокатларга учраган алавийлар кўброқ мустамлака халқи орасидаги қутулиш истагидан фойдаланмоқ истар эдилар. Айниқса, Эроннинг ҳар томонини ўзларининг доялари, ташвиқотчилари билан тўлдирган эдилар.

Алавийлар бора-бора Эрон миллий буржуазияси билан келиша олдилар ва Хуросондан бошлаб умавийларга қаршу буюк бир исён чиқаришга муваффақ бўлдилар. Бу исённинг ҳарбий раҳбарлигини машҳур Або Муслим Хуросоний ўз устига олди. Натижада исёнчилар енгдилар. Араб шовинизмининг мужассам ҳайкали бўлган умавий салтанати йиқилди. Ҳукумат эса Эрон буржуазияси учун алавийлардан ҳам мусоидроқ<sup>7</sup> бўлган аббосийлар сулоласига ўтди. Ҳукумат маркази Шомдан Эронга яқинроқ бўлган Бағдодга кўчди. Вазирлик эса эронлик аслзода бир оилага мансуб бўлган бармакийларга<sup>8</sup> кўчди. Бағдод саройи Эрон миллий буржуазиясининг таъсири остига кирди. Бироқ, бу Эрон буржуазиясининг охирғи муваффақияти эмас эди. Бундан сўнгра сулҳи тарикий<sup>9</sup> билан айрилиш йўллари очилган эди. Бора-бора айрилиш ҳам бошланди. Тоҳирийлар<sup>10</sup>, саффорийлар<sup>11</sup>, сомонийлар<sup>12</sup> каби асл форс сулоалари билан улардан кейин салжуқийлар<sup>13</sup>, ғазнавийлар<sup>14</sup>, хоразмшоҳийлар<sup>15</sup> каби турк сулоалари Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда мустақил ҳукуматлар қурдилар. Уларнинг ҳимояси остида форс адабиёти, форс тили ҳам ўз ёқасини арабча тааддидан<sup>16</sup> қутқара бошлади.

Исломдан кейинги форс шеърининг шакл эътибори билан энг муҳим қисмлари маснавий, қасида, ғазал ҳам рубоидан иборатдир.

**Маснавий:** маснавий сўзи (нинг) бизчаси иккиликдир. Бу шакл назмда ҳар икки мисраънинг махсус мустақил қофияси шарт бўлмоқ бўлуб, маснавий аталиши ҳам шунинг учундир. Маснавий шаклида бир асар ёзмоқчи бўлган шоир қасида ва ғазалида бўлгани каби ўз асарини маълум биргина қофия билан ёзишга мажбур бўлмайди. Шунинг учун назмнинг бу шакли шонрға озодлик беради. Турли ҳикоялар, дostonлар, ваъз-насихатларга оид узун асарлар ёзиш учун назмнинг маснавий шакли бошқа шаклларга қараганда қулайроқдир. Бу шакл форсийларнинг бурунги миллий назм шаклларидадир. Бунинг араб исломидан бурунги сосонийлар сулоласи замонида сулоласи борлиги маълум<sup>1)</sup>. Ислом давридаги Эрон шоирларининг энг эскиларининг маснавий шаклида дostonлар ёзганларини кўрамиз. Ҳижрий 4-асрда яшаган Бўшагўр Балхий<sup>17</sup>, Дақиқий<sup>18</sup>, Рудакий<sup>19</sup> ва

<sup>1</sup> Дайлабийлар замонида «Қасри Ширин» атрофида топилган. Давлатшоҳ Самарқандий томонидан хабар берилган «Китоба»даги икки мисраъ ҳам маснавий шаклидадир.



5-асрда (ҳижрий — Ҳ. Б) яшаган Асадий<sup>20</sup>, Фирдавсий<sup>21</sup> турли дostonлар ёзганлар. Бу дostonларнинг муҳим қисми эронийларнинг миллий қаҳрамон дostonларидан иборат эди. Араб истилосидан қутулган эронлилар орасида миллий ҳис, миллий туйғулар қўзғалишига хизмат қилгани учун бундай дostonлар Эрон миллий буржуазияси томонидан ҳимоя кўрар эди. Қаҳрамон(лик) дostonини энг юқори даражага чиқарган шоир машҳур Фирдавсий (ҳижрий—411). Фирдавсийдан кейин бу йўлда асар ёзиш давом қилган бўлса ҳам Фирдавсийдан юқорироқ ёхуд унга барабар келадиган бир шоир ундан кейин форсий адабиёт дунёсида етишмагандир.

Бу замонларда қаҳрамон дostonлари билан ишқий дostonлар ҳам ёзила бошлаган эди. Бунинг энг эски намунаси деб Дақиқийнинг ишқ ҳам уруш дostonи бўлган «Вомиқу Узро»сини кўрсатиш мумкин. «Лугати Ҳофиз Убаҳий»да машҳур Рудакийга нисбат берилган баъзи байтлардан унинг ҳам мутақориб вазни<sup>22</sup> бирла «Юсуф Зулайҳо» ёзганини гумон қилиш мумкин<sup>1)</sup>. Фирдавсийнинг ҳам «Юсуф, Зулайҳо» отли маълум бир дostonи бор. Лекин унинг «Шоҳнома»си даражасида юксак бир асар эмасдир. Ишқий дostonлар ўзининг энг юқори босқичига милодий 12-асрда яшаган машҳур Низомий билан чиқа олди. Низомий ўзининг «Лайли, Мажнун», «Фарҳод, Ширин», «Ҳафт пайкар» каби ишқ дostonлари билан бу йўлда форс адабиётига абадий эсдаликлар бағишлай олди. Низомийдан кейин бу йўлни ундан илгарироқ олиб бориш ҳеч бир форсий шоирга насиб бўлмади.

Қасида: бир қофия билан айтилган узун манзумалардан иборатдир. Адабиёт қоидачилари унинг 12—15 байтдан ортуқ бўлушини лозим кўрадилар. Қасидалар, умуман, шоирнинг севганини мақташ, баҳор, куз, қиш каби фаслларни тасвир қилиш, ахлоқий ва фалсафий дастурлар бериш билан бошланиб бир ҳукмдорнинг, бир вазирнинг ёхуд қандайдир бир тўрани мақташ билан тамомланади.

Қасида араб шеърининг эски бир шаклидир. Арабларда қасидачилик исломдан бурун бор эди. Форсий шоирлар бу шаклни араблардан олдилар. Бу шаклнинг

---

<sup>1)</sup> «Беҳишт оини саройиро бипардохт, заҳаргуна дару тимсол-ҳо соҳт зут сандал чанд ошиёна дараш спмину заррин полғона лугат» (Ўзкутубхонадаги нусха).

форс адабиётига қачон киргани ҳақида қатъий бир нарса айтиш қийин. Бироқ, баъзи маъхазларнинг хабарларига қараб, масъалани озгина ойдинлаштириш мумкин: 186 ҳижрий (808 милодий) да машҳур аббосий халифаларидан Хорун ар-Рашид<sup>23</sup> ўз ўлкасини ўғуллариغا тақсим қилиб берганида Эрон, Афғонистон ҳам Мовароуннаҳрни ўғли Маъмунга берган ва Маъмун ҳукумати марказининг Марвда бўлушига қарор қилган эди. Мана шундан кейин Маъмун Марвга келганда Абул Аббос Марвазий томонидан унга форсча бир қасида тақдим қилинган. Бу қасиданинг бизгача қолган қисми унинг оҳангича Рудакий, Унсүрийларга кўра жуда тубанлигини кўрсатадир. Абул Аббос Марвазий бу қасидасида «ундан бурун форсий тилда бундай бир шеър ёзилмаганини, Маъмуннинг мадҳ ва саноси билан форс тилини ҳам безатмак учун бу қасидасини ёзганини сўйлайди<sup>1)</sup>. Ёлғуз шунинг билангина бу масъала ҳақида бир нарсани узил-кесил қилиб айтиш мумкин бўлмаса ҳам бошқа қариналарни<sup>24</sup> мунга қўшгандан кейин қасиданинг форсий адабиётига ҳар ҳолда ҳижрий иккинчи асрнинг охирларида кирганини қабул этиш мувофиқ бўлиб қолади.

Эронда, Мовароуннаҳрда араб хулофат марказидан ажралган мустақил ҳукуматлар (тоҳирийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, салжукийлар, хоразмшоҳийлар)нинг саройлари форс адабиётини, форс тилини ҳимоя қилганда, айниқса, қасидачиликка катта аҳамият берилди. Маълумки, бу ҳукуматларнинг ажралишларидан марказ — хулофатнинг истаб рози бўлуши мумкин эмас эди. Бу ажралиш хулофат марказининг манфаатига қаршу эди.

Халифа буларнинг ажралишлариغا куч билан қаршув тўролмаса ҳам дин исмидан (чунки халифа диний ҳукмдордир) уларга қаршув ташвиқот юргизиши, буларнинг ўз ораларида душманлик чиқариши аниқ эди. Бу тоза ҳукуматларнинг ўзлари учун ташвиқотчилар тутишига хоҳ хулофат марказидан бўлсин, хоҳ бошқа рақиблар томонидан бўлсин бўла турган ташвиқотнинг зараридан ўзларини кўришга мажбур бўлишлари табиий эди. Мана шу хизматни қисман қасидачи шоир-

<sup>1)</sup> «Насбонн манвол пешазман чунин шеърый на гуфт. барзабон форсийро хаст. бо ин навъ бубин («Мажма ул-Фусаҳода «пест бонн навъ бубин» ёзилган). Лек азон гуфтам ман ин мадҳро но туроно лағат, гирд аз мадҳ ва санойн ҳазрат ту зеб ва зин».

лар ўз устиларига олдилар. Зотан, арабларда ҳам кўб-  
 рақ мадҳ ва марсия учун ишланган қасида шакли маз-  
 кур ҳукмдорларнинг ҳимоялари соясида жудаям гуллаб  
 кетди. Сомоний, ғазнавий, хоразмшоҳий саройларининг  
 қасидачи шоирларини ҳимоя қилишлари ҳар кимга  
 ҳайрат берарлик даражада буюк эди. Шоирларнинг  
 оғизларини инжулардан тўлдириш, уларга обод қиш-  
 лоқлар, олтин камар, қуллар, бедов отлар бағишламоқ  
 бу ҳимоянинг кичкина намуналаридан саналади. Маҳ-  
 муд Ғазнавий ўзининг сарой шоирларидан «Ғазорий  
 (Абу Язид Муҳаммад Ғазорий — Розий)га у қадар  
 инъом қилган, оқча берган эдики, Ғазорий уни оқча бе-  
 ришдан тўхтатмоқ учун яна бир қасида билан қичқи-  
 ришга мажбур бўлган эди<sup>1)</sup>.

**Ғазал:** форс адабиётига ғазал шакли ҳам қасидага  
 ўхшаб араб адабиётидан келди. Бу шакл қасиданинг  
 кичкинаси (12 байтдан кам) бўлиб, ишқий савдо, гў-  
 заллик, шароб мавзуларида ёзилиши шартдир.

Ғазалчилик йўли форс адабиётига янги эмас. Қаси-  
 да, маснавий билан машғул бўлган форс шоирлари ғаз-  
 ал ҳам ёзар эдилар. Лекин, менинг фикримча, ғазал-  
 чилик йўли қасидачилик мўдадан чиққандан кейин ях-  
 шиरोқ кўтарилди. Милодий 13-асрда энг буюк ҳукумат  
 маркази Эрондан Хоразмга кўчадир. Қасидачи шоирлар  
 ҳам хоразмшоҳийлар саройида йиғилиб ишга кириша-  
 лар.

Эронда ярим ё бутун мустақил кичкина ҳукуматлар  
 майдонга келадир (Атобакон ҳукуматлари каби), бу-

<sup>1)</sup> «Қасидаи ломия» аталган бу қасиданинг баъзи байтлари  
 шулардир:

Басе молики, налўлу фўрухтам баслам басе молик пагавҳар  
 фўрухтам бажувол.  
 Басе моликки, азъин шоирн ва шеърамро, «молик фиреб»  
 бихшанду «жодую маҳтал»,  
 Басе моликки, зиёи ман аторамро, на офтоб масоҳат куняд, на  
 боди шамол.  
 Басе молик, жаҳонро ба шубҳат афканди ки зарри сурҳаст ин,  
 ё шекаста санги сафол.

Т а р ж м а с п :

Эй подшоҳ, бас, мен севга қоплаб пивжулар, бриллиантлар  
 сотмадим.  
 Эй подшоҳ, бас, бу қадар инъомнингги кўрганлар, мени подшоҳни  
 алдовчи соҳир дейлар.  
 Эй подшоҳ, бас, мулкнинг, нарсаларининг ўлчаб санадан куёни  
 билан ел ҳам ожиз қолдлар.  
 Эй подшоҳ, бас, бу берганларингизил олтинми ёки синиқ  
 софолми, деб одамлар шубҳага тушдилар.

ларнинг мамлакатлари кичкина, даромадлари оз, кучлари йўқ, ўлкани кенгайтиришдан умидсиз. Булар кўб оқча билан қасидачи шоирлар тута олмайдилар. Моддий куч бўлмағач, қуруқ қасидадан бир нарса чиқишни ҳам умид қилмайдилар. Мана шуларнинг атрофида биз қасидачиликнинг эътибордан туша бошлаганини кўрамиз. Бу даврда Шерозда Атобакон замонида етишган машҳур Саъдий Шерозий қасидачиликқа қаршу исён байроғини кўтарадир. Машҳур муболағачи талантли форс шоири бўлган Зоҳири Фарёбий подшоҳларни ёлғон махташлариға қаршу чиқади. Унга қараб:

Чилозимки на курси осмон,  
 Наҳи зеру пой Қизил Арслон.  
 Мағў пой иззат бар афлок на,  
 Бигў рўйи ихлос бар ҳок на<sup>1)</sup>

деб қичқиради. Саъдий ғазалчиликни ҳам маснавийчиликни илгари бостирмоқ истади. Маснавийда ҳам урушлар қаҳрамонлар мақташи эмас, айнуқса, ҳукмдорларға насиҳат бериш, уларни адолатға ундашни мақсад қилиб олади.

**Рубоий:** форс шеърида энг муҳим ўрин тутадиган шакллардан бири рубоий шаклидир. Юқориде деганимиз каби форс шоирлари қасида билан ғазал шакллари араблардан олдилар. Лекин, маснавий билан рубоий шакллари эски миллий адабиётлардан олиб таҳмил<sup>25</sup> қилдилар. Шарқшунос олимлар орасида форс адабиётида рубоий шаклининг энг бурунги турк шеърларининг таъсири билан майдонға келганлиги ҳақида баъзи фикрлар бор. Адабиёт қоидачиларининг айтганлариға кўра, рубоийнинг энг кучли, энг чиройли мисраъи 4-мис-

<sup>1)</sup> Зоҳири Фарёбийнинг салжуқий султонларидан Қизил Арслонни мақтаган бир қасидасида шу байт бор:

На курси фалак неҳат андеша зеру пой,  
 То бар сабр рикоб Қизил Арслон занад.

Т а р ж и м а с и :

Андеша, хаёл тўққиз қабат кўкни курси  
 каби оёғи остиға қўймагунча  
 Менинг ҳукмдорим бўлган Қизил Арслоннинг  
 узавгисини ўполмайдир.

Саъдийнинг юқоридаги байтлари шунга қаратилган. Саъдий байтларининг таржимаси: Тўққиз кўк курсисини Қизил Арслоннинг оёқлари остиға қўйишининг нима кераги бор? Сен ҳукмдорларға «кўкларға қадам қўй», дема, «ихлос юзини тупроққа қўй», деб насиҳат қил.

раъда бўлади. Рубойининг мақсади ҳам шул 4-мисраъда ифода қилинади. Бу ҳол туркларнинг халқ шеърларида ҳам кўруладир. Ҳатто, бизнинг халқ шеърларимиз орасида 1-2-3-мисраъларнинг тамом муносибатсиз каби кўрулиб, асл мақсад 4-мисраъларда ифода қилинган тўртликлар бор. Мана буни назарга олганда, рубой маншаини<sup>26</sup> бурунги турк адабиётида ахтарганларга ҳақ бериш керак бўлади. Шундай эса ҳам бу фикрларнинг ҳануз қатъий суратда сабит бўлмагани каби бу шаклнинг энг эски Эрон халқ адабиётидан олинганлиги эҳтимоли ҳам кучсиз бир эҳтимол эмасдир.

Энг бурунги форс шоирларидан саналган машҳур Рудакийга нисбат берилган рубойлар маълум бўлгани каби машҳур Унсурийнинг ҳам Маҳмуд Ғазнавий мажлисида айтган рубойлари машҳурдир. Ғазна шаҳрининг гўзал боқчаларидан биттасида Унсурий, Асжадий, Фарруҳий ва Фирдавсий томонларидан бирор мисраъдан айтилган тубандаги рубой:

Унсурий — Чун орази ту моҳ небошад равшан.

Асжадий — Монанди руҳат гул набуд дар гулшан.

Фарруҳий — Мужгонат ҳами кунад гузор аз авшан.

Фирдавсий — Монанди синон Гев дар жанги Пашан.

Т а р ж и м а с и:

1. Ой сенинг юзинг каби ойдин эмасдир.

2. Боғда сенинг ёноғинг каби гул топилмайдир.

3. Киприкларинг совутдан (темир кўйлақдан)

ўтадир.

4. Пашан деган паҳлавон билан уришганда Гев деган паҳлавон найзаси каби (!)

бир кўб тазкираларга кўчирилган ва машҳурдир. Яна Ғазнада Зийнатий<sup>1)</sup> Асадий (Тусий), Фарруҳий ва Унсурий томонидан айтилган тубандаги рубойнинг борлигидан Умар ибни Муҳаммад ибни Аҳмад Насафий ўзининг «Матла ун-нужум ва мажма ул-улум» отли асарида<sup>27</sup> хабар берадир:

Зийнатий — Маҳ бо руҳи ту ба нур пешу накунад.

Асжадий — Лаъл аз лаби ту баранг пешу накунад.

Фарруҳий — Чу зулфи ту таъбия најосий накунад.

Унсурий — Хўби чи кунадки, бо ту хеши накунад.

1) Бу Зийнатийнинг ким эканлиги ҳақида маълумотимиз йўқ.

## Т а р ж и м а с и:

1. Ойнинг нури сенинг юзингдан ортуқлик қилолмайдир.
2. Лаълнинг ранги сенинг лабингнинг рангидан ўтолмайдир.
3. Хабаш ҳукмдори ўз аскарини сенинг кокилинг қадар тортиб илолмайдир.
4. Гўзаллик сенга хешлик қилмай нима қилсин..(1)

Биз форс шеърининг шакл эътибори билан тўрт муҳим қисмга айрилганини ёздик. Бу форс шеърининг мусаммат, қитъа, мустазод каби бошқа шакллари эсламай қолганимиздан эмас, балки уларнинг иккинчи даражада аҳамиятли ҳамда бизнинг мавзуимиз учун жудаям керакли бўлмагани учундир. Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, форс шоирлари бу шаклларнинг ҳаммаси билан ҳам машғул бўлганлар. Ҳаммасида ҳам ёзганлар, бироқ уларнинг ҳар шаклда ёзганлари санъат нуқтан назаридан бир даражада бўлмаган. Баъзилари маснавийда, баъзилари қасидасида, баъзилари ғазалда, баъзилари рубойида устулик қилганлар. Юқорида Рудакий, Фирдавсий, Унсурий каби шоирларнинг ҳам рубойи ёзганларини кўрдик. Булардан бошқа Абу Саъид Абул Хайр (ҳижрий 414), Абу Саъид Барғаш Шерозий, Абул Ҳасан Ҳарақоний (425-ҳижрий), Абул Фараж Руний (ҳижрий 4—5-асрда), Ибни Сино (448-ҳижрий), Абу Наср Форобий (ҳижрий 339), Арузий Самарқандий каби бир кўб шоирларнинг жуда чиройлик рубойилари бор. Лекин, рубойчиликда ўзини бутун дунёга танита олган бирдан-бир шоир машҳур Умар Хайёмдан иборатдир.

## У м а р Х а й ё м

Ҳаким Абул Фатҳ Умар ибни Иброҳим Хайём исми билан машҳур бўлган бу Эрон шоири ёлғиз Шарқда эмас, Оврўпа ва Америкада ҳам буюк ҳурмат билан танилган ҳаким, файласуф бир санъаткордир. Арабча асарларда кўбрак Умар ал-Хайёмий унвони билан танилганлари бу зотнинг муфассал таржимаи ҳоли ҳақида ёзилган бир нарса эски манбалар орасида йўқ. Шундай бўлса ҳам, Оврўпа олимларининг доимий ахтаришлари билан Хайём ҳақида ҳар манбаъдан икки-уч жумла топиб олиш натижасида унинг ҳақида асо-

сий маълумотлар тўпланган саналади. Машҳур Шамсиддин Сомийбек ўзининг «Қомус ул-аълум»ида<sup>28</sup> Умар Хайём ҳақида «Шайх ибни Муҳаммад» деган бўлса ҳам мўътабар маъхазларнинг ҳаммаси унинг «Иброҳим ўғли Умар» эканини хабар беради. Унинг шайх-мута-саввиф бўлгани ҳақида тубанда сўз бўлур.

Хайём сўзи арабча бўлиб, хаймачи, чодирчи демак-дир. Бундан Умарнинг ёки отасининг чодирчилик кас-бида бўлганини онглаш мумкин. Зотан, тахаллусни ўзининг ё отасининг касбидан олган шоирлар форс адабиёти дунёсида оз бўлмаган. Лекин, арабча ёзилган баъзи маъхазларда ҳам ўзи ёзган «Жабр ва муқобила» китобининг<sup>29</sup> муқаддимасида унинг лақаби «Хайём» эмас, «Хайёмий» шаклида ёзилган, бундан «Хайём» сўзининг Умар учун касб оти эмас, оила оти (фамилия) бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Хайёмни нишопурли экани машҳурдир. Зикриёйн Қазвинийнинг «Осор ул-билод ва ахбор ул-ибод» отли асарининг «Нишопур» моддасида «Янси — биллайҳа минал ҳукамоний «Умар ал-Хайём...» дейилгани каби Шамсиддин Шаҳрузорийнинг «Нусхат ул-арвоҳ» исмли китобида ҳам «Умар ал-Хайём Нишопурий асосол ва-л-милод» (Умар Хайёмнинг асарлари ҳам туғилиши Нишопурда), дейилган. Давлатшоҳ Самарқандий ўзи-нинг машҳур тазкирасида<sup>30</sup> нишопурли шоир Шаҳфур-рий-Ашҳарий таржимайи ҳолини ёзганда «Ва нисбат Шаҳфур ба ҳаким Умар Хайём мерасад» (Шаҳфурнинг насаби Умар Хайёмга борадир), дейдир. Бундан Умар-дан сўнгра ҳам унинг сулоласини Нишопурда қолгани онглашиладир. Шундай бўлса ҳам, Хайёмнинг, албатта, Нишопурда туғулгани тўғрисида олимлар орасида ит-тифоқ йўқдир. Унинг Марв шаҳрига яқин Лўкар шаҳ-рида туғулганини даъво қилганлар ҳам бор.

1925 йилда Берлинда босилган «Рубоиёти ҳаким Умар Хайём» китобининг муқаддимасида Хайёмнинг таржимайи ҳолини ёзган доктор Фридрих Розан шу сўнги фикрни ёқлайдир. Ф. Розаннинг тадқиқотига кўра, «Тухфат уш-шомня» исмли бир ҳайъат китобида (Қутбиддин Абулсано Маҳмуд ибни Масъуд — Шерозий томонидан ҳижрий 684 да ёзилган) шундай бир ибора бор экан: «Ижтамаа фи хизратий жамоатун минал ҳукамо ва минҳум Умар ал-Хайёмий ал-Ҳаким ал-Лў-карый» (Султон Маликшоҳ Салжуқийнинг ҳузурида бир жамоа ҳакимлар, файласуфлар йиғилдилар. Умар Хайём ҳаким-Лўкарый шулардан эди). Лўкар шаҳри

эса Марвга яқин бўлган<sup>1)</sup>. Шунинг учун Умар Хайёмнинг Нишопурда эмас, Марвга яқин Лўкарда туғилгани даъво қилинадир. Доктор Фридрих Розан юқоридаги фикрларни ёзгандан кейин саҳифа ости (га) бир нўт чиқариб, шундай дейди: «Тухфат уш-шомия» китобидан уч нусха бор. Шулардан биттасида «Умар ал-Хайём ва-л-ҳаким ал-Лўкарий» ёзилган. Лекин, бурунги маъхазларда «Ҳаким Лўкарий» исмли бир кишига учрамаганимиз учун мазкур нусхадаги (в)нинг янглиш тушунганин гумон қиламиз.

Менинг текширишларим доктор Ф. Розаннинг янгилишганини ва унинг хато деб ўйлагани «Тухфат уш-шомия» нусхасининг тўғрулиги(ни) кўрсатади. Менинг томонимдан яқинда топилган «Татимат ус-савон ал-ҳикма» китобида файласуф Абул Аббос ал-Лўкарий унвонли бир олимнинг таржимаи ҳоли бор. Бу одам файласуф Баҳманёр ибни Марзоннинг шогирди бўлган. Баҳманёр эса машҳур Абу Али Синонинг шогирди бўлиб, ҳижрий 458 да, устодидан 30 йил сўнгра ўлган<sup>2)</sup>. Қўлимдаги маъхазнинг баёнига кўра, Абул Аббосий Лўкарий замонининг энг машҳур файласуфларидан бўлган. Хуросонда ҳикмат ва фалсафанинг тарқалишига кўб хизмат қилган. Ҳикмат ва фалсафага оид кўб асарлар ёзган. Бу файласуф қарилиқда кўб бўлган<sup>3)</sup>. Бизга кўра, ҳаким Лўкарий шудир. Шунинг учун «Тухфат уш-шомия»даги арабча иборатни «Ва минҳул Умарил-Хайём ва-л-ҳаким ал-Лўкарий» шаклида тасҳиҳ<sup>31</sup> қилиб, Хайёмнинг Нишопурда туғилганига тўхташимиз лозим келадир.

Унинг болаликда машҳур Исмоилий мазҳаби бошлиқларидан Ҳасан Саббоҳ ҳам Маликшоҳ Салжуқий вазири Низомулмулк билан мактабдош экан, бу уч ўртоқнинг мактабда эканда «учаламиздан қайсимиз улуғ бир мансабга эришсак, бошқаларимизга ёрдам қил-

<sup>1)</sup> Мўъжамнинг баёнига кўра, «Лўкар» Марв шаҳрининг Шарқ ёқасида «Павж деҳа»га яқин бир шаҳар бўлган. Мўъжам эгаси ҳам 1219 да бунинг харобасини кўрган («Мўъжам ул-булдон», 4-б. 370).

<sup>2)</sup> «Вал адибу ал-файласуф Абул Абос ал-Лўкарий: кана тилмизу Баҳман ва Баҳманйар тилмизу Абу Али. («Татимат ус-савони ал-ҳикма»). Вафату Баҳманйар фи-шуҳури саната саманин ва ҳамсина ва арбайяти (Мазкур китоб).

<sup>3)</sup> «Ва минал адиби Абул Аббос витарарат улума ал-ҳикмати би Хурасан ва кана алиман ба ҷизан улума ал-ҳикмати дақақа ҳа ва жал балаҳа ва каффа басаруҳу фи шайху-хати... («Татимат ус-савони ал-ҳикма»).



син», деб аҳд қилганлари, Хайёмнинг шу аҳдга кўра, Низомулмулкка келиб, унинг далолати билан Маликшоҳ саройига кириб, катта эътибор топгани ҳақида машҳур бир ҳикоя борки, бу уч кишининг биттасидан баҳс қилмоқчи бўлган ҳар бир муҳаррир буни такрорлаб ўтишдан ўзини сақлай олмайди.

Оврупа олимларидан баъзиларининг текширишлари бу ҳикоянинг ясама эканини майдонга қўймоқдадир. Узун умр кўриб, ҳижрий 517 йилда ўлган Умар Хайёмнинг ҳижрий 417—440 ораларида тугилганини гумон қилган олимлар, ҳижрий 408 да тугилган Низомулмулк билан унинг мактабдош бўлганига ишона олмайдилар.

Умар Хайём Шарқда ёзилган бир кўб маъхазларда санъаткор бир шоир сифати билан эмас, бир ҳайъат<sup>22</sup> олими, бир мунажжим, бир адиб, бир даҳрий сифати кўрсатилмақдадир. Биз уни «Тухфат уш-шомия» китобида ҳаким, файласуфлар қаторида кўрамиз. Низомий-Арузийнинг «Чаҳор мақола»сида ҳам бир мунажжим сифатида кўрамиз. Шайх Нажмиддин Розийнинг «Мирсод ул-ибод» отли асариде фалсафий, даҳрий, табиий сифатлари билан кўрилмақдадир. Ёлғиз ҳижрий 730 йилда ёзилган «Тарихи гузида» эгаси Хайёмнинг бир кўб илмларда, айнуқса, нужум илмида замонининг нодир кишиларидан бўлганини сўзлағандан кейин унинг яхши шеърлар ҳам ёзганини илова қилади. Энг бурунги «Тазкират уш-шуаро»лардан бўлган Авфийнинг «Ўубоб ул-албоб»ида Хайём учун ўрин берилмаган. Давлатшоҳ Самарқандий ҳам ўзининг машҳур тазкирасида шоирлар қаторида Хайёмдан ҳеч гапурмайди. Ёлғуз шоир Шоҳфури Ашҳарийнинг таржимаи ҳоли муносабати билан Хайёмдан бир ҳаким сифати билан сўзлаб ўтадир<sup>1)</sup>.

Нисбатан кейинги замонларда ёзилган «Оташкада», «Мажма ул-фусаҳо» каби тазкираларда эса унинг шоирлиги ҳақида аҳамиятсиз қайдлар бордир. Мана буларнинг ҳаммаси Хайёмнинг Шарқ олимлари орасида шоир сифати билан эмас, ҳакимлик, риёзийлик, ҳайъат-

<sup>1)</sup> «Аммо, ҳаким Умар Хайём Нишопурий аст, Бисёр фозил буда. Хусусан, дар илми нужум ва аҳком Саранд рўзгор худост. Салотин ўро азиз ва мукаррат доштанд ва гўянд султон Санжар ўро Наҳлавоний худ бар тахт нишонди. Ва Хўжа Насриддин Тусий ин суратро ба арз Хўлоқухон расонидки фазли маи сад баробар Хайём аст, аммо таъзими уламо дар ин рўзгор ба Конун намонда» (Давлатшоҳий — зикри мулк ул-калом Шаҳфур бинни Муҳаммад Ашҳарий Нишопурий).

Шунослик, мунажжимлик билан тапилганини кўрсатади.

Авфий каби, Давлатшоҳ каби тазкирачиларнинг Хайёмни шоирлар қаторида ёзмаганларини Хайёмнинг ёлгуз рубоий шаклида ёзиб, бошиқа шаклларда йўқ даражада оз ёзгани билан изоҳ қилиш мумкин. Балки, Хайём рубоийларининг бугунги миқдордан жуда оз бўлгани бу ишга сабаб бўлгандир.

Умар Хайём ёлгуз ҳайъатшунос бўлиб қолмаган. У табиб ҳам бўлган. Исмлари юқорида ўтган «Татиммат ус-савон»да ва «Нузҳат ул-арвоҳ» қайдларига кўра, салжуқий ҳукмдорларидан машҳур султон Санжар болаликда касал бўлганда Умар Хайём томонидан табобат қилинган<sup>1)</sup>. Яна шу Шаҳрузорийнинг ифодасига кўра, Умар Хайёмнинг лугатда, фиқҳда, тарихда ҳам катта маҳорати бўлган. Ҳофизаси жуда кучли бўлган. Исфаҳонда эканида бир китобни етти дафъа ўқуған. Нишонурга қайтганда шунинг ёддан ёзган. Асл нусхаси билан ёддан ёзилганини ҳеч фарқи бўлмаган.

Умар Хайём риёзиёт ва ҳайъатга оид дарсларнинг замонининг машҳур риёзиёт олими Абул-Ҳасан ул-Анбарийдан олган.

Салжуқий султонларидан Санжарнинг исмига «Китобий мафоҳир ул-атроқ» («Туркларнинг махтанарлик сифатлари») отли бир китоб ёзган. Хоразмшоҳ Отсиз ибни Муҳаммад исмига ҳикматга оид бир китоб ёзган. Табибликка оид ҳам турли рисоалар таълиф қилган. Машҳур табиб ва ҳаким Али ибни Муҳаммад ал-Ҳижозий Хайёмнинг шоғирди бўлган<sup>2)</sup>.

«Зубдат ул-ҳақоийқ» исмли бир китоб ёзиб, онда тасаввуф ва юнон фалсафасини аралаштиришга тиришган ва эҳтимолки, шунинг натижасида дорға осилган Абул-Маолий Абдуллоҳ ибни Муҳаммад ал-Муёнчи ҳам Хайёмнинг шоғирдларидан бўлган<sup>3)</sup>.

Умар Хайёмнинг Нишонурда, Балхда, Исфаҳонда тургани турли маъхазлардан онглашилмоқда.

«Бухоро ҳукмдори хоқон Шамс ул-Мулуқ томонидан

<sup>1)</sup> «Вадаҳл Азъюл Султон Санжар ва Ҳуе би ва кадо собаса жадарий. Фильмо ҳарге солай вазир кайф дўята» ва бошқаларни олжатфақол Умар Умарил Сабий Маҳоф... (Истанбулда файласуф Ризо Тавфиқ ва Ҳусайн Доғиш томонидан босилган «Рубоийёти Умар Хайём»да «Нусҳат ул-арвоҳда» кўчирилган).

<sup>2)</sup> Бу одам 70 йил яшаб 517—1162 йишда улган. («Татиммат ус-савон ул-ҳикма»).

<sup>3)</sup> Мазкур китоб.

Ҳам катта эҳтиромлар кўрганига кўра, Хайёмнинг Бу-хороға ҳам келганини онглаш мумкин. Хайём бир вақтлар ҳажга борган. Унинг ҳажга борганини бизга билдирган Жамолиддин ал-Кафтий воқеани мана шу йўлда тасвир қилади.

Замондошлари унинг динига, эътиқодига эътироз қилдилар. Унинг яширини сирларини очдилар. Умар ўлдиришларидан кўрқди, тилини тийди. Тақво учун эмас, ўзини тақволи кўрсатмоқ учун ҳажга борди. Холлис пок бўлмаган сирларидан баъзиларини очиққа чиқарди. Бағдодга келгач, қадим илмда унинг йўлдоши бўлганлар унга юзландилар. Лекин, Хайём (бурунги илмдан) пушаймон сифати билан улардан бекинди. Эшикни уларға очмади. Ўз шаҳрига қайтгач, мачитга қатнаб асрори(ни) бекитишга тиришди. Лекин, унинг асрори ўз-ўзидан маълум бўлар эди. Ҳикматда ва ну-жумда тенгсиз эди.

Бундай илмлардан зарбулмасал бўларга лойиқ эди. Ҳар томонга учиб юрган шундай шеърлари борки, Хайёмнинг махфий сирлари уларнинг қисқартувларида кўринмакдадир<sup>1)</sup>.

Умар Хайёмнинг подшоҳлар ёнида сўнг даражада ҳурматли бўлиб турганидан унинг дўстлари билан душманлари бир оғиздан хабар берадилар. Ҳижрий 465 йилда тахтга ўтириб, 485 йилда 38 ёшда экан(ида) ўлган Султон Маликшоҳнинг надими — суҳбатдоши эди. Умар Хайёмнинг салжуқийлар саройига кириб бунча ҳурмат кўриши унинг мунажжимлиги учун эди.

Умуман, Шарқ ҳукмдорларининг, хусусан, турк-мўғул подшоҳларининг мунажжимликка, фолчиликка жуда катта аҳамият берганлари маълум. Мунажжимлар ҳар вақт подшоҳлар билан баробар юрадир. Улар замонни «наҳс», «саъд»<sup>33</sup> деб иккига тақсим қиладилар.

Подшоҳларнинг ҳар ишини соати-саъдда бошлашларида диққат қиладилар. Ҳатто, улар учун саъд соатларни кўрсатурган иш жадвали тузиб бералар.

Подшоҳлар буларга жуда қаттиқ ишонадилар, буларга ўзларини ҳар турли балоға учрашдан сақлай турган раҳбарлар деб қарайлар.

Низомий Арузийнинг «Чор мақола»сида ёзилганига кўра, бир салжуқий султони (Муҳаммад ибни Малик-

<sup>1)</sup> Файласуф Ризо Тавфиқ ва Ҳусайн Дониш томонидан бостирилган «Рубоёт Умар Хайём»да «Ахбор ул уламо бе ахбор ул ҳукамо»дан кўчирилган.

шоҳ бўлса керак) овга чиқмоқчи бўлганда Умар Хайёмдан илми нужумга кўра бир соат тайин қилишни сўраган. Муни Умарнинг Муҳаммад ибни Маликшоҳга энг ҳурматли ва энг ишончли надим бўлиши, Бухоро ҳукмдори хоқон Шамс ул-Мулк билан бир тахтда ўтиришининг бутун ҳикмати шунда<sup>1)</sup>. Хайёмнинг бу нуфуз ва эътиборига унинг табиблиги ҳам анча ёрдам қилган бўлса керак. Ҳижрий 467 йилда тақвимни ислоҳ қилмоқ учун Маликшоҳнинг буйруғи билан 8 кишилик илмий бир ҳайъат ташкил этилган эди. Хайём бу илмий ҳайъатнинг аҳтимоли, энг кўб нуфузли аъзоси бўлиб ишлади. Бу илми ҳайъатнинг ислоҳ қилгани «Тақвим», «Тақвими Жалолӣ» оти билан машҳур бўлуб, тақвимларнинг энг мукаммали эканини Оврўпа илм дунёси тасдиқ қиладир.

Керакли асбобларини олиб расадхона (обсерватория) тузишни буюриб, Маликшоҳ Салжуқий бизнинг Хайёмга кўб пул берди. Хайём Маликшоҳнинг тирик эканида бу расадхона ишга киришган эди. Лекин, Маликшоҳнинг ҳижрий 485 йилда ўлиб қолиши бу ишни тўхтатишга Хайёмни мажбур этди<sup>2)</sup>.

Ҳар ҳолда Хайёмнинг салжуқийлар саройида сўнг даражада ҳурмат, дабдабали бир ҳаёт кечиргани турли маъхазларни текшириш натижасида маълум бўлмоқда.

Хулоку хизматида мунажжимлик билан машғул бўлган машҳур олим Хўжа Насриддин Тусийнинг Хайёмнинг ҳурмат ва дабдабасини ҳасрат билан эслаганини Давлатшоҳ Самарқандий хабар берадир. «Нусхат ул-арвоҳ» хабарига кўра, Хайёмнинг тиш ковлайтургани олтиндан бўлган. Салжуқий салтанати жуда ҳам кенгайиб, салжуқий хазинаси ҳисобсиз бойинган бир даврда (Маликшоҳ замонида) саройнинг нуфузли дабдабали бой одам эканини рубоийларини кўрмасдан сезиш мумкин. Шундай бўлса ҳам, биз баъзи вақтларда Хайёмни қовоқлари солинган, қайғули кўзларини қаёнларгадир тиккан, ҳатто баъзан кимгадир ғазабланган бир ҳолда

---

<sup>1)</sup> Хайёмнинг салжуқийлардан Султон Санжар билан ҳам бир тахтда ўтирганини унинг таржимаи ҳолини ёзган олимларнинг баъзилари хабар бердилар. Бу хабарнинг маъхазини Давлатшоҳ Самарқандий бўлса керак. «Татимат ус-савон ул-ҳикма»нинг ифодасига кўра, Санжар Хайёмни севмаган. Санжарнинг табиати билан машҳур Имом Ғаззолийга қилган муомаласини назарга олганда, «Татимат ус-савон» ривоятини қабул қилишга тўғри келадир.

<sup>2)</sup> Ризо Тавфиқ, Ҳусайн Довишларнинг «Рубоийоти Хайём»даги муқаддималарида «Зикрийи Қазвиний»дан кўчирилиб ёзилган (21-бет).

кўрамиз. Биз Хайёмнинг бу руҳий ҳолатини унинг асарларида ё шеърларида кўрганимиз каби унинг таржимайи ҳолига оид маъхазларда ҳам очиқ кўришимиз мумкин. Масалан, Хайём ҳақидаги маъхазларнинг энг эскиси бўлган менинг қўлимдаги «Татиммат ус-савон ул-ҳикма», унинг ёмон хулқли (асабий) ҳам тор феълли экани (ни) хабар беради.

Шаҳрузорий унинг тор кўнгулли эканини хабар бергани каби ҳаждан Боғдодга қайтганда, бурунги танишлари билан кўришмаганини ҳам юқорида кўрган эдик. «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» эгаси ҳам юқоридагича Хайём шу мизожда эканини тасдиқ қилади. Масалан: унинг айтганига кўра, Имом Ғаззолий Хайёмни кўруб, ҳикматдан бир масъалани сўраганда, Хайём мақсадга яқинлашмасдан сўзни узата берган. Зотан, унинг одати шундай экан. Яна шул «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» эгаси файласуф Абу Хотам ул-Музаффар ал-Исфизорийнинг таржимайи ҳолини ёзганда унинг Хайём билан асрдош бўлуб, ораларида мунозаралар ўтганини хабар бергандан кейин файласуф ал-Музаффарнинг истифодачилар учун меҳрибон эканини Хайёмда эса бундай табиат бўлмаганини хабар берадир.

Хайём ўзининг «Рисолаи жабр ва муқобала» отли китобининг муқаддимасида «камайиб қолган олимларнинг ҳам тўғруликдан айрилганларидан» шикоят қилди. Рубойлар орасида ҳам:

Он беки дар ин замона камгири дўст,  
Бо аҳли замона суҳбат аз дур на кўст,  
Он каски туро бе жумлаги тақя ба дўст,  
Чун чашм хирад боз куни душман ўст.

кабилари бордир.

Т а р ж и м а с и:

Замонада дўстнинг ози яхши.

Замона аҳли билан узоқдан гапируш тузук.

Чунки, биртани дўст тутуб, бутунлай шунга таянасан,  
Яхши танушсанг шу(нинг) ўзининг душман эканини  
кўриб қоларсан.

Хайёмнинг бу руҳий ҳолатига сабаб, фикримизча, унинг саройдаги эътибори камайгандан сўнг муосири бўлган олимларнинг унинг эътиқодиға, илмий қарашлариға душманлик кўрсатганликларидан келиб чиққандир. Бу фикрга қувват берарлик бир воқеадан бизга яна

«Татиммат ус-савон ул-ҳикма» эгаси хабар берадир. Мана шундай: «Алоуддавла Фаромад ибни Али ибни Фаромад Язд шаҳрининг малики бўлган. Ҳикмат, фалсафа ва тасаввуфдан хабардор бўлган бу феодал бир кун Хайёмни ҳузурига қабул қиладир. «Ва ҳаким Абул Барокот Бағдодийнинг Абу Али Синога қаршу бўлган эътирозлари ҳақида фикринг нимадир?» деб сўрайдир. Хайём эса, унга қаттиқ жавоб берадир. Абул Барокотда Абу Алига эътироз қилиш нари турсин, унинг сўзларини англаш кучи ҳам йўқ эди, дейдир. Алоуддавла ғазабланиб, Хайёмни сўка-сўка ёнидан чиқарадир<sup>1)</sup>.

Яна шул «Татиммат ус-савон ул-ҳикма»да ҳикмат ва фалсафа мансубларидан Саъид Шараф уз-Замон Муҳаммад ибни ал-Адиб ал-Илоқийнинг ҳам Хайёмга мухолиф экани қайд этилган. Олим, файласуф, санъаткор, шоир нуфузли бир адиб, эътиқодсиз бир сарой надими бўлган Умар Хайём узун муддат яшагандан кейин ҳижрий 517 (милодий 1124—25)да ўлган. Қабри Эроннинг Нишопур шаҳридадир.

### Хайёмнинг асарлари

Хайёмнинг таржимайи ҳоли ҳақидаги маълумотнинг ундан-бундан кўблаб олинганини кўрдук. Бу шароит орасида унинг асарларининг мукамал жадвалини тартиб қилмоқ, албатта, мумкин эмас.

Сўнг кунларда Берлинда «ховиёй» матбаасида босилган «Рубоёети ҳакими Умар Хайём»нинг муқаддимасида унинг асарлари ҳақида тубандаги жадвал тақдим этилган:

1. Рубоийлар.
2. Рисолан жабр ва муқобала<sup>34</sup> — 1851 (йил)да бир олмон олими томонидан французча таржимаси билан босилган.
3. Рисола фи шарҳи мо ашқал мин мудодирот китоб илidas<sup>35</sup>. Китоби Хўлландияда Лейден кутубхонасида бор.
4. Зичи Маликшоҳий. Буни ёзган илмий ҳайъатга Хайём ҳам иштирок этган.
5. Табиёт ҳақида қисқача бир рисола. Бундан «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» ҳам Шаҳрузорий хабар берадир.

<sup>1)</sup> Китобнинг охирида «Татиммат ус-савон ул-ҳикма»дан кўчирганимиз арабча ибораларда бу воқеанинг тафсилоти бор.

6. Вужуд фалсафаси ҳақида форсча китоб<sup>36</sup>. Британия музейсида бор. Бундан «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» хабар беради.

7. Қавн ва тақвим ҳақида бир рисола. Бундан ҳам «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» ва Шаҳрузорий хабар беради.

8. Кумуш билан олтиндан ясалган бир нарсада қанча кумуш, қанча олтин борлигини англамоқ ҳақида арабча бир рисола. Олмонияда Ҳёте кутубхонасида бор.

9. Шаҳарлар ва мамлакатлардаги оби-ҳаво ўзгариши(нинг) шароити ҳақида бир рисола. Оти «Лавозим ул-тамкина»<sup>38</sup>.

10. Арабча шеърлар.

11. «Равзат ул-қулуб»<sup>39</sup> мажмуасининг бир қисми. Бунинг ҳам Умар Хайём асарлари ҳақида мукаммал бир жадвал бўлмагани, ундан-бундан олиниб тартиб этилгани кўриниб туради. Хайёмнинг бизга ҳануз маълум бўлмаган яна бир қанча асари борлиги шубҳасиздир. Ҳар ҳолда шу тўла бўлмаган жадвал ҳам унинг кўб соҳада ишлаган чуқур бир олим эканига шубҳа қолдирмайди.

Бу асарлар орасида Умар Хайёмнинг бу кунги жаҳон шуҳратиға сабаб бўлгани унинг рубойиларидир.

Хайём ўзининг рубойилари билан Оврўпада, Америкада жуда катта шуҳрат олган, улуғ ҳурмат кўрган бир шарқ шоиридир. Оврўпада, Америкада уни текшириб китоблар ёзилган, рубойилари таржима қилинган, бу таржималарнинг энг яхшиси, ҳатто ўз гўзаллиги билан Оврўпа, Америкада Хайёмнинг шуҳратиға сабаб бўлгани милодий 1883 да ўлган Фицджеральдининг инглизча таржимасидир.

Шу китобчанинг бошида айтган эдим: рубойӣ ёзмақ форс шоирлари орасида ёлғуз Хайёмға махсус бўлмаган. Танилган-танилмаган ҳар бир форс шоири ўзининг ҳунарини синамоқ учун 5—10 рубойӣ албатта ёзган. Рубойӣда кўбрак шоирнинг тахаллуси кирмай қоладир. Мана шунинг учун Хайём рубойӣларига бир кўб ёт рубойӣлар ҳам қўшулиб қолган. Унда-бунда Хайёмға нисба(тан) берилган рубойӣларнинг сонини 5 минггача чиқариш мумкин.

Шарқда тош босмада босилган баъзи «Умар Хайём» нусхаларида мингдан ортиқ рубойӣ бор. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммасини Умар Хайём рубойӣлари деб қабул қилиш мумкин бўлмайди.

Мусташириқлар дунёси Умар Хайёмнинг асл рубоийларини ёт рубоийлардан ажратиш учун турли йўллар билан тиришиб анча муваффақият қозонди. Бугун асл Умар Хайём рубоийлари 250—300 дан ортуқ бўлмаса керак, деган фикр(ни) кўбчилик қабул этмакдadir. Лекин, 250—300 саналган бу асл рубоийларни аниқлаб «мана!» деб кўрсатиш йўлида кўрилган чораларининг ҳеч биртаси қаноатланарлиқ эмасдир.

### Хайёмнинг маслағи

Умар Хайёмга нисбат(ан) берилган рубоийларнинг ҳаммасини кўриб чиққан кишилар унинг ҳақида турли қарорлар берадилар. Шароб, май мажлисларини, ичкиликни махтаб бу қадар рубоийлар ёзганини кўрганлар унинг оддий бир сархуш (пияниста) деб қарор чиқардилар.

Баъзи одамлар Хайёмнинг сўфийлардан эканига ишониб, унинг шеърларидаги «май», «базм», «қадаҳ» каби сўзларни сўфийлик истилоҳлари билан изоҳ қилмоқчи бўладилар.

Хайёмнинг учинчи хил мухлислари борки, уни ўзининг муҳитидан яшагани жамиятнинг ҳар турли таъсирларидан юқори турган бир доҳий деб биладилар. Уни милодий XI асрдаги Шарқ жамиятларининг кишини эмас, XX асрдаги Оврўпа жамиятларининг одами каби қабул қиладилар. Бизнинг фикримизча, Хайём ҳақида берилган шу уч турли қимматда ҳам бир турли ифрот — тафрит<sup>40</sup> борлиғи аниқдир.

Масъаланинг бу жиҳатини изоҳ қилайлик:

Хайём сарой табиби бўлган, замонининг олим ҳайъатшуноси, файласуфи, риёзнийси бўлган. Тақвимни энг тўғри ислоҳ қилган, илми ҳайъатга жуда катта нуфуз ва фаолият билан иштирок этган. Ҳукмдорларнинг иш соатларини белгиловчи мунажжим саналган. Бундай бир одамнинг доимий мастлик билан (пиянисталик билан) машғул бўлуб қолиши ҳақиқатдан, албатта, узоқдир.

Хайёмни сўфий гумон қилиб, унинг майни «Худонинг ишқи» деб изоҳ қилиши эса, биринчи фикрдан ҳам узоқроқ, янглишроқдир. Хайёмнинг рубоийлари орасида шундайлари борки, тасаввуф асосларини улар билан келиштиришнинг имкони йўқ. Бундан бошқа Хайём билан, бизга кўра кўбрак таниш бўлган эски ва ишончли манбаълар унинг тасаввуф маслағида бўлмаганини очик



суратда кўрсатмакдадирлар. Тасаввуфнинг энг катта имомларидан бўлган Нажмиддин Розий ўзининг «Мирзод ал-Ибод»ида тасаввуфдаги баъзи қарашларини мудофаа қилганида «даҳрий, табиийун, фалсафийунларнинг фозилларидан» деб Умар Хайёмни танлаб оладирда, сўкадир.

Мусулмон олимларидан машҳур Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг бошда тасаввуф дўсти бўлуб, сўнгра тўптўғри тасаввуф маслагига киргани маълум. «Татиммат ус-савон ул-ҳикма» ва Шаҳрузорийга кўра, Ғаззолий Хайём билан кўришган, илмий бир масъала устида сўзлашган. Хайёмнинг жавоби унга шу қадар ёқмаганки, охиригача тинглашга тийина олмаган, Хайёмнинг эгри бир йўл тутганига ишора қилиб чиқиб кетган.

Жамолиддин Абул-Ҳасан ал-Қифтий ўзининг «Ахбор ул-уламо»сида Хайёмни «замонасининг алломаси, Хуросоннинг имоми, Юнон илмларини билгувчи...» деб мақтагандан кейин «баъзи сўфийлар баъзи шеърларининг ташқи томонига қараб уни ўзларидан санайлар, шеърларини мажлисларига киргизадилар. Лекин, у шеърларининг ички томонлари ислом шариати учун зарарли йилонлардир. У шеърларда одамларни одаштирмақ, оздирмоқ учун керак бўлган ҳар нарса бэр...», деб Хайёмнинг тасаввуф аҳлидан бўлмаганини бизга қатъий суратда билдирадир. Хайёмни мутасаввиф деганлар унинг баъзи бир фикрларининг тасаввуф қарашлариға мос келганидан шубҳага тушганлар. Унинг баъзи нуқталарда сўфийлар билан бирлашгани, бошқа-бошқа уяларга бормоқ учун ҳавода учиб юрган икки қушнинг йўл орасида бирлашиб, яна айрилмишларига ўхшайдир. Ҳақиқатда эса, Хайёмнинг бориб тўхтагани нуқта сўфийларнинг бориб тўхтаган нуқталариға бутунлай қаршудир. Биз буни илгариде кўрармиз.

Учинчи даъво, яъни Хайёмни ичида яшагани жамиятнинг ҳар турли таъсиридан озод, ўз жамиятидан таъсирланишдан жудаям юқорида турган бир мустасно одам қилиб кўрсатиш ҳам тўғри эмас. Жамиятдан, муҳитдан бир турли таъсирланмаган, мансуб бўлган синфнинг талабларидан бир қисмиға жавоб беришни ўз устига олмаган бир адибнинг, бир адабиётнинг бўлуви мумкин эмас. Бизнинг фикримизча ҳам, Хайём доҳийдир, бироқ санъат доҳийсидир. Унинг катта ҳунар ичида яшагани жамиятнинг мансуб бўлгани синфнинг сарой доирасида яшаганларнинг хазиначари олтиндан тўлган феўдалларнинг талабларини санъатнинг энг

юқори даражасига бир усталик билан майдонга қўйишдан иборатдир.

Хайём нуқтаи назарини изоҳ қилмоқ, унинг қандай мафкура ташиғанини очмоқ учун янгидан унинг таржимайи ҳолига ва замониға қайтамиз.

Сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва хоразм шоҳийлар даврида форс адабиётининг кўтарилган қисми қасидачилик эди. Ҳижрий 304 нинчи йилда вафот этган Рудакийдан бошлаб, ҳижрий 8-асрда яшаган Саъдийгача энг мақбул йўл қасидачилик йўли эди.

Унсурий, Асжадий, Фарруҳий, Қатрон, Минучеҳр, Жабалий, Ватвот, Хоқоний, Фалакий, Асир Ахсикатий, Сайфи Исфаранги, Анварий, Муаззий каби энг улуғ қасидачилар шу сулолаларнинг халифаликка қаршу бир-бирларига қаршу ўзларини қўримоқ учун бир кўб аскарий куч билан бирга ташвиқотчиларға ҳам муҳтож бўлганлари яхшигина маълумдир. Мана шу ташвиқот хизмати қасидачи шоирларға юкланган эди. Бир кўб ҳукмдорларнинг саводсиз, адабиётдан, ёзувдан бир нарсаси онгламас бўлганлари ҳолда қасидачи шоирларға минглаб, ўн минглаб олтин-кумуш, оқча бағишлаганлари ёлғуз шунинг учун эди. Яъни, қасиданинг хизмат доираси кенг эди. Ул омма орасида баъзи кимсаларнинг фойдасиға ташвиқот қилар эди. Қасидани ўз фойдаларига ташвиқот учун ишлатган бу кимсаларнинг, бу подшоҳларнинг, бу тўраларнинг хусусий суҳбатлари бутун хориждан алоқани кескан анча ўтуришлари, кайф-сафо кечалари, албатта, бўлур эди. Бундай кечаларда бир-бирининг меъзожидан хабари бўлмаганлар келтирилмас эдилар, бунақа мажлисларда йиғилганлар бир-бирининг ҳар томонини билардилар. (Улар) бир-бирининг қандай мол эканларини онглар эдилар. Бу мажлисларда йиғилганлардан ҳеч бирини бошқаларининг фойдасиға ташвиқ қилиш лозим эмас. Ҳаммаси бир-бирини биладир. Бундай ўтуришларда узун қасидалар ўқуб, ҳаммаши бездириш ярамайдир. Бунда шул мажлисдағи воқеаларға муносиб қисқа парчалар ўқиш, майнинг, мусиқийнинг, дийдорнинг лаззатини орттириш керак. Сарой бундай хусусий кечаларда ўз шоирларидан шуни талаб қилдир. Шеърнинг бу шакли, албатта, рубоийдир.

Ҳақиқатан, биз форс адабиёти тарихини юзадангина текширганда бундай хусусий мажлисларда айтилган рубоийларға кўб учраймиз.

Хусусий мажлисларда:

1. Унсурий, Асжадий, Фарруҳий, Фирдавсий.

2. Зийнатий, Асжадий, Фарруҳий, Унсурий томонларидан айтилган рубойларни юқорида кўрган эдик. Яна шундай рубойлардан бир-икки намуна бериш керак:

Маҳмуд Ғазнавий бир кеча май мажлиси қурадир. Онда шоирлардан Унсурий ҳам бор. Маҳмуд маст бўлгач, ўзини (нг) суюклисига:

— Мени қора кунга солган бу қора сочларни кес!— дейдир. Ул ҳам уйдан чиқиб, сочини кесиб келадир. Маҳмуд Ғазнавий ўз суюклисини сочсиз кўргач, айтган гапидан пушаймон бўладир, хафаланадир, ички мажлиси совуган каби бўлади(р). Шоир Унсурий дарҳол ўз вазифасини адо қилади:

Ки айб сари зулфи бад аз костан аст?

Чи жойи ба ғам нишистану хостан аст?

Рўзи тарабу нишоти май, хостан аст?

Қоростан сару зи-пиростан аст?

Т а р ж и м а с и:

Гўзалларнинг сочларини кесиш улар учун камчилик бермайдир.

Бунинг учун қайғуриш ярамайдир,

Аксинча шодланиш, ичиш керак,

Чунки гўзал ёғочларни безатмак, ўстирмак учун баъзи шоҳларини кесадира,

деб мажлисни бурунги шодлиққа қайтарган бўладир.

Яна Маҳмуд Ғазнавийнинг «Гўйи човгон» ўйуни замонда оти қоқилиб йиқитёзади. Маҳмуд бир оз асабийланган бўлса керакки, Унсурий дарҳол бир рубойи билан унинг кайфини жойига келтирадир. Ва қоқилган отини инъом тариқасида оладир.

Султон Санжар Салжуқий бир кайф-сафо кечасида ўзининг маъшуқаси Маҳастийдан ташқарида қор ёғиб-ёғмаганини сўраганда, Маҳастий:

Шоҳо фалакат асби саодат зинкард,

Ваз жумла Хисравон туро таҳсин кард.

То дар ҳаракат суманд заррин неълат,

Бар гил ниҳанд пой, замин сиймин кард

рубойиси билан мажлисни гуллатади.

Т а р ж и м а с и:

Эй ҳукмдор, фалак сенинг учун саодат отини эгарлади, Бутун подшоҳлар(дан) ёлгуз сенга офарин айтди.

Олтин тақали отинг оёғини лойга қўймасин, деб  
Ер юзига кумуш ёйиб қўйди.

Шоир Муаззий ҳам, томға чиқиб, янги ойни кўрган  
Маликшоҳга бир рубойи билан муқобила қилиб инъом-  
лар олади. Нард ўйнаб ютилганидан жуда хафаланиб  
қолган Тўғон шохнинг кайфини кетирмак учун шоир  
ҳаким Азрақийнинг бир рубойи бор ва машҳурдир.  
Мисол кўб, ҳаммасини ёзиш узоққа чўзиладир.

Форс шеърдаги рубойи шаклининг саройда қандай  
бир рўлни ўз устига олганини кўрсатмак учун шу қадар  
мисол етарли бўлса керак<sup>1)</sup>.

Салжуқий давлатининг кучайган, бойган, кенгайган  
бир даврида Умар Хайёмнинг салжуқий саройида тур-  
ганин юқорида кўрдик. Салжуқий саройида мунажжим,  
табиб ҳам надим сифатлари билан турган Умар Хай-  
ёмнинг шул хусусий базмларда май-маъшуқ кечаларида  
ҳеч қолмасдан иштирок қилганига бизнинг ҳеч шубҳа-  
миз йўқ. Ва Хайём рубойларидан кўбининг шу кеча-  
ларда айтилганини қабул қилишга ҳеч моний йўқ. Узун  
сўзни қисқартириб айтганда: Умар Хайёмнинг шеъри  
саройдаги хизматларнинг ташвиқот қисмини (яъни қа-  
сидачиликни) эмас, кайф-сафо кечаларини, май-маъшуқ  
мажлисларини идора қилиш қисмини ўз устига олган.  
Ва шу йўлда форс адабиётида унутилмас, ўлмас бадиа-  
лар яратган. Умар Хайёмнинг «май»и Худонинг ишқи  
эмас, салжуқ султонлари саройида ичилган узум майи  
бўлган. Хайём бу майдан саройдаги базм кечаларида-  
гина ичган. Доимий сархуш, пияниста бўлмаган. Эрон-  
нинг бу санъаткор шоири ҳақида бўлган ифрот, тафрит-  
ли уч фикрни мана шу йўлда янглишлиликка чиқар-  
гандан кейин унинг рубойларини кўришга киришмоқ  
вақти келган, деб ҳисоблаймиз.

Хайём шеърининг энг катта вазифаси юқорида кўр-  
ганимиз каби май мажлисларини мақтамоқ, бу мажлис-  
ларни давом қилдиришга сарой эгаларини, давлатли  
феўдалларини ташвиқ қилмоқ, шуларни теграсида юр-  
ган, шуларнинг киссасига қараб турган паразитларнинг  
фикрларини ҳимоя қилмоқдир.

Хайём ўзининг уста санъати соясида бу вазифани

---

<sup>1)</sup> Биз бунда рубойининг саройда базм кечаларидаги рўлини  
позҳ қилмоқчи Абу Саъид Абул Хайр каби мутасаввифларнинг,  
Абу Али Сино каби ҳакимларнинг бир кўб фалсафий дастурлари-  
ни рубойлар билан берганларини инкор қилмаймиз, албатта.

ҳақиқатан яхши бажара олған. Бу йўлдаги рубойларидан баъзи намуналарни кўрайлик:

1

Рўзист хуш ва ҳаво нагармаст на сард,  
Аброз руҳ гулзор ҳами шўяд гард.  
Булбул ба забон ҳолу худ бо гулу зард,  
Фарёд ҳами занад ки май боёд хурд.

Т а р ж и м а с и:

Чиройли бир кун: илиқ ҳаво, булут гулзор юзидаги тўзонларни ювмоқда. Булбул сариқ гулга қараб: «Ичиш керак!» деб қичқирмоқда.

2

Хушёр небудаам даме то хастам,  
Гар худ шаби қадрост дарон шаб мастам.  
Лаб бар лаби жон, сийна ба сийнаи хум,  
То рўзи багардан сароҳи дастам.

Т а р ж и м а с и:

Яшаганим муддатда ҳеч бир вақт хушёр бўлмадим,  
Ҳатто лайлат ул-қадр кечаларида ҳам маст бўлдим.  
Ҳар кеча саҳаргача лабим пиёла лабида,  
Кўкрагим хум кўкрагида, қўлим шиша бўйнидадир.

Ўзининг ҳукмдорига хитоб қилиб айтадир:

3

Эй барсари сарварон олам фирўз,  
Доники чи вақт май буд руҳ афрўз.  
Якшанбау душанбау сешанбау чор,  
Пайшанбау одинау шанба шабу рўз.

Т а р ж и м а с и:

Эй дунё бошлиқларининг ҳаммасидан устун бўлган зот,  
Биласанми, май ичмакнинг қачон жонга фойдаси бор?  
Якшанба, душанба, сешанба, чоршанба,  
Панжшанба, жума, шанба кеча-кундузи билан!

4

Боданишин ки мулки Маҳмуд ин аст,  
Ваз чанг шинавки лаҳн Довуд ин аст.  
Аз омада ва рафта дигар ёд макун,  
Ҳоли хуш дор з-онки мақсуд ин аст.

### Т а р ж и м а с и:

Май билан ўтир, у машҳур Маҳмуд Ғазнавийнинг  
салтанати (ёхуд махтанарлик салтанат) шудир.  
Ҳар нима эшитмакчи бўлсанг чангдан эшит,  
Чунки, дин томонидан махталган Довуд товуши шудир.  
Ўтмишни, келгусини ҳеч тушунма,  
Шу бир дамнингни яхши кечир, зотан мақсад ҳам шудир.

### 5

Хон, то нанахи бар дили ҳуд гусса з-дард,  
То жамъ кунни сийму сафед ва зарн зард.  
З-он пеш ки гардад нафаси гарм ту сард,  
Бо дўст бихўр ки душманат хоҳад хўрд.

### Т а р ж и м а с и:

Хушёр бўл, оқ кумуш, қизил олтин топиш учун кўн-  
гулга қайғу юклама! Иссиқ нафасинг совугандан бурун  
борингни дўстларинг билан ич, е (ҳалиги паразитлар  
билан), йўқса, душманларингга ем бўлиб қолар.

Сарой теграсида тўпланган, бутун ҳаётларини шунга  
боғлаган, саройдан бошқа ўзларининг борлиқларини ту-  
шуна олмаган паразит йўлдошларига айтадир:

### 6

З-он пешкан аз замона тоби бихўрим,  
Бо як дигари имрўз шароби бихўрим.  
Қ-он чархи фалак бавақт рафтан моро,  
Чандон надихад амон ки оби бихўрим.

### Т а р ж и м а с и:

Замонадан тўганоқ емасимиздан бурун  
Келингиз бир-биримиз билан бир шароб ичайлик.  
Чунки, ўлим вақти келгач,  
Бир ютум сув ичишимизга ҳам муҳлат берилмайдир.

### 7

Субҳаст дами бода гул ранг занем,  
Ва ни шиша пому нанаг бар санг занем,  
Даст аз «амал дароз» худ боз кашем,  
Дар зулфи дарозу доманни чанг занем.

### Т а р ж и м а с и:

Саҳар чоғидир, қип-қизил май ичайлик-да,  
Номус, ор шишасини тошға уриб синдирайлик.

Қўлимизни узун тилаклардан, теран мафкуралардан  
тортиб,  
Гўзалларнинг узун сочлари билан чолғуларнинг  
этакларига урайлик.

8

Бархезу махўр ғам жаҳон гузарон,  
Хуш бош дами башадмони гузарон,  
Дар табъи жаҳон агар вафон буди,  
Навбат ба ту ҳуд наёмади аз дигарон.

Т а р ж и м а с и:

Тур жойингдан, ўтадирған жаҳоннинг ғамини ема,  
Шу дақиқани, шу дамни шодлик билан кечирришга тириш.  
(Менга замона вафосизлик қилмасму? деб ўйлама,  
чунки)

Замоннинг вафоси бўлса эди: бу айш, ишрат кунлари  
бошқалардан сенга келмас эди.

9

Токи ғами он хўрам ки дорам ё не?  
Ва бин умри нажўшад ли гузарам ё не?  
Пур кун қадаҳ бода ки маълумам нест,  
Ки ни дамки фру барам барорам ё не?

Т а р ж и м а с и:

«Бир нарсам борми, йўқми? Умримни шундай кайфу  
сафо билан ўтказаманми, йўқми?» деб қачонгача қай-  
ғурамен.

Мен ичимга олганим шу нафасни чиқаришимни билмай-  
ман,

Май пиёласини тўлдир!

10

Ин қобилан (?) умр ажаб мегузарад,  
Дар ёби дамнки аз тараб мегузарад.  
Соқий, ғами фардон ҳарифон чи хўри,  
Пеш ор пиёдаро ки шаб мегузарад.

Т а р ж и м а с и:

Бир карвонга ўхшаган умримиз жудаям тез ўтмакда.  
Сен кайф-сафо билан ўтатурған бир нафасни қўлдан  
берма,

Эй соқий, ҳарифларнинг эртаси учун нега қайғурасан,  
Пиёлани кетир, кеча ўтмасин!

Бу рубоийлар зоҳирий дабдабасининг юздагина кўри-  
нишининг шуҳрати мингларча қасидани тўлдирган сал-  
жуқийлар саройининг энг теран ҳам энг кирли нуқта-  
лариғача кўрсатувчи чиройлик ойначалардир. Булар  
Эрон салжуқий саройида йиғилиб, ҳукумат идораси бо-  
шида ўтирган, ўзининг бир дақиқалиқ кайф-сафосидан  
бошқа ҳеч бир нарсани тушунмаган, мамлакат идораси,  
халқ тинчлиги ҳақида эмас, ўзининг эртаси ҳақида ўй-  
лашдан ҳам безган, тилаксиз, иродасиз, бузуқ, чурук  
бир жамсатнинг руҳий ҳолатларини кўрсатадир.

Мамлакатнинг эртасини ўйламоқ булар учун ғафлат  
саналади. Ҳатто шу сафоҳат кечаларини ўзининг манг-  
лай тери билан таъмин этганларнинг тинчлиги ҳақида  
тушунмак, булар учун ҳаётнинг қадрини билмасликдир.

Буларнинг шиори:

Эртани ўйлама, май кетир, кеча ўтмасин!

Булар эрта-индин ўз бошларига ҳам катта фало-  
катларнинг келишини кўриб турганлар. Шуларнинг  
олдини олишга ҳам кучсизлик, иродасизлик кўрсатган-  
лар:

Май хўрки чунин умрки ғам дар пай ўст  
Он баки баҳоб ё бамасти гузарад<sup>1)</sup>,

деганлар-да, ўтирганлар...?

Бу қадар чурук бир жамият томонидан кенг бир  
ўлканинг идора қилиниши қандай мумкин бўлди экан —  
деб ўйламанг, чунки Хайёмдан 25—30 йил кейин дав-  
латдан ном-нишон ҳам қолмагандир.

Маълумдирки, мусулмон дини майни ҳаром қилган.  
Бир қисм мусулмон руҳонийлари Хайём иштирок этган  
сарой кайф-сафо мажлисига чақирилмаганликлари  
учун<sup>2)</sup>, бундай кечаларда шариат исми билан қаршу,  
ундан норози. Хайём шунинг учун бошлаб буларга ҳу-  
жум қиладир. Руҳонийларнинг ва улар таянган жаннат,  
жаҳаннамнинг, диннинг сирини очиб беришга тирिश-  
дир.

Эроннинг бу олим, шоир динга қаршу озод бир  
вазият тутган, дин ва унинг тарафдорларини (нг) буйруқ-  
ларини заҳарли кулишлар билан масқара қилишга ти-  
ришган ҳамда диннинг қайси нуқталариға қандай ку-  
лишни жуда яхши топган, лекин бу масъалани омманинг

<sup>1)</sup> Охири ғам қайғу бўлган бундай тирикчиликнинг уйқуда,  
мастликда ўтиши яхшироқ демакдир!

<sup>2)</sup> Чақирсалар ўзлари ҳам ича берадилар.



манфаати нуқтаи назаридан эмас, саройдаги май мажлислари қарашидан танқид қилган. Шундай бўлса ҳам бу санъаткор, нозик шоирнинг бутун башариятни заҳарлаган дин ва хурофотга қаршу кулишларини тақдир этмай ўтиш қўлдан келмайдир.

1

Дар мажлис агар чи бо ниёз омадам,  
Ҳаҳоки не аз баҳри намоз омадам.  
Инжо рўзи сижода дуз дидам,  
Он гум шудаест боз-боз омадам.

Т а р ж и м а с и:

Мен масжидга тубанчилик билан келган бўлсамда, тўғруси, намоз учун келмадим. Бундан бир кун жойнамоз ўғирлаган эдим. Шунини яна йўқотдим, яна келдим!...

2

Гўяндки, май бамоҳи шаъбон наравост,  
На низ ражабки ин махлас худост,  
Шабон, ражаб маҳ худоянду расул,  
Моҳи рамазон хўремки ин хосаи мост.

Т а р ж и м а с и:

Айтганларига кўра, шаъбон ойида май ичиш ярамас эмиш (чунки бу пайғамбарнинг ойи эмиш). Ражаб ойида ҳам ичиб бўлмас эмиш, чунки бу худонинг ойи эмиш. Бу ҳолда биз ўзимизнинг рамазонимизда ичайлик.

3

Гўянд беҳишту хуру кавсар бошад,  
Жўйн майу ширу шакар бошад.  
Туркун қадаҳ бода ва бардастам не  
Нақди э-ҳазор насия бехтар бошад.

Т а р ж и м а с и:

Айтганларига кўра, жаннат, ҳур, кавсар деган нарсалар бўлар экан.  
Онда майдан, сутдан, болдан, шакардан ариқлар оқар экан.

Май қадаҳини тўлдириб бер қўлимга,  
Чунки биттагина нақд, минг насядан яхшироқдир.

Жомию майу соқий бар лаб кашад,  
 Ин жумла амр нақд туро нася беҳишт.  
 Машунав суҳан беҳишту дўзах аз кас,  
 Ки рафт дузах ва ки омад зи беҳишт?

Т а р ж и м а с и:

Мен бир гулзор бўйича май, пиёла ва соқийни нақд-  
 гина истайман.

Нася жаннат сеники бўлсин,  
 Ҳеч кимдан жаннат, жаҳаннам сўзини тинглама.  
 Ҳалигача жаҳаннамга ким кетди, жаннатдан ким келди?

## 5

Эй муфтий, 3-ту пуркортарим,  
 Бо ин ҳама масти 3-ту ҳушёртарим,  
 Ту хуни касон хўри ва мо хуни разон,  
 Инсоф бидеҳ кедом хунхортарим.

Т а р ж и м а с и:

Эй шаҳримизнинг муфтийси, биз сендан ишчанроқмиз,  
 Маст бўлсак ҳам сендан яхшироқ ўйлаймиз.  
 Сен одамларнинг қонини ичасан, биз узум қонини  
 ичамиз.

Қайсимиз хунхорроқ эканмиз, ўзинг инсоф қил!

## 6

Моем харидор майи кўҳна ва нав,  
 Ва онгоҳ фурушанда жаннат ба ду жав.  
 Гўйики пас аз марг кужо ҳоҳам рафт,  
 Май пешни ору ҳар кужо хоҳад рав.

Т а р ж и м а с и:

Биз майнинг эски ҳам янгисига харидорлармиз,  
 Жаннатни эса иккитагина арпага сотишга тайёрмиз.  
 Сен ўлимдан кейин қаёққа борар эканман, деб ўйлайсан,  
 Майни менга кетир, қаёққа борсанг боравер.

## 7

3-он пешки ғамҳо шаби хун оранд,  
 Фармоники, то бода гулгун оранд.  
 Ту зар не, э ғофил, нодон ки туро,  
 Дар ҳок ниҳонд боз берун оранд.

Т а р ж и м а с и:

Қайғулар босмасдан бурун,  
Бүжүргил, қизил май келтирсинлар.  
Эй билимсиз ғофил, сен олтин эмассанки,  
Тупроққа кўмгандан кейин янгидан сени чиқарсинлар.

8

Май хўрдану шод будан ойини манаст,  
Фориғ будану з-куфру дин, дини ман аст.  
Гўфтам ба арус даҳр оби ту чист?  
Гўфто дили хуррам ту кобини манаст.

Т а р ж и м а с и:

Менинг мазҳабим ичиб, шодлик қилмоқдир,  
Диндорлик, кофирлик ишларидан узоқ турмоқ менинг  
динимдир.  
Чиройлик келинга ўхшаган дунёдан, «Сенинг қалининг  
нимадир», деб сўрадим,  
«Менинг қалиним сенинг қайғусиз, тоза кўнглингдир!»  
деди.

9

Изад чу гил вужуд моро ораст,  
Донис з-феъли мо чи бар хоҳад хост.  
Беҳукмаш даст ҳар гуноҳи ки марост,  
Ба суҳан рўзи қиёмат з-кужост?

Т а р ж и м а с и:

Тангри бизнинг танимизни лойдан тузган экан,  
Бизнинг дунёда нималар қилишимизни билгандир,  
албатта,  
Шундай бўлгач, бизнинг бутун гуноҳларимиз унинг  
амри биландир.  
У ҳолда қиёмат куни оловга ёндиришнинг нима маъноси  
бор?

10

Қас хулд ва жаҳимро надидаст, эй дил,  
Гўйики, аз он жаҳон радаст, эй дил?  
Умид ва ҳарос мо бежизест казон,  
Жуз номи нишони на падиаст, эй дил.

Т а р ж и м а с и:

Эй кўнгул, ҳеч ким жаннат билан жаҳаннамни кўрган  
эмас,

У дунёдан ким келди (ки, улардан аниқ хабар берган бўлсин).  
Биз бир нарсадан қўрқуб, бир нарсага умид боғлаган-  
мизким,  
Уларнинг қуруқ исмидан бошқа ҳеч асарлари майдонда йўқдир.

Саройда оппортунизм таълимоти билан машгул бўлган ёхуд саройдаги оппортунист ҳаётининг бир намоёндаси бўлган Хайёмнинг оддий одамлардан эмас, ҳаким, файласуф бир зот эканини юқорида кўрган эдик. У саройдаги оппортунист ҳаётини давом эттирмак учун ўзининг бор кучини, бор маълумотини сарф қилгандир. У бошлаб мобилизм фалсафасига таянадир. Оламда бир ҳолда қолғучи ҳеч бир нарса йўқдир. Ҳар нарсанинг шакли ўзгариб турадир, дейдир.

Бу тўғруда Хайём билан мутасаввифлар бир фикрда. Улар ҳам оламда собит ҳеч бир нарса йўқ, олам ўзгариб турган бир «хоб<sup>1</sup> хаёл»дан иборатдир, дейлар. Машҳур мутасаввиф Бедил ҳам:

Абас ба фикри қумош саботу жома мадад,  
Ба оламики туйи инқилоб май бофанд

деган эди.

Лекин, Хайёмнинг бундан олатурган натижаси сўфийлар олатурган натижадан бутунлай бошқадир.

Сўфийлар «Оламда собит йўқ, ҳар вақт ўзгариб турадир, бу бир хаёлдан иборатдир. Утганлар ўтди, йўқолди. Келгусилар ҳали йўқ. Келса, ўтиб йўқолар. Шу бир нафасни ғанимат билиб, Худога топин, унга яқинлаш» каби бўлмағур гаплар билан мияни ачиталар. Рнёзатга, ибодатга, мууроқибага ундайлар. Хайём «дам ғаниматдир, буни ичкисиз, кайф-сафосиз ўткарма!» дейдир.

Шунинг учун Хайём оламда инқилоб борлигини исбот қилмоқ учун кераклик далилларни май кечаларида кайф-сафо мажлисларидан оладир. Яъни Хайём: мобилизм фалсафасидан кайф-сафо мажлисларида дарс берадир. Мақсади шу мажлисларнинг давомига замин ҳозирламоқдир.

У май кўзасига қараб дер:

1

Ин кўза чу ман ошиқи зорий будаст,  
Дар банди сари зулфи ингори будаст,

Ин даста ки дар гардани, о, мебни,  
Дастист, ки дар гардани ёрий будаст.

Т а р ж и м а с и:

Бу кўза менга ўхшаган бир ошиқ эди.  
Бир гўзалнинг сочларига боғланган эди.  
Бўйнидаги дастанни кўрасанми,  
Бу бир маъшук бўйнига осилган бир қўл эди.

2

Ди кўзагари бидидам андар бозор,  
Бар пора гили лағат ҳамизат бисёр.  
Дон гил базабони ҳол бо у мегўфт,  
Ман ҳам чу ту будаам маро нингу дор.

Т а р ж и м а с и:

Тунов кун бозорда бир кулолчи кўрдим,  
Бир нарча лойни теппоқда эди.  
Лой эса ўзининг турниши билан унга  
«Мен ҳам сен каби эдим, мени яхши тут» дер эди.

3

Дар корки кўза гири рафтам дўш,  
Дидам ду ҳазор кўза гўё ва хамуш,  
Ҳар як ба забон ҳол боман мегўфт,  
Ки кўзагару, кўзахару, кўзафуруш?

Т а р ж и м а с и:

Кеча кўза ясовчи (кулолчи)нинг дўконига бордим,  
Мингларча кўзалар кўрдим, ганирмасалар ҳам га-  
пирган каби эдилар.  
Ҳар бири менга ўзининг вазияти билан  
«Бизнинг қайсимиз кулол(чи), қайсимиз кўза олғучи.  
Қайсимиз кўза сотувчи?» деб сўрар эдилар.

4

Абр омад боз бар сари сабза гирист,  
Беводан арғувон наме бояд з-ист.  
Имрўзки ин сабза томошогаҳи мост,  
То сабзан ҳоким мо томошогаҳи кист.

Т а р ж и м а с и:

Будут яна келиб, кўкламлар бошида йиғлади,  
Бу чоғда арғувон рангли майдан узоқда туриш ярамай-  
дир.

Зеро, бугун бу кўкламликни биз томоша қиламиз,  
Бизнинг тупроғимиздан ўсган кўкламларни кимлар  
томоша қилалар (билмайман).

## 5

Бингар сабо домани гул чок шуда,  
Булбул зи жамол гул тарабнок шуда,  
Дар сояйи гул нишинки бисёр ин гул,  
Аз ҳок баромадаст ва бар ҳок шуда.

Т а р ж и м а с и:

Қарағил, тонг елидан гул этаги қандай йиртилган,  
Булбул гулга қараб қандай шодланган.  
Сен гул соясида бироз ўтир (зеро), бу гул  
Тупроқдан неча дафъалар чиқиб, яна тупроққа кирган-  
дир.

Иш шунинг билан, албатта, қолмайдир, табиб, фай-  
ласуф ҳам шоир бўлган Хайёмнинг раҳбарлиги остида  
ўзларининг кайф-сафо кечаларини давом эттирмак ис-  
таганлар бу қадар билан қаноатланмайлар. Унга яна  
саволлар бералар. «Хўб» — дейлар, — шу ўзгариб тур-  
ган ҳодисот оламининг нари томонида ҳеч ҳақиқат  
борми? Олам шундоқ ўзгариб турадир-у, биз ҳам ўз  
кайф-сафомизда давом қилаверамиз. Бошқа ҳеч гап  
йўқми?» — деб сўрайлар. Хайём бунга: «Билмайман,  
уни билиб бўлмайди!» деб жавоб берадир. Хайём бунда  
энди огнистизм фалсафасига чўмилган бўладирки, бу  
фалсафага мусулмон олимлари «лоадрия мазҳаби» дер-  
лар. Хайём мана шу лоадрия фалсафасига онд 4—5  
рубойи берадир:

## 1

Қавми мутаффакиран дар мазҳаб ва дин,  
Жамъи мутахиранд дар шак ва яқин.  
Ногоҳ минодий дар ин з-камбан,  
Кой беҳабарона роҳ на онаст, на ин.

Т а р ж и м а с и:

Бир гуруҳ дин ва мазҳаб тўғруларида тушунмакдалар,  
Бир жамоат шубҳа билан аниқлик орасида ҳайрон  
юрмакдалар.

Бирдан қарайсанки, бир жарчи: «Ҳой, хабарсизлар,  
Иўл у ҳам эмас, бу ҳам эмас!», деб қичқирадир.

## 2

Ононки муҳит фазлу одоб шуданд,  
 Ва-изжамъ камол шамъ асҳоб шуданд.  
 Раҳ з-ин шаб торик на бӯрданд берун,  
 Гуйанд фасонаи ва на хоб шуданд.

Т а р ж и м а с и:

Фазилат ва одоб билан ўралиб олинганлар илм ва камолот йиғиб, халқ орасида ёруғ чирроғ каби яшнаб турдилар. Лекин, бу қора кечадан йўл топиб чиқа олмадилар. Эртақлар айта-айта уйқуға толдилар, ахир.

## 3

Аз омаданам набуд гардунро суд,  
 В-аз рафтани жамолт хоҳаш нафузд.  
 Аз ҳеч каси низ ду гушам нашунад,  
 К-ин омадан ва рафтани мап баҳри чи буд.

Т а р ж и м а с и:

Менинг келишимдан замона учун ҳеч бир фойда йўқ.  
 Кетишим билан ҳам унинг ҳеч нимаси ортмайди.  
 Ҳеч кимдан ҳам шу икки қулоғим билан эшита олма-  
 димки,  
 Менинг бу келиб кетишим нима учундир!

Бу шундай дунё бор экан-да, биз ҳақиқатни онглай олмай эканмиз, лекин ўлгандан кейин-чи? Онда бир нарсани онглаш — билиш мумкин бўлмасми?! Бу саволга энди Хайём куладир.

«Сен тирик эканда, шуурнинг ўзинида бўлганла бир нарсани била олмадинг, ўлуб шуурингдан айрилгандан сўнг нима биларсан», дейди:

Имрўзки боҳўди надонисти ҳеч,  
 Фардои зуҳуд рави чи хоҳи донист.

## 4

Даври ки дару омадан ва рафтани мост,  
 Оиро на бадоят на ниҳоят пайдост,  
 Кас май назанад дами дар ин маъни рост,  
 Ки ин омадан аз кужо ба рафтани ба жу жост?

Т а р ж и м а с и:

Бизнинг келиб кетганимиз даврининг на боши, на оёғи билинмайди.

Бу келиб кетишнинг қайдан қаерга экани тўғрусида ҳам ҳеч ким тўғруроқ сўзлай олмади.

## 5.

Дар пардаи асрор касиро раҳ нест,  
3-ин таъбия чун жон кас огаҳ нест.  
Хаз дар дили ҳок ҳеч манзилки нест,  
Мешунав ки чунин фасонаҳо кўтаҳ нест.

Т а р ж и м а с и:

Табиатнинг асрор пардасини ҳеч ким кўтариб тура олмайди<sup>1)</sup>.

Бу тартиботдан ҳеч кимнинг жони хабардор эмас.  
Тупроқ бағридан бошқа бориб туратурган жой (жаннат, жаҳаннам) йўқдир.

Афсоналар узундир, сен уларни тинглама.

Хайём мана шу фалсафани, муҳокамаларни яна май, яна кайф-сафо масалалари билан натижалантирадир:

Чун нест ҳақиқат ва яқин андар даст,  
На тавон ба умиду шак ҳама умр нишаст.  
Мон, то нанаҳим жоми май аз кафи даст,  
Дар беҳабари мурд чи ҳушёр чи маст,

дейдир.

Т а р ж и м а с и:

Шундай бўлғач, ҳеч бир ҳақиқат, ҳеч бир аниқлик майдонда бўлмағач, шубҳалар, аниқсизликлар орасида умр ўтказиш ярамайдир.

Кел, май пиёласини қўлдан қўймайлик.

Чунки, ҳеч нарсадан хабар бўлмагандан кейин, мастлик билан ҳушёрлик баробардир.

Хайём огнистизмда тура олмайдир. Инкор учун йўл излай бошлайдир. Бошлаб, кучли-кучли шубҳалар майдониға ташлайдир: агар ҳақиқатан шу ҳодисот оламининг нари ёғида бир ҳақиқат бўлса, у ҳам, сизнинг ўйлаганизча, «худо» эса, у ҳолда бу қадар тузук, синдиришлар нечун:

## 1.

Таркиби пиёлароки дар ҳам пайваст,  
Бишикастан ў раво кужо дорад маст.

<sup>1)</sup> Бу фикр фаннинг Хайём замонидagi даврида тўғридир. Бугун эса фан табиат асроридан ҳар куми бирини кашф этиб, динға зарба бермоқдадир.



Чандин сару соқ нозанин на кафи даст,  
Аз меҳр ки пайваст, ба кини ки шикаст.

Т а р ж и м а с и:

Май пиёласи тузилган бир нарса, шуни синдиришни мастлар ҳам тиламайлар. Бу қадар нозанин қўллар, гавдалар, бошлар... Қимнинг меҳри билан тузилиб, қимнинг кинаси<sup>45</sup> билан бузиладир?!

2.

Доранда ки таркиби табойи ороост,  
Аз баҳри чи ў фикандаш андар кам кост.  
Гар нек омад шикастан аз баҳри чи буд,  
Вар неки найоман ин сур айби кирост?

Т а р ж и м а с и:

Табиатнинг тартибларини уни(нг) эгаси тузган бўлса, ҳечун камчиликлардан уни қутқазмади? Агар булар яхши тузилган бўлса, бузишнинг сабаби нима?! Яхши тузилмаган бўлса, гуноҳ кимда?!

Мана бу шубҳалар Хайёмни огнистизмнинг (лоадрийликнинг) манфий томонига тортадир. Уни қатъий инкорга элтиб тўхтатадир. У: «Мана шу кўрганзимиз ҳодисот оламининг нариёғида ҳеч нарса йўқдир!» — деб қичқирадир:

1

Эй беҳабар, ин шакл мужассам ҳеч аст,  
Вайн торам наравоқи арқам ҳеч аст.  
Хуш бошки дар нашиман кун ва фасод,  
Вабаста як дамим он ҳам ҳеч аст.

Т а р ж и м а с и:

Эй хабарсиз, мана шу гавдаланган шакл (қоинот) ҳечдир. Бу тўққиз қабат нақшли кўк ҳам ҳечдир. Сен кайфини қўлдан берма, бу оламда ёлғиз биргина нафасга боғланганмизки, у ҳам ҳечдир!

2.

Ринди дидам нишаста бар ханги замин,  
На куфр, на ислом, на дунё ва на дин.  
На ҳақ, на ҳақиқат, на шарият, на яқин,  
Андар ду жаҳон киро буд заҳраи ин.

Т а р ж и м а с и:

Ер отига миниб олган бир ринди кўрдимки, куфр, ис-

лом, дин, ҳақ-ҳақиқат, шарият, яқинларнинг ҳаммасини ташлаган икки дунёда бундай ботурлик кимда бор?!

### Натижа

Хайём таржимайи ҳолига собит бир тус беришга тиришиб кетирганимиз материаллардан унинг у замонда юксак бир илмий ўрин тутгани онглашилган бўлса керак. Хайём риёзиёт, табиёт, ҳайъат, фалсафада асрнинг устодларидан бўлган. Унинг фанний асарларини текшириб илмга, фанга қилган хизматларини майдонга чиқариш ва шул хизматларга кўра уни тақдир қилиш фан тарихининг вазифаси.

Хайёмнинг рубоидан бошқа шаклларда шеър ёзмагани ёхуд жуда оз ёзганини назарга олганда, унинг бошқа форс шоирлари каби шоирликни асосий ишлардан қилиб олмаганига ҳукм қилиш мумкин. Хайём подшоҳларни турли муболағалар билан мақтаб узун қасидалар ёзмаган. Бундан Хайёмнинг подшоҳларни мақтаб таъмин-маишат қилишга таназзул қилмаган илмий олий ҳимматлардан, саройни у қадар севмаганлардан эканини даъво қилмоқ у қадар тўғри бўлмайди<sup>1)</sup>. Хайём шоирликни асосий касб қилиб олмаган, саройда ўз мавқеини таъмин қилиш учун шеърга унинг эҳтиёжи бўлмаган. Бу мақсадга эришмоқ учун унинг йўлида шеърдан муҳимроқ танилган табиблик, мунажжимлик санъатлари бўлган. У шулар билан ўз мавқеини керагича таъмин эта олган. Рубоийларини эса подшоҳларга базмдошлик нуқтаи назаридан ёзган.

Хайём динга қаршудир. Хайём шу нуқтаи назаридан бизга яқинлаша оладирми, йўқми? Бу саволнинг жавобини бермак учун бир нуқтани текшириш лозим: Биз Хайёмнинг рубоийларидан бошқа бир кўб мустақил асарлари борлигини юқорида кўрдик. Хайём шу мустақил асарларини биттасида динга қаршу очиқ бир фикрни майдонга қўйганми? Ёхуд бошқа бир кўб буржуазия файласуфлари каби ишни пардалаб ўтишга киришганми?!

Хайёмнинг бошқа асарлари ҳали текширилмаган. Шунинг учун биз (томонимиздан) бу ҳақда узил-кесил бир нарса айтиш қийин. Шундай бўлса ҳам мен ўзим иккинчи бир фикрга тарафдорман: Менинг фикримча,

---

<sup>1)</sup> Герцигла босилган «Рубоийети Ҳакими Умар Хайём»да Хайёмнинг таржимайи ҳолини ёзган доктор Фридрих Розан Хайёмни шу йўлдароқ мақтайдир.

Хайём динсизликни мустақил бир асариди мудофаа қилиб майдонга қўйишга ботирлиқ қила олмаган. У динсизликни май мажлисларидагина шу мажлисларни гуллатмак учунгина мудофаа қилган. У ҳолда бу нуқтадан ҳам Хайём бизга яқинлаша олмайди...

Хайём (ни) шарқ тазкирачилари кўбрак шоирлар қаторига киргизмак истамаганлар. Буни юқорида кўрган эдик. Бунинг сабаби Хайёмнинг рубойдан бошқа шеър ёзмагани, рубойни ҳам жуда оз ёзгани бўлса керак. Биз шарқ тазкирачиларининг бу ишларига қарамасдан Хайёмнинг шарқ шоирлари орасида жуда юқори бир ўрин олганини қабул қиламиз. Хайёмнинг рубойларида бўлган ифода очиқлиги, услуб гўзаллиги, фикр ўткурлиги уни бошқа шарқ шоирларидан юқорига чиқаради. Хайёмнинг фикр ифода қилишидаги усталигидан фойдаланиш ҳар шоир учун керакли бир ишдир. Бизнинг классик адабиётимизнинг форс адабиёти таъсири остида қолгани турган гап, буни ҳаммамиз биламиз. Шундай бўлгач, классик шоирларимизнинг Хайёмдан таъсир олган бўлишлари маълум. Бизнинг шоирларимиздан ўзини Хайёмга ўхшатишга тиришганлар кўб. Навоийнинг, Лутфи (й)нинг, Умархоннинг, Фазли (й)нинг ва бошқаларнинг хайёмона рубойлари йўқ эмас, бор. Лекин, буларнинг ҳеч бири рубойда Хайёмга яқинлаша олмаган. Зўрлаган, зўрлаган, натижада муваффақиятсиз чиққан. Менинг фикримча, бизнинг классик шоирлар орасида Хайёмга яқинлашишга, ўзини Хайёмга ўхшатишга муваффақ бўлган бирдан бир шоир машҳур Бобир Мирзодир.

Бобирнинг рубойларида бўлгани очиқлик, гўзаллик, соддалик Хайёмга ўхшайди. Лекин, Бобир Хайём каби ҳикмат, фалсафа олими бўлмаган. Бу нуқталарда унинг рубойлари Хайёмдан жуда кейинда туради. Биз бунда Бобирнинг баъзи рубойларини кўчирамиз:

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,  
Ё барча муродларни тарк этса киши.  
Бу икки муяссар ўлмаса оламда.  
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

\* \* \*

Рафторию қаддиға равоним садқа,  
Бир боқишиға икки жаҳоним садқа.  
Оғзию белиға буду нобудум сарф,  
Кўзию лабиға жисму жоним садқа.

\* \* \*

Келди рамазону, мен тақи бодапараст,  
Ийд ўлдию, зикри май қилурман пайваст.  
Не рўзаю, не намоз йиллар, ойлар,  
Тун, кун маю, маъжун билан девоною маст.

\* \* \*

Май таркини қилғали эрурман ғамлиқ,  
Бор тийра кўнгулда ҳар замон дарҳамлиқ,  
Ғам бирла фарсудалиқ ҳалок этди мени,  
Май бирла эмиш шодлиқу хуррамлиқ.

\* \* \*

Май таркини қилғали паришондурман,  
Билмон қилур ишимни, ҳайрондурман.  
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,  
Мен тавба қилибману пушаймондурман.

Ҳар ҳолда Хайём билан бизнинг классик шоирлар-  
нинг муносабатларини белгилаш айрича бир ишдир.  
Ҳозир бу ҳақда узун тўхташ мумкин эмасдир.

## ИЗОҲЛАР

### «НАВОЙНИНГ ФОРСИ ШОИРИЛИГИ ҲАМ УНИНГ ФОРСИ ДЕВОНИ ТУҒРИСИДА»

Мақола Фитратнинг Алишер Навоий ҳақида ёзилган энг чуқур тадқиқоти даражасида ўз даврида ва кейинги йилларда ҳам аҳамият касб этган. Навоийшуносликда унинг форсий адабиётнинг улкан вакили экани ҳали тадқиқ этилмаган бир пайтда, нафақат Фоййининг, балки ушбу тахаллусни қўллаган бошқа шоирларнинг ижодини ёритишида ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Мақола илк бор «Маориф ва ўқитғучи» журнаlining 1925 йил 12-сонида (38--41-бет) чоп этилган. 1993 йили «Шарқ машъали» илмий мажмуасининг 1-сонида қайта нашр этилган (табдилчи Ҳ. Боллабоев).

Мақола қайта нашрга тайёрланиш жараёнида илк нусхалари билан солиштирилди, унда келтирилган Навоий, Жомий ва бошқа форсгўй шоирларнинг асарларидан нарчалар ҳозирги нашр билан қиёсан ўрганилди. Мавжуд таржималар (масалан, Ш. Шомуҳамедов, М. Ҳасанинг) айни ўша байтлар изоҳларида берилди, аввалда таржима бўлмагандарининг эса, мазмуни келтирилди. Илбатаи номатълум ёки кам таниш бўлган муаллифлар ҳақидаги маълумот ҳам қуйида изоҳлар таркибида берилди:

1. Давлатшоҳ — Машҳур тазкирачи Давлатшоҳ Самарқандий (1435/36—1495) назарда тутилган. Форсий тилда ёзилган «Тазкират уш-шуаро» (1486)нинг муаллифи. Бу асарнинг кейинги наشري: Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (форсчада В. Аҳмедов таржимаси). Т., 1981, 188—196-бет.

2. Сом Мирзо — XV—XVI асрларда яшаган машҳур форс тазкирачиларидан бўлиб, унинг 1500 йилда ёзилган «Тухфан Сомий» асари назарда тутилган.

3. Ҳидоят — тўла номи: Ризо Қулихон Ҳидоят. XIX аср тазкирачи ва тарихчи олимларидан. Бу ўринда форс тилида ёзилган «Манъма ул-фусаҳо» («Чиройли сўзловчилар мажмуаси»)га муносабат билдирилган.

4. Ҳусайн — мабалаарда Ҳусайн исми билан тилга олинган шоир ва олимлар аччағини. Бу ўринда машҳур «Тафсири форсий»нинг муаллифи Камолиддин Ҳусайн Воли Кошифий ҳақида фикр юртилишти.

5. Бу фикр «Бобурнома»дан олинган. **Унда келтирилишича:** «... Форсий назмда «Фошй» тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар сует ва фурудтур» дейилган. Қаранг: Бобурнома, Т., 1989, 154-бет.

6. Фитратнинг бу кузатишлари кейинроқ бошқа навоий-шунослар томонидан давом этирилиб, махсус тадқиқотлар ёрдамида исбот этилган (гарчи буларда Фитратнинг муборак номи ёдга олинмаган бўлса ҳам): Е. Исҳоқов. Навоий ва Хусрав Деҳлавий. Китобда: «Навоий ва адабий таъсир масалалари». Т., «Фан», 1968, 88—106-бет; А. Мирзоев. Фоний ва Ҳофиз. Душанбе, «Ирфон», 1966, саҳ. 6—10; «Навоий ва Жомий» (тўплам). Т., Ф. Гулом номидаги нашриёт, 1989.

7. Таъриҳ — хатоларни ислоҳ қилиш, тузатиб бериш.

8. Хусрав Деҳлавийнинг ушбу қасидасининг номи «Дарёи аброр»дир. Айрим мабалаарда, шунингдек, Фитратнинг ушбу мақоласида ҳам «Баҳр ул-аброр» номи билан келтирилган. Парчанинг таржимаси: Подшоҳ ноғорасининг ичи бўшу гулгула-сининг шовқин-сурони бошни оғритади. Ҳўлу қуруққа қаноат қилган киши сув ва қуруқлик подшоҳидир (Ш. Шомуҳамедов).

9. «Лужжат ул-асрор» — Жомий қасидаси. Бу ҳақда Навоийнинг ўзида ўқиймиз: «Бу шерьға Ҳазрати Маҳдумий Нуран жавоб айтубдурлар ва отин «Лужжат ул-асрор» битибдирлар» («Муҳокамат ул-луғатайн». Навоий, Асарлар, XIV том, 122-бет). «Лужжат ул-асрор»нинг луғавий маъноси — «Сирлар денгизи».

10. «Тухфат ул-афкор»даги байтлар сови Фитрат кўрсатганидек, 26 эмас, балки у 99 тадир. Фитратнинг қўлидаги манбада қасида шундай берилган бўлиши мумкин. Қолаверса, бу пайтда «Девони Фоний»нинг тўла нусхаси ҳали топилмаган эдики, Фитратдаги бу штибоҳни кечириш мумкиндир. Қасидадан келтирилган байтнинг мазмуни: «Подшоҳлар тожини бе-заган ўтли лаъл, хом хаёлни пишириш учун бошдаги бир чўг-дир (С. Лайий).

11. «Миръот ус-сафо» — «Поклик кўзгуси».

12. «Жило ур-руҳ» — Абдурахмон Жомийнинг қасидаси, лу-ғавий маъноси «Руҳнинг равшанлиги»дир. Бу ҳақда Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида: «Ва Ҳазрати Маҳдумий Ну-ран анинг жавобида «Жило ур-руҳ» отлиқ қасидани дебтурлар (Навоий, Асарлар, XIV том, 123-бет).

13. Таржимаси: Муаллим ишқдир, ақл цери сабоқ ўқувчи боладир, болага одоб бериш учун фалак отланувчи чарх бўлди... (Эски мактабда «фалак» (фалақ) деб аталган қийнов қуроли бўлган, уни болаининг икки оёғидан ўтказиб айлантирар ва оёқ қафтига урар эдилар. Бу ерда «фалак» сўзи шунга иш-ра қилиб, фалакнинг айланиши мазкур қийнов қуролига ўхша-тилган).

14. Бу асарнинг номи «Насим ул-хулд» («Жаннат шаббодаси») бўлиб, Фитрат негадир унинг номини келтирмаган.

15. Ушбу парча Навоий «Асарлар»ининг XV жилдидида

«мусаввар» ўрнига «мусаввир», «ажаб» ўрнига «ажиб» тарзида берилган. Таржимада шу тузатиш ипобатга олинган. Таржима-си: Қандай яхшики, қудрат қалами билан тасвирланган нарсалар ундан ҳар замон мнинг хил ажойиб нақш пайдо бўлади.

16. «Руҳ ул-қудс» — «Муқаддас руҳ» Навоийнинг «Ситтаи зарурия» («Олти зарурият») тўпламига кирган биринчи қасидадир. 132 байтдан иборат бу қасида Худонинг васфига бағишланган.

17. Т а р ж и м а с и : Кеча посбонлари қора чодир ёйганларида, ой юзли гўзалларга жилва берадилар.

18. «Айн ул-ҳаёт» — «Ҳаёт чашмаси», «Ситтаи зарурия»нинг иккинчи қасидаси бўлиб, бу асарда хоразмли шайх Нажмиддин Қубро тилга олинади, чунки у «Айн ул-ҳаёт» номи билан Қуръон тафсири ёзган уламо эди.

19. Т а р ж и м а с и : Кинишлар кўзи нурланди юзинг шамъидан, жаҳон кўз қароғи бўлдинг айни инсонликдан.

20. «Минҳож ун-нажот» — «Қутулиш йўли», юқоридаги тўпламдаги қасидаларнинг биридир. У 138 байтдан иборат бўлиб, машҳур форсигўй шоирлар Хоқоний ва Анварийнинг қасидаларига жавобан ёзилган.

21. Т а р ж и м а с и : Жаҳон — фано катта йўлининг тор маънавлидир, у ерда турма, шоҳу гадонинг ўтар йўлидир.

22. «Қувват ул-қулуб» — «Қалблар ғизоси», 110 байтдан иборат тасаввуфий руҳдаги қасидадир. Навоий қасидалари ҳақида фикр юритаркан, Фитрат негадир бирор ўринда ушбу тўпламга кирган олтинчи қасида «Насим ул-хулд» («Жаннат шабодаси») асарини, тўпламнинг номи «Ситтаи зарурия» ни тилга олмаган. Бу фикр ҳам Фитрат қўлидаги нусхачинг тўла эмаслигини билдиради.

23. «Тарсиъ саъвати» деган сўз ўйуни борлигини... — шеърда бир мисрадаги сўзларнинг иккинчисиданлар билан оҳангдош, вазидош ва қофиядош бўлиб келиши. Бу ҳақда Фитрат «Адабиёт қондалари» китобида (Тошкент, 1926) махсус тўхталди.

24. Салмон Соважий — тўла номи Жалолиддин Салмон Соважий (1300—1375). Форс мумтоз адабиётида қасиданавис сифатида танилган сўфий шоир. Унинг ғазал ва соқийномалари билан бирга «Фироқнома», «Жамшид ва Хуршид» дostonлари ҳам маълум.

25. Т а р ж и м а с и : Покиза юзининг софлиги баҳор сувини тўқди, жаннатдек маъзилнинг ҳавоси хушбўйлик тарқатди.

26. Т а р ж и м а с и : Бўстонга баҳор фаслининг шабодаси шундай эдики, ундан дўстларга ёр васлининг хуш иси етишди.

27. «Фусули арбаа» — Навоийнинг тўрт қасидадан иборат тўплами, луғавий маъноси «тўрт фасл»дир. Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бу тўплам «Баҳор» (57 байт), «Саратон»

(71), «Хазон» (33), «Дай» («Қиш»—70 байт) каби қасидаларни ўз ичига олади.

28. Т а р ж и м а с и :

Майхонада допм сендан сўзлайман,  
Ҳарамда ҳам тинмай сени излайман.  
Мардум ичра келсам дейман юзма-юз,  
Фироқда ҳам дилдан сени излайман.

(Маҳмуд Ҳасан).

29. Т а р ж и м а с и :

Бу мактуб, мактуб эмас, балки менинг дардимни даф қилувчидир.  
Бемор жигарим оромидир.  
Епиқ дилим ва совуқ нафасимга таскин берувчидир,  
Яъни, жаҳон кезиб юрган моҳимдан хабардир.

(Ш. Шомуҳамедов).

30. Т а р ж и м а с и :

Эй зағори фалак, инсоф билан айтгил,  
Бу иккисидан қай бири яхшироқ юриш қилди.  
Тонг томондан чиққан сенинг дупёни равшан қилувчи қуёшингми  
ёки Шом томондан чиққан менинг жаҳонгашта ойшмми?

31. «Навоийнинг форсча девони борлиги онглашилди...» — бу ҳақда «Маориф ва ўқитғучи» саҳифаларыда (1925 йил, 3-сон, 56—62-бетлар) Вадуд Маҳмудийнинг «Алишер Навоий» номли мақоласида хабар берилган. Фитрат шу мақолани эсга олади. Қуйида келтирилажак форсий байтларнинг мазмуни ушбу мақолада онглашилгани учун уларнинг таржималари берилмади. Унинг қайта нашри учун қаранг: «Ешлик» ж., 1991, 5-сон, 2—4-бет.

32. Мусо Саиджонов (1893—1939) — Бухоро Халқ республикаси Маориф халқ назирлиги бўлиб ишлаган, тарихчи профессор. Унинг жуда бой хусусий кутубхонаси кейинчалик Ибн Сино номидаги Бухоро кутубхонаси таркибига киритилган.

33. Қози Муҳаммад Шариф Садр — «Садр Зип», «Шариф-жон маҳдум» (1865 йил туғилган) исми билан машҳур бўлган Бухоро амирлигининг қозикаломи (1917), 1918 йили қамоққа олинган, 1931 йилда вафот этган. Айтишларича, жуда бой кутубхона унга отасидан мерос қолган.

34. Ш. Сомийнинг «Қомус ул-аълум» асарида Фомий исмли икки шоир кўрсатилади... — «Шамсиддин Сомий (1850—1904) — машҳур турк олими. Қадимги юнон, роман тиллари ва бир қанча табиий фанлар олими. Қатор луғат ва қомуслар муал-



лифи. Жумладан, «Французча-туркча луғат», «Қомуси арабий», «Қомуси туркий», ва нихоят «Қомус ул-аълум» (6 жилддан иборат). Ушбу манбада икки «Фоний» кўрсатилган бўлиб, уларнинг бири Фитрат назарда тутган Муҳаммад Муҳсиндир. Бу каби фикрлар кейинроқ С. Айнийнинг «Навоий ва тожик адабиёти» номли мақоласида (Қаранг: С. Айний. Асарлар. 8-том, Т., 1967, 38-бет) ҳам такрорланади.

### «ҚУТАДҒУ БИЛИГ»

Илм оламида Юсуф Хос Ҳожиб (Боласоғуний)нинг «Қутадғу билиг» номли асарининг икки нусхаси (Қоҳира, Вена) маълум эди. Фитратнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу асарнинг учинчи нусхаси Памаганда топилди ва шу муносабат билан Фитратнинг ушбу мақоласи эълон қилинган. Фитрат бу мақола билан чекланмай, кейинроқ биричилардан бўлиб, ўзининг «Ўзбек адабиёти намуналари» (1-жилд) мажмуасида мана шу буюк асардан бир неча парчалар эълон этган, уни замонавий ўзбек тилига ўгирган, тушунарсиз сўзлар учун изоҳлар ёзган олим эди.

Ушбу мақола «Маориф ва ўқитғучи» журналининг 1925 йил, 2-сони (68—73-бет)дан олиб нашрга тайёрланди. Мақола араб ёзувида эълон қилинган. Унд ҳозирги ёзувга ўгиришда юқоридан тилга олинган матидан ташқари Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари»га киритилган парчалардан ҳам «Қутадғу билиг»нинг 1971 йил «Фан» нашриётида (нашр муаллифи Қ. Каримов) чоп этилган танқидий матиларидан қиёсан фойдаланилди.

Фитратнинг «Қутадғу билиг» номли мақоласи ҳақида қуйидаги тадқиқот ва мақолалар қўшимча маълумот бериши мумкин:

Қ. Каримов. «Қутадғу билиг» асари ҳақида (Китобда: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг) Т., «Фан», 1971, 7—35-бет.

И. Каримов. «Қутадғу билиг»нинг топилиши «Фан ва турмуш» ж., 1993, 2-сон, 8—10-бет.

Қуйида тушунилиши қийин бўлган сўз ва истилоҳларга изоҳлар берилади:

1. Ташаккул — шаклланиш.
2. Қопқачи — эшик оғаси, дарбон.
3. Бўлдучилар — «бўлду» — болтасимон уруш қуроли. Демак, жангчи маъносида қўлланилган.
4. Сунъучилар — «сунъ» — иш, ҳунар. Сунъучилар — ҳунармандлар.
5. Қуришчилар — қурувчилар.
6. Жозеф Хаммер — машҳур тарихчи ва шарқшунос Хам-

мер Пургшталл (1774—1856). У киши асарини бир нусхасини Истанбулдан сотиб олиб, Вена Сарой кутубхонасига келтирган. «Вена нусхаси» номи билан юритиладиган мати шу киши томонидан топилган.

7. Жаубер — Жауберт Амадей назарда тутилади. У 1823 йилда бу асар ҳақида хабар бериш билан, унинг айрим намуналарини нашр этган ҳам эди.

8. Вамбери — машҳур мажор олими, У 1870 йилда «Қўтадғу билиг»дан айрим намуналарни «Уйғур тили обидалари» сарлавҳаси билан немис тилида нашр қилдирган.

9. Воролов — матнда шундай ёзилган. Асар тадқиқотчилари ва поширлари ичида бундай номни учратмадик. Бизнингча, Радлов булиши керак. Чунки, Фитрат айтган даврда бу асар рус мусташирларидан Радлов томонидангина изчил ўрганилган ва нашрга тайёрланган.

10. Томсен — У. Томсен (1842—1927), даниялик олим; «Қўтадғу билиг»ни ўқиб, ўзига хос талқин қилган.

11. Мартин Хартман — Олмония мусташирларидан. Асардан айрим парчаларни олмонча сўз боши билан нашр эттирган.

12. Фихрист — мундарижа жадвал. Бу ерда мати учун калит, унинг изоҳлари маъносиди.

13. Туш юргучлар — туш таъбирини айтувчи муважжимлар.

14. Экинчилар — деҳқонлар.

15. Сулс хати — эски араб ёзувларидан бири. У таълиқ ёзувидан ҳам бурун мавжуд бўлиб, унда ҳаракаглар ифодаси бўлмаган.

### «АҲМАД ЯССАВИЙ»

Мақола матни «Маориф ва ўқитғучи» журналининг 1927 йил 6-сон (29—35-бетлар) ҳамда 7—8 (бир муқова остида, 39—44-бетлар) сониди эълон этилган, ана шу маъба бўйича нашрга тайёрланган. Кейинги йилларда ушбу мақоланинг қатор қайта нашрлари амалга оширилди; Фитрат. Аҳмад Яссавий, «Санъат» ж., 1991, 8-сон (нашрга тайёрловчи С. Аҳмедов). Яна китобда: Яссавий ким эди? — Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 1994. Б. 18—33 (нашр муаллифи Б. Дўстқороев).

1. Фитрат бу ўринда қуйидаги мақола ва тадқиқотларни назарда тутди: А. Саъдий. Яссавий ким эди? «Илқилоб» ж., 1922, 5-сон; А. Саъдий. Имом Ғаззолий. «Илқилоб» ж., 1922, 6, 7, 8 ва 9—10-сон.

2. «Ўзбек адабиёти намуналари» ҳақида фикр юритилди. Унда жумладан, шундай ёзилганди: «Биламиз: яссавийлар та-

саввуф вакиллари. Тасаввуфнинг Аҳмад Яссавийдан бурун ҳам Урта Осиёда борлиги маълум. Бироқ тасаввуф маслаги Урта Осиёда Аҳмад Яссавий билан Абдухолиқ Гиждувийга эргашиб иккига ажраладир: бири Абдухолиқ Гиждувийга мансуб оқим бўлиб, иккинчиси Аҳмад Яссавийга мансуб оқимдир. Яссавий оқими далада яшаган кўчманчи халқлар орасида иш кўрган. Бу икки оқим тасаввуф орасида анчагина рақобат туйғуларининг ҳукм сургани «моноқиб» китобларидан маълум бўлади» (Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд, Тошкент—Самарқанд, 1928, 74—75-бетлар).

3. Емиши — мевася.

4. «Жаҳр» сўзининг лугавий маъноси «ошкора», «овоз чиқармоқ» бўлиб, зикр (садр) тушиш жараёнида ошкора, баланд овозда Аллоҳнинг номи тилга олинади ва турли ҳаракатлар билан қалб тозаланади. Бу сўз ҳозирги ўрнида «яссавия» тариқатининг иккинчи номи сифатида тилга олинмоқдаки, нақшбандийлар уларга қарши ўлароқ зикри нинҳоп ёки қалб зикри билан шуғулланганлар.

5. Яссавийнинг ҳикматларини таъқиб этган, демоқчи, «ҳикматларини» сўзи тушиб қолган. Таъқиб этмоқ — эргашмоқ.

6. Фитрат тавсия этаётган китоб Туркияда саккиз марта нашр этилган бўлиб, сўнгги нашрига қараг: Проф., доктор Фуод Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. 8-босқич. (Нашрга тайёрловчи ва шарҳлар муаллифи доктор Ўрхон Ф. Кўпрулу. Анқара. 1993, 415-б.)

7. Қарши — Беҳбудий деб юритилишининг сабаби Қарши шаҳри, улуғ аллома ўша ерда қатл қилингани учун. 1926 йилдан 1937 йилга қадар бу шаҳар Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан юритилган.

8. «Садр» сўзининг лугавий маъноси «бош бўлмоқ» ёки «бошлиқ» бўлиб, тасаввуфда шайхлардан кейинги мартаба ҳисобланган. Бу ўрнида Бухородаги ал-Бурҳон, яъни бурҳонийлар хонадонига нисбатан қўлланилган. Бу оила Бухорони идора қилаётган мўътабар хонадон саналиб, бирор босқинчи уларга тегмаган. Унинг асосчиси, «Китоби муллазода»да кўрсатилишича, Абдулазиз ибн Умар бўлиб, бурҳонийлар ёки «садр» унвони уларга салжуқий ҳукмдори Султон Санжар томонидан берилган.

9. Бу сатр Фитратнинг мақоласида пимагадир тушиб қолдирилган. Камол Эраслоннинг 1983 йили Анқарада чоп этилган «Девони ҳикматдан сочмалар» китобидан олиб парча тўлдирилди. Қиёслаш учун қараг: Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, Т., 1991. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Иброҳим Ҳаққул.

10. Мақола иккинчи қисмининг услубидан сезиладикки, унда

айрим фикрларнинг баъни аввалги сондагига нисбатан кескинроқ айтилган, ҳатто уларга эйд келиши ҳам мумкин. Фитрат замондошларининг хотирлашича, мақоланинг дастлабки қисми эълон этилгандан сўнг, олим таъқиб этилган ва унга «Яссавийни марксистик установада туриб текшириш» тақлиф қилинган. Шунинг учун айни шу ердан бошланаётган қатор мунозарали фикрларни тўғри қабул қилмоқ керакка ўхшайди.

11. Гила қилмоқ — шиква, яъни шикоят қилмоқдир. (Гисс ул-луғот), Душанбе, «Адиб», 1987, жилд 2, саҳ. 197).

12. Яссавий ҳикматларида бири иккинчисили рад эътибор билан таъриф этиб келмаган, у 17-асрга нисбатан оғзаки равишда оғиздан оғизга кўчгани учун ҳам бундай эйд фикрларни кузатиш мумкин. Бироқ Фитрат негадир уни маъносизлик деб атайди. Айни шу фикрни Фитратнинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкин, бир ўринда шоирнинг айни фикрларини ёқтирса, кейинроқ уларга нисбатан таъқидий муносабатда бўлади. Бунинг сабабини Фитратга буюрилган «марксистик установа»дан излаш керакмики?

13. «Мавту қабла анта мавту», яъни «ўлмасдан бурун ўлмоқ». Яссавий тақлиф этган бу дастурни Жалолиддин Румий шундай шарҳлайди: «Ўлимга юз бургилу пардани чок эт. Лекин лаҳадга элгувчи ўлимнимас, янги руҳ туғдирувчи ўлимни тахла». Қаранг: Радий Фиш. Жалолиддин Румий. Тошкент, 1986 (русчадан Жамол Камол таржимаси).

14. Яссавий ўлгандан кейин... ҳурмат билан кўмганлар. Гарчи тарихий воқеа бу айтилганга эйд келса ҳам, Фитрат бунда қаршилантириш усули орқали «кўммоқчи бўлганлар» ўрнига «кўмганлар», деб айтмоқда.

15. Қуде — муқаддас, пок. Бу ўринда поклик билан ном қозонган, муқаддас деб тан олинган маънода ишлатилган. «Қуде» сузининг иккинчи маъноси «эшитилган», «кўз билан кўрилган»га қарши «эшитилган» маъноси ҳам бор.

16. Бедилнинг ушбу байтини Фитрат «Бедил (Бир мажлисида)» рисоласида шундай шарҳлайди: «Ҳақиқатни Каъба билан бутхонадан излаб, унга-бунга югуриб юрганларни ҳар ёқдан тош билан урилмоқда бўлган девоналарга ўхшатадир... Каъба-си-да, бутхонаси-да ҳақиқат уйлари эмас, йўлчилар қаерда йўли адашган бўлсалар, шунда бир манзил ясаб кетганлар». Фитрат. «Бедил (Бир мажлисида)» Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996, 23-б. (нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев).

17. Файзий Ҳиндий — Акбаршоҳ даврида яшаган форсигўй тасаввуф шоири. Бу шоир ҳақида ушбу манбага қаранг: Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Т. I, М., 1989, 60-б.

18. Коҳил — суст, бўш, танбал.

19. Таъвилга ёвдошмайди ёки таҳвилга ёвдошмайди, яъни нарсаларни ўзгартириб қабул қилмайди, рамзий-тумсолли маъно бермайди.

20. Зоҳид — дунё ишларидан воз кечиб, тақво йўлига кирган киши.

21. «Достони Зайн ул-араб» — Шарқда машҳур «Жапгномайи Имом Ханифа» сюжети, асосан, маъна шу дoston воқеасидандир. «Зайн ул-араб» мавзусида дoston ёзган ўзбек шоирлари орасида Нурмуҳаммад Андалиб ва Собир Сайқалий Ҳисорий (1730—1798) кабилар бор. Қуйида келтириладжак парча Андалиб дostonидан олинган.

### «ЯССАВИЙ МАКТАБИ ШОИРЛАРИ ТУҒРИСИДА ТЕКШИРИШЛАР»

Фитратнинг бу асари тасаввуф адабиёти ҳақидаги қарашлари асос этган иккинчи мақоладир. У мантиқан «Аҳмад Яссавий» мавзусини давом эттиргани ва Яссавия тариқатига маъсуб ўилаб мутасаввиф шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар бергани учун ҳам қадрлидир. Илмда «Боқирғон китоби» деб номланган тўплам фақат Ҳаким Сулаймон ота Боқирғоний қаламига маъсуб деб қаралар эди, ушбу мақолада аниқланишича, бу китобга кирган ҳикматларнинг маълум бир қисмигина Сулаймон Боқирғоний томонидан ёзилган экан...

Мақола илк бор «Маориф ва ўқитғучи» журналининг 1928 йил 5—6 сон (49—52-бет)ида эълон қилинган бўлиб, 1993 йили «Қалб кўзи» газетасида (12-сон) қайта нашр этилган (табдилчи Ҳ. Болтабоев). Ҳар икки нашр ўзаро қиёсланган ҳолда ушбу тўпламга киритилди.

1. Яссавий мактаби — Фитратнинг адабиёт тарихига оид илмий тадқиқотларидан маълум бўлишича, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида учта адабий мактаб мавжуд бўлиб, улардан биринчиси Яссавий мактаби бўлса, ундан кейин Навоий ва Амир Умархон мактаби вужудга келган. Яссавий мактабининг бошга адабий мактаблардан энг фарқли жиҳати у хопақоҳ, яъни «ибодат адабиёти» ярата олгани билан ҳам адабиёт тарихида муҳим ўрни тутати.

2. Абу Дулаф — асл исми Мисъар ибн Мухалхил ал-Ҳазражий Янбуъдир. Мадинага тобе ҳазраж қабиласидан бўлиб, Ҳасрнинг бошларида Бухорога келган ва сомонийлар амира Наср ибн Аҳмад саройида хизмат қилган олим ва шоир. Унинг «Рисолат ул-аввал», «Рисолат ул-ухро» китобларида Ўрта Осиё тарихига оид қимматли маълумотлар бор. Фитрат ана шу маълумотларга таянган.

3. «Абдухлолиқийлар» ёхуд «нақшбандлар» тариқати — «Нақшбанд тариқати» деган ном билан машҳур бўлган тасаввуф тариқати дастлаб «хожагон тариқати» деб номланиб, Абдухлолиқ Гиждувоний томонидан асос солинган эди. Шунинг учун Фитрат «Нақшбанд тариқати»нинг илк даврига нисбатан «абдухлолиқийлар тариқати» иборасини қўллаган.

4. Маҳдуми Аъзами Даҳбедий — асли исми Аҳмад ибн мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний бўлиб, асли Фарғонанинг Косонидан. Самарқанднинг Даҳбедида маскан қургани учун Маҳдум Аъзам Даҳбедий ҳам дейдилар. А. Гиждувонийнинг тўрт васиятини ўзининг «Рисолайи чаҳор калима» асарида шарҳ қилган. Узи «хожагий» бўлгани ҳолда «жаҳрия»ни ҳам қабул қилган. Шайбоний сулоласидаги ўзбекхонлардан Убайдуллоҳхон, Абдулазиз, Жонибек Султон ва бошқалар унга мурид бўлганлар.

5. «Боқиргон китоби»нинг қайта нашри 1993 йилда амалга оширилган. Қаранг: Боқиргон китоби. Т., Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 (нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи И. Ҳаққул).

6. Шамс — тўла номи: Шамсиддин Ўзгандий. «Иккинчи Хожа Аҳмад» номи билан машҳур Камол Шайх Иқонийнинг Сайид Аҳмад исми муридига Шамс Ўзгандий мурид бўлган. Тахаллусидан маълум бўлишича, асли ўзганлик. Хиротда ўқиган, Самарқандда мурид, сўнгра шайхлик қилган. Фитратнинг аниқлашича, ҳижрий X асрда вафот қилган.

7. Иқоний — Камол Шайх номи билан машҳур шайхлардан. Бир неча бор Хожа Аҳмад Яссавий билан суҳбат қурган. Туркистоннинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида яшаган. Самарқандда вафот этган. Фитратнинг аниқлашича, Иқоний юқорида келтирилган Камол Шайх билан бир одам бўлган. Айрим китоблар («Рашаҳот...», «Ламаъот») алоҳида деб талқин қилади. М. Фуод Кўпрулу ҳам Фитратнинг гумоини тасдиқлайди. Бу киши Фарғонадаги Иқон қишлоғида туғилган бўлиб, уни «Иккинчи Хожа Аҳмад» деб юритишган. Унинг шеър ва ҳикматлари кўп. Унинг 266 мисраъ шеъри «Боқиргон китоби»га киритилган. Манба: «Рашаҳот...», «Мақомот» ва Ф. Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар, 97—, 106—, 114-бетлар.

8. Худойдод — XVI асрда ўтган шайбонийлар сулоласига мансуб Жамол Шайхнинг муриди бўлиб, 1532 йилда Самарқандда вафот этган. Худойдод зуллисоний шоир бўлиб, унинг туркий ҳикматлари «Боқиргон китоби»да акс этган бўлса, форс тилидаги шеърларидан намуналар «Ламаъот»да берилган.

9. Қул Шариф — айрим манбаларда Мавлово Шариф, Бухорода вафот этган. Унинг номи Фитратнинг «Мушозара» асарида ҳам тилга олинган.

10. **Фақирий** — Фитратнинг мақоласидан бошқа манбаларда у ҳақда қўшимча маълумот учратмадик.

11. **Гадоли** — айрим манбаларда Гадоий (машҳур ўзбек шоири Гадоий эмас) — Аҳмад Яссавийга тақлидан ҳикмат битган тасаввуф шоирларидан бўлиб, унинг номи бир неча манокчи китобларида тилга олинган. Ф. Кўпрулу Яссавий мактаби шоирлари ҳақида сўз юритганда бир ўринда уни Қул Шарифдан сўнг ва Имом Ғаззолийдан аввал тилга олади (Фитратда аксича) ва бошқа бир ўринда Қул Шариф, сўнг Гадоли, кейин эса Насимий келтирилади. Лекин, у ҳақда мукаммавроқ маълумотга дуч келмадик. У тилга олинган манба: Фуод Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. Истанбул, 1986, 171, 173-бетлар.

12. **Бобо Мочин** — Аҳмад Яссавийнинг машҳур муридларидан бўлиб «Жавоҳир ал-Аброр»нинг ёзишича, Сўфи Муҳаммад Доншманд Зарнуқи, Сулаймон Ҳаким отадан сўнгги учинчи халифасидир. Хуросон ерларида машҳур валийлардан эканини Ф. Кўпрулу ҳам таъкидлайди. У Аҳмад Яссавий ҳазратларига ниҳоятда содиқ бўлиб, «Арбаин» ва «Ҳикматлар» чиқарганини ҳамда унинг олдига уч марта хизматга кирганини ёзади. «Девони Ҳикмат»нинг Қозон босмаси (3-нашри)даги 47-ҳикмат, Истанбул нашридаги 131-бетдаги ҳикматлар шу кишидан сўз юритади. Бобо Мочин вафот этгач, Феркет қасабасига қўйилган. Манба: «Жавоҳир ал-аброр мин амвож ул-биҳор»; Ф. Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар, 35, 123-бетлар.

13. **Тож** — айрим манбаларда Тож Хожа ёки Тожиддин — Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаси бўлиб, Мансур отанинг набраси, Абдумалик отанинг ўғлидир. Фуод Кўпрулуving кўрсатишича, у машҳур Зағи отанинг оталаридир. Вафоти ҳижрий 596 (милодий 1199—1200) йил. Унинг ўлими ҳақида «Ҳазинат ул-асфиё»да махсус тарих ҳам берилган. Манба: Фуод Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар, 87-бет.

14. **Маҳдуд Шайх** — Хожа Аҳмад Яссавий силсиласидаги шайхлардан бўлиб, сулукда Зағи ота, Садр ота ва Шайх Алдан кейин келади. Ўз навбатида унинг «икки халифаси машҳур бўлиб, бири Намол Шайх Иқовий бўлса, иккинчиси Хожа Аҳмад билан кўп мулоқотда бўлган Ходим Шайхдир. Фуод Кўпрулу ва бошқа турк манбаларида «Мевдуд Шайх Туркистонли» унвони билан тилга олинади. Ф. Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар, 106, 114-бетлар.

15. «**Рашаҳот**» — тўла номи: «Рашаҳот ул айн ул-ҳаёт» Фаҳруддин Али Сафий асар. Бу асарда хожагон тариқатидаги саккиз рашҳа томчи) ҳақида сўз боради.

16. **Муфти Зинда Али** — айрим манбаларда Сайид Зинда

Али (XVIII аср). Увлинг Фитрат тилга олган «Самарат ул-машойиқ» асаридан ташқари «Зийнат ул-либос» асарин ҳам бор.

17. «Ламаъот» — айрим манбаларда «Ламаъот», тўла номи «Ламаъот мин нафаъот ул-қудс». Муҳаммад Олим шайх Сиддидий асари.

18. Сайид Аҳмад — Камол Шайх Иқонийнинг муридларидан. Йигирма йиллар чамаси унга хизмат қилган. Мавлоно Шамс Узгадийнинг пири саналади. Самарқандда вафот этган. У ҳақда маълумот берувчи манба «Самарат ул-машойиқ» ҳисобланади. Фитратнинг маълумотига кўра, уни Саид Шайх номи билан машҳур бўлган ҳижрий 710 йилда вафот этган Саид Аҳмаддан фарқлаш лозим.

19. Исмоил Сафавий — 16—17 асрларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола асосчиси. У 1510 йили, вафот қилган. Шоҳ Исмоил Сафавийнинг Бобуршоҳ билан муносабатлари ҳақида тарихда манбалар кўп.

20. Сайид Имом Насимий — машҳур овар шоири, 1360 йилда Шамоҳи шаҳрида туғилган. Табризли Фазлуллоҳ Навмий (1339—1396) таъсирда хуруфийликни қабул этган, унинг васиятига кўра, Насимийнинг кичик қизига уйланади ва хуруфийлик тарғиботига берилади. Миср султони Муаййиднинг топшириғи билан 1417 йили ўлдирилган. Хуруфийлик фалсафасига кўра, «Оллоҳ яширин бир гавж (хазина) бўлиб, ўз борлигини ошкор қилмоқ ва ўзини танитмоқ учун инсонларни яратгандир». (Насимий. Сечилмиш шеърлар. Бахы, 1962, 12-бет); Навоий унинг «наъмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур» деб таърифлайди. (Асарлар, XV жилд, 182-бет). Асосан, сўфиёна ғазал ва рубойлар битгандир. Ўзбек тилидаги шеърлар китоби 1977 йилда нашр қилинган.

## «ЧИГАТОЙ АДАБИЁТИ»

«Чигатой адабиёти» помли мақоласи «Чигатой гурунги» ташкилоти йўналишини ақс эттирган бўлса ҳам, у, 1929 йилда «чигатойчилик» атрофидаги курашлар авж олган бир пайтда эълон қилинди. Ушбу мавзуда Отажон Ҳошим, С. Ҳусайн ва Миён Бузрук каби мунаққидларнинг асарлари ҳам чоп қилинган эди. Фитратнинг мақоласи «Қизил қалам» мажмуасининг II китобида (1929, 25—32-бетлар) илк бор нашр этилган. Бизнингча, мақола шу йили авж олган «чигатойчилик»ка қарши кураш кампанияси муносабати билан ёзилиб, негандир матбуот саҳифаларида чоп этилмагани учун ҳам мажмуа таркибида эълон қилинган.

1. «Савдо сармоеси даврининг адабиёти» — Фитрат «Ўзбек адабиёти намуналари» (I жилд) мажмуасининг сўзбошисида



Ўзбек адабиёти тарихи илк бор даврлаштирилган. Ушбу изоҳ Юсуф Хос Ҳожибдан то XVI асргача давом этган адабиётга нисбатан ишлатилган эди.

2. «Мифтоҳ ул-адл» Ҳожаининг «Гулзор» асари билан бир муқовада сақлангани учун ва услубдаги яқинликларга кўра Ҳожа асари деб қаралади. Ҳолбуки, Фитрат талқинича, бу асар XIV асрга тааллуқли деган хулоса бир неча мақолаларда ва «Ўзбек адабиёти намуналари» (I жилд)нинг сўзбошисида айтилган.

3. Муосири — замондоши.

4. «Хилват дар анжуман» в.б. нақибандийликнинг «шиорлари» дастлаб Абдуҳолиқ Ғиждувоний томонидан кўрсатилган эди.

5. Мавту қабла анта мавту — ўлмаи туриб ўлингиз.

6. Шоҳруҳ саройи — Темурнинг ўгли Улугбекнинг отаси Шоҳруҳ Мирзо назарда тутилган.

7. Муқовамат — мудофаа.

8. Навоий 1440 да туғилди — Ҳижрий-қамарий йил ҳисобини милодийга айлантиришда воаниқликларга йўл қўйилган бўлса керак, 20—30-йиллардаги манбаларнинг аксарияти Алишер Навоий таваллудини 1440 йил деб кўрсатади.

9. Мушовир — маслаҳатчи.

### «ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ»

Фитратнинг бу мақоласи машҳур Адиб Аҳмад Югнакийнинг асари топилиб, шарҳ ва сўзбошилар билан Истанбулда турк олими Нажиб Осимбей томонидан нашр қилингандан кейин (1916), ана шу асар ҳақида маълумот бериш билан бирга, бу нашрнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб Адиб Аҳмаднинг асари қайта нашр этилишга муҳтож экани айтилган мақола сифатида қадрлидир. Фитрат кейинроқ «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасига Аҳмад Югнакийнинг асарларидан ҳам киритган. Мақола дастлаб «Маориф ва ўқитғучи» журнаlining 1928 йил 10-сонида (41—46-бет) эълон қилинган. Қайта нашри 1997 йилда амалга оширилган ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси (1997, 13 июн)да чоп қилинган.

Ушбу тўпلامга киритилаётган мақоланинг матни илк нашрдан олинган бўлиб, сўз ва иборалар қандай ёзилган бўлса, шундай берилди. Улар ҳозирги адабиётларда бошқача шаклларда ҳам учраши мумкин. Айрим сўз ва истилоҳларнинг ҳамда матнларда берилган парчаларнинг таржимаси ва изоҳлари куйида берилади:

1. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» — асарнинг номи асл матнда ҳам, Фитратнинг мақоласида ҳам шундай келтирилган. Мақоланинг

мазмунидан фойдаланиб, Фитрат таклиф этганча ўқиб натижа-  
сида уни шундай келтирдик. Ҳолбуки, турк олимлари орасида  
бу асар шу кунга қадар «Атабат ул-ҳақойиқ» (عتبه تول حقایق)  
номи билан юритилади.

2. «Або Муслим» — машҳур ихтилолчи Абу Муслим Хуро-  
соний ҳақидаги халқ қиссаси назарда тутилади. Бу асарни ҳо-  
зирги нашри учун қараиғ: Халқ китоблари, Або Муслим жанг-  
номаси. Т., «Езувчи», 1992.

3. «Юсуф, Зулайҳо» — бу дostonнинг Фитрат назарда тута-  
ётган нусхаси адабиётшуносликда Қул Али номи билан танил-  
ган адибга нисбат берилади. Батафсил маълумот учун қараиғ  
И. Ш. Хисамов. Поэма «Йыссан Йусуф» Қул Али. М., «Наука»,  
1979.

4. «Қисас ул-анбиё» — Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий  
асари, милодий 1310 йили ёзиб тугалланган. Унинг ҳозирги  
нашри учун қараиғ: Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий, Қиса-  
си Рабғузий. 1—2-китоб, Т., «Езувчи», 1990.

5. Ешули — бу ерда: ёши улуг, ҳурматли.

6. Сарфий ёқларини — грамматик жиҳатларини.

7. Тақриз — бу сўз бугунги тақриз маъносини бермаса ҳам,  
китобга илова қилинган уч маълумотнома эканини англаш  
мумкин.

8. Навоийнинг «Мактубот»и — Алишер Навоийнинг «Мун-  
шаот» асари назарда тутилган. Навоий, Асарлар. XV томлик,  
13-том, 85—156 бетда қайта нашр этилган.

9. Бу хабар «Насойим ул-муҳаббат»дан келтирилган. У ҳақ-  
да қараиғ: Алишер Навоий. Асарлар. XV том, Т., 1968, 156-бет.

10. Ушбу байт «Насойим ул-муҳаббат»нинг юқоридида қайд  
этилган нашрида йўқ. Эҳтимол, Фитратнинг қўлида бўлган  
нусха Навоий «Асарлар»ининг XV томлигига кирган нусхадан  
тўлароқ бўлса керак.

11. Фитрат «проф. Кўирулизода» деганда турк олими проф.  
Меҳмет Фуод Кўирулуининг «Турк едевийати тарихи» (Истан-  
бул, 1926) китобини назарда тутади. Шу китобнинг кейинги  
нашрида (1980) бу фикр 173—177 бетда акс этган.

12. Рашид Ватвот — машҳур хоразмли шоир ва назирётчи  
олим, тўла номи Муҳаммад Абдужалил Умарий Рашидуддин  
Ватвот ёки Рашидул Котиб (адабий тахаллуси)дир. Вафоти  
1173 й. Машҳур асарларидан бири (21 асари маълум) «Ҳадо-  
йиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър» («Шеъринят назокатидаги  
сеҳрли боғлар») бўлиб, 1985 й. рус тилида Н. Ю. Чамедова  
таржимасида босилган. Бу ўринда олимнинг «Жавоҳир ул-қу-  
лоид ва завоид ул-фароид» («Бебаҳо жавоҳирлар ва жилвакор  
иқтибослар») асаридаги маълумот назарда тутилган.

13. Чурутиш — асоссиэ эканини кўрсатиш, бўш, хом фикр-  
лигини асослаш.

14. «Муъжам ул-булдон» — Шаҳобиддин Абу Абдуллоҳ Ғқут  
асари. Сўзма-сўз таржимаси «Шаҳарлар мажмуаси» бўлиб, қа-  
тор манбалар уни «Жуғрофиё лугати» унвони билан тилга ола-  
дилар.

15. Жувайний — Алоуддин Отамалик ибн Муҳаммад Жувай-  
ний (1226—1283), хуросонли тарихчи. «Тарихи Жаҳонгўшӣ»  
номли уч жилдли асари назарда тутилган (1262—1283 ёзилган).

16. Понсуқ — абадият.

17. Ал-Мааррий — машҳур шоир ал-Мааррий назарда ту-  
тилган. 979 йили Маарата-и-Нуман шаҳрида туғилган. Абу  
Аъло — унинг кунияс бўлиб, асли исми Аҳмаддир. Фитрат бу  
ўринда келтиргани шеърининг мазмуни Адиб Аҳмад асарига  
уйғун бўлганидан эмас, балки уларнинг ҳар иккаласи ҳам кўр  
бўлиб, Аҳмад исми билан юритилганидан ҳам бу нарчага му-  
рожаат этган. Мааррийнинг арабча матни матбаа имконият-  
ларига қараб тушириб қолдирилди.

18. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғот-и-турк» асари  
ҳижрий 1331 да (милодий 1913—14) Истанбулда изоҳлар билан  
босилган эди. Таассуфки, Нажиб Осимбек «Ҳибат ул-ҳақойиқ»  
даги сўзларни изоҳлашда ўша замон манбалари учун ниҳоятда  
ишончли саналган «Девони...»дан фойдаланмаган кўринади.

## «XVI АСРДАН СЎНГРА ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА УМУМИЙ БИР ҚАРАШ»

Фитратнинг ушбу мақоласи унинг «Ўзбек адабиёти намуна-  
лари» (I жилд, Самарқанд—Тошкент, 1928) мажмуаси нашр  
бўлгандан кейин ёзилган. Бизнингча, Фитрат бу даврда «... на-  
муналар»нинг иккинчи жилдини нашрга тайёрлаётган эди. Унда  
айни мақолада кўрсатилганидек, Бобуршоҳдан кейинги давр,  
тўғрроғи, теурийлардан кейинги давр ўзбек адабиёти наму-  
налари аке этиши керак эдики, бу давр Фитратнинг белгиллаши-  
ча, то жадидчилик адабиётигача (XIX аср охири) бориб тақала-  
ди. Таассуфки, мажмуа эълоп қилинмай қолиб кетган. Ушбу  
мақоладаги фикрлар айни ўша мажмуанинг II жилдига кириш  
сўз сифатида ёзилган бўлиши ҳам мумкин.

Мақола илк бор 1929 йили «Аланга» журнали (8—9-сон,  
6—8-бет)да эълоп қилинган. 1992 йили эса, «Навқирон Бухо-  
ро» илмий ва адабий-бадий жаридасида (6-сон, 18—25-бет)  
қайта нашр этилган. Ана шу ҳар икки матн асосида нашрга  
тайёрланди. Саҳифа остидаги изоҳлар Фитрат қаламига мал-  
суб.

1. Урта Осие савдо сармоясининг йиқилиши... — Фитратни

«Ўзбек адабиёти намуналари» (I жилд) мажмуасининг тушунтирилиши матнларида кўрсатилганича, Фитрат теурийлар даври деб аталган тарихимизнинг буюк бир даврини замонавий истилоҳ билан «Савдо сармояси даври» деб атаган эди. Бундай номлавиш сабабини ўша мажмуада, сўнгра эса, уни потўгрп талқин қилувчиларга жавобан «Епишмаган гажаклар» (Ж. Бойбўлатовга очиқ хат) мақоласида тушунтириб берган.

2. Бобир — Фитрат асарларида шу тарзда ёзганлиги учун матида шу ҳолат сақланди.

3. Чигатой адабиёти — бу истилоҳ дастлаб, Фитрат асарларида кейинроқ, 20-йиллардаги қатор мақола ва тадқиқотларда учрайди. Фитрат «Чигатой гурунги» тапширотчиларидан бири сифатида бу истилоҳни Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинишидан сўнг Чигатой қўл остидаги ҳудудда яратилган адабиётга нисбатан қўллайди. Бу ҳақда қаранг: Фитрат. Чигатой адабиёти. «Қизил қалам», II китоб, 1929.

4. Шайбонийхон (1451—1510), машҳур ҳукмдор Абулхайрхоннинг набираси. Фақатгина, тарихда сулола ва давлат асосчиси эмас, балки шоир сифатида ҳам табиш. Нисбатан кейинроқ Истанбулдаги Аб Сўфия кутубхонасида Шайбонийнинг девони топишган. Бу девон ҳақида «Бобурнома»да ҳам фикр юритилган.

5. Шайбонийнинг Самарқанд устига юриши замонида... — 1500 йилларнинг баҳори назарда тутилади.

6. Бу фикрлар «Бобурнома»дан олинган. Қаранг: Бобурнома. Т., 1989, 163-бет. Лекин, Фитрат Муҳаммад Солиҳга муносабатда айни шу фикрлар доирасида қолиб кетмади. Кейинроқ бу ҳақда махсус мақола яратиб, М. Солиҳ ижодига ҳолис баҳо берган. Қаранг: Фитрат. Муҳаммад Солиҳ. «Аланга» ж., 1929, 8—9-сон.

7. Мусойид — бу ерда: мувофиқ, уйғун; асли, розиллик, ижозат.

8. Бу ҳақда Фитрат «Исавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» мақоласида махсус тўхталади. Қул Убайдий Исавийга эргашиб ҳикматлар ёзгани, Навоийга эргашиб ғазаллар битганини айтади.

9. Қисқагина «Шайбонийнома» ёзилди — Камолддин Биноийнинг (1453—1512) «Шайбонийнома» (1503) асарини назарда тутилган. Бу асар ҳақида қаранг: Б. Аҳмедов. Биноий «Шайбонийнома» асарининг номаълум нақли. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», ж., 1965, 2-сон, 51—55-бет.

10. «Зубдат ул-асар» — луғавий маъноси: «Асар (йилнома)-лар қаймоғи»: Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Наеруллоҳий асари бўлиб, Шайбонийлардан Тошкент ҳокими Султон Муҳаммад ибн Суюнчхон (Келди Муҳаммад исми билан машҳур) топишириғи

билан ёзилган. Асарда дунёнинг яратилишидан тортиб 1525 йилгача содир бўлган воқеаларнинг «қаймоғи» баён қилинган.

11. «Тарихи Хоний» — бу ўрида «Тухфат ул-хоний» ёки «Тарихи Раҳимхоний» асари назарда тутилади. Муҳаммад Вафо Кармншағий ва Алимбек Исафий асари. Бу тарих китобида XVIII аср ўрталарида юз берган воқеалар ҳикоя қилинган. «Баҳр ул-асрор» — тўла номи: «Баҳр ул-асрор фи маноқиб ал-ахёр» («Яхшилар таржимайи ҳоли ҳақидаги сирлар денгизи») Маҳмуд ибн Вали томонидан 1635—1641 йиллар орасида форс тилида ёзилган. 7 жилддан иборат бу асар қомусий характерда бўлиб, нафақат умумий тарих, балки география, астрология, минералогия ва бошқа соҳаларга онд қимматли маълумотлар бор. Бу ҳақда қаранг: Бўриной Аҳмедов. Маҳмуд ибн Вали. Тошкент, 1966.

12. «Шажарайи тарокима» — 1658—1661 йиллар орасида ёзилган деган тахмин бор. Агар Фитратининг «Шажарайи турк» 1660 йили, ундан кейин «Шажарайи тарокима» ёзилган деган фикрларидан қатъий ҳукмга келсак, унда асарнинг яратилиш санаси 1661 йилдир.

13. Давлатшоҳнинг тазкираси... — машҳур олим ва шоир Давлатшоҳ Самарқандий (1436—1495)нинг «Таъжират уш-шуаро» асари назарда тутилган, бу асар 1487 йилда яратилган.

14. «Равзат ус-сафо» — тўла номи: «Равзат ус-сафо фи сийрат ул-авёнӣ ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Набилар, халифалар ва подшоҳлар таржимайи ҳоллари ҳақида поклик боғи») асари 1495—96 йилларда Мирхонд (1433—1498) томонидан ёзилган. 7 жилддан иборат, форс тилида яратилган.

15. «Муравваж уз-заҳқоб» — луғавий маъноси: Заҳқоб (кетувчи)ларнинг муравважи (ривожлантирган ишлари).

16. Хоразмда ҳам бир «Мажмуат уш-шуаро» тузуми бунӣ кўрсатадир — бу ўрида хоразмӣ адиб Аҳмад Табибий (1868—1910)нинг 1907—1908 йиллар давомида тузилган «Мажмуайи шуаройи Фирӯзшоҳий» асари назарда тутилган.

17. «Мажмуат ул-ансоб» — ушбу манбанинг тўғри номланиши «Ансоб ус-салотил фи таворихи Хавоқий» («Султонлар насаблари...») бўлиб, Мирза Олим Хуқандий бини Мирзараҳим Тошкандий томонидан ёзилган. Мирза Олим Худоёрхон саройида муниши бўлиб хизмат қилган.

18. «Мунтахаб ут-таворих» — («Таъланган тарихлар») Муҳаммад Ҳакимхонпўра қаламига мансуб бўлиб, XIX аср Қўқон хонлиги воқеалари ақс этган асардир.

19. «Тарихи Шоҳруҳий» — Ниёзийнинг тўла исми: Мулла Ниёзмуҳаммад Хуқандий ибн Авазмуҳаммад бўлиб, унинг асарида Қўқон хонлигининг яқ ҳукмдорларидан бўлган Шоҳруҳбек даври воқеалари баён қилинган.

20. «Тухфат ул-аҳбоб» эгаси — Қори Раҳматуллоҳ Ҳозеҳ (1817—1894) назарда тутилган. Унинг «Тухфат ул-аҳбоб фи таъкират ул-асҳоб» («Ҳамсуҳбатлар ҳақидаги зикр — дўстларга тухфа») номли таъкирасида Қўқон хоня Муҳаммад Алихон ҳақида ҳам, унинг шеърйи асарлари ҳақида ҳам маълумот бор.

21. Бу ўринда Яссавийга эргашиб ҳикматлар ёзган машҳур подшоҳ Убайдуллоҳхон назарда тутилган.

## «ЎЗБЕК ШОИРИ ТУРДИ»

Фитратнинг бу мақоласи бир жиҳатдан, ўзбек адабиёти тарихида ёрқин из қолдирган сиймолар икковини изчил ўрганишга киришганидан далолат берса, иккинчидан, 20-йилларнинг ўрталарида Турдининг асарлари топилиб, улар ҳақида дастлабки чиқишлар бўлаётган эдики, Фитрат ана шу каби илмий жиҳатдан тўла асосланмаган фикрларга муносабат билдириш учун ҳам ушбу мақолани ёзган.

Мақола «Маориф ва ўқитғучи» журналнинг 1928 йил 1-сонини (44—48-бет)да илк бор эълон қилинган. Шу вақтга қадар қайта нашр этилмагани учун асарнинг ўша илк нусхаси асосида нашрга тайёрланди. Саҳифа остидаги изоҳлар, мақола матнидаги таржима ва қавс ичидаги тушунтириш сўзлари муаллифники. Айрим сўз ва истилоҳларга қуйида изоҳ берилди:

1. Уртоқ Мажидий — шоир, драматург ва олим Абдулҳамид Мажидий (1902—1938), айрим асарларда таҳаллуси Абутанбал. 1925—26-йилларда «Зарафшон», 1927—28-йилларда «Озод Бухоро» газеталарида муҳаррирлик қилган. Айни йилларда у Турди ҳақидаги мақолаларини «Зарафшон» ва «Маориф ва ўқитғучи» саҳифаларида эълон қилган.

2. Сарват — давлат, мулк, бойлик.

3. Дурдиман — бу сўз икки маънода келади. Биринчи ўз маъносидан, яъни майнинг қуйқаси ёки ҳамма нарсаларнинг қолдиги; иккинчиси, шоирнинг таҳаллуси — Турди.

4. Юз қабиласи — юз уруги.

5. Оқўтабий — XVII аср Хўжанд ҳокимларидан бири.

6. Охи саҳар — асл матнда «оҳ—саҳар» каби чизиқча билан берилган. Бугунги имло қоидаларидан келиб чиқиб, изофали бирикмалар «и» ҳарфи воситасида берилди.

7. Ислом заиф *اسلام ضعيف* — Фитрат асарларида айрим сўзлар турли маъналарда турлича берилгани учун қавс ичида икки хил ёзилиши кўрсатилади. Биринчиси «з» («зе») билан, қавс ичидаги сўз эса, «ض» («зо») билан берилган.

8. Нодир Муҳаммад — аштархоний сулоласига мансуб хонлардан, 1640 йилда тахтга ўтирган.

9. Рижа — хабар.

10. Қатагон қабиласи — турк қабилаларидан, Фозилбий исёнда қатнашган ʻЗ Темур парвоначи шу қабиладан.

11. Ёбу қабиласи — «Музаққир аҳбоб»да бу ҳақда маълумот бор. Исёнда Ёбу қабиласидан Тағбо парвоначи қатнашган.

## МУҲАММАД СОЛИҲ

Мақола илк бор «Алапга» журналининг 1929 йил 10 сонидан (9—12-бет) лотип ёзувида эълон қилинган. Бу вақтга қадар ўзбек матбуотида Муҳаммад Солиҳ ҳақида махсус мақола ёки тадқиқот амалга оширилмаган эди. Фитрат мақоласидан сўнг бир қатор мақола ва тадқиқотлар юзага келди, «Шайбонийнома» нашр этилди. Мақоладаги шеърини парчалар Муҳаммад Солиҳ асарининг кейинги нашрлари билан солиштирилди. Қиёсланган маъна: Муҳаммад Солиҳ, Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э. Шодиев, — Т., 1989.

1. «Мажма ул-фусаҳо» — Ризо Қулихон Ҳидоят (XIX а.) таъкираси.

2. Маъхаз — маъба, материал.

3. Кот — Хоразм вилоятидаги қишлоқ.

4. Жеваси — совути.

5. Мақолада «Шарқ бозоридан савдо қилган, Ушбу савдонини тамани қилган» байти тушиб қолган.

6. «Сўзу гам бирла ниҳони куйган» мисраси тушиб қолган.

7. П. М. Мелиоранский томонидан нашр қилинган матнда ҳам шу сўз («қабаҳи») ишлатилади. Бироқ, проф. Э. Шодиев «қибё—қи» деб тўғрилаган. Фитрат қўлидаги қўлёзма П. Мелиоранский нашрига яқин туради. Солиштириш учун қаранг: Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Джагатайский текст. Посмертное издание проф. П. М. Мелиоранского. Под наблюдением и с предисловием прив.-доц. А. Н. Самойловича, С. Петербург, 1908 г.

8. Қароғин девон — Шайбонийхоннинг хос амалдорларидан, девонбеги.

9. Хоника, Алачакон — мўғул бекларидан бўлиб, Шайбонийхон уларга қарши урушган эди. Достоннинг кейинги нашрида Хоника хон ҳақида «Бобур авлодларидан» деб нотўғри изоҳ берилган. Қаранг: Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т., 1939, 324-б.

10. Кенекхон (асли Кепакхон) — мўғул хонларидан, бироқ кейинги нашрда «Кўпак» деб берилган. Уша асар, 320-бет.

11. Э. Шодиев нашрида «барча» ўрнига «эса» келган, Фитрат келтирган парча аслига яқин.

12. Кейинги нашрда «қочиб эрди» ўрнига «тўзиб эрди» келди.

13. Бу ерда хато ўтган. «Сабъайи сайёр» Алишер Навоий асари экани маълум. Бунинг устига мақолада «Шайбонийнома» «Садди Искандарий» билан солиштирилади.

14. «Искандарнома» — Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асари назарда тутилган.

## М А Ш Р А Б

Фитратнинг «Машраб» номли тадқиқоти 20-йилларнинг охирида Машраб шахси ва ижоди ҳақида нотўғри тасаввурлар кенгайган бир пайтда яратилди. Вяткин, Ғафур Ғулом ва бошқа кишилар шонри «икки Машраб»га ажратишга уриниб, унинг «Мабдаи нур» асари билан тасаввуфий шеърларини бошқа Машрабга «инъом» қилаётган бир пайтда бундай илмий кашфиётлар нотўғри эканини кўрсатиб берган мақоладир. Шунинг учун ҳам у машрабшуносликда то ҳозирга қадар ўз кучини йўқотмаган чуқур тадқиқот саналади.

Мақола илк бор «Илмий фикр» мажмуасининг 1-сонида (40—57-бет) 1930 йили эълон этилган. 1991 йилнинг 3 июлида «Ёш ленинчи» газетида қайта нашр қилинган (нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Б. Дўстқораев). Шулар асосида мақола қайта кўриб чиқилди.

Саҳифа остидаги изоҳлар Фитрат қаламига мансуб. Бундан ташқари айрим изоҳталаб ўринлар учун қуйида шарҳлар берилди:

1. Манқаб — лугавий маъноси: хислат, сифат; мадҳ. Бу ўринда хуш сифатлар ёзилган китоблар назарда тутилади. Одатда валийлар ва сўфийлар ҳаётига ҳамда тариқатига оид асарлар манқаб унвони билан юритилади. Шундай асарлардан бири халқ орасида кенг тарқалган «Девонайи Машраб», «Шоҳ Машраб» ёки «Қиссайи Машраб» номли халқ китобидир. Унинг турли нусхалари мусулмон дунёсида тарқалган бўлиб, улардан бири асосида «Қиссайи Машраб» номи билан эълон қилинди. Қаранг: Халқ китоблари: Қиссайи Машраб. Т., «Езувчи», 1992.

2. «Савт» — лугавий маъноси: товуш, овоз. Мақомларнинг асосий қисмларига назира сифатида ишланган, «Шашмақом»даги ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбалари номи.

3. «Талқин» — лугавий маъноси: насиҳатгўй. «Шашмақом»даги доира усулида ижро этиладиган ғазаллар шўъбаси.

4. «Муножот» — лугавий маъноси: Яратганга илтижо қилиш. «Шашмақом» таркибига кирган куйлардан бири. Бу ҳақда қаранг: Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи, Т., «Фан», 1993.

5. Ғулом Зафарий — шонр ва драматург (1889—1944). Машҳур



«Халима» операсининг муаллифи. Фитрат бу асар ҳақида тақриз ҳам ёзган, «Адабиёт қондалари»да у ҳақда тўхталган.

6. Қайта нашрида Н. С. Лейкушин деб кўрсатилган. Аслида Н. С. Ликошин. Бу китоб учун қаранг: «Дивана-и-Машраб. Жизнеописание популярнейшего представителя мистицизма в Туркестанском крае.» Т., Изд. им. Гафура Гуляма, 1992.

7. Иборат — ишора, қайд.

8. «Музакир ул-асҳоб» — луғавий маъноси: суҳбатдошлар зикри, Муҳаммадбадеъ Малехо Самарқандийнинг таъкираси. 1689—1692 йиллар орасида тузилган. Унда 200 га яқин шоирлар ҳақида маълумот бор. Бу ҳақда қаранг: Б. Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., «Ўзбекистон», 1993, 166—167-б.

9. «Мунтахаб ут-таворих» — таржимаси: Танланган тарихлар. Муаллифи қўқовли Саййид Ҳакимхонтўра, 1842 йилда ёзилган.

10. «Ансоб ус-салотин» — «Султоний насаби» Мирза Олим ибн Муҳаммад Тошкандий асари (XVII—XVIII аср).

11. «Тазкират ул-авлиё» — «Валийлар таъкираси», Мажзуб Намангоний томонидан 19-асрда тузилган. Айни шу номда Абу Толиб Фаридуддин Муҳаммад ибн Иброҳим Аттор (1119—1229) асари ҳам маълум бўлиб, у ўзбек тилига Хожашоҳ ибн Саййид Аҳмад Хоразмий томонидан таржима қилинган.

12. Абдуллоҳхон — ҳаёт йиллари 1534—1598, шайбонийлар сулоласига мансуб ўзбек хони. 1557 йили Бухорони эгаллаган. Хонлик даврида Шайбонийдан кейинги тарқоқ хонликни тиклашга уринган ва Ҳисбатан яхлит давлат тузган.

13. Ила — Шарқий Туркистондаги шаҳарнинг номи.

14. Иршод хати — иршод: тўғри йўл кўрсатиш; йўлланма олиш.

15. Тахти Сулаймон — Ушдаги тоғда Бобуршоҳ қурдирган ҳужра.

16. Жўйбор хўжалари — Нақшбанд тариқатининг вакиллари бўлиб, уларнинг бундай ном олишига сабаб Хожа Муҳаммад Ёсломининг бобоси Хожа Муҳаммад Яҳёнинг Бухородаги Жўйбор туманига кўчиб келиши билан боғлиқ. Бу хўжалар Абдуллоҳхоннинг курашларига хайрихоҳ бўлиб, унга ёрдам кўрсатганликлари учун Абдуллоҳхон даврида нуфузи баланд эди.

17. Муассир — таъсир этувчи.

18. Фитратнинг бу «тасҳиҳи» (тузатиши) мунозаралидир. Чунки, Убайдуллоҳхон Бухорода 1539 йилга қадар ҳукмронлик қилган, у Шайбонийнинг жияни бўлиб, 15-асрнинг охирида ўзбекхонлар давлатини идора эта бошлаган эди. Бизнингча, у Убайдуллоҳхон II бўлса керак. Саҳифа остидаги изохда Убайдуллоҳхон II ни 1717 йилда вафот этгани айтилади.

19. «Қарши (бугунги Бехбудий) шаҳрида» — Муфти Маҳмуд

хўжа Беҳбудий 1919 йилда Қаршида ўлдирилган. Сўнграқ Фитратнинг ташаббуси билан бу шаҳар Беҳбудий деб атала бошлаган. 1937 йилдан эса, яна эски номга қайтарилган.

20. Бу ҳақда турк олими Муҳаммад Фуод Қўрулуниинг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» (Истанбул, 1918) китобида кенг маълумот бор. Фитрат шунга ишора қилган.

21. «Ҳафт қулзум» (Етти денгиз) ва «Баҳори аҷам» лугат китоблари.

22. «Нафаҳот ул-унс» — «Қувончли тухфалар», А. Жомийнинг асари бўлиб, тасаввуф аҳли таржимаи ҳоллари берилган. 1475—1476 йилларда ёзилган бу асарда 609 та сўфий шоир ва уламолар ҳақида маълумот бор. Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари бевосита шу тазкира асосида ва ундан руҳланиб ёзилган.

23. Мифтоҳ ул-толибин — лугавий маъноси: толибларга калит.

24. Долқ — қаландарлар энг устларидан киядиган кийим, чакмон.

25. Кадун матбаҳ — каду: қовоқ; матбаҳ — ош, ошхона. Бир томони кесиб ич ўтказилган, белга боғланадиган қовоқ.

26. «Боқирғон китоби»да бир неча парчалар Машраб қаламига мансуб экани Фитратнинг «Ясавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» мақоласида айтилган.

27. Кашф ул-ҳақ — ҳақиқатни кашф этиш.

28. Муосир — замонавий, бу ерда: замондош.

29. Ҳазаж баҳри — аруз баҳрлардан бири. Матнда «ҳараж» ёзилган. Матбаа хатоси бўлса керак.

30. «Мабдайи нур» — «Нурнинг чиқиш жойи», Машрабнинг Румий асарларига шарҳ сифатида ёзган асари. «Бу асар Машрабнинг қаламига мансуб эмас» деган хулосага келинганда, Фитрат ушбу мақолада унинг Машрабники эканини исбот этган. Ҳозирги даврда ҳам адабиётшунослар ўзларининг тадқиқотларида гарчи Фитратнинг номини тилга олмаган бўлсалар-да, бу асар Машрабники экани ҳақида маълумот берадилар. Қаранг: И. Абдуллаев, Машраб ва «Мабдайи нур». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» г., 1991, 12 апрел.

31. Вяткиннинг бу фикри Ғафур Ғуломнинг юқорида кўрсатилган мақоласига асос бўлган. Қаранг: Ғафур Ғулом «Икки Машраб». «Ўзбекистон» г., 1959, 12 июл.

### «ФАРҲОДУ ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Фитратнинг ушбу мақоласи Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан нусха ва ўртак олиб, туркий халқлар адабиётида қатор «Фарҳод ва Ширин»лар яратилган даврда ёзилди. Фитратдай улкан навоийшунос олим бу сюжетнинг фақат Навоий дос-

тонида қўлланилишинигина эмас, балки Навоийдан кейин ушбу мавзуда яратилган қатор асарларни ўрганишни ҳам илмий жамоатчилик олдига масала қилиб қўйди. Айниқса, «Фарҳод ва Ширин» ўзбек адабиёти учун нисбатан ёш саналган либретто жаурида ҳам ақс эътифгани ва шу муносабат билан юз берган айрим чалкашликлар Фитрат мақоласининг яратилишига сабаб бўлган.

Мақола 1930 йили «Аланга» журналнинг 1-(14—17-бет) ва 2-сонини (9—14-бет)да эълон этилган. Асл матидаги форсча парчалар эски ўзбек ёзуви (яъни араб имлоси)да берилган, уни ўз ҳолида қайта чоп этишга имконият бўлмади.

1. Хуршид — асл номи Шамсуддин Шарофиддинов (1892—1960), шоир, драматург ва таржимон. 1924—1929 йилларда «Тилак» театр труппасига раҳбарлик ва режиссёрлик қилган. Айни шу йиллари Навоий дostonи асосида «Фарҳод ва Ширин»нинг опера либреттосини яратган. Асар 1925 йили Топкентда нашр этилиши баробарида «Тилак» театр труппаси томонидан ҳам саҳнага қўйилган.

Бундан ташқари, Хуршиднинг «Эски ва янги» драмаси, «Кичик аскар», «Лайли ва Мажнун», «Спёвущ» каби мусиқали драма ва опера либреттолари маълум.

2. Хусрав Эрон сосоний ҳукмдорларидан Пўширавоннинг набирасидир... — тўла номи Хусрав II Парвез. Тутилган йили аниқ эмас, вафоти—628 й. Сосоний ҳукмдорларидан Хусрав I Пўширавоннинг набирасидир. 591 йили Византияга қочган Баҳром Чўбин устидан ғалаба қозонгач, Эрон тахтини эгаллаган. Унинг вафотида сўнг, ўрнига ўғли Қавад II тахтга ўтирди. Бу ҳақда қатор тарихий манбалардаги маълумотлар қаторида Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асаридаги қимматли маълумотларни ҳурмат билан эсга оламиз.

3. Парчанинг мазмуни Фитрат томонидан берилгани учун таржимага эҳтиёж қолмайди (кейинги парчаларда ҳам шундай). Байтларнинг таржимаси учун қаранг: Фирдавсий. Шоҳнома, III китоб (Ш. Шомуҳамедов ва Ж. Жабборов таржимаси), Т., 1977, 537 б.

4. Фирдавсийга кўра бу дoston тубандагичадир — «Шоҳнома» да Фирдавсий ўз асарининг сўнги дostonларидан бирини «Хусрав Парвез ва Ширин дostonи» деб номлаган. Заҳматкаш мутаржимларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу дoston ўзбек тилида эълон этилгани учун у ҳақда қўшимча маълумотга ҳожат йўқ. Қаранг: Фирдавсий. Шоҳнома (3-китоб), 1977, 535—621-б.

Фитрат Фирдавсий ҳақидаги мақолаларида ҳам бу дoston таҳлилига яна қайтади.

5. Низомий дostonининг туркча (озарбайжонча) матни учун қаранг: Низомий. Хусрав ва Ширин. Баки, 1962.

6. Бу мисраъ дostonнинг Боку нашрида «Бас он ке аз санон оташ ангиз» деб берилган. Бу ҳақда қаранг: Низомий, Хусрав ва Ширин (араб ёзувида) Баки, 1960, 417 б.

7. Бесутун — баъзи манбаларда Беҳистун ёки Биҳиштун. Шимолӣ Эронда, Ҳамадон шаҳридан 100 км.ча ғарбда жойлашган тоғ оралиғидаги қоя. Бу қоя. Фарҳод номи билан боғлиқ. Ундаги барельефлар (суратлар)ни Фарҳод чизган, у бу тоғэтакларида канал қазиган, деган ривоятлар бор.

8. Бесутун тоғидаги барельефлар ҳақида қадимги тарихчиларнинг китобларида шундай маълумот бор: «Ажойиб ўймакорлик билан ишланган бир тасвир мавжуд бўлиб, ҳикоя қилишлари ча, бу вазифани бажаришни Хосрав Аборвиз (Парвез) донишманд Фарҳад (Фарҳод)га топширган». Бу ҳақда қаранг: Абу Дулаф. Рисолаи Сония. М., 1960, 24-б.

9. Бу асарнинг танқидий матни учун қаранг: Амир Хусрав Деҳлавий. Ширин ва Хусрав (форс тилида, араб ёзувида, нашрга тайёрловчи Э. Алиев). М., 1961.

10. Байтнинг иккинчи мисраси тушиб қолган. Уни асарнинг кейинги нашрлари бўйича тўлдириш мумкин:

Ки, мулки андоқу ойини мундоқ,  
Сипоҳи андоқу тамкини мундоқ.

Фитратдаги матнда биринчи мисра ҳам бузиб берилган. Солиштириш учун қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 8-жилд, Т., 1991, 45-б.

11. Ушбу байтдан олдин келган уч байт Фитрат мақоласида тушириб қолдирилган.

12. Ушбу байт кейинги нашрда:

Бировким бир чаманда сойир эрди,  
Нечаким гул очилган кўрди, терди

тарзида берилган. Қаранг: Алишер Навоий, МАТ; 8-жилд, 44-б.

13. Ҳожини ёки Хожа. Бу ерда Ҳофиз Шерозий назарда тутилган.

14. Ашраф — ўз «Ҳамса»сида «Хусрав ва Ширин» мавзуида дoston яратган форс шоири. Навоий у ҳақда «Мажолис ун-нафоис»да хабар берган. Қаранг: Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т., 1961, 13-б.

15. «Исмлари маълум бўлмаган икки шоир»ни озарбайжон олими Ҳамид Арасли «Фарҳоднома»нинг муаллифи Ориф Ардабелӣ ва «Ширин ва Фарҳод»нинг муаллифи Ҳасан Салимий деб кўрсатган Қаранг: Ҳ. Арасли. Низомий ва Навоий. «Гулистон» ж., 1940, 4-сон, 17-б.

16. Шу жойда Фитрат мақоласининг 1 қисми тугайди. Мақола «Аланга» журналининг 1930 йил 2-сони (9—14-бет)да давом этган.

17. Кейинги нашрда «гуҳаротдур». Шуниси тўғри бўлса керак. Қаранг: Хусрав Деҳлавий. Ширин ва Хусрав. Т., 1961, 150-б.

18. Суқрот Ҳаким — машҳур юнон файласуфи Суқрот (эр. ав. 470—399 йиллар) Афинада яшаган, умрининг сўнгроғида «янги динни талқин қилгани ва ёшларни чалғитгани учун» ўлим жазосига ҳукм қилинган. Турмада ўзини заҳарлаб ўлдирган файласуф. Навоий асарида афсонавий донишманд тимсолида келтирилган.)

19. Мағора — гор.

20. «Соқийнома»нинг кейинги нашри учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 8-жилд, 222-б.

21. Муҳосара — уруш, кураш. Бу ерда: қамал маъносида.

22. Кейинги нашрда «ишқу дард» ўрнида «дарду ишқ» берилган. Бизнингча, вазн ва қофия жиҳатдан Фитрат мақоласидаги сўзлар ҳақиқатга яқин келади.

23. Илқин — кейинги нашрда «меҳрин».

24. Келтирилган Инзомийнинг дostonи бўйича форсий мати билан Навоийнинг асари бўйича берилган бу парчалар миқдор жиҳатдан тенг эмас. Фитрат уларни байтма-байт солиштириш тарафдори эмас, балки улар умумий мазмунда айни мана шу сўхбатга айрича эътибор қаратиб, ҳар икки шоир маҳорати ҳам бу билан яхши кўрилганини тасдиқламоқчи.

25. Хидой — МАТ бўйича «фидойи». Бизнингча, Фитратдаги мати тўғри. Аччиланган Хусрав Фарҳодни «хидой» — «хитой» деб камситяпти.

26. Ғаддор — МАТ бўйича «заркор».

27. Бу байтгача келган

Танимни ғайр куйдиргил демасмен,

Кн бу дард ўтидин рози эмасмен

мисралари Фитрат мақоласида тушиб қолган.

28. Умар Боқий ҳақида бирор эътиборли маълумотга дуч келинмади. Фитратдан сўнг бу мавзуга қўл урган О. Шарафиддинов, С. Эркипов ва бошқалар ҳам унинг 19-асрда яшаган шоир эканини қайд этиш билан чекланишган ҳолос.

29. Иноқ — подшоҳ ёки амир буйруғини элга ёки аъёнларга етказувчи, амир помига келган хатларни ва унинг буйруқларини ўқиб эшиттирувчи шахс (лавозим).

30. Фитратнинг бу тахминий кейинчалик қатор олимларимизнинг тадқиқотлари натижасида тасдиқланди. Бу ҳақда қаранг: «Ўзбек насри тарихидан» (тўплам), Т., 1982, 88—102-б.

31. Маҳзун — XIX асрда Қўқон муҳитида ижод этган шоир ва адиб. Унинг «Фарҳод ва Ширин» достони Умар Боқийники сийғари насрий баён эмас, балки Низомий, Деҳлавий ва Навоий асарларидан баҳраманд бўлган ҳолда достоннинг халқ оғзаки ижодидаги вариантга яқинроқ шаклини яратган. Асар ҳақида қаранг: «Фарҳод ва Ширин», Т., 1908, (араб ымлосида).

32. Мир Маҳмуд ибни Юнуснинг ҳаёти ҳақида Фитрат аниқлаган маълумотлардан ўзга хабарни учратмадик.

33. Ғулом Зафарий (1889—1944) — шоир, олим ва драматург. Унинг «Ҳалима» операси жуда машҳур бўлган, у ҳақда Фитрат ҳам тақриз ёзган. Бу ерда олим томонидан ёзиб олинган халқ эртаклари хусусида фикр боради.

34. «Фарҳод ва Ширин» мавзусидаги достонларни қиёсий ўрганиш натижасида Фитрат бошлаган йўлнинг давоми сифатида проф. С. Эркиновнинг «Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили» (Т., 1971) тадқиқоти яратилган.

### «ФОРС ШОИРИ УМАР ХАЙЁМ»

Фитратнинг бу монографияси «Ўзашр»га қарашли Ўзбекистон матбаа ишлари трестининг биринчи матбаасида (Тошкент, 1929) араб алифбосида чоп қилинган. Фитрат ушбу китобга қадар Умар Хайём ҳақида айрим мақолаларида фикр юритган бўлса ҳам «Қизил қалам» мажмуасида эълои қилинган «Умар Хайём» номли мақоласидан ташқари махсус тадқиқот яратмаган. Афтидан, 1928 йили буюк шоирнинг 880 йиллик юбилейи нишонланиши мўлжалланган эди. Ана шу юбилей муносабати билан мақола ҳам, китоб ҳам чоп этилган бўлиши мумкин.

Асарни нашрга тайёрлашда китобнинг 1929 йили чоп этилган ягона нусхасига таянилди. Саҳифа остидаги низоҳ ва луғатлар муаллиф қаламига мансуб. Китобга ёзилган сўз бошида Фитрат «Янги топганим «Татимат ус-савон ал-ҳикма» китобчасининг Хайём ҳақидаги сўзларини арабча ибораси билан китобнинг охирига қўшиб қўйдим» деб ёзган.

1. Ф и т р а т. Умар Хайём. «Қизил қалам», 1-китоб, Т., 1928.

2. Кесма — ҳажм, бу ерда: формат.

3. «Татимат ус-савон ал-ҳикма» — луғавий маъноси: «Ҳикматли воқеаларнинг давоми».

4. Муфрит — ҳаддан ташқари, ўта кетган, ниҳоятда.

5. Умарийлар сулоласи — халифаликни қўлга киритган сулола номи. Баш умарий қабиласи VI асрдан бошлаб араб дунёсид фаол кўрина бошлади. Абу Суфённинг ўгли Муовий халифаликка эришгач, бу сулола анча вақт ҳокимиятни қўлда сақлаган. Халифалик пойтахти дастлаб Мадина, кейин Кўфа ва Дамашқ шаҳарлари бўлган. Бу сулоланинг машҳур

халифалари: Муовия ибни Абу Суфён (661—680), Язид I (680—683), Абдумалик (685—705), Хишом (724—743), Марвон II (744—750). Або Муслим қўзғолови туфайли бу сулола ўз ҳокимиятини йўқотган.

6. Алавийлар ёки нусайрийлар. «Алавийлик» Ҳазрат Алининг номини илоҳийлаштиришдан келиб чиққан. Бу шиа мазҳабидаги йўналишга 9-асрда ибн Нусайр асос солган бўлиб, улар Аллоҳнинг ўзи Ҳазрат Али тимсолида мужассам этилганга ишонадилар. Алавийлар ёлғиз Алини эмас, балки Муҳаммад, Али ва Салмон ал-Форсийда уч хил қиёфада намоён этган деган фикрни ҳам илгари сурганлар. Улар кўпроқ Қуёш, Ой ва юлдузларга сўнгинганлар, «таносух» яъни жоннинг кўчиб юришини ўзларича тушунтирадилар. Улар ўз эътиқодларини махфий тутиб, маросимларини кечалари ўтказганлар. Алавийлар ҳозир ҳам Сурия ва Туркияда бор.

7. Мусонд — ёрдам қилувчи, мувофиқ ёки уйғун.

8. Бармакийлар — аббосийлар халифалигида узоқ вақт вазирлик мансабида турган оила, сулола ҳам дейиш мумкин. Хорун ар-Рашиднинг вазири Яҳё бинни Халид Бармакий бўлган. Унинг ўғли Фазл бинни Яҳё ва Жаъфар бинни Яҳё ҳам Хорун ар-Рашидга вазирлик қилганлар.

9. Тариқ — йўл-йўриқ, йўсин.

10. Тоҳирийлар — тоҳирийлар давлати Хуросонда аббосийлар давлатининг барҳам топишидан сўнг ҳокимият тепасига келади. Унинг асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн бўлиб, бу давлат 821—873 йиллар орасида мавжуд бўлган. Машҳур ҳукмдорлари: Тоҳир ибн Ҳусайн (821—822), Талҳа ибн Тоҳир (822—828), Абдуллоҳ ибн Тоҳир (828—844), Тоҳир ибн Абдуллоҳ (844—862), Муҳаммад ибн Тоҳир (862—873).

11. Саффорийлар — тоҳирийларга қарши курашиб, улар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Сейистонда ўз ҳокимиятини ўрнатган кичик давлат. Асосчиси Яъқуб ибн Лайс Саффор 861 йили ҳокимиятни қўлга олган. Бу ўринда Умар Хайёмнинг ватани Нишопурни бошқарган ҳукмдор ва сулолалар ҳақида фикр юритилади.

12. Сомонийлар — Балх яқинидаги Сомон қишлоғининг асосчиси Сомонхудот номидан олинган, унинг набиралари 819 йили Рофиъ ибн Лайс қўзғоловини бостиришда ёрдам берганликлари учун кичик ҳокимиятни бошқариш ҳуқуқини олганлар. 873 йили тоҳирийларни, кейинроқ саффорийларни енгандан сўнг сомонийлар давлатига асос солинган, пойтахти Бухоро саналган. 999 йили қорахонийлар томонидан Бухоро забт этилгач, бу давлат ҳам барҳам топган. Машҳур ҳукмдорлари: Пуҳ ибн Асад (819—842), Наср I ибн Аҳмад (864—897), Исмоил ибн Аҳмад

(897—907), Аҳмад ибн Исмоил (907—914) ва сўнгиси Мансур II ибн Нуҳ II (997—999).

13. Салжуқийлар — турк-ўғуз қабила бошлиқларидан Салжуқ ибн Дўкак номидан олинган. Салжуқийлар дастлаб Каспий ва Сирдарё бўйларида кўчиб юришган. 11-асрдан бошлаб Яқин ва Ўрта Шарқдаги бир қанча давлатларда ҳукмронлик қилганлар. 11-асрда Хуросонни эгаллаш билан мустақкам давлат тузганлар. 1038 йили Нишопурни эгаллаб Тўғрулбекни султон эълон қилганлар. Али Арслон ва Маликшоҳ даврида Арманистон ва Византияни эгаллаб, бутун Кичик Осиёда, кейинроқ Сурия ва Фаластинда ҳам ҳукмронлик қилганлар. Салжуқийлар салтанти кейинроқ парчаланиб бир неча султонликка бўлиниб кетган: Кирмон султонлиги, Кўнё султонлиги, Шом-Сурия султонлиги в. б. Салжуқий султонларидан Санжар 1441 йили қорахитойлар томонидан енгилиб Ўрта Осиёдан маҳрум бўлган. Нисбатан узоқроқ яшаган Кўнё султонлиги 14-асрда мўғуллар томонидан емирилган.

14. Ғазнавийлар — асосчиси Маҳмуд Ғазнавий ибн Сабуктагин (вафоти 1030) қурган давлат. У 998 йили бутун Хуросонни эгаллаб, ўзини султон эълон қилган. Қорахонийлар хони Наср билан иттифоқ тузган. Маълум муддат, уларнинг давлатлари чегара чизиги сифатида Амударё белгиланган. Кейинчалик, бошқа юрглари, хусусан, Ҳиндистонни забт этган. Ғазнавийлар илм-фанга анча эътиборли бўлиб, Беруний каби олимларни саройда сақлаганлар. Бироқ, у қурган давлат 1030 йилда барҳам топган.

15. Хоразмшоҳийлар — қадимги Хоразм давлати X—XI асрларда яна мустақил давлат сифатида бош кўтарди. 1017 йил Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий, 1043 йили эса салжуқийлар қўшиб оладилар. Салжуқийлар заифлигидан фойдаланиб, уларнинг Хоразмдаги ноибни Отсиз Хоразмшоҳ мустақил сиёсат юргиза бошлайди. Бу давлат Тақаш Хоразмшоҳ (1172—1200) ва Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1221) даврида кучайган. Бироқ, мўғулларга қарши келолмай бу давлат таназулга учраган. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўгли Ҳалолиддин Мангуберди ва Хўжанд ҳокими Темур Маликнинг курашлари натижа бермаган.

16. Таадди — зўравонлик, зулм.

17. Бўшағўр Балхий — айрим манбаларда Абулмуаййид Балхий (X аср) бўлиб келади. Насрий «Шоҳнома»нинг муаллифи. Жуда кўп манба ва тазкираларда, хусусан, «Тарихи Табарий», «Лубоб ул-албоб», «Тарихи Сейистон»да тилга олинган форсийзабон шоир.

18. Дақиқий — тўла номи Абу Мансур Муҳаммад библи Аҳмад Дақиқий (вафоти 980). Асли Балхдан, Бухорода Чағониён амирлари саройида яшаб, ижод қилган. Балхийнинг насрий «Шоҳ-



нома»сидан сўнг, форс тилида дастлабки «Шоҳнома»ни шу шоир яратган. Унинг бевақт ўлдирилиши билан асар тўхтаб қолган, уни «Гершаспнома» унвони билан Фирдавсий ўз асарининг кичик қисмида келтиради.

19. Рудакий — тўла ном Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (тахм. 860—941). Форс-тожик шеъринининг асосчиларидан бири. Бухоро ҳокими Наср II Аҳмад Сосоний саройида ижод қилган. Шоир Асадий унинг 100 000 мисрадан 13 марта шеърини китоблар битганини қайд этади. Бизгача миёна байт атрофида мероси етиб келган бўлиб, улар 2 қасида, 50 рубоий, «Калила ва Димна» достонидан парча ва қолгани шеърлардир.

20. Асадий — тўла номи Абу Мансур Али ибн Аҳмад Асадий — Тусий (10—11 аср) Ҳозирги Озарбайжон ҳудудида яшаган шоир, форс тилида ижод этган. Асосий асарлари: «Гершаспнома» (1066)—9 миёна байтдан иборат достон. Форс тилининг қадимги изохли лугатларидан «Лугати форс» (1060)ни яратган. Мувозара жанрида «Ер ва осмон», «Кеча ва кунду», «Найза ва камон», «Мусулмон ва кофир», «Араб ва аҷам» асарлари сақланган.

21. Фирдавсий — машҳур форс шоири Абулқосим Фирдавсий — Тусий (940—1030). 976 йилда Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг талаби билан Дақиқийнинг «Шоҳнома»сини давом эттирган. Асар 55 миёна байтдан ташкил топган бўлиб, «афсонавий», «қаҳрамонлик» ва «тарихий» деб номланган уч қисмга шартли равишда бўлинади. «Шоҳнома»дан ташқари. Фирдавсий шеърини асарлар, Маҳмуд Ғазнавий ҳажви ва «Юсуф ва Зулайҳо» достонларини яратган.

22. Мутақориб вази — аруз тизимидаги баҳрлардан бири, луғавий маъноси: яқинлашувчи. Бу баҳр кўпроқ маснавийларда қўлланилади; достонлар, асосан, мана шу баҳрда яратилган.

23. Хорун ар-Рашид — аббосий халифалардан Абул Аббас ас-Саффоҳ, ал-Мансур, Маҳдийдан сўнг халифаликни эгаллаган. Халифалик даври 786—809. Унинг даврида Бағдод жаҳоннинг энг мўътабар илмий марказларидан бирига айланган. Фан, техника ва маданият жуда яхши тараққий қилган. Бу ҳақда Фитрат «Мухтасар ислом тарихи» рисоласида кенг маълумот берган.

24. Қарина — далил, аломат, ишона.

25. Таҳмил қилмоқ — бойитмоқ, безамоқ.

26. Маншай — келиб чиқиши.

27. «Матла ул-нужум ва мажма ул-улум» — нуҷум (астрономия) илмининг бошланиши ва (бошқа) илмларнинг мажмуаси.

28. Шамсиддин Сомий (1850—1904) — турк адиби ва олми, илмий асарларидан ташқари, «Қомуси туркий» (1900), «Қомус ул-аълум» каби луғат китобларини ёзган.

29. Умар Хайёмнинг математикага оид китоби. Бу ҳақда қаранг: Юшкевич А. Г. Омар Хайям н его «Алгебра» (Труды института истории естествознания, т. II М., 1948.)

30. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарин назарда тутилади. Фитрат тилга олган Шоҳфур—Ашҳарий таржимайи ҳоли ўзбек тилида эълон қилинган «Шоирлар бўстони» китобига кирмаган.

31. Тасҳиҳ — тузатиш, хатоларни ислоҳ қилиш.

32. Ҳайъат — астрономия.

33. Наҳс ва саъд — бадбахтлик (бахтсизлик) ва бахт, толега ёр.

34. «Рисолаи жабр ва муқобала» — бу асарнинг тўла номи «Рисолаи фил бароҳийи ала масоийил ал-жабр ва-л-муқобала»дир. Таржимаси: Алгебра ва ал-муқобала (қаршилик назарилси) исботлари ҳақида рисола.

35. Бу ўринда Умар Хайёмнинг «вужуд фалсафаси» ҳақида бир эмас, балки икки китоб ёзгани маълум: «Рисола фил-вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола») ва «Рисола фи қуллиёти вужуд» («Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола»).

36. Кави — борлиқ дегани. Эҳтимол, бу ўринда юқорида биз номларини келтирган рисоалардан бири назарда тутилаётган бўлиши мумкин. Кўпلىги — қонвот.

37. «Лавозим ул-тамкина» — «Оғирлик белгилари».

38. «Равзат ул-қулуб» — «Кўнгилларнинг боғи», «Қалбларнинг авёратгоҳи» шакларида таржима қилиш мумкин.

39. Пфрот — тафрит — ҳаддан ошш, чегарадан чиқш.

40. «Ахбор ал-уламо» — «Олимлар ҳақида хабарлар».

41. Хоб — уйқу.

42. Қина — душманлик, адоват.

## Муҳтарам китобхон!

Мана, Фитрат «Танланган асарлар»и иккинчи жилднинг сўнги саҳифаларини варақлаб турибсиз.

Миллий уйғониш даври адабиётининг вакиллари узоқ умр кўрмаганларидек бадний ижод соҳасида ҳам баракали ҳаёт кечирмаганлар. Чоризм даври ҳам, социализм ҳам уларга эркин ижод этиш имконини бермади. Аммо шунга қарамай, бу давр адабиётининг аксар намояндalarидан бизга бой адабий мерос қолган.

Афсуски, Фитрат ва Чўлпон сингари миллий уйғониш даври адабиётининг пешқадам намояндalarига «халқ душмани» деган тавқин лаънат боғлангани учун узоқ даврлар мобайнида улар меросини тўплаб ўрганиш ва нашр этишининг иложи бўлмади. Ёиллар ва даврлар ўтиши билан эса уларнинг айрим кишилар қўлида сақланиб қолган қўлёзмалари йўқолди, улар асарлари босилган газета ва журнал тахламлари сийраклашди. Шунга ўхшаш қатор сабаблар туфайли бугун, жумладан, қатағон этилган маърифатпарвар ёзувчилар, шоирлар ва журналистлар қаламига мансуб адабий мерос намуналарини ахтариб топиш ва чоп этиш мушкул бир аҳволда қолди.

Шу кунларда тўққиз йиллиги нишонланаётган Мустақиллик худди шу масалада оғриқли муаммоларимизни ечиш, истиқлол қаҳрамонлари асарларини бир жилдлик ё кўп жилдлик нашрлар орқали халққа етказиш имконини яратди. Ана шу имкониятдан фойдаланган бошқа нашриётлар қатори, «Маънавият» ҳам бу муборак ва хайрли ишга ўз ҳиссасини қўша бошлади.

Агар муҳтарам китобхонларнинг ёнида бўлса, бундан бир неча йил илгари Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бир жилдлик «Танланган асарлар»и билан «Маънавият» нашриётида «Истиқлол қаҳрамонлари» деган руқни остида миллий уйғониш даври адабиётига тамал тошини қўйган ёзувчилардан бирининг китоби босилиб чиққан эди. Шундан бери шу руқнда Абдулла Авлонийнинг икки жилдлик, Чўлпон, Камий, Ибрат, Сўфизода ва Ажзийнинг бир жилдлик асарлари эълон қилинди.

Шубҳасиз, бундай хайрли ишга фақат «Маънавият»

нашриётигина бош қўшмоқда, деб бўлмайди. Биз бундай фикрдан узоқмиз. Мамлакатимиздаги бошқа нашриётлар ҳам қатағон этилган ёхуд унутилган ёзувчиларимиз адабий меросини халққа етказиш ишида, том маънода, жонбозлик қилмоқдалар. Масалан, «Чўлпон» нашриёти биринчилардан бўлиб Тоғ юлдузи номини ўзига тахаллус этиб танлаган шоирнинг «Баҳорни соғиндим», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти эса «Яна олдим созимни» деган «ёстиқдек» китобини халққа ҳада этган. Бундан икки-уч йил илгари эса шу нашриёт Фитратнинг «Чин севиш» тўпламини чоп этиб, китобхонлар оламини хушнуд қилган.

Бироқ, сирасини айтганда, бу китоблар миллий уйғониш даври адабиёти денгизидан олинган бир-икки меш оби раҳматдир. Шунинг учун ҳам бу давр адабиёти намояндalarининг аср бошларидан XX асрнинг 30-йилларга қадар бўлган даврда ўзбек халқи миллий ва ижтимоий онгининг уйғониши, бадний тафаккурининг маърифат, маънавият ва истиқлол ғоялари камалаги билан товланишига қўшган бебаҳо ҳиссасини кўрсатиш, бунинг учун эса, энг аввало, улар меросини мумкин қадар тўла шаклда эълон қилиш жамиятимиз олдида турган муқаллас вазифалардан биридир.

«Маънавият» нашриёти шу нарсани чуқур ҳис этиб, зикр этилган давр адабиётини намояндalарини меросини оммалаштириш ишига астойдил киришган.

Фитратнинг қўлингиздаги икки жилдлик «Танланган асарлар»н маълум даражада синов нашрдир. Агар нашриёт бу икки жилдлик Фитрат меросини эълон қилиб тўғри иш қилган бўлса ва нашриёт бунинг сезиш имконига эга бўлолса, ушбу нашрнинг учинчи ва тўртинчи жилдларини чоп этиш учун ҳам асос пайдо бўлади. Натижада Фитрат адабий меросининг асосий қисми китобхонлар қўлига китоб шаклида етиб боради.

Баҳс ушбу нашр устида борар экан, бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Гап шундаки, бугунги адабий тил билан аср бошлари ё 20-йиллардаги ўзбек адабий тили ўртасида катта фарқ бўлганидек, аср бошларидаги алломаларимизнинг дунёқарашлари, қизиқиш доиралари, миллий тараққиёт ва истиқлол йўлидаги изланишлари билан бугунги авлоднинг сиёсий, ижтимоий ва маданий қарашлари ўртасида ҳам тафовутнинг бўлиши табиий. Халқимиз ва унинг зиёлилари бугунги юксакликка осонлик билан етиб келмаган. Аммо бугунги

ҳар томонлама юксак довонга кўтарилишимизда Фитрат сингарни салафларимизнинг хизматлари буюқдир.

Ўзбек адабиётининг кўп асрлик тарихига назар ташлаган киши XX аср адабиёти билан мумтоз адабиётимизнинг бошқа даврлари ўртасида ер билан осмончалик фарқ борлигини кўради. Ана шу фарқ адабиётнинг XX аср бошларига келиб, халқ ва жамият ҳаёти билан узвий алоқага киришгани ва шу ҳаётнинг яхшиланиши йўлида иш олиб борганида, айниқса, намоён бўлади. Шу маънода тарих XX аср бошларида ўзбек адабиётига кириб келган ёзувчилар олдига янги тарихий-адабий вазифаларни қўйди. Улар энди қўшни халқларнинг адабий тажрибасинигина эмас, балки уларнинг ҳаёт тарзи, маданий даражаси, ижтимоий аҳволи, мактаб ва маорифини ҳам урганишга тарих томонидан сарфарбар этилдилар. Ана шу вазифани ўташ жараёнида ёзувчи ва журналистларимиз олис ва яқин қўшни халқлар турмуши ва маданияти билан яқиндан танишиб, кимдан қайси масалада ибрат олиш мумкинлиги ҳақида бир фикрга келдилар. Уларнинг аср бошларидан 20-йилларнинг ўрталарига қадар бўлган даврда ёшларни нафақат Яқин Шарқ мамлакатлари, балки биринчи навбатда Германия, Франция, Англия, Польша сингари мамлакатларга ўқишга юборгани тасодифий эмас. Улар келажакда Европа типигаги дунёвий давлатни барпо этиш ғояси билан яшаганлар, десак, муболаға бўлмайди. Айни пайтда улар тили ва тарихи яқин халқлар билан ҳам ҳамкорлик қилиш мустамлака шароитида яшаётган ўлка учун муҳим ҳаётий аҳамиятга молик масала эканини яхши тушунганлар.

Ушбу мулоҳазалар умуман миллий уйғониш даври намоёндаларига тааллуқли бўлганидек, Фитратга ҳам биринчи навбатда оиддир.

Фитрат — кўп асрлик ўзбек маданияти тарихида ғоятда улуғ ва ноёб ҳодиса. У шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, публицист, адабиётшунос, санъатшунос, тилшунос, тарихчи, файласуф... Бундай кенг билимли, ҳар томонлама истеъдодли сиймони XX аср жаҳон адабиётида бошқа топиш маҳол. У айни пайтда сиёсатчи, давлат арбоби ва истиқдол учун оташин курашчидир. Унинг «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» пьесалари нафақат Ўзбекистон, балки Ҳиндистонда миллий мустақиллик учун олиб борилган кураш қатнашчиларига ҳам куч ва мадад бағишлаган. Ана шундай оламшумул тарихий сиймони бутун салобати билан кўриш ва тўғри

баҳолаш учун нафақат унинг тўла асарлар тўпламини нашр этиш, балки серқирра фаолияти ва ҳаётини ёрқин тасвирловчи асарлар ҳам яратиш лозимдир.

Шу маънода қўлингиздаги китобни хамир учидан патир сифатида қабул қилиш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Тарихнинг бурилиш нуқталарида улуғ сиймолар майдонга келади. Бу сиймолар қаерда ва қайси асрда тарих саҳнасида пайдо бўлмасин, улар бутун бир халқ тақдирида чуқур из қолдириб кетадилар. Афсуски, Фитратлар яшаган тарихий шароит ва уларни вужудга келтирган халқнинг ижтимоий-маданий даражаси улар ғояларининг қанот ёзиши ва реал кучга айланишига имкон бермади. Лекин халқ миллий онгининг кўз очиши, улар қалбида ҳуррият, ватан, миллат ва истиқлол сингари сўзларнинг камалак нурларини таратишида Фитратлар, Чўлпонлар, Қодирийлар, Ҳамзаларнинг хизматлари оз эмас. Бинобарин, улар асарларининг халққа етиб бориши истиқлол даврига, истиқлол мафкурасига, истиқлол самараларининг мустақамланишига, албатта, хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси «Маънавият» нашриёти билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилиб, миллий уйғониш даври намояндалари ва қатағон қурбонларининг миллий истиқлол мафкураси билан ҳамоҳанг бўлган асарларини чоп этиш ва шу йўл билан улар хотирасини абадийлаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшади. Уйлаймизки, яқин келажакда сиз, азиз китобхонларни Мунаввар қори Абдурашидов, Саид Аҳрорий, Шокиржон Раҳимий, Тавалло сингари машҳур сиймолар билан учрашувлар кутади. Уйлаймизки, бу учрашувлар сизнинг ўзбек халқи тарихининг муборак саҳифаларидан бири — миллий уйғониш даври ҳақидаги билимингизни бойинтибгина қолмай, маънавий баркамоллик манзилларини ишғол этишингизга ҳам имкон туғдиради.

Наим ҚАРИМОВ,  
«Шаҳидлар хотираси» хайрия  
жамғармаси раиси.

## МУНДАРИЖА

Навойнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида	3
«Ўтадгу билиг»	11
Аҳмад Яссавий	17
Аҳмад Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар	31
Чигатой адабиёти	37
«Ҳибат ул-ҳақоийиқ»	45
XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш	55
Ўзбек шоири Турди	61
Муҳаммад Солиҳ	72
Машраб	82
«Фарҳод ва Ширин» достони тўғрисида	105
Форс шоири Умар Хайём	134
Изоҳлар	173

*Адабий-танқидий нашр*

**АБДУРАУФ ФИТРАТ**

**ТАШЛАНГАН АСАРЛАР**

II ж и л д

**Илмий асарлар**

*Тошкент «Маънавият» 2000*

Муҳаррир **М. Исоқова**  
Бадий муҳаррир **С. Аъзам**  
Техн. муҳаррир **Т. Золотилова**  
Мусаҳҳиҳ **С. Абдусаматова**

Теришга берилди 03.04.00. Босишга рухсат этилди 26.06.00. Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 10,92. Шартли кр.-отт. 11,34. Нашр т. 11,14. 5000 нусха. Буюртма № 62. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент. Буюк Турон, 41. Шартнома 8—00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 2000.

Ф 71

**Фитрат, Абдурауф.**

Танланган асарлар // Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов, Н. Қаримов, ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Н. Қаримов/. — Т.: «Маънавият», 2000.— Жилд II. Илмий асарлар. — 208 б.

Сарлавҳада: ЎзР «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси.

Ўз2